ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

БОТИР МАТЁҚУБОВ

# ДОСТОН НАВОЛАРИ

*Илмий нашр*

Тошкент
2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ўзбекистон давлат консерваториясининг Илмий-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*

*Масъул муҳаррир*

Равшан ЮНУСОВ
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

*Тақризчилар*

Тўра МИРЗАЕВ
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор

Отаназар МАТЁҚУБОВ
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

*Нашр учун масъул:*

Бахтиёр АШУРОВ
ЎзДК Ихтисослашган илмий тадқиқот маркази илмий ходими

Ушбу нашр ўзбек достончилигининг асл ва жонли манбалари бўлган бахшилар ижодини ўрганишга бағишланган. Унда достонларнинг мусиқий хусусиятлари илмий асосланган ва таҳлил этилган.

Иккинчи бўлимда Авазхон, Базирён, Хирмондали, Ошиқ Махмуд, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам каби Хоразм достонларининг адабий нота матнлари ҳамда аудио ва видео ёзувларини DVD дискда илова сифатида берилиши достонлар ҳақида тўлиқроқ тассурот ҳосил қилишга кенг имконият яратади.

Китобдан болалар мусиқа ва санъат мактабларининг бахшичилик ва халфачилик синфлари, маданият ва санъат ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти», «Ўзбек мусиқаси тарихи», «Анъанавий ижрочилик санъати тарихи» каби фанларда қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, китоб достонлар ва бахшичилик санъати билан қизиқувчилар учун ҳам мўлжалланган.

**© Ботир Матёқубов, 2009.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Шарқ халқлари оғзаки ижодиётида адабий-мусиқий достонлар муҳим ўрин тутади. Улар авлоддан-авлодга ўтиб келган сўз, шеър, овоз, соз ва томоша санъатини ўзида мужассамлаштирувчи бебаҳо бадиий намуналардир. Достонларнинг ҳар бир қирраси бир бутунича асрлар давомида кишилар маънавий эҳтиёжларини қондириб келган қадимий шарқона санъат.

Ўзбек миллий достончилиги эса ушбу серкўлам жабҳадаги умумтуркий маданиятнинг ёрқин ва ўзига хос бир бўлагидир. Зеро қадимий ва барқарор достончилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи маънавий бисотида мазмунан баркамол, шаклан ва услубан хилма-хил асарлар, ҳар бирида олам-олам бадиий қадриятлар, ижодий бойликлар миллий мерос тарзида эъзозланиб, салмоқли адабий-мусиқий қатламни ташкил этади. Ота-боболаримиз уларни яратиш, сўзлаш, куйлаш ва тинглаш билан узоқ асрлар давомида маънавий эҳтиёжларини қондириб, келажакка ишонч руҳи билан яшаб меҳнат қилиб келганлар. Шунингдек, замоналар силсиласини сақлаб, достончилик анъаналарини давом эттирган ҳолда бугунги куннинг маънавий ва маърифий омили бўлиб майдонга чиқишини таъминлаганлар. Айниқса мустақиллик йилларида янгича тафаккуримиз қатори жуда қадимий чашмалардан озуқа олувчи санъат турлари ҳеч бир замонда бугунгидек эъзоз ва эътибор топган эмас.

Ҳақиқатан ҳам достонлар ва уларнинг қўшиқларида халқ ҳаётининг маълум тарихий тараққиёт даври учун хос бўлган муҳим масалалар кўтарилиб, ҳаққоний ёки эртакнамо воқеалар, афсона ва ривоятлар тарзида шоир ва бахшилар томонидан тўқиб ўзлаштирилган, қайта ишланган ва куйлаб келинган. Улар илҳом билан инсонлар қалб торини энг нозик ришталарини қўзғатган, таъсир қилган ва руҳий озуқа улашиб келган.

Қадимий достончилик анъаналари музей ёки қўриқхонада сақланадиган нусхалардан фарқли ўлароқ жонли мерос бўлиб, эндиликда унга маданий жамоатчилиги қизиқиши тобора ортиб бормоқда. 1999 йил 6 ноябрида қўҳна Термиз шаҳрида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «Алпомиш» ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлоддан-авлодга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир» деб, достонни юракдан чиққан оҳанг ва эҳтирослигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ушбу муборак саъна ЮНЕСКО дастури асосида халқаро миқёсда кенг нишонланиши, унга бағишланган тантаналарда ва кейин ҳам чет элларда билдирилган муносабат, эътибор, фикрлар ва истаклар, «Алпомиш» ва бошқа достонлар ота-боболаримиз маънавияти юксалишида нақадар аҳамияти катта эканлигини бутун дунёга намойиш этди.

Бу борада Термиздаги тадбирда Юртбошимиз – «Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни куйлаб, гавҳардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қаршисида таъзим қиламиз.

Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлур эдим. Бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо «Бахшили эл – яхшили эл» деб улуғланган. Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Сайидмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир шоир ва Шоберди каби достончиларнинг номини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли «Алпомиш» бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда», – деб бахшилар санъати ва истеъдодига юксак баҳо берганлар[1].

[1] Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» «Ўзбекистон» 2000. 8 жилд. 78-82 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўзбекистон халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилиши эса санъаткорликнинг ушбу жабҳасига берилаётган эътибордан далолат деб билиш мумкин.

Туркий халқлар достончилиги жуда қадим, бой, мураккаб ва айни чоғда ўзаро муштарак адабий-мусиқий воқелик эканлиги адабиётшунослик ҳамда санъатшунослик фанларида аллақачон эътироф этилган. Достончиликнинг тарихий ва назарий масалаларига оид тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар қаторида биринчи навбатда достонларни филологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган. Булардан В.М.Жирмунский, Ходи Зариф, В.А.Гордлевский, В.А.Карриев, М.Саидов, К.Мақсетов, Ж.Қобулниёзов, Т.Мирзаев, Ҳ.Абдуллаев, Н.Собуров, М.Муродов, О.Мадаев, С.Рўзимбоевларнинг асарларини қайд қилиш ўринли. Айниқса Ходи Зариф ўзбек халқ оғзаки ижодиёти ўлмас намуналарини йиғишда қатағон йилларининг суронли таҳдидларига қарамасдан, ҳаёти хавф остида турган бир пайтда жонбозлик кўрсатди. Ота-боболар буюк меросини ўз сўзи ва овози билан собиқ иттифоқда, чет элларда танилишида тинмасдан меҳнат қилди ва қатор шогирдлар етиштирди. У достончилик фанининг асосчиси сифатида миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳар томонлама ривожлантирган ҳолда тарихий, этнографик, назарий ва амалий жиҳатдан пухта мактаб яратган атоқли олимдир.

Мухтасар қилиб айтганда филолог олимлар томонидан достонларнинг кўпчилиги машҳур ижрочилар оғзидан ёзиб олинган, аксариятининг матнлари қиёсий, халқнинг тарихи ва психологиясига оид жиҳтатлари маълум даражада ўрганилган.

Шундай бўлсада, достончиликни атрофлича, тўла-тўкис, муфассал ўрганишда ҳали кўтарилмаган ёки етарлича ёритилмаган долзарб масалалар талайгина. Булар қаторида авваламбор достонларнинг мафкуравий жиҳатдан долзарблиги. Қаҳрамонлар образи масаласи нуқтайи назардан қараганда улар (Алпомиш, Гўрўғли ва бошқа достонларнинг образлари) синовлардан ўтган бўлиб, ҳозирги замон қаҳрамони бадиий қиёфасини яратишда жуда ҳам қўл келади.

Достонлар синкретик санъат бўлиб, бунда сўз, соз, томоша ва бошқа унсурлар муштаракдир. Унинг сўз жиҳати кўп ўрганилган, аммо мусиқий омил кам тадқиқ қилинган. Ваҳоланки, достонларнинг мусиқаси умумий ва яхлит тизим ичидаги ўзича яна бир алоҳида тизим ҳисобланади. Уларнинг айнан мусиқий намуналари замонлар оша эскирмай келаётган қадриятдир. Куй-оҳангнинг ўзига хос табиати маънавий ҳаётбахш кучга эга озуқа сифатида жонли ва қудратли анъана бўлиб келаяпти. Ушбу мусиқий анъаналарининг туб илдизлари, уларнинг шаманлик билан тарихий боғлиқликлари, номаларнинг шакл, парда ва усуллари, овоз ва соз ижрочилиги, тараққий этиш жараёни, диний-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий ва айниқса ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга тегишли масалалар янада чуқур ўрганилиши лозим.

Назаримизда, достонларнинг мусиқий асосларини ўрганиш борасида бирмунча иш қилинган. Шу жумладан тадқиқодчи-олимлар И.Акбаров ва Ю.Кон «Ўзбек халқ музикаси»нинг IX жилдига ёзган сўзбошида Хоразм достон қўшиқлари илмий назарий томондан қисқача таҳлил этилган. Мақолада достон номаларини ўзбек мусиқасининг бошқа турларида деярли кўзга ташланмайдиган жиҳатлари – қўш ладлар, гипофригий (локрий) товушқаторларининг учраши ва бошқа ўзига хосликлари мухтасар таърифланади[1]. Мусиқашунос А.Жабборов ўзининг «Узбекский дастан» (эпос) мақоласида[2] достонга умумий таъриф бериб, уни оғзаки ва ёзма адабий ижодиёт намуналари эканлиги, достончиликда бахши, шоирларнинг вазифалари ва тутган ўрни, достонларнинг шартли равишда баҳодирлик, қаҳрамонлик ва ишқий романтик турларга таснифланишини айтиб, улардан баъзи парчаларни мисол сифатида келтирган. Аммо бу мақолада достончилик мусиқий услубларининг ўзига хос жиҳатларига эътибор берилмаган.

М.Юсупов «Ўзбек халқ музикаси»нинг IX жилдида Хоразм достон қўшиқларининг 49 тасини нотага олиб алоҳида қўшиқлар сифатида эълон қилган. Лекин уларнинг туркумланиш тартиби, достонлардаги ўрни ҳамда бошқа махсус жиҳатларига эътибор қаратмаган.

О.Ҳалимов «Қорақалпоқ намалары» номли «Ўзбек халқ музикаси»нинг VIII жилдида номаларнинг 46 тасини нотага туширган. Уларнинг кўпчилиги ўз асл номлари билан берилган бўлса, бошқалари шеър радифлари билан аталган ва куйларнинг туркумланиши, достонларда қўлланиладиган ўринларини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган[3].

Қорақалпоқ халқ бахшиси Ангсатбай Хайратдинов тўплаб нотага олган «Қобыз намалары» номли китобида жиров номаларидан 50 тасини жамлаб нотага олган ва улар шеър матнисиз куй ҳолида берилган[4].

---

[1] «Ўзбек халқ музикаси» IX жилд. Т., Ўз.Дав.Нашр. 1962

[2] Джаббаров А. «Узбекский дастан» (эпос) в кн. «Вопросы музыкознания» Т., «Фан», 1971. Вып. 2.

[3] «Ўзбек халқ музикаси» VIII жилд. «Қарақалпақ намалары». Т., ЎзДавнашр, 1959.

[4] Хайратдинов А. «Қобыз намалары». Нукус, «Қарақалпагистан», 1985.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Т.Адамбаева таҳрири остида М.Жийемуратов ноталаштирган «Жыров намалары» китобида жировлар тўғрисида маълумотлар келтирилиб, турли даврдаги ижрочиларидан ёзиб олинган номалар киритилган. Бунда номалар тўрт қисмга тақсимланиб, уларнинг биринчиси термалар ва тўлғовлар; иккинчиси атоқли жировлар номи билан боғлиқ номалар; учинчиси тўлиқ шаклланган номалар; тўртинчиси куй – чолғулар шаклида баён этилган. Бунда қайси нома қандай достондан эканлиги кўрсатиб ўтилган[1]. Ушбу китобнинг А. Хайратдинов тўплаган «Қобыз намалары» китобидан фарқи, жиров номалариниинг деярли барчаси сўз матни билан берилганлигидадир.

К.Олимбоева 1949 йили Бола бахшидан «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонининг насрий матнини тушириб қолдирган ҳолда 15 та куйини алоҳида-алоҳида нотага олган[2].

Йирик тадқиқотчи олим Ф.Кароматовнинг «Узбекская домбровая музыка»[3] китобида асосан дўмбира чолғусининг имкониятлари, товуш кўлами, иккала торнинг қўш садолиги, «бахши куй» ва «чўпони куй»ларнинг қўлланилиши тўғрисида даслабки илмий-қиёсий маълумотлар келтирилган ва илк бор нотага туширилган. Шунингдек, «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан шу достоннинг назмий, насрий ва нота матнлари билан нашр қилиниши ҳам устознинг тинимсиз меҳнати маҳсулидир[4].

Қисқаси, юқорида номлари зикр этилган адабиётларда ўзбек бахшилик санъатининг мусиқий масалаларига бағишланган дастлабки муҳим қадамлар қўйилган, илк маълумот, тушунча ва изоҳлар берилган, яъни бўлғуси илмий тадқиқотларга замин ҳозирланган.

Достончиликнинг асл ва жонли манбалари бўлган бахшилар ижоди муаллиф томонидан яқиндан кузатилди. Айниқса достонлар ва уларнинг қўшиқ-номаларини ўз қалбида асраб-авайлаган хассос бахши-шоирлар билан мулоқотда бўлиб, улардан баъзи достон номалари номларини, ижодкорлари ва яратилиши ҳақидаги ривоятлар, усуллари ва лад асослари, шакллари, туркумланиши тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Шу билан бирга бахшиларнинг жўрнавоз созлари уларнинг табиати, товушқатори, парда ва созланиши, ансамбл таркиби ва ундаги чолғулар хусусияти каби жиҳатлари ҳам ўрганилди.

Ўлкамиздаги достончилик мактабларининг йирик вакиллари Бола бахши - Қурбонназар Абдуллаев, Турсун бахши Жуманиёзов, Қаххор Бахши Раҳимов, Қора бахши Умиров, Аҳмад бахши Янгабоев, Абди бахши Отагелдиев, Рўзимбек бахши Муродов, Отахон бахши Матёқубов, Норбек Абдулла бахши Қурбонназаров, Матёқуб бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов ва бошқа бахшилар билан бевосита мулоқотлар натижасида «Авазхон», «Базирён», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» ва «Ошиқ Маҳмуд» достонларининг тўлиқ матни ва нота мисоллари билан тўплам ҳолида йиғилганлиги бу борада қилинган ишларнинг кичик бир ҳосиласидир.

Достонлар барча даврларда ҳам китобдан ўқилишига қараганда бахшининг бевосита ижросида эшитилганида тингловчини ўзига кўпроқ ром этган. Бахши билан тингловчи ўртасида жонли мулоқот пайдо бўлган. Ушбу жараёнда мухлис достон воқеалари руҳи билан яшаган, меҳнат қилган, қаҳрамонларини таниган ва эзгуликка етишиш учун интилиб курашиб келган.

Достонлардаги бадиий ғоялар уларнинг асосий маъно ва мазмунини ташкил этади. Улар ҳаётдан олинганлиги ва бадиий талқинлар асосида баён этилганлигидан тингловчида муайян таассурот уйғотади. Достон қаҳрамонларини севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу аснода рўй беради.

Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракатга келтиришда достонларнинг насрий, назмий ва мусиқий матнларининг мазмуни ва аҳамияти беқиёсдир. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишда, миллий қадрият ва урф-одатларимизни халқнинг онги ва қалбига сингдиришда достонлар муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Номалар номини аниқлашда достонлар матнларига тузатиш киритишда ўзларининг ҳолисона ёрдамларини аямаган Сафарбой Рўзимбоев, Матёқуб Абдуллаев, Очилбек Матчонов, Отахон Матёқубов, Қаландар бахши Норметов ва бошқа дўстларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

---

[1] «Жырау намалары» Т.Адамбаева таҳрири остида, М.Жийемуратов ноталаштирган. «Қарақалпақстан». 1991 й.
[2] К.Олимбоеванинг ўзлари билан бўлган суҳбатдан. Муаллифнинг дала ёзувлари. 1986 й.
[3] Кароматов Ф.М. «Узбекская домбровая музыка» Т., 1962 г.
[4] «Алпомиш» достони тўпловчи ва нотага олувчи. Т., 1999 й.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# I - БОБ

# БИРИНЧИ БЎЛИМ
# ДОСТОНЛАРНИНГ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАРИ

## ДОСТОН ВА УНИНГ МУСИҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақом – соз этмак,
Сувора – сўз айтмоқ,
Достон – воқелик
*Бола бахши*

Қадимги халқ афсоналари, ривоятлар, достонлар ва ҳикоялар жамиятнинг тарихга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ва кишилар ижтимоий онгини шакллантирган десак хато бўлмас. Ҳар бир афсона замирида турли замонлар ва турфа хил уруғ ҳамда қабилаларнинг қаҳрамонлар қиёфасини учратиш мумкин. Бунда турли урф-одатлар, диний, ахлоқий, маҳаллий удумлар, тарихий воқеалар, баҳодирлик эртаклари ўз ичида мазмун-моҳияти билан юқоридаги жиҳатларни бирлаштирган сингари мураккаб мажмуа бўлиб, тафаккур ва тасаввур асосида яратилган ва сўз орқали кишилар онгига етказилган.

Элат ва қавмларнинг яшаш тарзи, тафаккур ва эътиқодларини тадқиқ этишда миллий достон, ривоят ва афсоналар тарихий воситалар сифатида қимматли манбага айланади. Улар нафақат тарихнинг бўш ерларини тўлдиради, балки ижтимоий руҳ инъикосларини, тушунча ва ишончларини ўрганиш нуқтаий назаридан ғоят муҳим ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Инсонда илк бор табиат ва ҳаёт сирларини билиб олишга интилиш билан бирга дастлабки тасаввурлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Улар асотирлар (мифология) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ***тотемизм, анеимизм, фетишизм,*** бахшиликнинг ***шаманлик*** томонлари – сеҳр-жоду ***(магия)*** каби илк диний тасаввурларни шакллантирган. Агар уларни қисқача изоҳлайдиган бўлсак: т**отемизм** – ҳиндуча « о тотем» – унинг уруғи, яъни маълум бир уруғнинг ҳақиқий аждоди ҳисобланган «тотем» ўсимлик ёки ҳайвонга боғлиқ деб тушунилган. **Анимизм** – лотинча анима – жон, руҳ маъноларида келади ва жоннинг борлигига ишониш бўлиб, ибтидоий диниий тасаввурларнинг энг юксак шаклидир. **Фетишизм** – португалча фетишо – сеҳрли нарса, яъни жонсиз нарсаларни ғайритабиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга сиғиниш. **Сеҳр-жоду (магия)** – одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш ҳаракати бўлиб, уларнинг тўртта, яъни: а) зиён-заҳмат етказиш сеҳргарлиги; б) ҳарбий сеҳргарлик (қуроллар сеҳри, ҳарбий рақс, садрларнинг турлари ва ҳ.к.); в) муҳаббат сеҳргарлиги (иссиқ-совуқ, қулф-калит, меҳригиё ва ҳ.к.); г) даволаш сеҳргарлиги (касалга дам солиш, исириқ, хивчинли зикрлар билан даволаш ва уни одам танасига киритмаслик каби турлари мавжуд)[1].

Достонларнинг туб илдизлари ва шу жумладан мусиқий ибтидоси ҳам ***шаманликка*** бориб тақалиши олимларимиз томонидан эътироф этиб келинган. «Шаманлик – тунгусча сўз бўлиб - «руҳ - пари»ларга ишонувга асосланган қабила дини. Бунда шаман бошқарувидаги руҳлар орқали унга сиғинувчиларнинг муроди ҳосил бўлади деб ишонилади. Шунингдек, **Шаман** - руҳоний, қабила руҳонийси маъноларини билдиради»[2]. Бу атама олдин руслар, улар орқали Сибир ва XVIII асрда эса Ғарбий Европаликлар тилига кирган. Герадотнинг таъкидлашича шаманизм тарихи милоддан аввалги XI асрга бориб тақалади.

Шаманизмнинг тотемизм, анемизм ва фетишизмдан фарқи шундаки, агар юқоридагиларда одам инсондан бошқа барча жонли ва жонсиз нарсаларга, руҳларга сиғинган бўлсалар, шаманизмда фақат одамга, яъни шаманга сиғинганлар. Диний тасаввурлар тараққиётида бундай сиғиниш жуда катта янгилик бўлиб, кейинчалик худога, пайғамбарларга, авлиёларга сиғинишнинг келиб чиқишида дастлабки асос деб қаралган.

[1] Жўраев У.Т. Саиджонов Й.С. «Дунё динлари тарихи». «Шарқ». Т., 1998.
[2] «Словарь иностранных слов» под.ред. Т.М.Капельзона. «Советская энциклопедия» М., 1933. (Таржима бизники).


www.ziyouz.com kutubxonasi

Жуда кўпчилик халқларда жон нафас билан боғлиқ деб тушунилади. Масалан: Исон нафаси ёки Исрофил сури жон бағишловчи манбаа сифатида таърифланади. Бу ҳақда Ёсин сурасининг 51 оятида: «Ва нуфиха фис-сури фаизаҳум мина-л-аждаси ила роббиҳим янсилун», маъноси: «қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан парвардигорлари (ҳузурига ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар»[1] дейилади. Бу билан пуфлаб чалинадиган асбоблар қадимда «завоту-н-нафх» дейилган. Нафх нафас-дам деган маъноларни билдиради. Сур (карнай, сурнай, пуфлама соз тури) товуши ўликларни тирилтирувчи, оломонни чақирувчи, бандаларини йиғувчи маъноларида ишлатилади. Бу борада Абдураҳмон Жомий бундай дейди:

Маъни самоъ ки микунад, факиҳ,
ғофил аз сур ва нуфиҳат фиҳ.

Маъноси: эй факиҳ, самоъни ман қилувчилар сур ва унга пуфланишидан ғофилдурлар. Деб нафаснинг жонбахшлигини далиллайди. Шунингдек, пуфлама чолғуларда чалишни ўрганишга монеълик қилиш, нафаснинг ҳар бир бандаси учун Оллоҳ томонидан ўлчаб берилганлиги ва бошқа далиллар нафас-дамнинг илоҳий ва жонбахшлигига, одам касал бўлганида унга шаманлар томонидан дам солиб жонини даволаш, яъни янги жон киритилишига ишонилган. Ёки одам узоқ жойга кетганида унинг жони уйда қолиши, ватан соғинчи ҳам шундан деб билишган.

Эски туркларда пайғамбар ва муқаддас китоблар бўлмагани сабабли шаманларни «Қом» дейишган. Мангу хон «Тангри сизга китоблар, бизга эса Қом (шаман-коҳин)лар берди. Биз уларнинг айтганини қиламиз ва осуда яшаймиз» дейди. Бундай ишонч илмга муқобил бўлиб, ишонувчига яшаш ва турмуш қийинчиликларини енгиш учун курашишда нажот берарди.

Тажрибали шаманлар одатда истеъдодли сеҳргар, фолбин, кўзбўямачи, қўшиқчи, бахши-шоирлар бўлишган. Улар йай, йада, жада (ёмғир чақирувчи махсус тош) тоши ёрдамида ёмғир ва қор ёғдиришган.

Шаман – Қомларнинг усуллари сеҳр-жоду билан йўғрилган бўлиб, уни ақл билан идроклаш жуда мушкул. Шундай йўллардан бири руҳий касалларни даволашда шаманлар ўз санъатларини ишга солишган ва бунда кўпинча доира чалиш, куй, қўшиқ, жаҳр каби турли ҳис-ҳаяжонлар қўзғатувчи услублардан фойдаланганлар. Шаманларнинг дуо ва қўшиқлари матни ҳозирги давргача сақланиб қолмаган. Чунки улар ўзидан кечиш (экстаз) ҳолида дуо ва қўшиқ айтишгани учун ҳам ўзларига келгандан кейин ҳеч нарсани хотирлай олишмаган.

Руҳиятга мусиқа ва усул билан таъсир кўрсатиш йўлларини қадимги табиблар ҳам тан олганлар. Бунинг далили сифатида XV аср охирларида яшаган машҳур табиб Юсуф ат-табиб ал Ҳаравийнинг қуйидаги тўртлигида шундай дейилади:

Ақл қочар бўлса ҳар тандан йироқ,
Жиннилик асари юз бергай у чоқ
Гўзаллар юзига тиксин кўзини,
Чангу, най, удга ҳам тутсин у қулоқ[2].

деб руҳиятни даволашда чолғу асбоблари ва уларда чалинган мусиқанинг аҳамиятини ҳам таърифлайди. Шу боисдан ҳам шаманлар руҳларни чақириш ва инсон руҳиятига таъсир қилиш учун баъзи (дутор, доира) мусиқий чолғулардан фойдаланганлар. Диққат билан қараладиган бўлса шаманлар санъатида зикр - жаҳрларда ҳам сўз ва оҳангга қараганда, усул асосий рол ўйнайди. Шаман ва зикр маросимларида асосан оёқ билан ер тепиниш, садр тушиш, гавдани, бош ва қўлларни усулга ҳамоҳанг ҳаракатлантириш – рақсга тушиш, чапак билан ҳар хил усулларни чалиш, хивчин ва дурра орқали бир маромдаги ритм билан дам солиш ушбу маросимнинг асосини ташкил қилади. Чунки ритм – усул, бир вазнни тинмасдан, чексиз куйлаш, такрорлаш орқали киши жазавага тушади ва бунинг натижасида инсон бошқа ҳолатга – важдга киради. Бундай ҳолатда уни ҳар нарсага ишонтириш, қўрқитиш, гангитиш, терлатиш ва бошқа турли йўлларга солиш мумкин. Куй эса тахаййюл, яъни ҳаёлотга етаклайди. Киши ширин ҳаёлларга берилади, лаззатланади ва ундан баҳра олади. (Қадимдан шаклланиб келган Садри Ироқ, Садри Гўсфанд ва бошқа садрларнинг шаман ва зикр маросимлари билан боғлиқлиги бўлса керак).

[1] «Ёсин» суръаси» 51 оят. Куръони Карим. Абдуллазиз Мансур таржимаси ва изоҳлар. «Ислом университети нашриёти». Т., 2001 й. 443 бет.

[2] Юсуф ат – табиб ал Ҳаравий. «Табобат дурдоналари». «Ибн Сино». Т., 1990 й . 52 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаманларнинг кийимлари, ҳар хил расм-русумларга риоя қилиши ва тасаввурлари ҳам турлича бўлган. Бу борада А.Самойлович Ўрта Осиёга қилган экспедициялари пайтида Човдир туркманлари орасида қизил куйлак кийган ва рўмол ўраган аёл қиёфасидаги шаманни учратганини ёзади[1].

Шаманликка даъвогар киши «шаманлик касали»га йўлиқиши, яъни руҳий касалликка чалиниши керак бўлган. Фольклоршунос олим В.Н.Басилов ўзининг «Ўрта Осиё шаманизмида аёлларга хос кийинишнинг излари» номли мақоласида 1968 йили Наманган вилоятининг Чуст тумани тоғли қишлоқларидан бирида 1886 йилда туғилган Тошмат Қулматов – Тошмат бахши ёки Тошмат бола лақабли шаман (парихон) билан танишганини ёзади. Тошмат бахшининг ҳикоя қилишича у 5 ёшидан 16 ёшигача хасталаниб, парилар (руҳлар) билан мулоқотда бўлган. Унга руҳлар доимо ҳамкор бўлишларини, касалларни даволашда ёрдам беражакликларини ва уларни қизил куйлак кийиб, доира чалиб чақириш кераклигини айтишган. Шу билан бирга ёмон руҳларни қандай қилиб боғлаш-банди қилиш йўлларини ҳам ўргатишган[2].

Бунда хасталаниш, руҳлар билан мулоқотда бўлиш, асосан қизил рангдаги аёллар куйлагини кийиш, қора рангли товуқ сўйиб турли ирим-сиримлар қилиш, доира ёки бошқа мусиқа асбобини чалиб, машъала ёқиб париларни чақириш, қўшиқ айтиш, зикр тушиш, шунингдек, ўзига ишончли руҳларни Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари, Зуннор пари каби достонлардаги машҳур аёлларнинг номлари билан аташ Осиё халқлари шаманлигидаги умумий жиҳатлардандир.

Бундай далиллар яқин ўтмишда туркманлар ва хоразмда ҳам учрайди. «Қизамиқ» касалини тезроқ тошдириб (беморни ичига ботиб кетмаслиги учун) даволаш мақсадида қизил либосли пўрхон беморга қизил куйлак кигизиб «Қирмизи гўйнакли» деган куйни дуторда чалган.

Бошқа руҳий касалларни даволашда «Пўрхоннома» деб аталувчи айтимлар Қўҳна Урганчлик Юсуфбекнинг:

Сайилгоҳим Хидир тоғи,
Баланддир йўлларинг сани.

сўзлари билан ижро қилинадиган айтими пўрхон зикрга тушиб куйнинг авжига етганида куйлаган. Беморни ҳушига келтириш ва жинларни ҳайдаш учун эса ўша муаллифнинг:

Саҳар вақти ётганингда,
«Тур» деганлар кимлар эди.

сўзлари қўлланилган. Ушбу «Пўрхоннома» лар Нодиршоҳ (XVII аср) даврида яратилганлигига нисбат берилади. Булардан ташқари турмуш қийинчиликлари пайтида кишилар руҳиятни кўтариш учун «Машраб» каби куйлар ҳам ижро қилинган[3].

1930 – йиллари Янгиариқнинг Оқмачит қишлоғида дутор ва доира чалиб даволайдиган пўрхон - табиблар сулоласи бўлганлиги тўғрисида маълумотлар қуйидагича:

Хивадаги «Зирҳи Шаҳидон» қишлоғида истиқомат қиладиган 1915 йилда туғилган Тожибой ота – Тожи Шўро Матёқубовнинг ҳикоя қилишича, 1935 –36 йиллари ўша қишлоқлик Собур Қози деган кишининг чамаси 5 – 6 ёшдаги ўғли руҳий хасталикка чалинади. Уни кўп табибларга кўрсатишади. Шифо топмаганидан кейин маслаҳатлашиб, Оқмачитдан бир пўрхонни олиб келишади. Пўрхон аёллар куйлагига ўхшаш либос кийган, лекин ранги қизил бўлмаган. У касални олдида олдин дуторда куй чалган, кейин зикр тушиб дуо ўқиб дам солган. Тожи Шўро дуторда чалинган куйни яна чалишни ва уни номини айтишни сўраганда уни Шўро (маҳалла кўмитаси раиси) эканлигини билиб ҳеч нарса айтмаган. Касални эса Оқмачитга, яъни пўрхоннинг уйига аравада олиб боришларини тайинлаган. У ерда қирқ кун давомида пўрхон уни дутор чалиб, зикр тушиб муолажа қилгандан кейин ўша бола тузалган.

Шунингдек, Бола бахшининг ёшлик пайтида касалликка чалингани ва уни оқмачитлик бир пўрхон даволагани тўғрисидаги воқеа ҳам диққатга молик:

---

[1] Самойлович А.В. «Ўрта ва олд Осиё тарихи, археологияси, тиллари ва этнографиясига оид рус кўмитаси рапортлари». Санкт-Петербург. 1909.

[2] V.N. BASILOV, ZEV.HANDAN ER. «ORTA ASYA HSAMANIZMINDE KADINSI GIYINMENIN IZLERI» «TURK DUNYASI» uc aylik bilim kultur va arastirma DERGISI. 1997.

[3] Успенский В.Беляев В. «Туркменская музыка» Издательство «Туркменистан» Ашхабад. 1979 г. 59-60. 178 с.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Саккиз ёшлар чамасидаги Қурбонназар бир куни кечқурун «заҳар танг қилиб» ташқарига чиқади. Ҳожатхонага боришга эриниб, сейисхонанинг хилват жойига пешоб қилади. Қайтиб келишида эски йиқилган сўвит (тол) устидан ўтаётган пайтида дарахт танасининг ковагига оёғи кириб муккаси билан тушади ва тонг ёришгунча беҳуш ётади. Ота-онаси уни ахтариб топганларида тили калимага келмай қолади. Шу ётишда гапирмасдан бир ҳафта ётади. Унга барча муолажани қилиб кўришса ҳам фойдаси бўлмайди. Бахши отанинг ўзини айтиши бўйича унинг кўз олдида ҳар куни, худди тушида кўргандек, иккита шохли, думли, юзларини жун босган жигарранг кийимдаги шайтонлар худди шундай оқ ранглиларига қараб: «Бу мени хунимни тўласин!», «Бу мени хунимни тўласин!», — деб шовқин кўтаришармиш. Қандай хун? Кимнинг хуни» — деб сўрашса: «Толнинг ковагини ичида мени ёш болаларим бор эди. Бу банда ўша болаларимдан бирини оёғини босиб синдирди ва майиб қилиб қўйди», — деб беморни бўғиш учун талпинар эмиш. Оқ кийимдагилари эса уни ушлаб қолармиш. Бу шовқин-сурондан Қурбонназар гоҳ ҳушидан кетиб, гоҳ ўзига келиб анча ётган. Бир куни бир табиб келиб уни кўриб, Оқмачитда дами ўткир «Пўрхон» (Парихон) бор, ўшанга кўрсатинглар, деб маслаҳат берган. Пўрхонни олиб келишса, у аёлларникидай узун куйлак кийган. Турли шақилдоқ ва қўнғироқлар тақиб олган. Қўлида марака доирага ўхшаган «дап» билан турли дуолар ўқиб зикр туша бошлаган ва одам(руҳ)ларини чақирган. Қурбонназарнинг кўз олдида олдинги, таниш жараён, яъни жигарранг ва оқ рангли махлуқлар намоён бўла бошлаган. Уларни ичидан оқ ранглилар бошлиғи чиқиб, пўрхонга жигарранглиларни кўрсатиб: «Булар боласини хунини талаб қилишаяпти. Агар тўламаса етти пуштига зарар етказишармиш», — деди. Шунда Пўрхон: «Сен бориб айт, бир ҳафта ичида хунини тўлаймиз», — деди. У бориб ўзларининг тилида гаплашди ва уч кунга рухсат берганликларини айтди. Шундан кейин терга тушиб кетган ва ҳолдан тойиган Пўрхон дамини олгач, отамга қараб уч кундан кейин келишини ва шунгача бир қора товуқ топиб қўйишини тайинлаб чиқиб кетди. Орадан уч кун ўтгандан кейин Пўрхон келди. Отам унга қора товуқни келтириб берди. Пўрхон олдинги сафаргидек дуо ўқиб руҳларни чақира бошлади. Жараён яна кўзимни олдида пайдо бўлди. Оқ ва жигарранг тусдаги махлуқлар айланишиб бир-бирини қувлашиб: «Бугун хун оламиз»! «Хунимизни берсин»! «Хунимизни берсин»! — дейишиб, шовқин сола бошлашди. Шунда Пўрхон ёнидаги қора товуқнинг бошини пичоқ билан узиб ташлади ва қони тиззиллаб оқаётган товуқ билан «мана сенга хун», «мана сенга хун», — деб гоҳ уларни гоҳ мени савалай бошлади. Шу алпозда ўлган товуқни ҳар тарафга уриб зикр тушди. Товуқнинг қонларини мени азойи баданимга сурди ва уларга қараб: «Мана сенларни хунларинг», — деб мени кўрсатди. Улар мени бундай аҳволда кўриб, хурсанд бўлиб сакраб ўйнай бошлашди. Пўрхон уларни: «чиқ», «чиқ», «келган жойингга кет», деб ҳайдаб чиқарди ва менга дам сола бошлади. Шундан кейин мен ҳушимдан кетиб қолдим. Шу ётишимда уч кундан кейин ўзимга келдим. Худди бир ёруғ дунёга чиққандай руҳим тетик, фикрим равшан, тилим калимага келиб сўзлай бошладим. Ўша хасталикдан кейин ўзимда ғайритабиий, илоҳий бир қувват пайдо бўлди. Мен тузалганимдан кейин, отамнинг айтишига қараганда, Пўрхон отамга: «Боланг «орқали» (яъни орқасида одамлари-руҳлари бор) экан, у бобосининг касбини тутсин, — дебди. Ана шундан кейин отам менга катта бобом Усмон бахшидан қолган эски сандиқда яшириб қўйилган китоблардан достонларни ёд олиш билан шуғулланишни қаттиқ топширди» — дедилар кўзларига ёш олиб бахши ота[1].

Кўҳна санъат турларида шаманизм асоратлари мавжуд бўлиб, улар руҳият билан боғлиқдир. Буни янада кўпроқ бахшиликда сезиш мумкин. Зеро шаманизм мусиқа, достончилик, бахши-шоирлик умуман ижод аҳли билан боғлиқлигининг асосий сабаби, руҳларни чақириш, улар билан мулоқот қилиш, илҳом парисининг келиши ва илҳом бағишлашида кузатилади. Бу хислат эса, шаманизмдан қолган энг қадимий, энг азиз, ардоқли бир кашфиётдир!

Шаманлар ўша даврдаги маълум бир уруғнинг мафкурачиси, руҳий олам билан моддий оламни боғловчиси ёки самовий руҳлар билан кишилар ўртасидаги воситачиси сифатида гавдаланган. Албатта, инсондаги ибтидоий илоҳий тасаввурлар, мушоҳадалар ва диний ғоялар аста секин ривожланиб, диний таълимотлар таъсир кўрсатган.

Қадимги туркларда еру-кўкларнинг ҳолиқи бўлган буюк Тангрига ишониш якка худоликнинг дастлабки кўринишларидан ҳисобланади. (Тангри билан боғлиқ атама ва иборалар ҳозир ҳам учрайди. Масалан, Тангри таоло, Тангри ёрлақасин, Тангрини ўлими, исмлардан Тангриберган ёки Тангриберди ва ҳ.к.). Шунингдек Будда дини ҳам мамлакатимиз жанубида эътиқод қилинган динлардан бири эканлиги тўғрисида далиллар мавжуд.

[1] Муаллифнинг дала ёзувлари. 1990 йил.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шундай динлардан яна бири Зардўштийлик бўлиб, унга Хоразмнинг Спитама уруғи раиси Прушасп хонадонида милоддан аввалги 623 йилда дунёга келган Зардушт асос солган. У 16 ёшигача устозлар қўлида диний ва дунёвий фанлар қаторида халқ достонлари ҳамда қўшиқларини ёд олади. 39 ёшида унга пайғамбарлик ваҳий қилинади ва кишилик тарихида биринчи бўлиб якка худоликни тарғиб қила бошлайди. У 38 йил Зардуштийлик ғояларини ёйиб эл-юрт кезади. 554 йили кўпхудолик тарафдори Аржасп лашкарбошиси Браторвахш томонидан оташкада очилиш маросимида 77 ёшида чавақлаб ўлдирилади. Зардуштийликнинг асосий ғоялари «Авесто» – (ўрнатилган, қатъий белгиланган қонун-қоида) китоби бўлиб, у ўша даврда 12 минг ҳўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Унда қуйидаги сатрлар мавжуд: – «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар билан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу фикрга, эзгу сўзлар (айтиш)га эзгу ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман».

Сосонийлар даврида «Авесто»ни паҳлавий тилида шарҳлаган коҳинлар Зардуштни ***МАГУПТА*** деб ёзишган. Ўша изоҳлар араб тилига кўчирилганда ***МАЖУС*** сифатида қўлланилган. Натижада ўрта асрлардаёқ Зардуштнинг номи Мажус, дин эса Мажусийлик – оташпарастлик деб юритилган[1]. Достонлар ва уларнинг мусиқий асосларини ислом зуҳуридан олдинги қадимий ёзма ёдгорлигимиз «Авесто»дан излаган бирдан-бир тўғри йўл бўлади бизнингча. Чунки авестошунослар бу китоб таркибидаги энг кўҳна мадҳиялар, асотир (миф)лар ва мифологик образларга суяниб, унинг дастлабки қисмлари милоддан олдинги IX асрларда яратилган деган хулосага келишган. Бунда аждодларимизнинг энг қадимги шеърлари, ҳатто уч минг йил бурунги мусиқа, бадиий тафаккур мевалари, диний ақидаларию, илмий дунёқарашлари мужассамлашган. Айниқса 3-4-5 мисралик халқ қўшиқлари йўлида битилган ибодат пайтида ижро этиладиган 72 бобдан иборат ҳотлар ёки Готлар деб номланган қўшиқлар, 17 бобдан ташкил топган Зардушт мадҳиялари, фариштала ҳақидаги мадҳиялар, Яздонни мадҳ этувчи қўшиқ ва оҳангларни ўз ичига олган. Бундай ибодат ва қўшиқлар оташкадаларда ва улардаги толор (зал) оҳангхоналарда созандалар жўрлигида ижро этилган. Ҳотларни ёд билмайдиган ва куйиламайдиганлар Зардушт динининг душманлари ва мухолифлари эканликлари қуйидаги мисраларда акс этган:

Келтирмасин қурбонлик зинҳор,
На мунофиқ, на аблах, бузғунч.
На ҳиссиз, на имонсиз расво,
На ҳотларни куйиламовчилар.
Ахуро ва Зардушт динининг,
Душманлари мухолифлари.
*(Асқар Маҳкам таржимаси)*[2]

Диний ибодатларни бажаришда оташкадалардаги уламолар яъни коҳинлар бошчилик қилишган. Муқаддас олов атрофида йиғилиб ибодат қилиш, унга сиғиниш, Ахурамазда шаънига қўшиқ ва мадҳиялар айтиш, садр тушиш ва бошқа амаллар оташпарастликнинг асосий тамойиллари ҳисобланган.

Геродотнинг «Тарих» китобида «Аракс (Аму) бўйида яшовчи халқлар, дарахтнинг қуруқ мева ва шохларини тутатиб, бу тутундан маст бўлиб ўйинга тушадилар ва шўх қўшиқ айтадилар»[2] деб ёзилган. Бундан ташқари кўҳна достон намуналари бўлмиш Сиёвуш ҳақидаги афсонани Хоразм билан боғлиқлиги машҳур Шоҳномада ҳам ўз аксини топган. Кейинчалик Искандар Зулқарнайнни юришларидан (милоддан аввалги 356 – 323 йиллар) Юнон маданиятининг таъсири остида ҳам «Искандарнома» га ўхшаган достон ва тарихий қўшиқлар юзага келган.

Милоддан аввалги I аср ва эрамизнинг VIII асри орасидаги даврга оид Хоразм тангаларида Сиёвуш чавандоз – худо тимсолида акс эттирилган[3]. Сон – саноқсиз ҳайкалчаларда тасвирланган отларнинг калласи ва бошқа далиллар ўша даврларда инсоннинг отга сеҳрли, афсонавий мавжудод сифатида сиғинганлиги ва эътиқод қўйганлигининг яққол далилидир. Бу анъана кейинчалик Меърожномадаги Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг оти «Буроқ», ҳазрат Алининг оти «Дулдул», Алпомишнинг оти «Бойчибор», Гўрўғлининг оти «Ғирот» (ривоят қилишларича Ғирот Дулдулнинг невараси деб таърифланади)ларининг тимсолида ўз аксини топган.

[1] Ҳомидий Ҳ., Дўсчонов Б. «Авесто ва тиббиёт» Т., Абу Али ибн Сино нашриёти 2001.
[2] Ўша асар.
[2] Герадот «История» в девяти кн. Л., Изд-во «Наука» 1972. Стр. 75. (Таржима бизники).
[3] Жуманиёзов Р. «Қадимий Хоразм тарихи», Урганч 1993 й.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги Хоразмшоҳларнинг Африғийлар давригача бўлган қароргоҳи Тупроққалъанинг (III аср) «Шоҳлар зали»да одам гавдасига тенг келадиган, лойдан ясалган ҳайкаллар, «Ғалаба зали»да ўтирган ҳолдаги шоҳлар ва ғалаба худоси Ника тасвири топилган. Шунингдек «Рақсга тушувчи ниқоблар» залининг суратларида созандалар қўлларидаги уч бурчакли арфа, икки томони қум соатига ўхшаш ноғора ва ҳозирги дуторни эслатувчи икки торли чолғулар акс эттирилган[1]. Ушбу далиллар исломгача бўлган даврда маданият, санъат ва шу жумладан достончиликни ҳам маълум даражада ривожланганлигидан дарак беради. Қолаверса, ислом зуҳуридан сўнг исломий анъаналарга кўра шаманликнинг бошқача кўриниши бўлган парихонлик, зикр – жаҳр ва достонларни бизгача етиб келган янги услублари мавжлана бошлайди.

Зикр эшонлар ва уларнинг муридлари, дарвеш ва қаландарларнинг оллоҳга бўлган ишқ-муҳаббатини Қуръондаги ҳикматли ривоятлар ва айрим суръаларни, сўфиёна шеърларни ўзига хос усул ва рақс ҳаракатлари орқали куйлаш бўлиб, кишилик маданиятининг ўзига хос кўринишидир. У ўзида сўз, шеър, куй-оҳанг, усул ва рақсни бирлаштиради. Яссавия, Кубравия ва айниқса Чаштия тариқатларида зикр маросимини куйлаш ва ҳаракат билан ижро этиш нисбатан кенг тарқалган.

Зикр борасида Маҳдуми Аъзам фикрига кўра, хожалар зикрида азимат йўлидан борган бўлсалар ҳам, улардан баъзилари замон тақозосига қараб ва қавмларнинг истеъдодини назарда тутиб жаҳр қилганлар. Унингча: «ҳеч айби нест, бағоят хўбаст, тарийқи анбиёи мотақаддам нез ҳамин будаст. (бунинг ҳеч айби йўқ, бағоят яхшидур, ўтган анбиёларнинг йўли ҳам шундай бўлган. Бу шевалардан бошқа нарса эмас)»[2], дейилади.

Ислом дини, хусусан Қуръони Карим негизида шариат асосларини тарғибот қилувчи ҳар хил қиссалар, достон ва достонсифат номалар пайдо бўлган. Булар: Меърожнома, Султонбобонинг меърожи, Бобо Равшан, Пайғамбарлар ҳикояти, Жуҳуд ўғлон, Султонбобо ҳикояти, Юсуф ва Зулайхо, Кийик нома каби мусиқий жиҳатдан бой достонлар яратилиб кенг тарқалган. Улардаги асосий тамойил достон шеъри ва мусиқасининг ғоявий мазмуни орқали инсон руҳига кучли таъсир ўтказиш бўлиб, бундан мақсад Қуръони Карим ғояларини тингловчилар онгига, руҳиятига, қалбига етказиб боришдан иборатдир. Шу боисдан ҳам бундай достонлар асосан речитатив – декламация шаклида ва маддоҳона услубда ижро қилинган.

Турк халқларида достон айтувчиларни қадимда **Ўзан** (ўзан, ўзмаг-ўзиб кетмак, олдинда борувчи, ақлли шоир) деб юритилган[3]. **Жиров** тушунчасини Маҳмуд Қошғорий қуйидагича ифодалайди : жиров – йирғов, шеър тўқувчи созанда, доно оқсоқол. Жировлар айтадиган энг севимли жанр бу тўлғовдир (тўлғов – ўйланиш, фикр юритиш)[4]. **Ошиқ,** баъзи туркшунос (А.Набиев, В.Радлов, М.Тахмасиб) олимларнинг фикрига кўра «Ошиқ» ва «Ашула» (Ошила - едир, ҳазм қилдир) сўзларининг асосий ўзаги бир бўлиб, қадимги туркий «Ош» ошиламоқ, ҳазм қилдирмоқ, (ўз фикрини, мақсадини, хохишини), сингдирмоқ, руҳиятини тўйинтирмоқ деган маъноларни англатади[5]. **Бахши** – мўғулча ва бурятча бахша, бағша-ўқитувчи, Санскритча қаландар, дарвеш, устоз, маърифатчи[6]. Бизнингча бахши сўзининг маърифатчи, устоз маънолари арабча ошиқ-севувчи, яхши кўрувчи маъноларига қараганда юқорида таърифланган ошиқ, яъни ошиламоқ, ҳазм қилдирмоқ (ўз фикрини, мақсадини, хохишини), сингдирмоқ, руҳиятини тўйинтирмоқ иборасига кўпроқ ҳамоҳангдир.

Профессор А.Фитрат таърифича: - «Турк мусиқасининг бизда қолғон энг бурунги сўзлари бахши, ўзан, қўбиз сўзларидур. Бахши сўзининг бурунги маъноси эл шоири, чолғувчисидир. Эл орасинда қўбиз ё дўнбира чалиб достонлар ўқуб юрган кишилар шоир, чолғучилар бор, биз шуларға бахши деймиз. Ҳолбуки Навоий замонида бу сўз уйғурча ёзғон котиб маъносида ишлатилар эди. Кўпирлизоданинг «Зич илхони» дан кўчирмасига кўра «Бахшилар ҳар ойда уч кун парҳез тутуб ибодат қилалар ва белгили емаклар еярлар эмиш». Демак булар бир турли фолчи авлиёлар маъносида ишлатилган бўладир»[7].

Қозоқларда ҳам бахши атамаси халқ табибини англатган. Қадимда қозоқ бахшилари қўбиз чалиб руҳларни чақирган.

Юқоридаги далилларга таянадиган бўлсак халқ табобати билан шуғулланувчи (парихон, шаман, фолбин) ларга бахши дейилган ва тахминан XIV – XV асрлардан кейин ушбу атама достончи - қўшиқчи сифатида истифода қилинганлиги эҳтимоли бор.

---

[1] Жуманиёзов Р. «Қадимий Хоразм тарихи», Урганч 1993 й.
[2] Абдулҳаким Шаърий Жузжоний «Тасаавуф ва инсон» Т., «Адолат». 2001 й. 46 б.
[3] Жирмунский В.М. «Народный героический эпос». М-Л., Гос.лит. издат. 1962 г. стр. 245.
[4] Ўша адабиёт. 248 б.
[5] Тахмасиб М.Г. «Азербайджанские народые дастаны» А.Д.Д.Баку 1965 г.
[6] Ў.М.Э. II жилд. Т., 2001.
[7] Фитрат А. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т., «Фан» 1993 й.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган қуйидаги миниатюра «Амир Темурнинг Қорабоғ кофирларига қарши ғазот юриши» деб номланади. Унда Соҳибқироннинг оти олдида дўмбира ушлаган бахши қиёфаси тасвирланган. Ажабмас-ки, ўша бахши Темур бобомизнинг баҳодирона юришлари таъриф этилган «Соҳибқирон» достонини куйлаб бораётган бўлса.



Шунингдек, бунга Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидаги:

Янадур ўхшатдим бир яхшилардин,
Мўғул савтин билган бахшилардин.

деб, бахшиларни савт, куй ва қўшиқ билувчилар каторида келтириб ўтганлиги ҳам фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

Ислом динининг кучли таъсири остида бундай авлиёсифат бахши, парихон ва фолбинлар замонлар ўтиши билан ўз мавқеларини муллаларга бўшатиб бера бошлаган. Чунки уларнинг қарашлари, мафкураси ва халқ орасидаги тутган ўрни ўзига хос. Яъни, иккаласи ҳам бир динда бўлиб, бир - бирини инкор қилмаса-да бошқача ғоя ва бошқача қарашларда бўлганлар. Хусусан, муллалар «тақдири азал»дан тониб бўлмаслигини тарғиб қилсалар, бахшилар исёнкорона руҳда ижод қилганлар. Бунинг далили сифатида жанубий Ўзбекистон достончилари орасида ҳозиргача шундай қарашларни ифодалайдиган мақол ва шеърлар учрайди, масалан:

Бахшили эл ботир эл.
Муллали эл қўрқоқ эл.

*Ёки Махтимқулининг:*

Давлат эла галар бўлса,
Бошдан – бурун ўзан галар.
Давлат элдан гетар бўлса,
Мулла билан тўзон галар[1].

каби мақол ва шеърлар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Бахши атамаси шимолий Ўзбекистон ва туркманларда ҳозирги кунда ҳам ашулачи ва гўянда сифатида гавдаланади.

**Гўянда** – форсча - айтувчи, Бобурномада – «Созандалар соз чалдилар, гўяндалар нома айтдилар» дейилади[2]. Бу ибора ашулачиларга нисбатан Хоразмда ҳозир ҳам ишлатилади.

М.Ауэзов қирғиз манасчиларини икки турга бўлади. Биринчиси **Жомоқчи** – (жомоқ - эртак, ҳикоя), достонни тўлиқ биладиган бадиҳагўй (импровизатор). Иккинчиси **Йирчи** – (йир – жир, қўшиқ), достонлардан парчалар ёдлаб айтиб юрадиган қўшиқчилар[3]. Булардан ташқари **Соқий, Юзбоши,** аёл достончиларни **Қиз бахши**, **Халфа** ва бошқа номлар билан атаганлар.

[1] Магтымгулы. «Ашгабад» 1955 й.
[2] Бобур Заҳириддин Муҳаммад «Бобурнома» Т., «Юлдузча» 1989 й.
[3] Магауин М.М. «Кобыз и копье» Издательство «Алма-ата» 1970.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўпчилик туркий халқларда бахши атамаси халқ табобати билан шуғулланувчи шаман, пўрхон (парихон), фолбин, уйғурча ёзувчи котиб маъноларида келадиган бўлса, кейинчалик шимолий Ўзбекистонда ашулачи – ҳофиз сифатида қабул қилинган.

Тасаввур этиш мумкинки, асрлар давомида яралиб, ривожланиб, сайқал топиб бизгача етиб келган достон ижодиёти ва намуналари сўз, овоз ва соз муносабатларининг муштарак мумтоз кўринишидир. Маълумки, кўпинча Шарқ, жумладан туркий халқларнинг ўзанлари, ровийлари, гўяндалари, бахши, шоир ва достончилари ана шу муштараклик таркибидаги ҳикоя, наср бўлимларини бадиий ифодали нутқ тарзида, назм (шеърий) парчаларини эса ўзига хос чолғулар жўрлигида куйга солиб айтганлар. Бундай асарлар достон деб номланган. «Достон» форсча сўз бўлиб, луғавий жиҳатдан турлича маънолар касб этади: 1. «دستآن – дастон-афсона, ҳикоя, ривоят»[1]. 2. «Наср ё назмий матнга асосланиб мусиқа билан айтиладиган поэма, эртак, тарих»[2].

3. «دستآتین – мусиқа чолғусининг дастаси, грифи»[3]. 4. «Чолғу асбобларида бармоқ ўрни ва ушбу жойда ҳосил қилинадиган парда[4] деган маъноларни билдиради.

Истилоҳий маъносини А.Фитрат қуйидагича таърифлаган: «Бурунги туркларнинг шулон-шилон (шоҳона базм, зиёфат), мотам, тўй каби умумий йиғинларида, ибодатларида бахшилар қўбузларини чалиб, ўрнуға яраша достонлар (қаҳрамон ҳикоялари), махтанишлар (фахриялар), ашулалар, марсиялар ўқур эканлар»[5]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, адабиёт, шеърият, мусиқа, томоша ва бошқа қатор санъат турларини ўзида мужассамлаштирувчи достонлар Шарқ халқлари маданиятида шаклан ва мазмунан баркамол кўп қисмли адабий асар ҳисобланади. Турк халқлари достонларининг илк намуналари қўшиқдан бошланган.

Достончилик асосий аҳоли чорвачилик билан шуғулланувчи, кўчманчи ва ўтроқ турмуш кечириладиган ҳудудларда, инсоннинг ягона ошноси ҳаёл бўлган ерларда ривожланган. Буни шу билан изоҳлаш керакки, саҳро жойларда, шаҳардан узоқ қишлоқ ва овулларда одамлар кун бўйи қилинган машаққатли меҳнатдан кейин ўзларини овутиш, кўнгил очиш, ҳаёт ташвишларидан бир нафас фориғ бўлиш учун оқшомлари бир жойга тўпланганлар. Бунинг натижасида халқ қўшиқлари, термалари, куйлар ва ниҳоят достонларнинг яралишига эҳтиёж туғилган ва улар бора-бора инсон маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

Достончиларни тингловчилар ва шинавандалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирганлар. Зотан, достонлар адабиёт, шеърият, мусиқа, бадиий сўз ва санойи нафисанинг бошқа турларини ўзида мужассам этган қудратли, таъсирчан тарбия воситаси бўлган

Ўзбек достонларининг мазмун кўлами ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Уларда халқимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёти, ҳуқуқий, фалсафий ва эстетик қарашлари, эскилик ва янгилик, зулм ва озодлик, тубанлик ва улуғворлик ўртасидаги кураш ўз аксини топган. Достонларда инсон ҳаётида бўлиб ўтадиган барча воқеалар асосан ҳаққоний, баъзан эртакнамо, муболағаларга бой афсона ва ривоятлар талқин қилинган[6].

Туркий халқлар оғзаки ижодиётидаги достонлар ижровий-услубий анъаналари жиҳатидан икки турга бўлинади:

а) «ички овоз» билан Алпомишни айтиш услубидаги шеърий шаклда қўбиз ёки дўмбира жўрлигида куйлаш. Бундай куйлаш услубининг янада ўзгача тури Олтой, Бошқирдистон, Тува ва бошқа ўлкалар турк халқларининг энг қадимги достон ижрочилигида кузатилади ва «Ўзлов»[7] (овозлов яъни овоз ўйнатиш), бошқирдларда «томоқ қурай» (қурайга ўхшатиб томоқдан овоз чиқариш) деб номланади.

Бундай куйлаш услубида ижрочининг бўғизи ва бурун резонаторлари орқали бир вақтнинг ўзида икки хил овоз ҳосил қилинади. Бу овозларнинг бири куй йўналишини ифодаласа, иккинчиси давомли чўзилиб жўр бўлиб турувчи паст(йўғон) товуши вазифасини бажаради. Куйлашнинг бундай турига эришиш учун жуда узоқ вақт ижрочилик нафасини ривожлантириш устида машқ қилиш, овоз бойламлари, томоқ, бурун, танглай оғиз бўшлиғи ва кўкрак резонаторларини моҳирона ишлата билиш катта аҳамиятга эга ва бундай куйлаш санъати ўзига яраша машаққатли меҳнатни талаб қилади. Кўпчилик олимлар ўзловни қадимий негизлари шаманлар маросимидан келиб чиққанли-

[1] Персидско-Русский словарь под ред. Ю.А.Рубинчика М., Изд., «Сов. Энциклопедия»., 1970 г., 602 стр.
[2] Акбаров И.А. «Музика луғати» Т., «Ғ.Ғулом» нашриёти 1987 й., 102 б.
[3] Персидско-Русский словарь под ред. Ю.А.Рубинчика М., Изд., «Сов.Энциклопедия»., 1970 г., 620 стр.
[4] Матёқубов О. «Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш» Т., «Ўқитувчи» 1983. 64 б.
[5] Фитрат А. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». «Фан». 1993 й. 37 б.
[6] ЎзМЭ. VI жилд. 113 бет.
[7] «Музыкальная энциклопедия». Издательство «Сов.Энциклопедия», «Сов. Композитор» М., 1981 г. 5 т. 665 с. (Таржима бизники).


www.ziyouz.com kutubxonasi

гини, табиатдаги барча товушлар, қушларнинг сайраши, турли жонзотларнинг овоз чиқариши инсон руҳига сингиб, унинг овозида умумлашиб ўз аксини топганлигини натижаси деб таърифлашади. Яъни шаманлар инсон овозидан энг мукаммал чолғу асбоби сифатида фойдаланганлар деса бўлади.

Жанубий Ўзбекистон хусусан, Қашқадарё-Сурхандарё ва Самарқанд бахши-шоирларининг «ички овоз-суллиги» услубда достон айтиши, Човдир туркманларининг «алқим сас», қадимги жировларнинг бўғиқ - ёпиқ овозда куйлаш услубларининг туб негизлари қадимий ўзлов шаклида айтиш билан умумийлик касб этади десак хато қилмаймиз.

Ички овозда куйлайдиган бахшиларни тадқиқотчи олим А.Қаххоров уч тоифага ажратади: биринчиси ҳаваскор бахшилар. Булар ҳар хил достончилардан эшитганларини ўзларича ўрганиб, чалиб, айтиб юрадиган устоз кўрмаган бахшилар. Иккинчиси, тақлидчи бахшилар, булар ўз устозидан ўрганган достон ва номаларни ўзгартирмасдан, бузмасдан, устози қандай таълим берган бўлса шундайлигича ижро қиладилар. Учинчиси, профессионал ижодкор бахшилар, булар устозларидан ўрганган достон ва номаларни ижодий ёндошган ҳолда ўзгартириб, бадиҳагўйлик тарзида талқин этадилар.

б) очиқ овоз билан ишқий таърифдаги («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Маҳмуд» ва бошқа), яъни насрий матни ҳикоя тарзида ва шеърий матни қўшиқ шаклида, кўпинча дутор (кейинги пайтларда тор ва ансамбл) жўрлигида ижро этиладиган турларидир. Сўнгги кўриниши бадиий жиҳатдан баркамол, маълум шеърий-мусиқий йўл сифатида гавдаланган ва бир-биридан ажралиб турадиган шаклан тугал қўшиқ-номаларни ташкил қилади. У шимолий Ўзбекистон достончилигида асосий ўрин тутади. Бироқ, С.Рўзимбоевнинг ёзишича, XVI аср бошларида шимолий Ўзбекистон бахшиларининг достончилик анъаналари Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё достончиларининг ижрочилик анъаналаридан фарқ қилмаган ва кейинчалик шаҳар маданияти халқ ашула ва мақомларнинг таъсири натижасида аста-секинлик билан «ички овоз»дан эркин-очиқ овозда куйлашга ўтилган. Куй-номалари ҳам ширвоний услубдаги достон куйлари ҳисобига бойиган ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган[1].

Оғзаки ижоддаги достонларнинг жуда қадимийлигидан дарк берувчи бир қанча далиллар бор бўлиб, жумладан Хоразмда харобага айланган XIII-XIV асрлар маъморлик ёдгорликлари мавжудки, булар баъзи бир достон қаҳрамонларининг туғилган шаҳарлари, ёки уларнинг ўз номлари билан бевосита боғлиқдир. Бундайлардан масалан, ҳозирги Шовот туманидаги Ваянгон қалъаси – Авазхоннинг туғилган шаҳри деб таърифланади. Қўҳна Урганчдан жанубий ғарбда жойлашган Диёрбакр (Ёрбакр) қалъаси - Ғарибнинг таваллуд топган шаҳри ҳисобланади. Шунингдек Ширвон, Шамоха қалъалари «Ошиқ Ғариб», «Гўрўғли» достонларининг узоқ ўтмишга бориб тақалиши билан бирга, тарихий воқеалар асосида кейинчалик достонларга айланганлигини тасдиқлайди. Улар ҳақидаги таърифу тавсифлар зукко бахши ва шоирлар хотираси орқали бизгача етиб келиб, халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга бўлган эстетик муносабатларини ўзида мужассамлаштиргандир. Бундай достонларнинг кўпчилиги мазмунан унутилиб кетган бўлсада, профессор Сафарбой Рўзимбоев берган ахборотига биноан шимолий Ўзбекистон ҳудудида айтилиб келинган достонлардан ҳозиргача 68 таси маълум экан[2]. Булар қуйидагилар:

| №№ | Достон номи | Мавзу ва туркумга мансублиги |
|---|---|---|
| 1. | Авазхон | Гўрўғли |
| 2. | Аваз олиб қочган | Гўрўғли |
| 3. | Авазни Ваянгонга кетиши | Гўрўғли |
| 4. | Аваз уйланган | Гўрўғли |
| 5. | Амир Ҳамза | Диний мавзу |
| 6. | Алпомиш (Матназар Жаббор ўғли репертуаридан) | Қаҳрамонлик ва баҳодирлик |
| 7. | Араб танған | Гўрўғли |
| 8. | Асил ва Карам | Ошиқ |
| 9. | Баҳром ва Гуландом | Ошиқ |
| 10. | Базирён | Гўрўғли |
| 11. | Бобо Равшан | Диний мавзу |

[1] Муаллифнинг дала ёзувлари. 1989 й.
[2] Рўзимбоев С. «Специфика, типология и поэтика Хорезмских дастанов» АДД., 1990 г. С . 13.


www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | |
|---|---|---|
| 12. | Вомиқ ва Узро | Ошиқ |
| 13. | Гулруҳ Пари | Гўрўғли |
| 14. | Гул Санобар | Ошиқ |
| 15. | Гўрўғли | Гўрўғли |
| 16. | Гўрўғлининг дўрдайиши | Гўрўғли |
| 17. | Гўрўғлининг Дарбандга бориши | Гўрўғли |
| 18. | Гўрўғлининг ўлими | Гўрўғли |
| 19. | Дармон билан Даврон | Ошиқ |
| 20. | Жуҳуд ўғлон | Диний мавзу |
| 21. | Тоҳир ва Зуҳра | Ошиқ |
| 22. | Замон ва Нигор | Ошиқ |
| 23. | Зайнул Араб | Диний мавзу |
| 24. | Иброҳим Адҳам | Диний мавзу |
| 25. | Кийикнома | Диний мавзу |
| 26. | Кампир | Гўрўғли |
| 27. | Қумри ва Тўти | Ошиқ |
| 28. | Маликайи Завриё | – |
| 29. | Маликайи Дилором | Ошиқ |
| 30. | Махтумқули | Туркман шоири |
| 31. | Мискин ва Гулқанд | Ошиқ |
| 32. | Мунис ва Гулчаман | Ошиқ |
| 33. | Отам Сафо | – |
| 34. | Ошиқ Албанд | Ошиқ |
| 35. | Ошиқ Нажаб | Ошиқ |
| 36. | Ошиқ Махмуд | Ошиқ |
| 37. | Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам | Ошиқ |
| 38. | Ошиқ Ойдин | Ошиқ |
| 39. | Ошиқ Ғариб ва ҳилоли Пари | Ошиқ |
| 40. | Ошиқ Қамбар | Ошиқ |
| 41. | Пайғамбарлар ҳикояти | Диний мавзу |
| 42. | Ройи Чин | Гўрўғли |
| 43. | Сарвижон | Ошиқ |
| 44. | Саётхон ҳамро | Ошиқ |
| 45. | Султонбобо ҳикояти | Диний мавзу |
| 46. | Сафар кўса | Гўрўғли |
| 47. | Тулумхўжа | – |
| 48. | Фарҳод ва Ширин | Ошиқ |
| 49. | Хирмондали | Гўрўғли |
| 50. | Шаҳриёр | – |
| 51. | Юсуф билан Аҳмад | Дидактик |
| 52. | Юсуф Зулайхо | Ошиқ |
| 53. | Юнус Пари Гўрўғли | Гўрўғли |
| 54. | Шоҳ Машраб | Шоир Машраб ҳақида |
| 55. | Қул Хўжа Аҳмад | Аҳмад Яссавий ҳақида |
| 56. | Қирқ минглар | Гўрўғли |
| 57. | Ҳилоли Пари | Ошиқ |
| 58. | Ҳурилиқо ва Ҳамро | Ошиқ |

Сурхондарё ва Қашқадарёда мавжуд достонларнинг қисқача рўйхатини алифбо тартибида беришни лозим топдик:


www.ziyouz.com kutubxonasi

| №№ | Достон номи | Мавзу ва туркумга мансублиги |
|---|---|---|
| 1. | Алпомиш | Қаҳрамонлик ва баҳодирлик |
| 2. | Авазни олиб келиниши | Гўрўғли |
| 3. | Авазнинг аразн | Гўрўғли |
| 4. | Авазнинг ёшлиги | Гўрўғли |
| 5. | Авазни Чамбилбелга кетиши | Гўрўғли |
| 6. | Авазни биринчи шароб ичиши | Гўрўғли |
| 7. | Авазни отга миниши | Гўрўғли |
| 8. | Авазни қиз бола билан олишиши | Гўрўғли |
| 9. | Авазни Гўрўғлиникига бориши | Гўрўғли |
| 10. | Авазни овга бориши | Гўрўғли |
| 11. | Авазни қирқ йигити билан тош бўлиши | Гўрўғли |
| 12. | Авазни аммасини келиши | Гўрўғли |
| 13. | Аҳмад | Диний мавзу |
| 14. | Амирқул | – |
| 15. | Балогардон | – |
| 16. | Болухон (Болҳувон) | – |
| 17. | Бўтакўз | Гўрўғли |
| 18. | Гўрўғлининг туғилиши | Гўрўғли |
| 19. | Гўрўғлини Зангивона бориши | Гўрўғли |
| 20. | Гулнор Пари | Гўрўғли |
| 21. | Гўрўғлини Испаҳона бориши | Гўрўғли |
| 22. | Гўрўғлининг ўлими | Гўрўғли |
| 23. | Дастагул | – |
| 24. | Ёдгор | Алпомиш |
| 25. | Жулдузой | – |
| 26. | Зулфизар | Гўрўғли |
| 27. | Зарнигор | Гўрўғли |
| 28. | Испаҳон | Гўрўғли |
| 29. | Истамбул | Гўрўғли |
| 30. | Келиной | – |
| 31. | Кунтуғмиш | – |
| 32. | Кўп сийғоқ | – |
| 33. | Малла Савдогар | Гўрўғли |
| 34. | Мисқол Пари | Гўрўғли |
| 35. | Маликайи айёр | Гўрўғли |
| 36. | Маржон дара | Гўрўғли |
| 37. | Мастонни Чамбилга кетиши | Гўрўғли |
| 38. | Нурали | Гўрўғли |
| 39. | Нурали ва беш юз муллабачча | Гўрўғли |
| 40. | Нурали отасини олиб келиши | Гўрўғли |
| 41. | Нурали ва Семруғ | Гўрўғли |
| 42. | Орзигул | Гўрўғли |
| 43. | Орзирум | Гўрўғли |
| 44. | Ойдалли | Гўрўғли |
| 45. | Оқбилакнинг олиб келиниши | Гўрўғли |
| 46. | Олланазар Олчинбек | Қаҳрамонлик |
| 47. | Рустам | Баҳодирлик |
| 48. | Равшанхон | Гўрўғли |
| 49. | Туғмас каниз | – |
| 50. | Тарки Бадахшон | Гўрўғли |
| 51. | Хотам пошшо | – |
| 52. | Хондаллихон | Гўрўғли |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | |
|---|---|---|
| 53. | Чамбилдан Гўрўғлини қувилиши | Гўрўғли |
| 54. | Шерали | – |
| 55. | Шаҳри ғулғула | – |
| 56. | Шаҳри вайрона | – |
| 57. | Ширин билан Шакар | – |
| 58. | Эрали ва Шерали | – |
| 59. | Эрназар | – |
| 60. | Юнус Оға | Гўрўғли |
| 61. | Юнусни олиб келиниши | Гўрўғли |
| 62. | Юнус Пари | Гўрўғли |
| 63. | Юсуф Аҳмад | Қаҳрамонлик |
| 64. | Қоқибин | – |
| 65. | Қорақум | – |
| 66. | Қизил бошлар | Гўрўғли |
| 67. | Ғуппанта | Гўрўғли |
| 68. | Ҳасанхон | Гўрўғли |
| 69. | Ҳасан Кўлворни олиб келиниши | Гўрўғли |

Қарши давлат университети доценти, филология фанлари номзоди марҳум Абдимўмин Қаххоров ахборотига қараганда, Гўрўғли иштирок этувчи достонлар 32 та бўлиб, унга алоқадорлари ва шахобчалари билан 660 тани ташкил қилиши маълум экан[1].

Достонларни мавзу бўйича шартли равишда баҳодирлик-қаҳрамонлик, тарихий, диний, ишқий ва ахлоқий, тарбиявий (дидактик) турларга таснифлаш мумкин. Шартлилиги шундаки, маълум бир достон муайян тарихий даврни, қахрамон қиёфасини, унинг баҳодирлик юришлари, ишқий саргузаштлари ва бошқа жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Достонларнинг баҳодирлик ва қаҳрамонлик турларига, жумладан Широқ, Тўмарис ва Зарина сингари фидокорларнинг ботирлиги, жасорати тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, «Алпомиш», «Ёдгор», «Гўрўғли», «Соҳибқирон» ва бошқа достонлар киради.

Тарихий достонлар маълум бир давр ва йирик шахс ҳаёти билан боғлиқ тарихий аҳамиятга молик воқеалар асосида яратилган. Буларга «Искандарнома», «Шайбонийхон», «Шоҳ Машраб» ва бошқалар киради.

Диний мавзудаги «Меърож», «Кийикнома», «Амир Ҳамза», «Иброҳим Адҳам», «Қул Хўжа Аҳмад» ва бошқа достонлар.

Ишқий мазмундаги достонлар сон жиҳатидан салмоқли қисмни ташкил қилиб, ошиқнинг ишқий муболағали саргузаштлари, эртакнамо афсона ва ривоятлар ёрдамида тасвирланади. Булар: «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Албанд» ва бошқалар.

Дидактик достонларда муайян тарихий даврдаги одоб-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан узвий боғланган ахлоқий-тарбиявий воқеалар акс эттирилади. Булар: «Авазхон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа достонлар.

Ўзбекистон ҳудудида турли достончилик йўналишлари ва мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос адабий – бадиий йўли, ижрочилик услуби, репертуар бирлиги, ижодий тамойиллари, куй номаларининг ҳажми ва миқдори, чолғулар қўлланилиши ва жўрлиги, куйлаш йўллари билан бир – биридан фарқ қилади. Ҳозирги даврда ўзбек достончилигида Самарқанд – Булунғур, Қўрғон қишлоқ, Қашқадарё – Шаҳрисабз, Қамай, Сурхон –Шеробод, ўзбек – лақай, эроний ва ширвоний каби достончилик мактаблари ва бахшилик марказлари аниқланган.

Булунғур достончилик мактаби қаҳрамонлик достонларини ижро этиш билан машҳур. Бу мактабда кўпгина бахшилар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг сўнгги машҳур вакили Фозил Йўлдош ўғлидир.

Нурота, Оқтов, Манғиштов этаклари ва Миёнкўлга чўзилган кенг масофада яшаган халқ шоирлари Қўрғон достончилик мактабига мансуб. Бу бахшиларнинг кўпчилиги Қўрғон қишлоғида тарбия топган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота – боболари асос солган бу мактабга мансуб бахшилар ишқий достонларни кўпроқ куйлаганлар. Ўзига хос чуқур ҳиссий ифода, чиройли тасвирлар,

[1] Муаллифнинг дала ёзувлари 1991 й.


www.ziyouz.com kutubxonasi

нозиклик ва жимжимадорлик Қўрғон достончилик мактаби услубининг асосий белгисидир. Бу мактабнинг сўнгги машҳур вакиллари Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоирлардир.

Шаҳрисабз достончилик мактаби XIX асрда вужудга келган. Унинг сўнгги таниқли намояндаси Абдулла Нурали ўғлидир. Бу мактаб бахшилари достонларни шўх, қувноқ, кўтаринки руҳда айтишади. Шунингдек куй – номалари ҳам тезкор, шиддатли ва ёқимлидир.

Ўзбекистоннинг жанубида яшовчи кўп бахшилар Шеробод достончилик мактабига мансуб. Бу достончилик мактабининг қадимий намояндалари ҳақидаги маълумотлар унчалик кўп эмас. Ушбу ҳудуд бахши-шоирлари Соқи Булбул деган бахшини ўзларига пиру-устоз деб билишади. Ривоятларга кўра Соқи Булбул эл ичида номи кетган машҳур достончи бўлган. Соқи Булбулнинг овозаси ўша даврда Гўрўғлига етиб боради ва Гўрўғли келиб, уни Чордоғли Чандибелга олиб кетади. У ерда «Гўрўғли» туркумидаги достонларни ижро қилиб, халқ орасида юксак хурмат эътибор қозонади. Бахшининг маҳоратига қойил қолган Гўрўғли Соқи Булбулга ушбу достонларни 72 тилда китоб холида кўчиртирган экан. Шу тариқа «Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг кенг омма орасида тарқалишида Соқи Булбулнинг ҳиссаси жуда катта бўлганлиги ва у бахшиларнинг пиру-устози сифатида тан олинганлиги таърифланади. Ундан кейинги бошқа машхур бахшилар ҳақида маълумотлар кам. Аммо XIX асрнинг бошларида яшаган Бобо шоир, ундан кейин ўтган Қосим кўр (1914 йили вафот этган) ва Шерна бахши Бекназар ўғли ҳақида қисқача оғзаки маълумотлар мавжуд. Шерна мактабидан Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир шоир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Нурали Боймат ўғли каби йигирмага яқин достончилар етишиб чиққан. Бу бахшилар репертуаридаги достонлар ўзининг соддалиги, матнининг ихчамлиги билан фарқланади. Ушбу мактабнинг энг иқтидорли вакили Мардонақул Авлиёқул ўғлидир. У 1889 йилда туғилган бўлиб, 16 ёшида Шернанинг назарига тушади. Устоз бахши ундаги чечанлик ва созандалик салоҳиятини сезиб шогирдликка олади ва беш йил сабоқ беради. Мардонақул шогирдлик даврида устозидан «Малла савдогар», «Олтин қабоқ», «Санам Гавҳар», «Нурали», «Олчинбек», «Алпомиш» каби ўнлаб достонларни ўрганиб куйлай бошлайди ва «Сурхон булбули» деган ном олади. 1937 йилда қамоққа олинади ва кўпчилик халқни талаби билан 1938 йили қамоқдан озод этилади. Умир шоир, Нормурод бахши, Аҳмад бахши ва ўзининг кенжа ўғли Хушвақт бахшилар унинг шогирдлари ҳисобланади.



Чапдан ўнгга: Республика «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси Амирқул Карим, Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болтаев ва китоб муаллифи

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек – лақай бахшилари Данғара туманининг Жоруб қишлоғи билан боғланади. Бу ерда XIX аср охири XX аср бошлари Ҳайбат Шамол ўғли, Тўла Ҳайбат ўғли, Мустафоқул Қундуз ўғли каби машҳур достончилар ўтган. Бу бахшилар репертуарининг марказий қисмини «Гўрўғли» достонлар туркуми ташкил қилади. Уларнинг матни ниҳоятда ихчамлиги билан ажралиб туради.

Қорақалпоқ достончилари орасида бу касбнинг энг қадимги намояндалари, яъни жировлар ҳозирги кунгача ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб келмоқдалар. Улар қаҳрамонлик ва баҳодирлик достонларини асосан қўбиз жўрлигида куйлаганлар. Жировлар ҳақидаги маълумотлар кам бўлсада турли афсоналарда учраб туради. Масалан: Олтин Ўрда хонлиги емирилмасдан олдин пайдо бўлган Нўғойларнинг «Едигей» достонида Соппасли Сапира деган жировнинг жуда доно бўлганлиги, қадимги баҳодирлар ҳақидаги достонларни қўбиз жўрлигида айтиб уруғ ва элатларни бирлашишга чорлаганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, Қалли Айимбетов ўзининг «Халқ донолиғи» китобида қатор жировлар ҳақида маълумот келтириб ўтади[1]. Шулардан: Шанқай ёки Шанкет жиров (1814-1884), Жиямурат жиров (1836-1908), Нурабилла жиров (1862-1922), Ерполат жиров (1861-1938), Қурбанбай жиров (1876-1958), Тўра жиров (1879-1944), Отаниёз жиров (1883-1989), Оғиз жиров (1884-1954), Қиёс жиров (1903-1974) ва бошқалар.

[1] К.Айымбетов «Халык даналыги» Нокис. «Каракалпакстан» 79-88 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қорақалпоқларда дутор чалиб қўшиқлар ижро қиладиган, барча турдаги (ишқий-романтик, насиҳат-дидактик, диний-фалсафий) достонларни айтадиганларга бақсы ёки бахши дейилади. Қорақалпоқ бахшилари жировларга қараганда кейинроқ пайдо бўлган. Қорақалпоқлар Ўрта Осиёга кўчиб келгандан кейин айниқса, Хоразм ҳудудига жойлашгандан сўнг бахшилик касби кенг тарқалган бўлиб, бу касб уларга Ўрта Осиё халқларидан, хусусан Оролли ўзбеклардан ва қўшни туркманлардан ўтган. Бурундан келаётган жировчилик касбига бахшилик ҳам қўшилиб қорақалпоқ достончилик санъати янада бойиган. Машҳур қорақалпоқ бахшиларидан Оқмамбет бахши, Муса бахши (1836-1907), Эденбой бахши ва бошқалар достончилик ҳунарини ривожлантирганлар. Улар кўҳна Хоразм маданиятини ҳар тарафлама ўрганиб ундан ижодий фойдаланганлар. Натижада «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Юсуф – Аҳмад», «Гўрўғли» каби достонлар қорақалпоқ бахшиларининг асосий репертуарини ташкил қилган.

Достон номаларининг ҳам кўпчилиги Оролли ўзбеклардан ўтган бўлиб, кейинчалик барча ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларининг устози Суяв бахшининг номалари кенг тарқалган ва унинг анъаналарини иқтидорли қорақалпоқ бахшилари давом эттирганлар.

Суяв бахши асли туркманларнинг Човдир уруғидан бўлиб, Пўрси туманининг Бўзачи қишлоғидаги, гўммачи Сейитназар деган жойида XVIII аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган. Унинг шогирдларидан: Адилбой бахши унинг шогирди хитой уруғидан Ўринбой бахши (1908-1952), Янгабай Тўра ўғли (1887-1961), Жапақ бахши - Жобборберган Шомуродов (1893 - 1970), Жуман бахши (1871-1949), Ибрайим Патуллаев (1909-1967), Қиз бахши Ҳуриломон (1861-1906) ва бошқа кўпгина бахшилар қорақалпоқ достончилик санъатига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбек достонларининг мусиқий табиатини ўрганишда ўзининг қадимий илдизлари, бетакрор услуб ҳамда шеваси, шунингдек ёрқин жозибали куй ва қўшиқлари билан ажралиб турувчи Хоразм достончилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Турли воҳа ва элатларга мансуб бўлган достон йўлларида баъзан куй ва қўшиқчилик, айрим ҳолларда эса сўз воситасига кўпрқ урғу берилганлиги сезилиб туради. Шунга кўра достончи гоҳ созанда, хонанда, гоҳ шоир тимсоли бўлиб гавдаланади. Эътиборли томони шундаки, Хоразм достончилигида иккала оқим ҳам тенг шуҳрат топганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ўз навбатида ушбу достончилик мактабининг сўз, мусиқа, ижро ва бошқа жиҳатларини алоҳида ўрганиш долзарб илмий муаммо эканлигидан яна бир карра далолат беради.

Бахшилар томошагоҳдаги эшитувчилар хоҳишига қараб ва уларга мослаб, достонларни эркин, аниқроғи – ижодкорона ёндошган ҳолда ижро этганлар. Бунда улар достон ривожининг муҳим босқичлари бўлмиш: қаҳрамоннинг туғилиши, қурол – яроғ мақтови, жангга тайёргарлик, баҳодирлар суҳбати ва йигитларнинг таърифи сингари мавзуларга таянганлар.

Қирғизларда эркин ижро «айтиш» дейилади ва речтатив-ҳикоячилик юқори ўрин тутади. Бадиҳгўйликда айниқса сўзга кўпроқ эътибор қаратилади. Қаҳрамонлик достонларидан «Кёр оғлы», «Алпамыш», ошиқ туркумидаги «Қиз жибек», «Ер тарғин», «Лайли ва Мажнун» ва бошқалар машҳур. Булар ичида энг йирик достон «Манас» бўлиб, 5000 мисра шеърдан ташкил топган. Қирғизларда XVI – XX асрлар орасида жуда кўп достонлар яратилган бўлиб, кейинчалик улар «Манас» эпосига бирлаштирилган. Манасчилар сўз, соз, овоз, қўл ва юз-кўз ҳаракатлари ифода воситаларидан жуда усталик билан фойдаланганлар.

Қозоқларда айтишув кўриги шаклида касбий синовлар ўтказилган ва ғолиблар аниқланган. Бундай беллашувларда Жамбул, Қулмамбет, Сайим жиров ва бошқа етук оқинлар ижоди намунали бўлган. Орол ва Каспий денгизи бўйларида қозоқларнинг кичик жузи қарор топган бўлиб, бу жуздан баҳодирлик достонларининг машҳур ижрочилари етишиб чиққан»[1].



Қўрқит ота хотира ёдгорлиги

Туркманларда ҳам айтишув ва беллашувлар қадимдан одат бўлиб келган. Энг моҳир бахшилар шундай мусобақаларда аниқланган. Бундай айтишувлардан бири «Бизга хабар бер ва жавобимиз шу» сарлавҳали шеърда Махтумқули ва Дурди шоирнинг фалсафий бахси шаклида ёзма манба сифатида бизгача етиб келган.

[1] Жирмунский В.М. «Тюркский героический эпос». Л., Наука, 1974 с. 615 – 616 (Таржима бизники).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Турк халқларида барча достончилар Бобо Қўрқит (Бобо Қўрқит, Дада Қўрқит, Қўрқит Ота)ни ўзларига пиру устоз деб билганлар. У бутун Осиё, Каваказ олди ҳудудларида яшовчи туркий халқларда афсонавий қўшиқчи, достончилик асосчиси, мусулмончилик тарғиботчиси, машҳур оқин, куйчи, жиров, сифатида таъриф этилади. Қўрқит Ота ҳозирги Қизилўрданинг Қармоқчи деган жойда таваллуд топган. Оғзаки маълумотларга кўра, Дада Қўрқитнинг онаси Қипчоқ уруғидан, отаси эса Қорахўжа ўғизларидан бўлган. Қўрқит Бобога ном қўйилиши билан боғлиқ кўпгина афсоналар мавжуд бўлиб, баъзи ривоятларда айтилишича - Қўрқит бобо дунёга келган пайтида халтача ичида туғилади. Буни гувоҳи бўлганлар қўрқиб кетадилар ва халтачани очиб қарасалар ичида нимжонгина чақалоқ ётганини кўриб қувонадилар. Шу боис, у бизни бошида қўрқитди, энди исми Қўрқит бўлсин деб болани шу ном билан атайдилар.

Ёзма маълумотларга қараганда Қўрқит Бобо 95, баъзиларида 195, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима» асарида баён этилишича: – «Иналёвихоннинг вазири Қўрқит Ота эрди. Қўрқит Ота нимарса теса Иналёви анинг сўзидан чиқмас эрди. Қўрқит Отанинг кароматлари кўп эрди, икки юз тўқсон беш йил умр топди, уч подшоҳга вазир бўлди. Салур Қазан Қўрқит Ота билан бир замонда эрди. Қўрқит Отанинг Салур Қазан Алпни махтаб айтқан тартими (тарихи) бу турур:

Тур ва туркман, араб, ажам раиятлар,
Қазан қилди мусулмонға тарбиятлар,
Кофирларни қирди ўшал кўп фурсатлар,
Алплар, беклар кўран борму Қазан каби.

Андин ҳунар кўтардилар барча улли,
Баъзиларга ўрун берди сағли-сўлли,
Бизга бўлди Қамуғ элнинг ўрни дингли,
Алплар, беклар кўран борму Қазан каби.
Сабоҳ саёҳ Қўрқит ўлар бўлдинг эмди,
Ул Қазаннинг давлатина дуо қилғил»

дейилади. Ўша даврда Инол, Кўларкон, Қонлихўжа, Қозонхон деган хонлар Еттисув, Талас, Сайрам, Қозиғурт, Қоратоғ, Сир бўйи, Олтой ўлкаларини бошқарганлар[1]. Қўрқит ота уларнинг вазири сифатида замонасига яраша қонун-қоидалар битган. Ўз ҳудудини душманлардан ҳимоя қилиш, ер ва сувдан тартиб билан фойдаланиш, арз ва келишмовчиликларни оқилона ҳал этиш масалаларига катта эътибор қаратган.

Ривоят қилинишича: - Дада Қўрқит ўлимдан қўрқмайдиган, яшаш учун курашувчи, абадий барҳаётликка интилувчи устоз сифатида гавдаланади. У туяга миниб, дунёнинг тўрт томонини кезиб ўлим йўқ жойини ахтаради. Бироқ унинг олдидан чиққан кўк майса «кўкариб сўлдим» дейди, осмонга бўй чўзган Асқар тоғ «бурун савлатимиз зўр эди, энди емирилдик» дейди, япроғи сарғайган қора ўрмон қайғу билан бошини чайқайди. У қайга борса гўр ковлаётганларга дуч келади. Қўрқит Бобо буларнинг ҳаммасини кўриб ўлмайдиган ҳеч нарса йўқ экан деган қарорга келади. Лекин бари бир ўлимга чора излашни давом эттиради.

Дада Қўрқит кексайганида унинг жонини олиш учун ажал кузатиб юрадиган бўлади. Қўрқит Ота доимо «ҳаёт қўшиғи»ни куйлар ва Азройил унга яқинлаша олмас экан. У қўшиғига жўрнавоз чолғу - қўбиз ясаш учун ўрмонда ёғоч ахтариб юрган пайтида шайтонлар суҳбатини эшитиб қолади ва қўбизни улар айтгандай қилиб ясаб «Ҳаёт қўшиғи»ни янада баланд чалиб, куйлаб юради. Бир куни чарчаб кўзи уйқуга кетади, ажал эса заҳарли «Қайроқ илон» қиёфасига кириб Қўрқит Бобони чақиб ўлдиради. Шундан бери ҳаёт ва ажал ўртасида тинимсиз кураш борар эмиш.

Ушбу ривоят асосидаги ўлимга қарши кураш ғояси ислом дини ақидаларига зид бўлиб, афсонанинг яратилиши ва тарқалиши туркий халқлар орасида ислом дини кириб келмасдан олдинги даврларга бориб тақалади. Худди шундай ғоялар Авесто китобидаги ўтда куймас, сувда чўкмас, тиғ ўтмас Вертранга – чўян одам ёки темиртирноқ одам, қадимги «Гилгамиш» достони, Сибир турк халқларининг «Эрлихон» афсонаси ҳамда бошқа достон ва ривоятларда ўз аксини топган.

Яна бир афсонада Қўрқит Отанинг бошқача ўлим топганлиги тўғрисида айтилади: - Кунларнинг бирида Бобо Қўрқит куй чалиб кетаётган экан, қўбиз оҳангига маҳлиё бўлган қирқ бир қиз унинг кетидан эргашиб бораверибди. Шунда Қўрқит Ота Сирдарё сувининг юзасига жойнамозини ёйиб

[1] Абулғозихон «Шажарайи тарокима» Т., «Чўлпон» 1995 й.



www.ziyouz.com kutubxonasi

оқизиб юборади ва жойнамоз кетидан йўл очилади. Қирқ қиз эса очилган қуруқликдан сувсизлик ва ҳолдан тойганликларини ҳам сезмасдан қўбиз оҳангига эргашиб кетаверадилар. Қирқ биринчи Тўпал исмли қиз улардан орқада қолиб кетига қайтади. Уларнинг барчаси қирғоққа етгандан кейин ҳалок бўладилар. ҳозирги «Қўрқит» темир йўл бекатига яқин ерда Дада Қўрқит ва қирқ қизнинг қабри бор. Тўпал қизнинг қабри эса темир йўлнинг ўнг тарафидаги тепаликнинг устида жойлашган. Шуларга ўхшаган афсоналар жуда кўплаб тўқилган бўлиб, уларни бахши шоирлар эл орасида айтиб юрган.

Булардан Қуйлибой бахши, Нисон Абзий, Мекеш бахши, Найман бола, Ошиқ Ойдин, Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек - Абдулла Қурбонназаров каби ижодкор бахшиларнинг ҳикоя ва термаларида Қўрқит Ота барча бахшиларнинг пиру устози эканлиги таърифланади.

Қўрқит ота томонидан айтилган деган бир қанча мақоллар ҳам мавжуд бўлиб, шулардан: «Эски пахта бўз бўлмас, эски душман дўст бўлмас», «Чўлнинг ўт-ўланини кийик билар, сувли ернинг қадрини қулон билар, узоқ йўлнинг сирини туя билар», «Қўбизини сайратган жировга халқи керак», «Меҳмони йўқ қора уйдан дала-туз яхши», «Қор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди», «Ёлғончи бўлиб яшагандан умр сурмаган яхши» ва бошқалар шулар жумласидандир. Булардан ташқари «Қўрғит куй», «Қўрқит сарини» (сар ун - бош оҳанг), «Қўрқит нома» каби куйлар бўлганлиги таъриф этилади.

Бола бахшининг айтишига қараганда шимолий Ўзбекистон ва Туркман бахшилари Ошиқ Ойдин деган бахшини ўзларига пиру устоз деб биладилар. «Тавсиротул ҳусайин» китобида баён этилишича Ошиқ Аддин Шихобиддин ибн Умар (Ошиқ Ойдин пир) тарихий шахс бўлиб, мўғуллар истилосидан юз йилча бурун Хоразмнинг Востон шаҳри яқинидаги Диёрбакр (Туркманистоннинг ҳозирги Дашавуз вилояти) қишлоғида таваллуд топиб ижод этган. Унинг ҳақидаги эслатмалар «Хирмондали» (Хирмонпари, Гули Хиромон) достонида келтирилади: «Рум элидаги гўзал Хирмондалидан хабар келгандан кейин отланиб кетаётган Гўрўғлига Оғо Юнус Пари мурожаат қилиб:

Муннан борсанг шаҳри Бўстон (Востон) бориб гет,
Ҳақ ёдини юрагинга солиб гет,
Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб гет,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.

Бу насиҳатга қулоқ солмай кетган Гўрўғли бориб Хирмондалидан айтишув ва беллашувда енгилиб қайтиб келади». Шундан кейин Ошиқ Ойдин пирга шогирд тушади ва 115 яшар қари пир Хирмондали билан қуйидаги тарзда айтишади. Айтишувдан парча: ( «Туркманча Шо кўчди» номасига солинган)

**АЙТИШУВ**
**(Туркманча Шо кўчди)**

4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-бандлари ҳам 2 ва 3-бандлари айтилган баландликда такрорланади.






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi



О.О. Ҳақ дейиб чиқмишам гўрдан,
Учраса қочарсан эрдан,
Хабар сўрсанг қарри пирдан,
Яхши тани бобонгни сан.

Х.Д. Ошиғликда йўқдир сийнинг,
Мейдонда дўкилар қонинг,
Эйламай оларман жонинг,
Қани ўқи иймонни сан.

О.О. Чин ошиқ сўзина бекдир,
Санинг билан якма-якдур,
Бобонгни хаёли кўпдур,
Ёздир бугун сийнангни сан.

Х.Д. Гет бобо донишма йироқ,
Гарданингга деяр таёқ,
Ўзинг қарри соққолинг оқ,
Қўл етирма сийнама сан.

О.О. Арзим бор ёра айтмақа,
Галиб нориннан тутмақа,
Бобонг галгандир ётмоқа,
Бошла бизни хононга сан.

Х.Д. Ман ўзим қизларнинг хони,
Ўлдирдим уч юз полвонни,
Ё гўрибсан Мустафони,
Ошиқларнинг султони сан.

О.О. Чакдинг парда гул юзлара,
Хирмондурсан кўп қизлара,
Ёшлиқ атарсан бизлара,
Чақир бона момонгни сан.

Х.Д. Хирмон Дали қатдим ройдан,
Юзларим тиниқдур ойдан,
Манга бу ишлар Худойдан,
Тут бугун тар жамолни сан.

Айтишув матни Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаевнинг илк шогирдларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон бахши Матёқубов ижросида ёзиб олинди.

Натижада Ошиқ Ойдин Хирмондалини енгади ва бутун бахшилар уни пиру-устоз деб тан оладилар. Беллашувлар ва уларда ғалабага эришган бахшилар ҳақида бундай ривоят ва ҳикматлар кўплаб учрайди.

Шуни алоҳида қайд қилиш жойиздурким, Хоразм достончилиги узун тарихий жараённи, хилма-хил услуб ва йўналишларни ўз ичига қамраб олган мураккаб қатлам сифатида гавдаланади. Устоз бахшиларни, хусусан Бола бахшининг қайд қилишича, ушбу достончилик мактаби уч қисмдан ташкил топади. Бу бахшилар тилида дўкон[1] деб юритилади. Улар Амударё оқими бўйлаб юқори, ўрта ва қуйи дўконларга бўлинадилар.

**Юқори дўкон** ўз ичига шартли равишда Туркманистоннинг Чоржўй вилояти, Дорғон, Питнак туманларини бирлаштиради. Бу дўкон бахшиларининг куй йўллари мўътадил суръатда бўлиб, дуторларининг ҳажми ҳам Фарғона-Тошкент дуторларига ўхшашлиги билан ажралиб туради. Мазкур дўкондан Хўжаёз бахши, Амин бахши, Мурод бахши, Эшниёз бахши Бобожонов ва бошқалар етишиб чиққан. Унинг марказини шартли равишда Ҳозарасп деб белгилаш мумкин. **Ўрта дўкон** ўз

[1] Дўкон – форсча – манзил, қўнимгоҳ, магазин маъноларини билдиради. «Персидско – русский словарь» под ред. Ю.А.Рубинчика. Изд. Сов. Энциклопедия. М., 1970 г. 647 стр.



www.ziyouz.com kutubxonasi



Отахон Матёқубов

ичига Ҳонқа, Янги-ариқ, Урганч, Қўшкўпир, Шовот, туманларини бирлаштиради. Унинг марказини Хива шаҳри деб белгилаш мумкин. Бу дўкон бахшиларнинг куйлари жўшқин ва ўйноқи.

Бола бахши таъбири билан айтганда – «Тингловчига чўғ босиб олгандай таъсир қилади». Уларнинг дутори ҳам юқори ва қуйи дўконларникига қараганда кичикроқ бўлиб, ҳажми 970-1040 м.м. га тенг. Мазкур дўкон ижрочилигининг ўзгача хусусиятларидан яна бири-бахшилар қўшида доира ва буломон чолғулари жўрлигига кенг ўрин берилганлигидир. Ўрта дўкондан Эшвой, Матниёз Гўржа каби машҳур бахшилар етишиб чиққан. Эшвой бахши асли Шовотлик бўлиб, Оллоқулихон даври (1825-1842 йиллар)да яшаб ижод этган. У ҳақда М.Харратов – Чокар ўзининг эсдалик дафтарлари-дастакларида шундай дейди – «Эшвой бахши Хоразмнинг чиғатой уруғидан чиққан. Мулаққаби Курт дурур»[1]. У ўндан ортиқ шогирдларни етиштирган. Уларнинг ичида энг катта шухрат топгани Матниёз гўржа бўлиб, унинг иккала кўзи кўрлигидан туркманлар орасида исмига гўржа яъни кўр лақабини қўшишган. Қорақалпоқлар ичида эса уни Ғарибниёз дейдилар. Матниёз ўз устози Эшвой бахши ҳақидаги қуйидаги шеърни битиб, уни ўзи басталаган ва устозига бағишлаган «Эшвой» куйига солиб ўқиган. Шеърда Эшвойнинг қайси уруғдан эканлиги, сўзга усталиги меҳр ва дард билан таърифланади:

Эй ёронлар, васпин сиза айтайин,
Ҳақ саноси тилиндадир Эшвойнинг,
Асл зотин бир-бир баён айлайин,
Уруғи ҳақ Чиғатойдир Эшвойнинг.

Эшвой бормай ҳеч ким тўйин қурмади,
Юзин кўрмай қизлар вакил бермади,
Фисқу-фужур ҳаром ишга юрмади,
Шу қилиғин эллар севди Эшвойнинг.

Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,
Беш кунлик умрини сарафроз этди,
Ўлгандан сўнг васпин Матниёз айтди,
Соз, сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.

Шеърдан маълум бўлишича, Эшвой бахши ўз даврида Оташ, Нуржон деган бахшилар билан ҳам айтишувлар қилган.

Афсуски, ҳали кўпгина бахшилар ҳаёти ва ижоди тўғрисида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Шунинг учун уларнинг қисқача бўлсада, ўзлари ёки шогирдлари томонидан хотираларида сақланиб қолган маълумотлар ниҳоятда қимматлидир. Жумладан Матниёз гўржанинг ўзи ҳам «Гўзларим» номли шеърида 48 ёшида кўзи ожиз бўлиб қолганлигини баён қилади:

[1]М.Харратов дастаклари. 14-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳақ мани инсон яратдинг навбаҳорим гўзларим.
Қанча боғни сайрин этган лолазорим гўзларим.
Мақсадим борича гўрдим эътиборим гўзларим.
Сан йўқолдинг сўнг билинди кирдикорим гўзларим.

Ўн ёшимда, ўн бешимда қиш гунимни ёз этиб,
Йигирмамда, ўттизимда сўзлар айтдим соз этиб,
Лочинам учдим ҳавоға чарх уриб парвоз этиб,
Гавҳарим, ганжим, ғазинам шаҳриёрим гўзларим.

Икки кам элликка кирдим қурийдур ёшим мани,
Яккалик зиндонда ётдим йўқди йўлдошим мани,
Истасам излаб топарман оғудир ошим мани,
Қайғу ғам-ғусса билан еган наҳорим гўзларим.

Эй Ниёзим тавба қил ҳақ нурин иймон айлагил,
Жумла исённи ёқиб мушкулни осон айлагил,
Меҳр уйин очгил равон лутф ила эҳсон айлагил,
Бор ўтир мандан бурун сақла мазорим гўзларим.

Ушбу шеър бошқача талқинда ва мазмуни ихчамлаштирилган ҳолда кўпгина бахшилар томонидан мухаммас шаклида ҳам айтилган:

Икки кам эллика борганда азиз ёшим менинг,
Бунча дардга дуч келибдур бу ғариб бошим менинг,
Сармалаб, излаб топиб, оғу бўлар ошим менинг,
Ёхти жаҳонни кўргали йўқ эрур йўлдошим менинг,
Қайғу, ғам, ҳасрат билан йўйган наҳорим гўзларим.

Юқоридаги мисолларда аруз шеъриятидаги мухаммасларга яқинлик сезилиб туради. Демак, Матниёз китобий анъаналардан ҳам яқиндан хабардор бўлган деган хулосага келиш мумкин. Мазкур мухаммасни Бола бахши «Мухаммаси Ифтор» номасига солиб ўқиган ва кўп ҳолларда достонларни бошлаш учун дебоча сифатида фойдаланган.

Бола бахшининг хотирлашича, Нурмамат чўлоқ ҳам донг таратган бахшилардан бўлиб, чап қўли тирсагигача кесилган экан. Дутор чалиш учун эса махсус ёғоч илгак мослама ясаб, бош, ўрта ва зир пардаларни босадиган қилиб тайёрланган бўлган. Достон айтаётганда унинг ёнида иккала буломончиси, илгакни қайси пардада турганлиги ва ўнг қўл зарблари – дастлари урилишидан, бахши қайси номани бошлаганини илғаб олиб жўр бўлишган.

Нурмамат бахши жуда истеъдодли, овози жарангдор бўлиб, 12 кунлик сайиллардан бирида хон чодири ёнидаги супада «Базирён» достонини ижро қилади. Чодирда овқатланиб ўтирган Феруз достон ижросига берилиб кетиб, беихтиёр «ҳа баракалла, ҳа баракалла!» деб аста секин чодирдан чиқиб, сурилиб-сурилиб супага, бахшининг олдига бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қолган дейдилар. Моҳирона ижроси учун Нурмамат бахшига Муҳаммадраҳимхон – Феруз катта инъомлар берган экан.

Шунга ўхшаш таърифлари эл орасида ёйилган бахшилар жуда кўплаб учрайди. Ўрта дўконнинг йирик намояндаларидан Аваз бола, Чиғатойлик Нурилло бахши, Қиёт - Қўнғиротлик Аннафас бахши, Матёқуб қори ва унинг ўғиллари Ҳасан ҳамда Сайид бахшилар, Хивалик Бекжон бахши, ҳонқалик Абдрим бахши, Усмон бахши (Бола бахшининг бобоси), Бува бахши, Жуманазар бахши, Бола бахши ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

**Қуйи (Ошоқ) дўкон** Гурлан, Тошҳовуз, Пўрси, Қўҳна Урганч, Хўжайли каби Амударёнинг қуйи оқими ҳудудидаги жойларни ўз ичига олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин. Бу дўкон вакиллари кўпинча якка дутор жўрлигида достон айтишади. Куй йўллари туркман, қорақалпоқ ҳатто қозоқ достончилик услубларига ўхшашлиги ва достон номаларини ички овоз билан куйлашга мойиллиги жиҳатидан ажралиб туради.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу дўконнинг ёрқин намояндалари Ризо бахши, унинг ҳақида «Хоразм мусиқий тарихчаси»да ёзилишича: Ризо бахшининг лақаби «Бежилов», жиловсиз, бошқариб бўлмайдиган деб юритилган. У Муҳаммадраҳимхоннинг хос бахшиси бўлиб, Феруз хобхонасида то хон уйқуга кетгунича қўбиз чалиб достон ва афсоналар куйлаган. Қуйидаги шеър Ризо бахши ижодига мансуб:

Чархини товлаб соз этган,
Йигит кўриб ноз этган
Манғитлининг қизлари

Паражаси сочоқли,
Узун бўйли генг қужоқли,
Хивалининг қизлари.

Алинда бор билазик,
Наввало беллари нозик,
Урганчлининг қизлари.

Кўса кўрса бойим дер,
Қамишлиқ кўрса жойим дер,
Қозоқларнинг қизлари.

Шунингдек, бу дўкондан Эрназар бахши, Суяв бахши, унинг шогирди Манғитлик Отажон бахши, Аҳмад бахши Матназар ўғли, Йўлдош бахши Дўсимбетов, Гурланлик сакрак бахши – Жумабой Худойберганов, Худойберган Ўтаганов, Манғитлик Турсун бахши Жуманиёзов ва бошқа устоз достончилар етишиб чиққан. Қуйида Ширвоний ва Эроний услубларга молик бахшиларнинг тахминий шажараси келтирилди:





www.ziyouz.com kutubxonasi




Кекса бахшиларнинг ахборот беришича мазкур дўконларда шогирдлар тайёрлаш иши ҳам изчил йўлга қўйилган. Ҳар бир устоз бахши ўзидан кейин шогирд етиштиришни зарурий шарт деб билган. Бунда шогирдликка олинадиган бола муайян иқтидорга эга бўлиши талаб қилинган. Боланинг саводи, зеҳни, зукколиги, мусиқий қобилияти, жумла туза билиши, нутқи равонлиги, овозининг жарангдорлиги, ширадорлиги, баландлиги, тингловчиларни жалб қила олиш маҳорати, хотираси, юз ва кўз ифодаси ва бошқа кўпгина сифатлари ҳисобга олинган. Қисқаси, агар табиатан истеъдодли бола устоз – бахшининг юқоридагига ўхшаш талай синовларидан муваффақият билан ўтса, шундан кейингина ёш шогирдга вазифалар топширилган. Унга даставвал достон шеърларини ёд олиш, ихчам номаларни чалиб айтиш, кейинчалик тўйларда устозга жўр бўлиш ва бошқа топшириқлар берилган. Йиллар ўтгани сайин шогирд тенгқурлари билан айтишувларда чиқиши, касбий чиниқиши ва эл орасида танилиши, ўз ўрнини топиши тақозо этилган.

Тўйларни мустақил равишда ўтказиш қўлидан келганидан кейин, у устознинг розилиги билан «Созандалар рисоласи» («Меҳтарлик рисоласи» деб ҳам юритилади) бўйича назарий имтиҳон топширган[1].

Туркман шоири Мулла Ғойиб[2] ўзининг қуйидаги шеърида меҳтарлик рисоласининг асосий нуқталарини ихчам тарзда мужассамлаштирган:


www.ziyouz.com kutubxonasi

Соз билан суҳбатни ёлғон деманглар,
Одам ато пайдо бўлғанда бордур.
Ҳобил, Қобил онасининг қорнинда,
Алар ҳам дунёға галганда бордур.

Муллалар жам бўлиб топмади далил,
Ман санга сиғиндим ё Раббим Жалил.
Исмойил пайғамбар, Иброҳим Халил,
Макка Мадинани қурғанда бордур.

Бу дунёға кимки галди саришта,
Одам ўғли ҳар қайсиси ҳар ишда.
Хоруд, Моруд одли икки фаришта,
Бобилнинг чоҳина тушганда бордур.

Игна учун Исо осмонда қолди,
Искандар Зулқарнайн дунёни олди.
Мусонинг ҳассаси аждаҳо бўлди,
Насимийнинг пўстин сўйғанда бордур.

Доғларнинг бошиннан гетмас думони,
Бир гун бўлар яратганнинг фармони.
Маъдий келиб олур ёхти жаҳонни,
Али ёқасиннан тутганда бордур.

Шайтонни қувдилар жаннат уйиннан,
Ҳар ким топар ўз фелиннан, хўйиннан.
Худо ўзинг сақла хазон сувиннан,
Нўвни гамасина душганда бордур.

Муллалар жам бўлиб кетдилар ҳама,
Хазорон демакни маъноси нима?
Подшо бўлиб ўтди шоҳи Жам-жама,
Дунёнинг лаззатин тотганда бордур.

Муҳаммад пайғамбар дин йўлин очди,
Билол азон айтди кофирлар қочди.
Абу Бакр, Умар, Усмон етишди,
Али зулфиқорин чолғонда бордур.

Ҳазрати Довуднинг қирқ ўғли бўлди,
Манманлик айлади, барчаси ўлди.
Қирқ ўғил ўрнига бир ўғил кўрди,
Довуднинг қирқ ўғли ўлганда бордур.

Мулло Ғойиб айтар, Хизирдур пирим,
Пирим Шоймардон Али дастгирим.
Султон Суюн подшо Мир Алишерим,
Дунёнинг тўзини тутганда бордур.

Мулла Ғойиб ҳақида туркман ва ўзбек халқ оғзаки ижодида махсус достон ҳам яратилган. Унинг бир нусхасини Ходи Зариф 1934 йили Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олган. Бундан ташқари Мулло Ғойиб ҳақида бир қанча ривоятлар мавжуд[3].

---

[1] Бу рисола мазмунини кекса устоз бахшилардан бири Турсун бахши Жуманиёзов қуйидагича ҳикоя қилади: Оллоҳ-таоло Одам ато танасини лойдан ясагандан кейин, элчи фаришта ҳазрати Жабрайил, оламни ҳаракатлантирувчи фаришта ҳазрати Микойил, охиратда карнай (сур) чалувчи фаришта ҳазрати Исрофил, жон олувчи фаришта ҳазрати Азроилга вужудга жон киргизишни топширган эканлар. Одам ичининг қоронғу зимистонлигидан жон у ерга киришдан бош тортади. Фаришталар кўп ва хўп ўйлашиб, охири жонни антиқа йўл билан одам вужудига киритишга қарор қилибдилар. Улар жаннатдан «дуп» (Турсун бахши тут деб таърифлайди) ёғочини олиб чиқиб, танбур, дутор, най ва ғижжак чолғуларини ясабдилар, лекин қанча уринишмасин улардан товуш чиқара олишмабди. Фаришталар чарчаб ухлаб қолишибди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатини нарида кузатиб турган Шайтон алайҳуланна (ланатланган) бари-бир мен аралашмасам ҳеч иш чиқмас экан деб танбур, дутор ва ғижжакларнинг қулоқларидан пастига бир донадан чўп қистириб, найнинг тешиклари ёнидан бир тешик очадики, «шайтон харрак» ва «шайтон тешик» иборалари ана шундан қолган. Бир пайт тўрттала фаришта уйғониб қарашса, чолғулар қўл теккизишга маҳтал бўлиб жаранглаб турган эмиш.

Шундан кейин ҳазрати Жабройил латиф нағма ўйлаб топади ва уни фаришталар билан жўрликда чалиб, жонни Одам ато вужудига киритган эканлар. Ушбу воқеадан кейин нағманинг пири ҳазрати Жабройил ҳисобланган.

Ундан ташқари темирчилар пири ҳазрати Довуд, унинг ҳар болға уришидан янги нағма пайдо бўлар экан ва 360 нағмаси борлиги таърифланади. Нафаси ўликларга жон бағишловчи ҳазрати Исо, эзгу ишларни амалга оширувчи ва адолатпарвар кишилар хомийси Хўжайи Хизир, юқорида муборак номлари келтирилганлардан ташқари, мусулмон пайғамбар ва пирлардан Муҳаммад алаҳиссалом ва унинг чориёрлари Абу Бакр, Усмон, Умар, Али, достон қаҳрамонлари Жамшид, Рустам, Сухроб, Бобо Қўрқит, Ошиғ Ойдин пир, Гўрўғли, Ошиқ Ғариб ва бошқа жуда кўплаб мўътабар ва табаррук пирлар созандалик ва бахшилик ҳунари ривожини таъминлар эканлар. Шу сабабдан ҳам уларга сиғиниш ва пиру – устоз деб билиш созандалик рисоласидаги оғзаки равишда муҳрланган қонун бўлиб хизмат қилган.

[2] Мулла Ғойиб Бухорода эшон Намознинг фарзида имом бўлиб турган пайтида, орқада имомга иқтидо қилиб номоз ўқиётган қизларга шариат қонунини бузиб икки бор қарагани учун кўзларига мил тортилган ва эшон даргоҳидан ҳайдалган.

Х.Зарифов, Т.Мирзаев «Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни» мақолалар тўпламидаги З.Ҳусанова мақоласи, 181 б.

[3] Бир ривоятда айтилишича, Ҳусайн Бойқаро ҳамма созанда ва бахшиларни йиғиб, уларга қарата: «Сизларнинг эл ичида қилиб юрган созу-суҳбатларингиз бари ёлғон, улар фоний дунёнинг алдамчи маҳсулларидир, ёлғонни тарғибот қилувчилар эса риёкордурлар. Шунинг учун сизлар жазога мустаҳиқсизлар. Агар созу-суҳбат рост бўлса белгиланган муддат ичида исбот қиласиз. Бўлмаса ҳаммангизни қатли ом қиламан», – деб фармон берган эмиш. Белгиланган муддат тугагач, Мулла Ғойиб ўртага чиқиб, олдин созандалар рисоласини баён қилиб, сўнгра юқоридаги шеърни куйга солиб ўқибди. Шу ерда Ҳусайн Бойқаро, Мир Алишер Навоий ва бошқа аъёнлар ушбу исботни эшитиб, қўлларини дуога очиб, «Мана шу қўшиқ билан тўй бошлаган созанда, хонанда ва бахшиларнинг топгани ҳалол бўлсин» деб фотиҳа берибдилар. Подшоҳ ўз фармонини бекор қилибди. «Созандалар рисоласи» ва унинг мазмуни акс этган қўшиқнинг ижроси бутун санъат аҳлини ҳалокатдан сақлаган экан.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур рисола – ашула бахши ва созандалар учун қонун, дастуруламал бўлиб келган ва шогирд бахшилар томонидан «назарий имтиҳон» тарзида сўзлаб берилган.

Рисола айтиб бўлинганидан кейин достонлардан амалий имтиҳон топширилган. Бу удум «Фотиҳа тўй» ёки «Фотиҳа зиёфат» деб юритилган. Тўйда шогирд устозига бош оёқ сарпо ҳадя қилган. Устоз эса ўз навбатида шогирдига «касб-корингдан барака топгин» деб яхши тилаклар билан оқ фотиҳа бериб дутор совға қилган. Фотиҳа олган ёш бахши эл-юрт тўй-томошасини ўтказишга лойиқ топилиб, мустақил фаолиятга қадам қўйган.

Ўша даврнинг машҳур бахшилари 5, 10, 20 ва ҳатто 30 кун давом этадиган тўйларни кунига биттадан достон айтиб (олдин айтганини бошқа такрорламаслик шарти билан) ўтказар, бундай моҳир бахшилар юқори баҳоланиб, 5 тиллодан 15 тиллогача шартлашиш йўли билан хизмат ҳақи олар эканлар. Тўйларда давранинг катта-кичиклигига қараб, от-араванинг бир ғилдираги ўқи билан чиқариб олиниб, ерга қоқилиб, айланма саҳна тайёрланган. Бахшилар бундай саҳна устига чиқиб достон бошлаганларидан кейин, унинг овози барчага тенг етиб борсин учун «саҳна» айлантирилиб турилган. Бола бахшининг ахборот беришича достон айтиладиган тўйлар шу зайилда ўтказилар экан. Лекин бундай тўйларда иштирок этиш ҳамма бахшиларга ҳам насиб бўлавермаган.

Муҳаммадраҳимхон Феруз даврида Хоразм ҳудудида 40 нафардан зиёд бахши ва 32 та созанда қўшлари[1] бўлиб, уларни ҳар йилги 12 кунлик сайил даврида синовдан ўтказар, ғолиб чиққанлар элни тўй-томошасида хизмат қилишга фатво олар, мағлуб бўлганлар эса масхара қилинар экан.

Ана шундай кўриклардан бирида мағлуб бўлган қорақалпоқ бахшиси Кунхўжа (1799 - 1880) ўз норозилигини шеър билан қуйидагича баён қилади:

Совға берди бахшиларга,
Ҳеч боқмади яхшиларга,
Лофчимишман ваҳшийларга,
Уларга мен ҳеч ёқмадим.

Келтирдилар унга туя,
Менга суртди қора куя,
Ўлимтикка бўлдим эга,
Буни ҳеч бир унутмасман[2].

Бундай кўрикларда нафақат ўзбек бахшилари, балки қорақалпоқ ва туркман бахшилари ҳам ўзаро беллашганлар.

Махсус тил ифодаси ва мусиқий хусусиятлари жамланиши нуқтайи назардан Хоразм достончилигида иккита йирик услуб мавжуд бўлиб, буни бахшиларнинг ўз иборалари билан айтганда Ширвоний ва Эроний (яъни жанубий ва шимолий) услублар деб юритилади. Фикримизча бундай атамаларнинг келиб чиқиши Хоразмнинг қадим замонлардаёқ Эрон ва Озарбайжон (Ширвон) мамлакатлари орасидаги тарихий – маданий алоқалари сарчашмаларининг муштараклигидан дарак беради.

«Африғийлар даврида (IV – VIII асрлар) Эронлик Сосонийлар сулоласидан бир қисм аҳоли Хоразмга кўчиб келган ва ҳозирги Туркманистоннинг Тошҳовуз, Тахтакўпир, Бsuccessive Барактом, Чоштепа, Қўҳна Увоз, Қанга қалъа, Ичдим қалъа каби шаҳар ва қўрғонларни бунёд этганлар»[3]. Балки, Эроний услуб ҳудуди шу боисдан ҳам юқоридаги жойларни ўз ичига олса керак.

---

[1] Соз – куй, анда (форс) чи, эгалик қўшимчаси. Шу ишни касб қилган шахс. «Мусиқа чолғусини созлаш, тузиш. 3. Кавказ олди халқларида ошуқларнинг мизроб билан чалинадиган тирнама чолғуси. 4. Гармон чолғусининг бир тури. Созчи ёки созанда, Ўрта Осиё халқларида куйчи, созчи, рамзий маънода ашулачи, раққос, чолғучи. Қўш - қўшилиш, жамланиш маъносида бўлиб, юқорида номлари кўрсатилган касб эгаларининг бирлашган гуруҳини англатади. Ўша даврнинг машҳур созанда қўшлари бошлиқлари: сурнайчилар Ҳусайин калот, Собур калот, раққос – созанда Ушли кал етти қисмли «Ушлини уфориси»нинг муаллифи, Дурди карнайчи ва бошқалар эл орасида танилганлар. Созанда қўшларининг вазифаси, бахши достонни якунлагандан кейин тўйни янада қизитиш, меҳмонларни ҳар хил ҳазил масхара, мағалдақ (акробатика – умбалоқ) ўйинлари, ўткир сўз ва савол – жавоблар билан кайфиятини кўтариш бўлган. Созанда қўшлари фаолиятига халқ оғзида юрган қуйидаги тўртликда янада ёрқинроқ таъриф берилган:

Мани болам яхши, Тўйина галар бахши,
Бахшидан ҳам гап бўлами ? Созандалар яхши.

[2] Кунхўжа шеърлар. Т., Ғ.Ғулом нашриёти. 1973 й. 20 бет.

[3] Ражаб Жуманиёзов «Қадимий Хоразм тарихи». Урганч. 1993 й. 27 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Хоразмшоҳ Такиш даврида Хоразм ва Озарбайжон ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилган эди. Бу муносабатлар Муҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳ (XIII – аср) даврида янада кучайди ва Озарбайжонда Хоразмшоҳ номи билан тангалар зарб этила бошланди. Бу ҳамкорлик Жалолиддин Мангуберди даврида ҳам давом этди»[1], деб ёзади тарихчи Р.Жуманиёзов. «Мен туғилмасимдан юз йил бурун Амударё ўз ўзанини ўзгартириб Сир (Орол)га қуйила бошлаган, ундан олдин Хазор денгизига қуйилиб, Озарбайжон билан Хоразм орасида сув орқали борди-келди алоқалар ривожланган эркан» дейди Абулғозихон «Шажараий турк» китобида[2]. Кўпчилик тарихчи ва санъатшунос мутахассислар Хоразмда тор, соз (гармон), сантур, буломон, занг, даф каби чолғулар ҳамда уларнинг номланиши, «Лазги», «Садри Гўсфанд», «Ораз бам», «Норим-норим», «Ганжи Қорабоғ» каби куй ва қўшиқ ҳамда жой номлари келиб чиқишининг туб сабабларидан бири сифатида юқорида зикр этилган халқларнинг тарихан узун ва маданий яқин алоқалари мавжуд бўлганлигини таърифлайдилар. Бизнингча Ширвоний ва Эроний атамаларнинг ҳам келиб чиқиши муайян муштаракликни, ўтмишда узвий бирлигини акс эттиради.

Иккала услубнинг умумий хусусиятлари шундан иборатки, бахшиларнинг аксарияти том маънода саводхон бўлиб, улар ҳикоянинг бир парчасини сўзлаб бергандан сўнг қўшиққа навбат етганида шеър тўқиб бадиҳагўйлик қилмайдилар, балки достонни барқарор мусиқий матнини ёдлаб олган бўлиб, ўрнида ишлатадилар. Баъзида унинг қўлёзмасини ёнида олиб юрадилар ва ижро давомида фойдаланадилар. Фарқлилиги эса услубларнинг мусиқий нуқталарида, достон номаларининг номланишидан тортиб оҳанг, усул, куй тузилиши, мусиқий чолғуларининг қўлланилиши ва вазифаларининг белгиланиши каби жиҳатларда намоён бўлади.

Ширвоний услуб намоёндалари достон номаларини қандай аталишини яхши билсалар ҳам кўпинча бировга айтишдан сир тутадилар. Эроний услуб намояндалари эса баъзида ҳикоя давомида, шеър матни келган жойда, номанинг номини ҳам қўшиб айтиб кетадилар. Масалан: Гўрўғли Қўшим Полвон номасига солиб бир сўз айтибди, ёки Санамжон Кўрқиз номасига беш калима сўз айтибди, тарзида[3].

Ширвоний услуб ўз ичига Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ, Қўшкўпир, Урганч, Ҳонқа, Шовот, Тошҳовуз вилоятининг Илонли, Қўҳна Урганч, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Элликқалъа туманларини қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри деб белгилаш мумкин[4].

Мазкур услубга молик бахшилар асосан дутор (кейинги пайтларда тор, кам учрайдиган ҳолларда гармон – соз), буломон ёки ғижжак, доира жўрлигида достон айтадилар. Ширвоний услубдаги кекса бахшиларнинг достон бошлаш жараёни ҳам ўзига хос бўлиб, Сурхон-Шеробод бахшилари каби достон бошлашдан олдин «Нима айтай»? термасини чалмайдилар. Балки бирор куй (Мухаммаси достон, Мухаммаси ифтор, Пешрав) ижро қилингандан кейин айрим шоирлар, аксарият ҳолларда Махтумқулининг ахлоқий-фалсафий мазмундаги шеърлари билан қўшиқлар айтадилар. Достонларни шу тарзда бошлаш озарбайжон ошиқларига ҳам хос бўлиб, бундай асарлар уларда «Устоднома» деб юритилади. Бола бахши ҳам кўпинча достон бошлашдан олдин «Қирқ минг илғор» номасига Махтумқули сўзи билан «Устозингдан айрилма» қўшиғини ёки Матниёз гўржанинг «Гўзларим» мухаммасини дебоча қилади. Давра очилгандан кейин тингловчилар хоҳиш-истагига қараб танланган достонни айта бошлайдилар.

Ширвоний услубда айтувчиларнинг энг йирик намояндаси Бола бахшининг кўрсатишича, мазкур услуб номалари 72 та бўлиб, улар достон шеърларининг вазни ва бўғинларига қараб маълум ижрочи – бахшининг билими, куй танлаш диди ва овоз имкониятларига кўра танлаб олинади ва зарур ҳолда, шеърларга боғлаб ўқилади. Достон якуни ўйноқи «Бартавил» куйи билан тугалланади. Бундан ташқари достон ўрталарида тингловчилар фикрини чолғу мусиқаси билан бир жойга тўплаш, бахшининг ўзи бир нафас ҳиссий қувват йиғиш ва овозига дам бериш мақсадида орада Хоразм дутор йўлларидан «Алиқамбар», «Чоки гирибон», «Садри гўсфанд», «Норим - Норим», «Мискин I, II», «Оразибон» каби куйлар ҳам ижро қилинган.

Эроний услуб ҳудуди ўз ичига Гурлан туманининг бир қисмини, Қорақалпоғистоннинг Амударё, Беруний, Хўжайли, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти шимолий туманларини қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин. Мазкур достончилик анъаналарининг бош хусусиятларидан бири – бахши асосан дутор билан достон айтади. Кўпинча

---

[1] Ўша китоб, 98 б.

[2] Абул Ғозихон «Шажарайи турк» Т., «Чўлпон» 1992 й. 9 б.

[3] С.Рўзимбоев «Хоразм достонлари» Т., «ФАН» 1985 й. 22-23 б.

[4] С.Рўзимбоев «Хоразм достонлари» Т., «ФАН» 1985 й. 22-23 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

унга яна буломон ёки ғижжакчи жўр бўлади. Лекин доирачи қатнашмайди. Айрим ҳолларда бахши якка ўзи, ёнида созандаларсиз халойиқ олдига чиқиб достон куйлайберади. (Ширвоний услубга мансуб бахшилар тингловчилар олдига якка ҳолда чиқмайдилар). Куйлаш услуби эса ички овоз чиқаришга мойиллиги жиҳатидан Сурхон – Шеробод ва Самарқанд бахшиларининг ички овозда айтиш услубига ўхшаб кетади. Бундан ташқари Эроний услуб номаларининг куйлари Ширвонийникидан фарқли равишда содда мусиқий вазни, вазмин ижро суръати, товуш кўлами чекланганлиги, кўпинча кичик терция бўйлаб юқорига ва пастга қараб сакрама ҳаракат қилиши, септиманинг юқорига ҳаракати ва орттирилган секундаларнинг миқдори билан ажралиб туради. Эроний номаларнинг куй ўрталарида бир сўз бўғинининг бир неча зарбларга тақсимланиб чўзилган ҳолда куйланиши кузатилади.

Манғитлик Турсун бахши Жуманиёзовнинг қайд қилишича, Эроний номалар 32 куйдан иборатлиги маълум бўлди. Турсун бахши ва филология фанлари доктори Сафарбой Рўзимбоев кўмагида Эроний номаларнинг номлари аниқланди.

Эроний услуб бахшиси достон бошлашдан олдин, «Сарпарда» куйини чалади ва унга «Тўрғай» куйини улайди. Тингловчилар хоҳишини сўраб жавобини олгандан кейин талаб этилган достонни бошлайди. Достон якунида «Эронийнинг сайқали» чалиниб куй аста секин «Елпасаланди»га ўтади ва асар якунланади. Эроний услубдаги достонларнинг айримлари, Ширвоний услуб бахшилари репертуарида учрамайди. Худди шу достонлар ҳажми жиҳатидан катта бўлиб, улар ичида беш ярим – олти соат давом этадиган «Ҳурилиқо ва Ҳамро»га ўхшаган достонлар мавжуд.

Достончиликда тадқиқот учун энг қадрли бўлган асл манбалари, достон ижрочилигининг юқорида айтиб ўтилган жонли гувоҳлари ва кўзга кўринган вакилларининг ахборотлари жуда муҳимдир. Хусусан, Ширвоний услубининг йирик намояндаси, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ бахшиси, Озарбайжон ошиқлар уюшмасининг аъзоси, уруш ва меҳнат фахрийси Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаевдан олинган достончиликнинг барча жабҳаларига тааллуқли маълумотлар жуда қимматлидир. Бахши отанинг айтишича, бу касб унга бобо мерос бўлиб, Қурбонназарнинг катта бобоси Усмон бахши эл орасида донғи кетган машҳур бахшилардан ҳисобланган. У бир тўйда давра айланиб достон айтаётган пайтда ижрога берилиб кетиб ердаги қозиққа қоқилиб йиқилади ва оёғи майиб бўлиб қолади. Шу воқеа сабабли – «Энди мени авлодимдан бахши чиқмасин» деб васият қилган эканлар. Бу васиятга амал қилиб унинг фарзандларини бири деҳқон, бири ҳунармандчилик билан шуғулланган, шу билан бирга оталаридан қолган китоблар ва достон куллиётларини ўқийдиган саводхон ҳам бўлганлар. Улардан бири Хиванинг Гурланбоғ қишлоғида турадиган Абдулла Қози оиласида 1899 йили фарзанд дунёга келади. Унга Қурбонназар деб исм қўядилар. Ёшлигидан мусиқага ихлоси баланд Қурбонназар пода боқиб юрадиган кезлари касалланиб қолади ва тузалганидан кейин, отаси уйда, сандиқда сақланадиган, бобосидан қолган достон куллиётларини ёд олиш машғулотига қизиқтиради. Тўққиз ёшидан бошлаб Махтумқули сўзлари билан қўшиқлар ва достон парчаларини ижро этиб юради. Шу боис ва қуйидаги бир воқеъа сабабли уни халқ орасида «Бола бахши» деб атай бошлайдилар: – Қурбонназар қишлоғидаги бир тўйда, қишда сайсхонада (Хоразмда томи ёпиқ катта ҳовли, отхона) икки буломончи жўрлигида достон айтаётган пайтида, кўчада юрган ўзи тенги болалар чумчуқни боласини қувлаб тўйхонага кириб қолишади. Чумчуқ бахши томонга пириллаб учиб ўтади. Буни кўрган Қурбонназар қўлидаги дуторни қўйиб болалар билан бирга уни қувиб кетади. Тўйни бошқариб турган тўйбоши чумчуқни ушлаб, оёғидан ип боғлаб, Қурбонназарни ҳам жойига ўтқазади ва чумчуқни ипини қўлига тутқазиб «бахшимиз ҳали бола-да» деб меҳмонлардан узр сўраб, достонни давом эттиришни буюради. Шу бўладию бу лақаб унинг номига қўшиб айтиладиган бўлади.

Бола бахшини етук достончи бўлиб шаклланишида Жуманазар бахши, Қормишлик Ёдгор буломончи ва ҳамқишлоғи Раҳима халфаларнинг хизматлари катта. Қурбонназар улардан ўрганган достонларни халқ орасида айтиб юради. 1914 йилдан 1929 йилгача Жуманазар бахши билан тўй ва сайилларда достон куйлайди. Устози вафот этгач ўзи мустақил равишда бахшилик қила бошлайди. Унинг репертуаридан «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Базирён»[1], «Хирмондали», «Аваз олиб қочган», «Аваз уйланган», «Ошиқ Маҳмуд», «Қирқ минг», «Кампир» ва шунга ўхшаш 16 та йирик достон ўрин олган. Булардан ташқари диний мавзудаги «Кийикнома», «Жуҳуд ўғлон» каби достонлар ҳам бор.

[1] Бозургон – савдогар деган маънони билдириб, Хоразмлик бахшилар уни Базирён шаклида талаффуз қиладилар.


www.ziyouz.com kutubxonasi



Бола бахши ва Назира опа

Бола бахшининг достон куйлаш маҳорати жуда юксак, унинг нутқи жарангдор ва бурро бўлиб, Хоразм достон номаларини мукаммал биларди. Шунингдек Хоразм дутор йўллари, дутор мақомлари, созанда қўшлари йўлларини ҳам моҳир ижрочиси ҳисобланарди. Бир сўз билан айтганда, Бола бахши Хоразм маданияти, тарихининг ўзига хос жонли қомуси эди.

Бахши ота 95 ёшга кирган пайтларида ҳам хотираси ўткир, тарихий, маданий, диний ва бошқа кўпгина билимлардан воқиф эдилар. Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев 1994 йил 18 июнда вафот этди. Бахши отанинг фарзандлари Норбек-Абдулла, Матёқуб, Матназар ва Етмишвойлар ота изидан бориб достончилик касбини улуғламоқдалар. Норбек Хивадаги «Достон» фольклор этнографик ансамблининг раҳбари. У Япония, Австрия, Озарбайжон ва бошқа кўпгина хорижий давлатларда бўлиб ўз санъатини намойиш этган. 2000 йили Ўзбекистон халқ бахшиси фахрий унвонига сазовор бўлди.

Донишмандлар таъбирига кўра мусиқа илоҳий неъматдир. Унинг яралиши – инсон руҳидаги ҳаракатнинг намоён бўлиш ҳодисасидир. Инсонга бутун умри давомида куй ва қўшиқ ҳамроҳ бўлади. У туғилганидан алла айтилса, кейинги ҳаёти давомида бўлиб ўтадиган барча маросимлар ҳам куй-қўшиқ билан боғлиқ. Ҳатто сўнгги йўлга кузатилганида ҳам марсия йўлдош бўлади. Жалолиддин Румий фикрича «Дунёда ҳеч нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг яширин қувватини ошкор эта олмас, мусиқийчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос қилиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас». Бу бежиз эмас албатта. Шу боисдан ҳам достонларни мусиқасиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Достон мусиқасининг тарихий илдизлари, мақомлардан фарқли ўлароқ, шаҳардан (айниқса саройдан) ташқарида, тоғли, тоғ олди ва чўл зоналарида истиқомат қилувчи, кўпинча чорвадор кўчманчи ва ўтроқ элатлар турмуш тарзига бориб тақалади. Унинг туб негизида қадимги шаманлик маросимларининг илк кўринишлари мавжуд бўлиб, уларни тобора ривожланиши ва айниқса сўз салмоғини кўпайиши, оҳанглардаги товуш кўламининг кенгайиши натижасида асотир (миф), афсона, қисса, достон ва уларнинг номалари келиб чиққанлиги билан изоҳланади.



Бола бахши

Ислом зуҳуридан сўнг шаманлик маросимлари асосида жаҳр усулби пайдо бўлганлиги, зикр эшонлар ва уларнинг муридлари, дарвеш ва қаландарларнинг оллоҳга бўлган ишқ-муҳаббатни, Қуръондаги ҳикматли ривоятлар ва айрим суръаларни, сўфиёна шеърларни ўзига хос усул ва рақс орқали куйлаш бўлиб, мусиқа маданиятининг ўзига хос кўринишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Достонларнинг мусиқий табиатини кўриб чиқиб, энг аввало ижро этилаётган достоннинг баён услуби, тингловчига етказилиши, сингдирилиши ва бу йўлдаги ифода воситалари нимадан иборат эканлигини ҳамда унинг келиб чиқиш негизларидан хулоса қилиш мумкин. Шуни эътироф этиш жоизки, ички овоз, бўғзидан куйлаш, овознинг бўғиқ дўриллаган шаклида айтиш бизнингча, биринчидан, табиатдаги турли оҳанглар жонли ва жонсиз нарсалар (анимизм)нинг инсон тасаввуридаги инъикоси сифатида унинг руҳига ўтиб ички овозда ўз аксини намоён этади. Иккинчидан, тингловчилар эътиборини доимо ўзига қаратиш, айтилаётган сўзга аҳамият бериш, барчанинг диққатини бахшига жалб қилиш каби жиҳатлар билан боғлиқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi



Бола бахшининг шогирди Ўзбекистон Халқ бахшиси Қаландар Норметов

Бўғиздан куйлаш (ички овоз) санъатига ҳозирги даврда халқаро миқёсда катта эътибор қаратилмоқда. 2001 йили Монреал шаҳрида бўғиз қўшиқчилиги фестивали бўлиб ўтди. 2003 йили «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бўғиздан «ўғизлов» шаклида куйловчи Россиянинг Тува ўлкасидан келган «Уранхой» ансамбли санъаткорлари фестивалнинг олий мукофотига сазовор бўлдилар. Бундай фестиваллар эндиликда дунёнинг турли бурчакларида тез-тез ўтказилиб турилмоқда. Бу аждодларимиз кўҳна санъатига қизиқиш тобора ортиб бораётганлигининг далилидир.




1-қатор чапдан ўнгга: Феруз бахши Норматов, Етмишбой Абдуллаев,
2-қатор: Нурим бахши ўғли Бахром, Озарбайжонлик достончи Ошиқ Ойдин,
устоз Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев, профессор Малик Муродов,
Қаландар бахши, Норбек бахши, Нурим бахши ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# II - боб

## ДОСТОН НОМАЛАРИНИНГ ИФОДА ВОСИТАЛАРИ

«Қуръонни ёқимли овозингиз билан зийнатланг»
*Муҳаммад С.А.В. хитоби*

Халқларнинг маданий турмуш тарзи, маънавий меросини тадқиқ этишда миллий достонларнинг мусиқий анъаналари ифода воситалари жуда қимматбаҳо манбаа. Булар нафақат санъат тарихининг бўш ерларини тўлдиради балки ижтимоий руҳ аксларини, бадиий тушунча ва тафаккурларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, шаманлар маросимида сўз кўпайган сари унга оҳанг қўшилиши натижасида аста секинлик билан, қисса ва афсоналар пайдо бўлиб, қўшиқ сифатида куйланиб келинган. Замонлар ўтиши билан бундай ижрочиликда жўрнавоз чолғу эҳтиёжи сезилган ҳолда ижодкор қўлига соз олган.

Туркий халқлар орасида достон қўшиқларига жўр бўлувчи бир қанча чолғу асбоблари қўлланиб, шулардан асосийлари: қўбиз[1], дўмбира, дутор, тор[2], (Хоразм бахшилари XX аср бошларида ўзларига қабул қилган чолғу). Гармон, (кам ҳолларда), соз, (Кавказ олди халқларининг тирнама чолғуси) ҳисобланади. Бундан ташқари бахшилар ансамбли таркибига жўр бўлувчи буломон, ғижжак ва доира каби чолғулар ҳам жалб қилинади. Шундай бўлсада достон ижрочиларининг ибтидоий чолғуларидан бўлган қўбиз ва дўмбира созлари ҳақида қисқача маълумот бериш ўринли.

Қўбиз чолғуси жуда қадимий бўлиб, турк ўзанлари ва жировларининг асосий жўрнавоз сози ҳисобланган. Бу камончали чолғу ҳозирги даврда қорақалпоқ жировларида сақланиб қолган. Уни пайдо бўлиши ҳақида турли афсоналар мавжуд.

---

[1] Қўбизнинг тарихий негизлари ҳақида А.Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т., 1993 й., 30-б.

Жирмунский В.М. «Тюркский героический эпос» Л., Наука, 1974 г. стр.553 китобидаги бу чолғу ҳақида бир ривоятда айтилишича: Дада Кўрқут қўбиз ясаш учун ўрмонда ёғоч ахтариб юрган пайтида шайтонлар суҳбати устидан чиқиб қолади. Бир чеккада яшириниб уларнинг гапига қулоқ солса, шайтонлардан бири: – «Кўрқут бобо қўбиз косасини оддий дарахт ёғочидан эмас, балки ёввойи тўнғиз синдирган ёввойи жийданинг қуриган танасидан ясаса, уни қорнига бақироқ туянинг терисини қопласа, харрагини сув қовоқнинг қуриган пўчоғидан ишласа, торларига сассиқ-курай ўсимлигининг елимини суртса ҳақиқий қўбиз чиқар эди», – дейди ва бошқа шайтонлар ҳам унинг гапини қувватлайдилар. Кўрқут бобо эса бу гапни эшитиб қўбизни худди шайтонлар айтгандай қилиб ясаган эмиш.

[2] Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев ва филология фанлари доктори Отаназар Мадраҳимов ахборотларига таяниб Хоразмда торни оммавийлашиб кетиши тўғрисида қуйидаги тарихий маълумотларни келтирамиз: «Муҳаммадраҳим хон соний – Феруз даврида Хивага Озарбайжондан созандалар келишади ва хон олдида куйлар чалиб, қўшиқлар айтиб ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Шунда Феруз тор чолғусининг жарангдорлиги, муғомлар талқинидаги хуш садолиги, бармоқлар ҳаракати (техник имкониятлар) ва зарбларига маҳлиё бўлиб, моҳир гўянда ва мусиқа чолғулари устаси Қаландар Дўнмасга мурожаат қилиб: Сен тор асбобини ясай оласинму?, дейди. Агар андозасини олсам ясайман ҳазрат, деб жавоб беради. У торни андозасини олиб, бир неча кун ичида тут ёғочидан тор ясаб хонга кўрсатади. Лекин хон торни сарой мақомчилари қўшида чалишга рухсат бермайди. Кейинчалик у тор Қаландар Дўнмаснинг шогирди ва қариндоши Отажон Девон Абдуллаев қўлига ўтади. Инқилобдан кейин тахминан 1929 йиллари Шерозий ҳам шу торда чалиб юрган. 1933 йили Бола бахши ўша тордан андоза олиб бошқа тор ясайди ва у билан ўзи бошлиқ Хива халқ театри мусиқачилар ансамблини бошқаради. Тўй ва саҳналарда ҳам тор жўрлигида достонлар ижро қилади. Бола бахшини тор чолғусини дутор зарблари (штрихлари) билан ижро қилиши ҳамда Ширвоний услубга торнинг мос тушиши сабаблари билан бўлса керак, бу чолғу хоразмлик бахшиларнинг, кейинчалик бутун созандаларнинг севимли жўрнавоз чолғуси сифатида тан олинди ва бутун Ўзбекистонга тарқалди.

Аммо юқоридаги маълумотлар билан бирга тор шаклидаги қўш косали чолғулар Айритомдан топилган, эрамизнинг I асрларига оид маданият ёдгорликларида ўз аксини топганлиги, Султонмуҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳ (1200-1220) саройида тор ва рубобнинг машҳур ижрочиси Устод Маҳмуднинг бўлганлиги, қолаверса Темурийлар ва Шайбонийлар даврида яратилган миниатюраларда тор шаклидаги чолғуларнинг акс эттирилганлиги узоқ ўтмишда бу асбобнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам қўлланилганлигидан далолат беради.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарвеш Али Чангийнинг «Туҳфат-ус-сурур» мусиқий рисоласида Элхонийлардан Султон Увайс Жалойир (1356-1374) қўбизни ребаб дастасини узайтириш орқали ясаганлиги, унинг тарихий негизлари ва ижро хусусиятлари ҳақида айтилади[1].

Ҳайдар Хоразмийнинг (XIV аср) Гулшан ул асрор достонининг сўнги сўзида эса:

Турк зуҳридур очунда бу кун ,
Бошла улуқ йир била туркона ун.
Рост қил оҳанги Навою Ҳижоз,
Туз ётуғон бирла шудурғунни соз.
Турк сурудин тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз.

деб, мақомлар ҳамда қадимги чолғу асбобларнинг номлари, йир, ун, аёлғу каби қўшиқ турлари ва айниқса қўбиз кўклаш, яъни чалиш ҳақида сўз юритади.

Ўзбекистон ва Қорақапоғистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Юсупов 1958 йили Қурбонбой жиров таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ёзган «Янгра қўбиз» номли шеърида бу чолғуга дил тўридаги сўзлар билан юксак таъриф берган:

Янгра қўбиз асрларнинг гувоси,
Қорақалпоқ созларининг бобоси,
Қайтган ғоздай ғанқиллаған унингга,
Шодлик қурган янги турмуш дунёси.

Қимирлатиб қариялар иягин,
«Босган эл»ни чалиб ўтди Жиянинг,
Асрларнинг оғир юкин орқалаб,
Терс ёрилиб яғир бўлди тиргагинг.

«Шербайтинг» ку шер оҳангдай оҳ уриб,
«Кўз ойдин»инг қувончлиққа чақириб,
Халқ ғазаби тўлиб тошса сендаги,
«Ойға чоп»инг Арслондай бўкириб.

Янгра қўбиз, жаранглат эл меросин,
Халқ умрининг шажарасин, ойнасин,
Бугун бизга ёрдамлашар чалиқмай,
Гуллатишда янги турмуш дунёсин.


Қўбиз

деб, қўбиз номаларининг номларини келтириб, ҳозирги даврда эл меросини ўрганишда ушбу чолғунинг аҳамияти беқиёслигини такидлайди.

Қўбиз косаси ва дастаси жийда, тут, ўрик дарахтларидан ўйиб ишланган бўлиб, торлари ва камончасининг иплари отнинг ёлидан таралиб тортилади. Дастасига парда бойламлари боғланмаган. Ижро пайтида чап қўл бармоқлари қил (тор)га салгина босиб дастага теккизмасдан (флажолет услубида) чалинади. Товуши инсон овозининг бўғиздан чиқариладиган турига ўхшаш ва дастага теккизмасдан чалингани учун янада майинроқ эшитилади.

Дўмбира чолғуси асосан Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, бахши-шоирларнинг асосий жўрнавоз чолғусидир. Унинг яратилиши ҳақида ҳам жуда кўп афсона ва ривоятлар мавжуд.

Дўмбира арча ёғочидан ясалиб, қопқоғи косасига елимланмасдан ичакдан эшилган чилвир ип билан таранг тортиб бойланади. Торлари эчкининг ингичка ичагидан эшиб тайёрланади. Дастасига парда бойламлари боғланмаган. Товуш кўлами 1,5 октавани ташкил қилади.

Бекмурод жиров ўзининг қуйидаги тўртлигида дўмбирани зўр эхтирос билан таърифлайди:

[1] «Муз.трактат Дервиш Али» 1948 й. Гос.Муз.Издат А.Семенов (таржимаси).



www.ziyouz.com kutubxonasi



Дўмбирам билан давронларда чопаман,
Азиз улфатларнинг кўнглин топаман,
Ғанимлар кўксина ўтлар ёқаман,
Душманларга найза бўлган дўмбирам.

Шимолий Ўзбекистон ҳудудида истифода этиладиган чолғулар хусусида бир оз тўхталадиган бўлсак, буларнинг тури хилма-хил бўлиб, шулардан бири дутордир. Унинг жуда қадимийлигидан дарак берувчи далиллар Қўйқирилганқалъа (милоддан аввалги IV — III асрлар) дан топилган икки торли чолғуларнинг кейинчалик дутор, дўмбира ва қўбиз шаклида такомиллашганлигини кўрсатади.

Хоразм достончилигида икки хил дутор қўлланилиб, уларнинг бириси калта (узунлиги 970 — 1040 мм.), иккинчиси узун (бўйи 1300 ММ ва ундан ортиқ) дуторлардир.

Бу чолғулар тут ёки ўрик ёғочидан ясалади. Улар қовурғали - дилма дутор ва ўйиб ишланган - қазма дутор деб юритилган. Қопқоғи (декаси) эса тут ёғочидан юпқа қилиб ишланади. Дуторларни иккаласининг ҳам зир (юқори созанувчи) тори кичик октава ре ва бом (паст созланувчи) торлари катта октава соль ёки ля баъзан қўштор қилиб ҳам созланади. Дутор икки хил созланишининг бахшилар тилида ўз атамаси бўлиб, булар очиқ торнинг бир-бирига нисбатан квинта сози «Алиқамбар дузум», кварта сози «Мискин дузум» деб ҳам юритилади. Дасталаридаги парда бойламлари қўй ичагидан тайёрланган иплар билан боғланган. Пардаларнинг сони иккала дуторда ҳам бир хил ва диатоник товушқаторни ҳосил қилади.

Бу ҳудудда дутор чолғучилиги ўзига хос бўлиб, унда ўнг қўл зарблари рез усулидаги узлуксиз — давомий ижроси билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳар бир кучли ҳиссани бўрттириб, ўнг қўлнинг тўрт бармоғи ва жимжилоқни қапқоққа теккизиб, тирнаб ва чертиб ижро қилиш асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Дуторнинг ўнг қўл зарблари Хоразмда «даст» дейилади. Улар ўз ичида куй ва усул бўлакларини мураккаб ва энг жозибали жиҳатларини бирлаштирган. Кекса созандаларнинг айтишига қараганда, достон номаларига жўр бўлувчи доира ҳам усулни дутор зарбларидан ўрганар экан. Номаларнинг куй тузилиши ва тезкор ривожланганлигидан бахши дуторнинг ижро имкониятларидан тўла фойдаланган.

Шуни эслатиб ўтиш жоиздурким, достон айтувчилар биринчи навбатда хонанда — бахши, ундан кейин эса чолғучи созандадир. Лекин шунга қарамасдан, бахшилар дутор ясаш ва чалиш маҳоратига катта эътибор билан қараганлар. Буни Мулла Ғойибнинг қуйидаги шеърида:- Сафар маҳрам Ширвон вилоятига кетаётган Гўрўғлига қараб айтиб турган сўзидан ҳам билиш мумкин (бунда «соз» атамаси рамзий бўлиб, дутор маъносида акс этган).

Биздан салом айтинг уста Бодома,
Биза бир соз атсин, балли соз атсин.
Мевали оғочдан бўлсин мудоми,
Сопи манақ-манақ холли соз атсин.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Дастасина доқсин ўн икки парда,
Овозаси чиқсин қишлоқ шаҳарда.
Чиртилғанда булбул йиғлаб саҳарда,
Гулнинг панжасидин қонли соз атсин.

Пардани жойиннан билиб боғласин,
Чўкма қопқоғини яхши доғласин.
Дардлашганда бизнинг билан йиғласин,
Одамдин сўйловчи жонли соз атсин.

Янграганда жумла жаҳон инграғай,
Одам тугул қурт-қумурсқа тинглағай.
Ҳар бир жонзот жон сасини англағай,
Сулаймондин уч минг тилли соз атсин.

Бир тоғ ўссин чиртқан одам кўкраги,
Дол эшилсин икки тори ипаги.
Зарли ипдай кўзни олсин папаги,
Бейиш товусиндай рангли соз атсин.

Ҳар бир ошиқ ола билмас қўлина,
Ҳар бир нодон тушина билмас тилина.
Сумматин ўхшатиб Ақча галина,
Шоҳсанамдай инжа белли соз атсин.

Овоз барса зор титрасин эр Алплар,
Фарёд чексин Мажнун, Тоҳир, Ғариблар.
Мақтовина товулмасин тариплар,
Хоразмда якка сонли соз атсин.

Гўрўғлибек ҳаволансин Ғир билан,
Зўвра юлдуз им қоқишсин ер билан.
Бахшилардан Ошиқ Ойдин Пир билан,
Қужоқлашиб гўришарли соз атсин[1].

Ушбу шеърда дуторга бўлган меҳр ва муҳаббат чуқур акс этган бўлиб, Хирмондали достонида қўлланилган.

Дуторнинг оммавийлигидан тўй ва сайилларда унда чалиш бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтган. Бола бахшининг айтишича 1914 йили Хивада Юсуф Ясавулбоши 15 кун тўй берган. Шу тўйда Хоразмнинг турли жойларидан келган 40 дан ортиқ бахшилар жуда қизиқарли беллашувда қатнашган. Кўрик охирида ёши олтмишлардан ошган Суяв бахши қўлига дуторини олиб ўртага чиқади ва «Қирмизи гўйнакли» деган куйни жўшиб чалади. Кейин ёш бахшиларга мурожаат қилиб: «Ким шу куйни ўринлатади?», – дейди. Шунда хозарасплик Хўжаёз бахши дуторини ғилофидан чиқариб, ўртага тушиб, ўша асарни жуда моҳирона ижро қилади. Буни кўриб тўлқинланиб кетган Суяв бахши: «Энди Суяв ўлса ўрнига сен қолар экансан», – деб, ёш бахшини муборакбод этади ва унинг таклифи билан Хўжаёз бахшига «Мажмуайи шуаро» китоби тақдим этилади.

Булардан кўриниб турибдики, Хоразм достончилигида дутор асосий жўр бўлувчи чолғу вазифасини бажарган. Халқ орасида достон куйлари қанчалик кенг тарқалган бўлса, дутор ҳам шу даражадаги оммавий чолғу ҳисобланган. Бу ҳақда кексалар ўртасида жуда кўп ривоятлар мавжуд, шулардан бири «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида берилган – «Чингизхон Кўҳна Урганчни ҳарб қилмасдан илгари у ерда яшаган одамларнинг аксарияти мусиқани ўзларина бир ҳунар ва касб қилғонлар. Мунинг орқасинда

[1] Бола бахшининг илк шогирди Отахон бахши Матёқубовдан ёзиб олинди. Муаллифнинг дала ёзувлари 1996 й.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз оилалари ўнгишиқларини таъмин этгандурлар. ҳатто шаҳарда дутор созина эшак (харрак) йўнуб сотиб ўнгушиқларини шул ҳунарлари бирла ўткарадурғон кишиларнинг миқдори бир мингга етишадур»[1].

Юқорида келтирилган маълумотлар дутор нафақат бахшиларнинг жўр бўлувчи сози, балки кўпчилик аҳолининг энг севимли чолғу асбоби бўлганлигидан далолат беради.

Бахшилар ансамбли таркибига кирувчи буламоннинг ҳам ўрни ўзгачадир. Фикримизча, буламон – форсча «Болобом» сўзидан келиб чиққан бўлиб, боло – баланд, юқори; бам – паст, яъни баланд ва пастки пардаларда бирдек жарангловчи, демак товушлар кўлами кенг чолғу эканлигини билдиради.

«Ўзбек халқ музикаси»нинг IX жилди 12 бетидаги И.Акбаров ва Ю.Конлар томонидан ёзилган, Қурбонназар Абдуллаев – Бола бахши ҳаёти ва ижодида айтилишича: - «Ёдгор уста исмли болобомчи билан тўй ва сайилларда қатнашиб юрган» дейилади. Ушбу далиллардан мазкур чолғу қадимда болобом деб аталиб, фразеологик ўзгаришлар натижасида кейинчалик буламон бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Буламон чолғуси бахшилар овозига тақлид қилувчи бирдан-бир жўрнавоз создир. У якка ижрода камдан-кам қўлланилган. Бу чолғуда тиниқ товуш ҳосил қилиш анча мураккаб бўлиб, ижро давомида аниқ пардалардан четлашиш ҳоллари рўй беради. Чунки буламонда товуш йўналиши асосан нафас кучи билан бошқарилади. Юқори регистрларда эса ижрочи лаби ва чакка мушаклари ҳам иштирок этади. Бу мураккаб жараён ижрочидан оҳанг ривожини жуда эҳтиёткорлик билан эшитиш орқали назорат қилиш ва нафас таянчи бўлган қорин мушаклари (диафрагма)ни моҳирона бошқаришни талаб этади. Бунинг сабаблари мазкур чолғунинг ўзига хос тузилиши билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам яхши буламончилар нисбатан кам учрайди.

Муҳаммадраҳим хон соний – Феруз ўз давридаги буламон чолғучилари маҳоратини синаш учун якка ижрода кўрикдан ўтказар экан[2].



Буламон чолғуси



Ўзбекистон Халқ бахшиси Норбек Абдуллаев ва моҳир буламон ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент, Матрасул Матёқубов. Япониядаги чиқишларидан бири

---

[1] Мулла Бекчон Рахмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода «Хоразм мусиқий тарихчаси» Т., «Ёзувчи». 1998 й. 7-8 б.

[2] Хоразмлик машҳур буламончилар ҳақида кекса созандалардан ёзиб олинган маълумотлар : - «Собир Калот хон саройининг етук буламончиларидан бири бўлиб, Хивага Бухородан меҳмонлар келган пайтда, анчагина соз-суҳбатдан кейин, Феруз Собир калотдан меҳмонларга куй чалиб беришни сўрайди. У куйни маромига етказиб чалаётган пайтда куйнинг авжида узилиш рўй беради. Шунга қарамай созанда асарни охиригача ижро қилади. Меҳмонлар тарқалгандан кейин хон олдига Собир калотни чақириб ижро нуқсонининг сабабларини сўрайди. Шунда созанда, бир қошиқ қонимдан кечинг ҳазрат куйнинг ўша жойида дудикка тупик томчиси тиқилди, дейди. Хон бу воқеъадан таъби хира бўлганлигини айтади ва агар шундай аҳвол яна такрорланса, созанда қаттиқ жазо олажагини таъкидлайди.» (филология фанлари доктори Отаназар Мадраҳимов ахборотидан. Домла ҳам бу ҳикояни оталари Шерозий – Мадраҳим Ёқубовдан эшитганлар).

Яна бир ривоятда Буломончи Худак ота – Худойберди Қурбон ўғли хон олдида якка буламонда куй чалаётган пайтида бозгўйдан кейин бир хонани ташлаб кетади. Сел бўлиб тинглаб ўтирган Феруз ижрочига бир қарайди, Худак ота бўлса чалишда давом этади. Саройдан ҳамма тарқалгандан кейин Худак ота уйига келса, хон навкарларидан тўрттаси уйининг томини бузиб туришган экан. Худак отанинг ҳуши бошидан учиб, ҳов бу нима қилганларингиз ? Ахир бу менинг уйим, мен сарой созандасиман, деса ҳам ҳеч ким гапига қулоқ солмабди. Охири кўп дод – вой солавергандан кейин, навкарларнинг бошлиғи, бу иш хоннинг буйруғи билан бўлаётганини айтибди. Худак ота саройга қайтиб бориб, Ферузга : - «ҳазрати олийлари, бир қошиқ қонимдан кечинг, мени айбим нима? Уйимни бузишаяпти, сиз амри фармон берган эмишсиз», дебди. Шунда Феруз: – «Сиз бизнинг хонани буздингиз, биз сизнинг хонани буздик. Ничик бўлар акан бировни ҳазини бузиш» деб, мусиқа шаклидаги хона билан уй хонасини таққослаб сўз ўйини қилган ва «Ана шундай бир икки «сабоқ» олиб турсанг созни беназир чаладиган бўласан», деб созандани гуноҳидан кечиб, томини қайтадан ёпиб беришни буюрган экан. (Сурнайчи Матёқуб Оллаёров ахборотидан).

Яна бир ҳикояда – сарой созандаси Бобожон – Бува буламончи чолғучилар ичида энг беназир ижрочи бўлганлиги таърифланади. 12 кунлик сайилларнинг бирида Нурмамат чўлоқ бахшига зўр маҳорат билан жўр бўлганлиги ва уни жуда нозик ижрочилик фаолиятини тақдирлаш учун хон 72 тиллога, феруза қошлар қўйдириб, кумушдан буламон ясаттириб берган экан. (Бола бахши ахборотидан, муаллифнинг дала ёзувлари 1985 й.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахшилар қўшида ғижжакка қараганда ҳам буламоннинг ўрни сезиларлидир. Айниқса «Базирён», «Гўрўғлининг ўлими» ва бошқа достонларни бахшилар буломон жўрлигисиз айтишга рози бўлмайдилар. Чунки ғамгин кайфиятни ифодалашда, достондаги фожеали воқеаларни таъсирчанлик билан очишда буламон тенгсиз жўрнавоз чолғудир. Ҳатто эроний услубдаги якка дутор жўрлигида достон айтадиган бахшилар ҳам юқорида номлари зикр этилган достонларни буламон жўрлигисиз айтмайдилар. Бу чолғу табиати жиҳатидан ички овоз тусига жуда яқин, бахши овозига ҳамоҳанг ва ҳамнафасдир.

Бахшилар қўшида буламон билан биргаликда, ғижжак чолғуси ҳам жўрнавоз соз сифатида иштирок этади. Қадимда уч ва тўрт торли ғижжак, кейинчалик онда-сонда ғижжак ўрнида скрипка чолғулари қўлланилган.

Бир ансамблнинг ўзида буламон ва ғижжакни жўрликда қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Эроний услубининг машҳур намояндаси Аҳмад бахши Матназар ўғлининг ғижжакчиси ва шогирди Оллош Муродовнинг ахборот беришича «Устози туркман бўлган ўзбек бахшилари ўзларига туркман созандалари ичидан ғижжакчи танлаганлар. Туркман ғижжакчилари нафақат Ўрта Осиё, балки Эрону Афғон, Ироқу Курдистон, балки бутун Шарқда донг таратганлар. Халқ орасида уларнинг қозонган шуҳрати бахшилар қозонган шуҳратдан кам эмас. Уч торли туркман ғижжагининг ноласини эшитганмисиз? – суяк-суягингизга буров солиб инградади»[1]. Ушбу далилар бахшилар қўшида созандалар муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

Ғижжак ва унинг моҳир ижрочилари тўғрисидаги қизиқарли ва ибратли ҳикоялар, эсламалар халқ орасида учрайди. Шунингдек «Хоразм мусиқий тарихчаси»да ўз даврининг машҳур ғижжакчилари номма-ном келтирилади. Булар: Абдураҳмонбек, Абдулло Межана, Муҳаммад Расул Мирзабоши, Қаландар Дўнмас, Муҳаммад Ёқуб Девон Харротлар бўлиб, Муҳаммад Ёқуб Девон ғижжак учун «Харротий» номли куй ҳам басталаган экан[2].

Достончиликнинг ширвоний услубида доиранинг тутган ўрни жуда муҳимдир. Ушбу услубга мансуб бахшилар қўшига жўр бўлувчи доирачи ёхуд доирадаст, дафчи ёки дапчи деб юритилади. Улар кўпинча марака доира деб аталувчи айланаси 300 – 350 мм келадиган, яъни ҳозиргиларидан кичикроқ доирадан фойдаланганлар. Ушбу доира садоларининг дутор ва буламонлар овоз кучига мос келадиган майинлиги бўлган. Бахшилар қўши доирадастлари номалар нақоратларида ҳамнафас, баъзан эса достоннинг айтим қисмларида кези келганда ҳикоя қилувчи бахши вазифаларини ҳам бажарганлар.

Доира усуллари бирлиги мақомларда жиддий белгиланган шаклларда, маълум қоида ва қонунларга бўйсунган бўлса, достон куйларининг усуллари унга нисбатан фарқлидир. Улар номаларга ўхшаб эркин ривожланиб борувчи, мунтазам янгиланувчи ижро хусусиятларига эгадир. Айниқса қўшиқ муқаддималари, шеър тўртликлари орасидаги чолғу нақоротлари, нома якунидаги тушуримларида доира усулларидаги эркинлик яққол кузатилади. У худди ўзи мустақил ижро қилаётгандек асар вазнидан чиқмаган ҳолда ўзгартиришни киритади. Шунинг учун ҳам бахшилар қўшидаги доирачидан чапдастлик, топқирлик, чаққон ҳаракат сингари сифатлар талаб қилинади.

Бу янглиғ соз амалиёти жиҳатидан тараққий этган Хоразм достонларида табиатан жўшқин, ўйноқи мусиқий воситаларни қўллаш ва очиқ овозда куйлаш орқали достон номалари воқеалар ривожини ёрқин, ўзига хос тарзда очиб беришга хизмат қилади. Маълумки, номалар достонларнинг мусиқий асосини ташкил қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Шарқ мусиқа истилоҳида нағма ва нома тушунчалари кенг қўлланилади. Нағма атамаси турлича изоҳланади: «Нағма, нағам – наво, оҳанг, куй, тарона»[3], луғавий маъноларда таъриф этилса. Абдурауф Фитрат фикри қуйидагичадир: – «Мусиқий олимларимизга кўра бир оз ўзаниб (бир муддат давом этиб) сўзаниши (чўзилиши) ҳис этилган товуш нағмадир. Нағма бир замон давом этган товуш бўлғоч унинг бош томони албатта бўладир. Нағма маъносидаги товушни чиқармоқ учун чолғуни чертмак керак. Чолғуни чертганимиздан бошлаб, товуш чиқарадирда, бир муддат ўзаниб қолғач, нағма бўладир»[4].

И.Ражабов: «Нағма якка мусиқа товуши, тон, баъзан мусиқа асари»[5], – деб таърифлаган тақдирда, О.Матёқубов уни «Муайян баландлик ва чўзимга эга бўлган мусиқа товуши, тон», – деган маъноларини изоҳлайди[6].

Созанда ва меҳтарликка оид рисолаларда қайд этилишича нағмани яратувчиси ва биринчи пиру-устози ҳазрати Жаброил ҳисобланади. Бундай рисолалар мазмуни, талаб ва қоидалари турли воҳалар

---

1 «Шарқ юлдузи» ойномаси. Музаффар Аҳмаднинг «Қирқ минги бахшидур қўлинда сози» мақоласи. № 2. 1992 й. 190 б.
2 Мулла Бекжон Рахмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода «Хоразм мусиқий тарихчаси» Т., «Ёзувчи». 1998 й. 39 б.
3 Баранов Х.К. «Арабско русский словарь». М., Изд. «Русский язык» 1984 г. 815 с.
4 А.Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т., 1993 й. 6 б.
5 И.Ражабоа «Мақомлар масаласига доир». Т., 1963 й. 297 б.
6 О.Матёқубов «Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш». Т., 1983 й. 64.


www.ziyouz.com kutubxonasi

қатори Хоразмда ҳам талқинчилар ва гўяндалар, созанда қўшлари ва бахшилар орасида устоздан шогирдга асосан оғзаки тарзда ўтиб борган. Бу ҳақдаги маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар А.Самойлович, Т.Вызго, Н.Баскаков ва бошқа олимларнинг асарларида қисқача баён қилинган.

Нағма иборасига «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да қуйидагича таъриф берилади: Шарқ олимлари нағмани икки турга бўлишган: Қавлий (инсон томоғидан чиқадиган) нағма ва феълий (мусиқа чолғуларида ҳосил қилинадиган) нағма. Нағмалар мусиқий асарнинг асосий унсурларидан бирини ташкил қилади. Куй ва қўшиқлар (ритм) усул билан нағмалар уюшмасидан ташкил топади. Нағмалар кўшилишидан бўъд, жинс, жам, мақом (лад) ва ниҳоят яҳлит куй, мусиқий асарлар ҳосил этилади. Шарқ мусиқий рисолаларида айтилишича, товушлар бир-бири билан мақсадга мувофиқ равишда, маълум оралиқда қўшилгандагина нағма ҳисобланади.

Ўтмишда нағмалар юнонча ва арабча иборалар билан ифодаланган. Арабча атамалари асосан нағомот дейилган. Нағмалар халқ орасида куй-оҳанг маъносида ҳам қўлланилади. Уларнинг куй ёки мусиқий асар маъносида қўлланилиши жуда кўп манбааларда келтирилган. Шулардан бири «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида «Ферузнинг мақомларга боғлаган нағмалари, Ризо бахши нағмалари, Суяв бахшининг достон шеърларига боғлаган нағмалари» тарзида ёзилган[1].

Ушбу далиллардан маълум бўлишича яқин ўтмишда достон куй ва қўшиқлари нағма деб ҳам аталган. Қозоқ жировлари ижодидаги «номад», қадимги юнонлардаги «Ном» (куйларни асосини ташкил қилувчи оҳанг) тушунчалари ҳам худди шундай мазмунда келади.

Шарқ халқлари ёзма адабиётида нома катта ўрин эгаллайди. Форсий адабиётдаги номачилик анъаналари XII-XIV асрларга келиб Хоразмда ҳам ривожланади. Натижада Хоразмийнинг (Мухаббатнома): Қутуб Хоразмийнинг (Хисрав ва Ширин): Ҳайдар Хоразмийнинг(Гулшан ул асрор) XVII-XVIII асрларга келиб Мухаммадниёз Нишотийнинг (Ҳусни дил) достонлари яратилди.

Шунингдек, қадимда чопарлар томонидан олиб келинган хабар ва мактублар ҳам нома дейилган ва уларни қўшиқ қилиб ўқиш, оҳанг билан қироат қилиш чопар учун мажбурият ҳисобланган. Акс ҳолда етказган хабарига ҳеч ким ишонмаган ва қулоқ бурни кесилиб орқага қайтарилган.

Достон куй-номаларини бахшиларнинг ўзлари қуйидагича таърифлайдилар.Қамай мактаби намоёндаси Қаххор бахши Рахимов достонларда ишлатиладиган чолғу куйлар баъзида бахши куй, дўмбира куй, кўпинча ўз номлари билан Чўпони нома, От хайдаш номаси Нома боши деб юритилишини ва агар бу куйлар достон сўзларига солиб ўқилса номалар дейилишини таъкидлайди. Туркман, қорақалпоқ бахши ва жировлари тилида ҳам достон куй ва қўшиқлари номалар деб юритилади. (Қаралсин: О.Ҳалимов тўплаб нашр қилдирган «Қарақалпақ номалари». А.Хайриддинов тўплаган «Қобиз намалари» М.Жийемуратов ноталаштирган «Жиров намалари»). Шунингдек, Уйғур муқомларида ҳам Нома боши ва достон номалари мавжуд.

Ўтмишда достон айтувчиларни гўянда, улар ижро этадиган йўлларни нома деб юритилиши «Бобурнома»да учрайди : – «Созандалар соз чалдилар, гўяндалар нома айтдилар»[2].

Эргаш Жуманбулбулнинг қуйидаги шеърида эса Нурота (Кўрғон қишлоқ) мактаби услубига оид достон номалари санаб ўтилади:

Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,
Йигирма хил нома дўмбира чертиб,
Хоҳ катта хоҳ кичик эшитса,
Ҳар қандай одамни балқитиб эритиб[3].

Шеробод мактабининг машҳур бахшиси Умир шоир Сафар ўғли ижодига мансуб шеърда эса Қамай мактаби номалари сони келтирилади:

Эй дўмбирам гажакдор,
Ўттиз икки номанг бор.
Ҳаммаси ҳам мафтункор,
Бирин чалсам бири бор.

деб, номалар сони қайд этилади. Умир шоирнинг ўғли Ўзбекистон халқ бахшиси, Қора бахши Умировнинг ахборот беришича, мазкур номалар сони Қодир бахши Раҳимов томонидан олтмиш тўрттагача етказилган[4]. Бундай ривоятлар ва достонлардаги сўз устуворлигидан келиб чиқиб нағма эмас балки нома деб юритилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

---

[1] Мулла Бекчон Рахмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода «Хоразм мусиқий тарихчаси» Т., «Ёзувчи». 1998 й. 39 б.
[2] Бобур Заҳириддин Муҳаммад «Бобурнома» Т., 1989 й. 319 б.
[3] Зарифов Х. Мирзаев Т. «Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни». Т., «Фан». 146 б.
[4] Қора бахши Умиров ахборотидан. Муаллифнинг дала ёзувлари. 1991 й.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Олимларнинг фикрича достончилик анъаналарида «Нома» ва «Нағма» аллитерацион ўзгаришга учраб мазмунан умумлаштириб юборилганлиги эҳтимол. Аслида нома (форсча) ва нағма (арабча) ҳам луғавий, ҳам истилоҳий жиҳатлардан турлича, алоҳида ва мустақил тушунчалар бўлиб, маъно жиҳатидан фарқланади.

Чалкашликлардан холи бўлиш учун мазкур ибора бахшилар тилида қандай аталган бўлса биз ҳам худди шундай, яъни нома тарзида ишлатишни маъқул кўрдик.

Хоразм достон номалари ўзининг тугал шакли, очиқ овозда куйланиши, халқ қўшиқларига яқинлиги, достон воқелигига боғлиқлиги, хуллас ўзига хос ёрқин услуби билан ажралиб туради. Шунингдек унинг заминида ўзбек, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, қисман қозоқ халқларининг ижодий алоқалари ҳам ўз аксини топган. Маданиятларнинг бундай кесишуви соз санъатининг бошқа турларига қараганда достон куйларида изчилроқ намоён бўлиши диққатга сазовор.

Бу ерда бахшиларнинг кўпчилиги туркман ва қорақалпоқ достон куйларининг парда тузилиши, оҳанги, қочирим ва зарбларини моҳирона бажаргани ҳолда ўз санъатини қўшни халқларга манзур қила олганлар. Б.Қарриевнинг қайд қилишича «Бу ерда достон айтувчи, тингловчилар миллатига қараб ўзбек, туркман ва қорақалпоқ лаҳжаларида ҳам куйлай олади»[1].

Бундан кўриниб турибдики, бахшилар нафақат туркий тил лаҳжаларининг кўпчилигини билиши, балки уларнинг оҳангларини, бошқа мусиқий услубда бўлган достонлар бадиий воқелигини очиб берадиган куй номалар табиатини ҳамда пардаларини ўзлаштирган бўлиши тақозо қилинган.

Хоразм достончилигининг улкан намояндаларидан Бола бахши, Турсун бахши, Қамай мактаби таниқли вакиллари Қора бахши, Қаххор бахши Раҳимов ва бошқа устозларнинг фикрича мусиқий салоҳиятига кўра ширвоний услуб 72, эроний 32, Қашқадарё-Сурхандарё воҳаларининг Қамай мактаби 64 куй – номадан иборатлиги қайд этилади.

Ўзбек достонларида қўлланиладиган номалар мақом ва ўзга мумтоз куй йўллари каби ўзига хос номланишга ва туркумланишга эга. Куйларнинг ички тузилиши, табиати, туркумларида ишлатиладиган ўрни ҳамда вазифасига қараб куй – номаларнинг мантиқий аҳамиятини белгиланиши ва улар барқарор сақланиб келинаётганлиги аниқланди.

Қуйида баъзи номаларнинг ном ва сарлавҳалари, достон қаҳрамонларининг исмларига нисбат берилганлиги, бастакор, бахши созанданинг исми ёки таҳаллуси билан боғлиқ нуқталарига қисқача изоҳ ва таъриф бериб ўтамиз. Шундай номалардан энг машҳури Илғорлар туркуми бўлиб, Илғор – илдам, шахдам, олдинда борувчи, маъноларини билдириб, доира усулларидаги зарбларида от туёқларининг йўрға юришидан тезроқ суръатдаги ҳаракати акс этади. Улар достон куйлари ичида етакчи номалар қаторига киради. Бахшилар эшитувчилар диққатини қўлдан бермасдан, достон воқеалари зерикарли бўлмаслиги учун, мазмуни ва шакли мос келадиган шеърларда Илғорлардан бирини қўллайдилар. Бу билан тингловчиларда жўшқинлик кайфиятини тиклайдилар. Илғорларнинг беш хили мавжуд бўлиб, Гўрўғли туркумидаги «Қирқ минглар» достонига нисбат берилган «Қирқ минг илғор» Суяв бахши ижодига мансуб «Илғор» ва «Илғор сарпардаси» эроний услуб номаларидан «Қўшим полвон илғори», шунингдек «Илғор I» ва «Илғор II» номаларидир.

«Қора дали» – қора ёлли, тусли отга нисбат берилган бўлиб, бу нома ҳақида кекса созандалар орасида ривоятлар мавжуд.

«Тўрғай» – қуш номига берилган нисбат. Унинг бошқа тури ҳозирги даврда Хоразм сурнайчилари томонидан ижро этилади. Бу мисол «Тўрғай чириллама» деб ҳам аталади. Ривоятларга қараганда, Тўрғай қуш Оллоҳни минг бир номини такрорлашга ҳаракат қилиб учиб сайрар, аммо тепага кўтарилганда мингтасини айтиб  биттасини эсидан чиқарар ва  ерга қайтиб эсига тушириб, учиб сайраганида яна эсидан чиқиб қолар ва бу жараён тинмасдан такрорланар экан.  Сурнай тўрғайни ана шу сайрашига тақлид қилиб чалинади. Бу куйни давомига устоз сурнайчилар «Зувоний» Тўрғайнинг забон – тил очиши, ёки тилга кириши, «Ротолло» - рахи Оллоҳ, Оллоҳнинг йўли. «Бироллойим» - Оллоҳим ягона куйларини улаб ижро қилганлар. Қўшиқ шаклларида эса уларнинг ҳар бири тасаввуф йўлидаги ғазалларга айтилган. Кейинги пайтларга келиб бу асарларнинг суръатлари тезлашиб масхарабозлар ўйинларига жўр бўлувчи рақс куйларига айланган. Раққослар ва масхарабозлар ҳаракатларида асосан қушларга тақлид қилиш ва тотемизм унсурлари сезилади[2]. «Эшвой» – XVIII аср охири – XIX аср бошларида яшаган машҳур Эшвой бахши исмига нисбат берилган куй бўлиб, унинг шогирди Муҳаммадниёз Гўржа ижодига мансуб дейилади. Бу туркумнинг

[1] Карриев Б.А. «Эпические сказания о Кероглы у туркоязычных народов». М., 1986 г. 216 стр.
[2] Муаллифнинг дала ёзувлари. 1973 йил.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Курд Эшвойи, Фарғона Эшвойи[1], Туркман Эшвойи, Эшвой Урганжий, Қорақалпоқ Эшвойи каби йўллари мавжуд. Эшвой ва Курд Эшвойи 8 бўғинли шеърларга боғланади.

«Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида айтилишича: «Суяв бахшининг ўз тарафидан чиқорғон 7 – 8 дулли нағмаси бўлиб, ҳар бирлари ҳам халқ тарафиндан ғоят мақбул ва севимли нағмалардур»[2], – деб, унинг еттита асари қаторида Эшвой ҳам санаб ўтилади. Фикримизча, бу машҳур қўшиқни дастлаб ўша Эшвой бахшининг ўзи басталаган, қолганлари эса унинг севимли шогирдлари томонидан яратилган турлари бўлиши мумкин.

Бу ўринда қиёсий таққослаш учун Сурхондарё-Қашқадарё Қамай достончилик мактабига мансуб дўмбира куйлари ва жиров номаларни келтириш қизиқарли бўлиб, булар: Бекмурод бахши Соатов, Қора бахши Умиров, Бойқул бахши Мирзоев, Қаххор бахши Раҳимов, Жовли бахши Тангиров, Абдумурод бахши Раҳимов, Муҳаммади бахши Даминов, Алихон Рўзиевлар ижро қилган куй йўлларидир.

Қамай достончилик мактабида 32 нома бўлганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Машҳур Қодир бахши ва бошқа камтарин устозлар куй яратишда мавжуд номаларни асос қилиб олганлар ва улар йиғиндисидан туркумлар келиб чиққан. Мисол сифатида «Келиной» туркуми ўз ичига қирққа яқин номани бирлаштиради, булар: Норгулой, Ўғилой, Ойпари, Гулдона, Гулойим, Иқболой, Қиз юриши, Келин нома, Ҳадича ва ҳакозолар. Чўпони туркуми ҳам «Қўйнинг кавш қайтариши», «Қўзи маъраш», «Чўпонлар баҳси» каби номаларни ўз ичига олади. От таърифи: «От ҳайдаш», «Отни безаш», «Отни чақириш», «Отнинг келиши» ва бошқа номалардан ташкил топган. Шунингдек, баъзи номалар билан

---

[1] «Эшвой», «Илғор» каби Хоразм достон йўлларига хос куй номаларини, «Қалабанди», «Алиқамбар», «Норим-норим», «Галдир» каби Хоразмча мумтоз асарларни водийда тарқалиши XVIII – XIX асрларда Хива ва Қўқон хонликлари ўртасидаги маданий алоқалар мавжудлигидан дарак беради. Бу борада Ғулом Зафарийнинг 1930 йилларда тузган 19 аср охири ва 20-аср бошларида яшаб ижод қилган Фарғона – Тошкент созанда ва хонандалари шажарасига оид жадвалига кўз ташлайдиган бўлсак, Урганчда 18 йил таълим олиб қайтган Қашқарлик Худойберди устод етиштирган шогирдлар Фарғона водийси, Қашқар, Тошкент, қисқаси, бутун Моворауннаҳр бўйлаб тарқалганлигини кўрамиз. Бу ҳақда М.Рахмонов ўзининг «История Узбекского театра» китобининг 183 – 186 бетларида шундай ёзади: «Қўқон хони Муҳаммад Умар хон (1808 - 1822) ўз пойтахтига Хивадан машҳур созанда ва бастакор Худойберди устодни олдирди. Кейин хон бўлмиш Мадали хон (1822 - 1842) Худойберди устоднинг маслаҳатига кўра, Хивалик созанда ва бастакорлар Солиҳбек ва Мўминбекларни Қўқонга олдирди»,дейилади. Худойберди устоднинг фаолияти Қўқонда кечганлиги ва ўзининг атрофига созандаларни йиғиб ансамбл тузгани ҳамда уларга устозлик қилгани тўғрисидаги маълумотлар профессор А.Одиловнинг «Ўзбек чолғуларида ижрочилик тарихи» китобининг 24 бетида ҳам келтирилади. Профессор О.Матёқубовнинг «Мақомот» китобини 88-92 бетларида Ғ.Зафарий жадваллари ва хасос шоир Собир Абдулла томонидан Худойберди устод таърифланган «Санъатимиз тарихига бир назар» номли шерий достони келтирилган. Достондан кичик бир парча:

Худойберди устоз чиқди хонларнинг замонида,
Хоразмдан Қашқаргача босиб ўтди пиёда.
Ашурали шогирдини эргаштириб ёнида,
Куй ташиди юртдан-юртга кенг Ўрта Осиёда.

Қашқар бориб, куй ўрганди, Фарғонага кетирди,
Фарғонадан Хоразмга куй ташиди бу устоз.
Хоразмнинг шоҳ куйларин Тошкент сари етирди,
Соз қўлтиқлаб Қорақумда сувсиз, нонсиз иссиқ ёз.

Ушбу тарихий далиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, Худойберди устод, Солиҳбек ва Мўминбеклар Қўқонлик шогирдларига биринчи навбатда ўзлари яхши билган Хоразмча куй ва қўшиқларни ўргатганлар. Бу асарлар водийлик санъаткорларнинг ижодий ёндошиши натижасида ўзгача оҳанг касб этган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги «Эшвой»га бағишланган мақола ҳам фикримизнинг яққол далили бўла олади: «Эшвой кўп вариантли куй ва ашулалар номи; Фарғона водийси ва Тошкент, Хоразм воҳаларида машҳур. Бу куй ва ашулалар асосан, Ироқ мақоми йўлларига ҳамоҳанг. Дастлаб «Феруз» ашуласи оҳангига ўхшаш бўлиб, Хоразмча уфор усулда ижро этилган. Тошкент ва Фарғона водийсида «Эшвой» ва «Эшвойи Курд» номи билан машҳур ашула ва куйлар кўп сайқал берилганлигидан дастлабки вариантидан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Эшвой ашуласининг М.Қориёқубов ва Жамолқори Ғиёсов (ўз ҳамнафаслари билан) ижросидаги икки тури уфор ва уч чоракли тароналар доира усулида ижро этилади». Мазкур куй ва ашулалар туб асосини Хоразмга бориб тақалишини, «Фарғона эшвойи», «Курд эшвойи», «Галдир»каби ашулаларни водийлик созанда ва бастакорлар томонидан ўзгача сайқал бериб қайта ишланганлигини машҳур чангчи ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиқов ҳам таъкидлаган эдилар.

[2] Мулла Бекчон Рахмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода «Хоразм мусиқий тарихчаси» Т., «Ёзувчи». 1998 й. 50 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқ воқеа ва ривоятлар ҳам жуда қимматлидир. Булардан бири Лақай жилаш (йиғлов, йиғлаш) чолғу йўли бўлиб, бу нома Амир Музаффар замонидаги воқеаларга тегишли[1].

Ўзбек достончилигида шеърлар солиб ўқиладиган номалардан ташқари соф чолғу мусиқаси, яъни дўмбира куйлари (Бахши куй) ёки махсус мўлжалланган куй ва номалар мавжуд. Бу куй йўллари достон воқеъалари мантиқий ривожини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Дўмбира куйларининг кўпчилиги заҳматкаш устоз Файзулло Кароматлининг «Узбекская домбровая музыка»[2] китобида ўз аксини топган.

Жиров номаларини мазмун ва ижрочилиги жиҳатидан мусиқашунос олим Т.Адамбаева тўрт гуруҳга тақсимлайди.

1.Терма тўлғов (куйлар);

2. Машҳур жировлар исмларига нисбат берилган номалар;

3. Маълум шаклга эга бўлган ва нисбатан ривожланган номалар;

4. Қўбиз учун мўлжалланган чолғу куйлари.

Биринчи гуруҳ номалари тингловчилар диққатини бир жойга тўпловчи, достон қаҳрамонлари ички кечинмаларини очиб берувчи, қиёфасини ифодаловчи ва гўзаллигини таърифловчи куй-қўшиқлар сифатида қўлланилади. Уларнинг номланишидан ҳам мазкур гуруҳга алоқадор эканлигини билиб олиш мумкин. Масалан «Гулпарчин қомати», «Алпомишнинг Қоражон билан айтишуви», «Ҳожар» номасидаги соқов келиннинг сўзлашувини қўбиз чолғусидаги ифодаси, «Қўблон» достонидаги «Ойга чоп», «Қўблоннинг Олачақир дев билан айтишуви» каби номалар яратилиб ривожлантирилган.

Иккинчи гуруҳга баъзи жировларнинг ихлос қўйиб ижро этган ёки ўзлари томонидан яратилган ва исмлари қўшиб айтиладиган асарлар киради. Булар: «Ойтуар», «Шенкетнома», «Нурабилла нома», «Плак», «Дилим», «Дуйсенбай», «Ерман», «Турумбет», «Абдиржиров», «Бийсенбай», «Ўрманбет бийнинг тўлғови», «Айимбет», «Жиян номаси», «Ерпўлат номаси», «Сейпулла номаси», «Измбет йўли» ва бошқалар.

Учинчи гуруҳ ривожланган ва маълум шаклга эга бўлган номалардан ташкил топган бўлиб, булар: «Етти асирим», «Шербайт», «Улли зибан», «Киччи зибан», «Шалқайма», «Тўлқин», «Ёр-ёр», «Зор-зор», «Илғор», «Қўбизим» ва бошқа номалардир. Буларда халқнинг ўтмиши, ватанни қўмсаш, инсонни ички ҳиссиётини ифодалаш устун туради. Шу билан бирга ҳаётбахш, шўх-ўйноқи номалар ҳам мавжуд.

Тўртинчи гуруҳга асосан чолғу мусиқасига оид номалар кирган бўлиб, улар камчиликни ташкил қилади. Бу номалар қўбиз ва дутор учун мўлжалланган: «Қўбиз тўлғови», «Оқимис», «Илғор» каби куйларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин[3].

Хоразм достонларининг ҳар бир қўшиқ - номаси энг аввало муқим, тугал куй шаклида гавдаланади. Шунга эътиборан мазкур номаларни муайян мусиқий воситалар мажмуи сифатида ҳам кузатиш мумкин. Бошқача айтганда унда воқеълик ва мазмун изми билан бир қаторда, ўзига хос мусиқий мантиқ, асос анъана тарзида барпо этилган шеърий-мусиқий тузилма қад кўтаради.

Номалар ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун, қуйида Хоразм эроний ва ширвоний номаларидан тузилган жадвални алифбо тартибида беришни лозим топдик:

---

[1] Бойсунда амирнинг Ёқуб Иноқ деган беки бўлган. У Деновликлар солиқ тўлашдан бош тортганликларини амирга етказади ва жазо навкарлари юборишни сўрайди. Навкарлар келгач аҳоли деворлари баланд қўрғонга кириб яширинади ва дарвозаларини беркитишади. Навкарлар у ерга кира олмай анча оввора бўлишади ва охири девор тагидан лаҳм ковлаб уни портлатиб ичкари киришади. Қўрғон ичига киргандан кейин у ердаги ёшу - қари, эркагу – аёлига қарамай яширинган аҳолини деярли барчасини қириб ташлайдилар. Тирик қолган оз қисмини (улар асосан Лақай ўзбеклари бўлган) эса асир қилиб олиб кетишган ва йўлма – йўл кўпчилик аҳоли йиғилган жойларда ҳар – хил жазоларни амалга оширишган. Шулардан бириси Кўганни ота деган жойда сайил бўлиб турган пайтда, асирларнинг болаларини йиғиб, бўйинларидан кўганлаб (арқон билан бир – бирига боғлаб, жойнинг номи шундан қолган), устларидан кигиз ёпиб отларга бостирганлар (кигиз ёпмаса тирик турган одамни от босмас экан). Болаларнинг додлаши, ота – оналарнинг фарёди чидаб бўлмас манзарани кашф этган. Қолган асирларни ҳам сал нарироқда қишлоқ четига олиб бориб сўйишган ва ўша жой Калла мозор деб аталган. Бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган бахши – шоир яратган куйида ўша мудҳиш манзарани акс эттиришга ҳаракат қилган.

[2] Кароматов Ф.М. «Узбекская домбровая музыка». Ташкент, 1972.

[3] «Жырау намалары».Баспаға таярлаған ҳам жуўпалў редактор, искусство илмлерининг кандидати Т.Адамбаева, ноталастирған: М.Жийемуратов Нўкис, «Қарақалпақстан». 1991 ж. 8-11 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЭРОНИЙ ВА ШИРВОНИЙ НОМАЛАР ЖАДВАЛИ

| №№ | Номи | Услуби | Дойра усули | Тоифаси | Ҳижоси | Келиб чиқиши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бартовил | эроний, | – | Баҳр ўлчови | Рақс куйи | – |
| 2 | Беродам | эроний | – | қўшиқ | 11 | – |
| 3 | Бобохоним | ширвоний | соқийнома | қўшиқ | 11 | Киши номи |
| 4 | Беш парда | эроний | уфор | қўшиқ | 8 | Парда номи |
| 5 | Елпасаланди | эр.ширвоний | соқийнома | ўйин | – | – |
| 6 | Галалайлим | эр.ширвоний | уфор | қўшиқ | 15 | Шеър номи |
| 7 | Гуландом | ширвоний | уфор | қўшиқ | 11 | Киши номи |
| 8 | Зоринжи | ширвоний | ланг | қўшиқ | 11 | Парда номи |
| 9 | Зоринжи мунгли | ширвоний | ланг | қўшиқ | 11 | Парда номи |
| 10 | Илғор I | Эр.шир | илғори | қўшиқ | 8 | От юриши |
| 11 | Илғор II | ширвоний | вальс | қўшиқ | 8 | От юриши |
| 12 | Қирқ минг илғор | ширвоний | уфар | қўшиқ | 11 | От юриши |
| 13 | Илғор сарпардаси | Эр.шир. | илғори | қўшиқ | 11 | Суяв бахши |
| 14 | Қўшим Полвон Илғори | эроний | соқийнома | қўшиқ | 8 | Киши номи |
| 15 | Кўр қиз | эроний | соқийнома | қўшиқ | 11 | Киши номи |
| 16 | Машҳади Ибод | – – | – | – | | Шаҳар |
| 17 | Мухаммаси Ифтор | Эр.шир | мухаммас | қўшиқ | 15 | Шакл |
| 18 | Калта мухаммас | эроний – | – | – | – | |
| 19 | Мухаммаси достон | Эр.шир | ланг | куй | – | – |
| 20 | Мухаммаси бахши I | ширвоний | мухаммас | қўшиқ | 15 | – |
| 21 | Мухаммаси бахши II | ширвоний | мухаммас | қўшиқ | 15 | К.Отаниёзов йўли |
| 22 | Бош мухаммас | эроний - | - - | Суяв бахши | | |
| 23 | Нолиш мухаммас | эроний | – | – | – | – |
| 24 | Нолиш I | Эр. шир | ланг | қўшиқ | 8 | – |
| 25 | Нолиш II (калта) | эроний | ланг | қўшиқ | 16 | – |
| 26 | Нолиш III | ширвоний | ланг | қўшиқ | 8 | – |
| 27 | Така нолиш | ширвоний | Илғор | қўшиқ | 15 | – |
| 28 | Нолиш IV | – – | – | – | – | |
| 29 | Нолиш V | – – | – | – | – | |
| 30 | Нолиш сайқали | эроний | ланг | қўшиқ | 8 | – |
| 31 | Нома боши | Эр.шир | ланг | қўшиқ | 11 | – |
| 32 | Найларман I катта | ширвоний | сак | қўшиқ | 8 | – |
| 33 | Найларман II кичик | ширвоний | сак | қўшиқ | 8 | – |
| 34 | Найларман III | – | – | – | – | – |
| 35 | Найларман IV | – | – | – | – | – |
| 36 | Найларман V | – | – | – | – | – |
| 37 | Оромижон (Юз бир) | ширвоний | гул уфор | куй | – | – |
| 38 | Ола қайиш | эроний | ланг | қўшиқ | 11 | От безаги |
| 39 | Патак нома | эроний | – | куй | – | Киши номи |
| 40 | Раҳм айла | ширвоний | уфор | қўшиқ | 8 | Шеър номи |
| 41 | Сар парда | эроний | қадим зарб | куй | – | Парда номи |
| 42 | Салтиқ | эроний | қадим зарб | қўшиқ | 11 | Уруғ номи |
| 43 | Саргардон | ширвоний | уфор | куй | – | – |
| 44 | Табриз | эроний | ланг | қўшиқ | 11 | Шаҳар |
| 45 | Тўрғай | эр.шир | усулсиз | куй | – | Қуш номи |
| 46 | Уч тўп | эроний | ланг | қўшиқ | 11 | – |
| 47 | Шо кўчди | эр.шир | вальс | қўшиқ | 8 | – |
| 48 | Шо кўчди(Туркманча) | Эр.шир | вальс | қўшиқ | 8 | Суяв бахши |
| 49 | Шо кўчди(Қорақалпоқча) | эроний | Вальс | қўшиқ | 8 | – |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 50 | Шо Санам | эроний | – | – | – | Суяв бахши |
| 51 | Ширвоний I | ширвоний | вальс | қўшиқ | 11 | – |
| 52 | Ширвоний II | ширвоний | вальс | қўшиқ | 8 | – |
| 53 | Ширвоний III(Оқсоқ) | ширвоний | – | – | – | – |
| 54 | Ширвоний IV | – | – | – | – | – |
| 55 | Эшвой | Эр.шир | соқийнома | қўшиқ | 11 | Киши номи |
| 56 | Эшвойи Курд | ширвоний | сак | қўшиқ | 8 | Киши номи |
| 57 | Эшвой Урганжий | ширвоний | уфор | куй | – | Киши номи |
| 58 | Эшвойи Туркман | эроний | уфор | куй | – | Суяв бахши |
| 59 | Қора дали | Эр.шир | гул уфор | куй | – | От номи |
| 60 | Қўша дас | эроний | гул уфор | қўшиқ | 16 | Зарб номи |

## ШЕЪР РАДИФИ БИЛАН ЮРИТИЛАДИГАН ШИРВОНИЙ УСЛУБ НОМАЛАРИ

| №№ | Номи | Услуби | Дойра усули | Тоифаси | Ҳижоси | Келиб чиқиши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Авазим | Гўрўғли | Илғори | қўшиқ | 11 | – |
| 2 | Боғ сайлина галади | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | – |
| 3 | Баёзинг | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | – |
| 4 | Галдим | Ошиқ Қамбар | уфор | қўшиқ | 8 | – |
| 5 | Гўрўғли оғам галмади | Авазхон | Ланг | қўшиқ | 11 | – |
| 6 | Гетмали бўлдим | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 8 | Халфа йўли |
| 7 | Етти йилга кетган ёрим | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 8 | Халфа йўли |
| 8 | Ёрни гули галди ўзи галмади | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | Халфа йўли |
| 9 | Хабар бер | Хирмондали | Уфор | қўшиқ | 8 | – |
| 10 | На бўлди | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | Халфа йўли |
| 11 | На бўлди I | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | Қ.Ҳажиев йўли |
| 12 | На бўлди ёрим галмади | Ошиқ Ғариб | Гул уфор | қўшиқ | 8 | – |
| 13 | Найлайин | Ошиқ Ғариб | Қадим зарб | қўшиқ | 8 | – |
| 14 | Айро солдинг | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 8 | – |
| 15 | Саллона-саллона | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 8 | – |
| 16 | Саётхон боғда | Саётхон Ҳамро | Уфор | қўшиқ | 8 | К.Отаниёзов йўли |
| 17 | На тилар мандан | Саётхон Ҳамро | Илғори | қўшиқ | 11 | К.Отаниёзов йўли |
| 18 | Душимда бир Булбул гўрдим | Тоҳир ва Зуҳра | Уфори | қўшиқ | 8 | К.Отаниёзов йўли |
| 19 | Санамжон | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | К.Отаниёзов йўли |
| 20 | Севдигим | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | Г.Матназаров йўли |
| 21 | Тушдимда галдим | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | – |
| 22 | Томошосини | Ошиқ Ғариб | Уфор | қўшиқ | 11 | Э.Бекжонова йўли |
| 23 | Қайдин бўлурсан | Гўрўғли | Уфор | қўшиқ | 11 | – |
| 24 | Етишмас | Тоҳир ва Зуҳра | Так, гултак, так-так гул | қўшиқ | 11 | И.Пирматов йўли |

Жадвалларда кўрсатилган номаларнинг кўпчилиги ҳар иккала услубда ҳам учрайди. Бундан ташқари баъзи номдош ёки оҳанглари ўхшаш номалар туркман, озарбайжон ва қорақалпоқ достон куйларида ҳам мавжуд. Достон номаларини биринчи қарашдаёқ қиёсий таққослаганда шундай хулосага келиш мумкин.

Достонларнинг мусиқий номаларини баъзи жиҳатдан мақомларга қиёслаш мумкин. Шу маънодаки, достон воқелигини бошдан оёқ ривожланиш жараёнига мувофиқ ҳолда, унинг муайян нуқталари билан боғлиқ муқим куй йўли юзага келади. Бу куйлар (мусиқий бирликлар) воқелик асоратлари каби ҳар бир достоннинг муҳим таркибий омиллари сифатида гавдаланади. Яъни, «Базирён», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби достонлар тилга олинганда нафақат маълум мазмундаги воқеа ёки қаҳрамонлар, балки шу достонларнинг мусиқий мундарижаси билан боғлиқ қатор куй-номалари ҳам кўзда тутилади. Масалан, «Базирён» достонининг асосий мусиқий нуқталари қуйидагича шаклланган : 1. «Найларман II» (Кичик Найларман), бу нома Хоразм бахшиларининг деярли барчаси ижро қиладиган намуналарида мазкур достон бошланишидаги дастлабки номадир. 2. Найлар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ман III[1] Ойсултон айтадиган нома бўлиб, бахшилар томонидан ҳар-хил мос тушадиган номаларга ўқилади. 3. «Найларман I» (Катта найларман) – Гўрўғлининг «Армоним қолмади» сўзи билан айтилади. Уни К.Отаниёзов, Қ.Норматов, Р.Муродовлар «Шо кўчди» номасига солиб ҳам ўқиганлар. 4. Раҳм айла – Гўрўғлининг «Ман Базирёна учрадим» сўзи билан машҳур бўлиб, барча бахшилар ижро қиладиган турларида мавжуд. Достон воқеалари ривожига кўтарилган сари, фарёд нолалари билан суғорилган «Қирқ минг илғор», «Нома боши», «Зоринжи» қўшиқлари билан воқеалар ривожи янада кучайтирилади. Номи охириги келтирилган номалар ҳақида гапирадиган бўлсак, достонларда «Зоринжи» пардалар шу номли қўшиқларда акс этган бўлиб, кичик ва орттирилган секундалардан ташкил топади. Мазкур номалар гарчи дуторнинг бош ёки ўрта пардалари биринчи босқичларидан бошлансада, ўртадаги «Лол» пардалар ҳатлаб ўтилиб, орттирилган секунда ва ёнма-ён ярим пардалар ҳосил бўлади. Бунинг натижасида ўзига хос мунгли, зорланувчи оҳанглар вужудга келади. Шунинг учун бўлса керакки, ушбу товушқаторда чалинадиган ва айтиладиган куй ва қўшиқлар оқсоқ Зоринжи ёки мунгли Зоринжи, яъни зорланувчи пардалар деб аталади. Бу замонавий Оврўпо мусиқий тилида минор ладига нисбатан II ва V поғоналари пасайтирилган локрий ладидеб ҳам юритилади ва бошқа ладларга қараганда кам учрайди.

Зоринжи номидаги парда тузилмалари, куй ва қўшиқлар туркман, озарбайжон, турк достон йўлларида ҳам мавжуд.

«Зоринжи» номаси кўп достон воқеалари ривожининг энг драматик, қайғули, фожеавий жойларида бахшилар томонидан қўлланилган. Айниқса, Ўзбекистон халқ бахшилари Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев, Норбек бахши – Абдулла Қурбонназаров, Қаландар бахши Норматовлар ижро этган «Базирён» достонининг авжидаги Гўрўғлининг панада туриб, ўқ ёй билан Базирённинг кўкрагига учта ўқ қадагандан кейин туялардаги тахтиравон устидан қулаб тушган Базирён жон талвасасида фарёд чекиб: – «Мани ёт элларда қонга белаган одам ўғли одамзод, кимсан? Дўстмисан, душманмисан? Агар мани бундай ҳолга солғанингни Гўрўғли оғам билса, дарҳол келиб хунимни олар эди» деган хитобидан кейин душман сўзига кириб алданганини билиб, хуни гирён йиғлаб, Базирённи олдига бориб, Зоринжи номасида Гўрўғлини айтиб турган сўзи:

Қурбон бўлай гўздан оққан ёшинга,  
Жонима тоза ўт солдинг вой-войей Базирён.  
Душмона иониб галдим ёнинга,  
Чиқа олмас доға қолдим вой-войей Базирён

деб, пушаймонга тўла дардини куйлайди.

Бахшилар ижросида оқсоқ Зоринжи 3/8-2/4 ўлчовида, оқсоқ, яъни ланг усул деб аталувчи доира усулида, бир октавалик овоз кенглигида айтилади. Бу ерда қўшиқнинг мунгли, қайғуга тўла, дўст соғинчи, қаҳрамоннинг иғво туфайли алданиб қилган ишидан пушаймонлиги, бундан қалбидаги изтироби ва туғёни акс этади.

Ойсултон қисмидан кейинги якунловчи бўлакларида эса «Илғор», «Раҳм айла» ва кўтаринки руҳ бахш этувчи бошқа номалар қўлланилади.

«Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонида 1. Санамнинг «Ёндирма берда» сўзи билан «Эшвой», «Озод қил» радифи билан «Мухаммаси бахши I» кўпчилик бахшилар қўлланишида машҳур. Ғарибнинг онаси Оводон момонинг «Болама ўхшайди овозинг сани» сўзи билан «Нолиш» номаси ва бошқа куй-номаларсиз бу достонни тасаввур қилиш қийин.

Достон номалари куй мустақиллигини, шаклан тугаллигини айнан мусиқий мантиқ жиҳатидан мақом йўлларига қиёс қилишимизнинг боиси ҳам шундадир.

Яна бир ўзгача томони шундаки, бахшилар қайси достонда қандай номалар асосий таянч нуқта, яъни мазкур достон мазмунини ёрқин очиб берувчи куйлар бўлишини яхши биладилар ва унга амал қиладилар. Бахшилар ижросидаги маълум бир достоннинг баъзи номалари ўрнини шеърнинг бўғини тўғри келадиган бошқа номалар билан ҳам алмаштиришлари мумкин. Яъни воқеага асосан шеър мазмуни, ҳижолар миқдори ва ўзига хос бошқа қоидаларга қараб олдиндан тайин куй – нома мосланади.

[1] Иккинчи ва учинчи номалар орасида «Гўринди», «Хуш келибсиз бизни манзил макона» ва Эшвой номасига солинган «Бек ўғлиман беникоҳни севмарам» сўзлари билан айтиладиган номалар бўлиб, улар Бола бахши вариантида тушириб қолдирилган. Бахши отадан бунинг сабабини сўраганимизда улар: - «Достоннинг бу қисми Паризоднинг Базирёна ғойибона ошиқ бўладиган жойи. Бу бўлак Гўрўғлининг обрўсини туширади, шунинг учун мен айтишни маъқул кўрмайман» деганлар. (Муаллифнинг дала ёзувлари 1989 й.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразм достонларидаги ана шу муҳим хусусият куй мустақиллиги, иккинчи томондан умуман достончиликка хос бўлган воқеликни инобатга оладиган бўлсак, номаларда юзага келадиган шеърият ва мусиқа, сўз ва оҳанг муносабатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Достонларда куй ва сўз ўзаро боғланиши масаласи кўпқиррали бўлиб, бир томондан асар шеърининг шакли ва мазмуни, иккинчи томондан тингловчиларнинг қайси эл-элатга мансублиги, достон ижроси ўтаётган муҳит ва шароит, учинчидан бахшининг куй танлаш диди, тажрибаси, маҳорати, ижодий имконияти ва бошқа жуда кўп жиҳатлар ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади. Айни чоғда номалардаги куй ва сўз боғланиши мақомлардан ва йирик ашулалардан фарқли ўлароқ, ҳар бири нисбатан эркинлиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Маълумки, турк халқларининг оғзаки ва ёзма шеъриятида қадимий турларидан бўлмиш бармоқ вазнидаги шеър тузилиши айниқса кенг тарқалган. Достон матнидаги шеърлар энг оддий шаклни ташкил қилади. Улар ичида асосан 7, 8, 11, 14, 15 бўғинли тўртликлар ўрин олган. Хоразм достонларида энг кўп учрайдигани 8, 11 ва 15 ҳижоли шеърлардир.

Достон шеърлари ичида 14 – 15 ҳижолилари алоҳида диққатга сазовордир. Гап фақат мисраларнинг ўринларида бўлмай, балки айнан шундай шеърларда аруз билан бармоқ вазнларининг яқин томонлари яққол намоён бўлади. Беш мисралик шеър (қўшиқ)лар мухаммаслар услубида бўлиб, бунда мумтоз шеъриятдаги мухаммасларга яқинлик ҳам кўзга ташланиб туради. Масалан «Тоҳир ва Зуҳра» достонидаги:

Санга тушди /назарим /севгили жонон бари гал. 7+8=15
Сочи мушк /исли ифар /сунбули райҳон бари гал.
Гулбадан, /гулгун ранги, /дўни зарафшон бари гал.
Ол ёноқ, /киприги ўқ, /олма занахдон бари гал.
Жонинга /садқа бўлам /севгили жонон бари гал.

«Мухаммаси бахши I» номасига солинган бу қўшиқ шеър мисралари туроқларининг биринчи қаторидан ташқари барчаси бир хилда шаклланган. Куй бўлаклари эса ҳар икки тактдан тақсимланиб туроқлар билан равон, бир – бирига мос ҳолда боғланади.

**Мухаммаси бахши I**




Шеърнинг бир мисраси якунлангандан кейин икки такт кичик мусиқий муқаддима ва ундан кейинги келадиган бир мисра яна қайтариқ шаклида такрорланади. Бешинчи қатор эса сал ўзгаришли такрор билан бу қўшиқнинг биринчи банди якунланади.

Баъзи достонларда 15 бўғинли лекин тўрт қаторли шеърлар ҳам учрайди. Масалан «Авазхон» достонидаги:

Минг гулимдан бир гулим очилмай ўтдим во дариғ.
Боғ аро бир сарви соя солмай ўтдим во дариғ.
Шу ёримнинг ой жамолин гўрмай ўтдим во дариғ.
Борсангиз шу оғама мандин салом Қаландарим.

Табиийки, бундай кўп ҳижоли шеърлар куй шаклини ҳам ҳажман кенг, ривожланган бўлаклари пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса Хоразм достон номаларида мухаммаслар туркумини келиб чиқишига сабаб бўлгандир.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар ҳолда достон ва бахши мухаммаслари кўп ҳижоли бешлик (мухаммас)ларни кенг ва равон куйланишига имкон яратадиган асарлар ҳисобланади.

Фикримизча, достон шеърлари бўғинларига мослаб куй танлаш эркинлигининг икки хил сабаби бор. Булардан биринчиси: достон куй-номаларини уларнинг шеърларига қараганда камлиги ёки чекланганлигидадир. Яъни маълум бир шеър бўғинига тўғри келадиган куйга достонларда шу ҳижодаги қанчадан-қанча шеърлар мавжудлиги куйларнинг эса озчиликни ташкил қилишидадир. Мисол учун 8 бўғинли шеърларга тўғри келадиган Хоразм ширвоний номаларини олиб кўрадиган бўлсак, улар ҳаммаси бўлиб 16 дона. Ваҳоланки «Авазхон», «Базирён», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонларининг ўзида 8 бўғинга тўғри келадиган 32 та шеър борлиги маълум. Ёки 11 бўғинга тўғри келадиган 15 та куй-нома борлиги кўзда тутилса, юқорида келтирилган уч достонда 37 та 11 ҳижоли шеърлар мавжуд. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, маълум бир куй-нома кўпчилик достонларда такрорланади. Яъни бир достон ичида бир нома икки, баъзан уч марта ҳам такроран ўзига мос келадиган шеърга солиб ўқилиши мумкин. Лекин, кўпчилик бахшилар бундай қайтариқни маъқул кўрмасдан, қадимдан шаклланиб келаётган номалар асосида ўзлари янги-янги куйлар яратганлар ва достонларда қўллаганлар.

Куй танлаш эркинлигининг иккинчи сабаби: достонларнинг шеър туроқлари ўзбек мумтоз шеъриятига ўхшаб ҳамма вақт, бир хил тузилишда бўлмасдан турлича шаклланганлигидадир. Масалан 8 ҳижолик шеърлар бир тўртлик ичида 4 + 4 туроқдан сезилмаган ҳолда 6 + 2 ва бошқа туроқларга ўтади. 11 ҳижолик шеърларда эса 4 + 4 + 3 дан 4 + 3 + 4 га ёки 3 + 4 + 4, 6 + 5 дан 5 + 6 туроқларига ўтиши, 15 ҳижоликлари 4 + 3 + 5 + 3 дан 3 + 4 + 5 + 3 га ва бошқа хилдаги туроқланишга ўтиши мумкин. Бармоқ вазндаги шеър тузилишининг юқоридагидай беқарор, эркин ривожи асосан халқ оғзаки ижодидаги шеърият ва достонларга хосдир. Шу сабабларга кўра куй танлашда ҳам эркинлик ва маълум чегарада беқарорлик мавжуд.

Номалар маҳаллий қўшиқларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ўзининг бадиҳагўй феъли, эркин ривожи, хониш ёки нутқсимон йўлда ижро қилиниши, достон воқелигига мос равишда ривожланган, ёрқин ифодали сифатларига эгадир. Улар ҳар бир ҳижонинг бир пардада куйланиши билан ажралиб туради. Бу ҳолат Оврўпо мусиқасида речитатив, речитатив-декламация шаклида куйлаш ва шунга ўхшаш атамалар билан юритилиши мумкин. Шунингдек, маълумки, хонишга қарама-қарши сифат, яъни бир бўғинни икки ёки ундан кўп пардага солиб куйланиши бизда «ҳанг» деб юритилади. Шунга эътиборан хониш атамаси ҳангдан фарқли ўлароқ , ҳар бир ҳижони алоҳида пардада куйлаш кўзда тутилади. Халқ ижодиётининг бошқа турлари, хусусан қўшиқ ва термаларда ҳам бундай хониш (речитатив) йўлида куйлаш кенг ўрин олган.

Достон номалари тўла тўкис хониш услубида айтилади, дейиш ўринсиз, албатда. Улар куйлаш, ҳанглар орқали айтиш каби йўлларнинг аралаш ижросида келади. Яъни, бу ўринда бизнинг анъаналардан махсус ибора топа олмаганлигимиздан шартли равишда Хониш (форсча – ўқиш) атамасини қўллашни лозим кўрдик. Ҳанглар достон номаларининг муҳим томонини ташкил қилади. Уларни шартли равишда кичик ёки катта ҳангларга ажратиш мумкин. Булар, икки товушни ўз ичига олган кичик, уч ёки ундан ортиқ товушни бирлаштирувчи катта ҳанглардир . Аммо бизни биринчи навбатда уларнинг пайдо бўлиши, ўрни, вазифаси, сўз бўғинларига бўлган муносабати қизиқтиради. Агар «Илғор II» номаси мисолида кўрадиган бўлсак, катта ҳанглар номанинг 7, 8, 9, 10 тактларидан келади ва унинг туширим қисми сифатида хизмат қилади:

**Илғор II**






www.ziyouz.com kutubxonasi




Катта ҳанглар номанинг куй тузилишига мувофиқ турли кўринишларда намоён бўлади : а) шеър бўғинларидаги унлилар воситасида айтиладиган; б) шеър матнига асосий қўшимча қилинадиган унли ёки бўғинли сўзлар орқали айтилувчи ҳанглар. Мисол сифатида «Эшвой»нинг бошланғич куй жумлаларини кўриб чиқиш мумкин:

**Эшвой**




Бунда куй жумласи тўрт тактдан иборат бўлиб, иккинчи тактда шеърнинг биринчи бандидаги «айро» сўзининг «О» унлиси катта ҳанг сифатида қўлланилади. Шеърнинг иккинчи мисрасида эса «иложим йўқ ёра» бўлиши ўрнига «иложим йўқ ёри-ёра» шаклида айтилади. Учинчи банд ҳам биринчисига ўхшаб шеър бўғинининг унлиси чўзилиши билан куй жумлаларини бир-бирига боғлайди. Бунда катта ва кичик ҳангларнинг навбатма-навбат алмашиниб келишининг ўзига хослиги шу кичкина куй бўлагини ранг-баранг бўлишини таъминлайди ва зиддиятни кучайтиради. Ҳатто мазкур Эшвой куйига 11 бўғинли бошқа бир шеър солиб ўқилса ҳам ушбу 6 чи бўғинларга худди юқорида кўрсатилганидек ҳанглар тўғри келади. Демак, бу номанинг куй тузилиш қонунияти шуни тақозо қилади, дейишимиз мумкин.

Ҳанглар номаларнинг маълум жойларида туроқлар чегарасида келиб, куй жумлаларини боғлашга ва шу орқали уларнинг ривожига кўмаклашади. Ҳанглар шеър ҳижолари, туроқлари ёки бандлари орасига унлилар ва сўз бўғинлари қўшиб, тўлдириб айтиш орқали куй жумлаларининг бўш қолиши мумкин бўлган жойларини тўлиқ ижро этиш учун хизмат қилади.

Хоразм достон номаларидаги ҳангларни ижро қилинишининг ўзига хос томони шундаки, уларда асосан «нг» «ng» бўғини ўрнига кирилл ва лотин алифбосида учрамайдиган тилнинг орқа томони билан танглайга текказиб талаффуз қилинадиган, бошқа туркий халқларда мавжуд «Ң» ҳарфининг ишлатилишидир. Бу имло гоҳида олдига ёки орқасига, кўпинча иккала томонига ҳам «О», «А», «У» унлиларини боғлаш орқали «ОҢ», «ОҢО», «ҢО», «ҢУ» шаклида куй пардаларини тўлқинсимон ҳаракатлар билан бир – бирига боғлаш учун хизмат қилади. Бу хусусият кўпчилик ҳолларда нота ёзувида ўз ифодасини топмайди. Бунга мисол сифатида «Катта Найларман»нинг бошланғич куй жумлаларини олиб кўриш мумкин:

**Катта Найларман**




Бу номада ҳам Эшвойдагига ўхшаб шеър бандлари ўртасидаги тўртинчи бўғин унлисини «ҢА» шаклида талаффуз қилинади.

«Рахмайла» номасида эса шеърнинг ҳар банди тўлиқ айтилиб охирги бўғинида «ҢУ» унлисини қўшиб талаффуз қилинган ҳолда куйланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Раҳм айла




Катта ва кичик ҳангларни ижро қилишда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳарф ва унлилардан ташқари бир бўғиндан ташкил топган «ҲО», «ҲА», «ЕЙ», «ЁР», «Ҳой», «Жон» икки ва ундан ортиқ бўғиндан тузилган «Ёр ей», «Дод ей», «Жон – жон ей», «Вой – вой ей», «Омон эй», «Омон – омон эй», «Каримсан эй», «Галди даврон», «Ҳақ қўлласа» каби сўзлар нақорат бўғинларида ва бошқа бўлакларида учрайди. Булар номаларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, куй матнининг бўш жойларини ижрочи овози ва асосий шеър ҳижосига қўшимча ҳис-ҳаяжонли сўз бўғинлари ёрдамида тўлдириш демакдир. Бундай ўзига хослик қўшиқ-номаларининг, шунингдек достонни ҳам таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

«Зоринжи» ва «Найларман II» номалари ҳис-ҳаяжонли бўғинлар ишлатиладиган асарлардан мисол бўла олади:

### «Зоринжи»




### «Найларман II»






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ҳангларнинг вазифаси шундан иборатки, улар ёрдамида бахшилар навбатдаги адабий мусиқий шеър жумлаларига ўзларини ҳиссий тайёрлайдилар ва, шунингдек, тингловчилар эътиборини янада кўпроқ ўзларига қаратадилар.

Достон воқелиги ва унинг учун ҳар бир шеър мазмунига мос келадиган куйни танлашда ёки басталашда асарни чуқур ҳис қилиш, қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ҳаёлан ўз вужудида синаб кўриш, бахшининг эмоционал кучи, диди, теран фикрлилиги ва ижрочилик қобилиятининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Ҳар бир ижрочи, қайси асарни талқин қилмасин, ўзининг ҳиссий сезгиси ва дунёқараши доирасида маълум даражада шахсий ўзгартишни киритади. Хусусан, достон ижрочилигида номалар ва уларнинг ифода воситаларига нисбатан эркин, ижодий ёндошади. Бундай ўзгариш қотиб қолган, бир қолипга солинган бўлмасдан, достончи бадиий тафаккурининг бойиши, мусиқий маҳоратининг ортиши, ижрочилик даражасининг ривожланиши ва такомиллашуви натижасида ўсади ва юксалаверади.

Достон номаларининг куй вазни ва усули турлича кўринишларига эга. Бу жабҳа бир тоифа қўшиқларда барқарор, яъни муайян қоидаларга бўйсунган ҳолда гавдаланган бўлса, бошқаларида эркин, ўзгарувчан, беқарор кўринишларда намоён бўлади. Бу жараён кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг алмашинувида дутор ва дўмбиранинг ўнг қўл зарбларидаги тўрт бармоқни ёки жимжилоқни чолғу қопқоғига теккизиб чалишда ҳам ўз аксини топади.

Номаларнинг мусиқий вазнлари ҳар хил бўлиб, оддий, мураккаб ва аралаш ўлчовларда келади. Уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Икки ва тўрт (жуфт) чорак ўлчовли;

2) Уч (тоқ) чорак ва уч нимчорак ўлчовли;

3) Аралаш ўлчовли.

Биринчи турдаги ўлчовларни Хоразм достон номаларининг (Бобохоним, Илғор) кўпчилигида учратиш мумкин.

Учлик тоқ ўлчовларга 3/8, 3/4 кўринишдаги мураккаб вазнлар киради. Номаларда 3/4, 3/8, 6/9 лик ўлчовлар нисбатан кам учрайди. 6/8 ўлчовдагилари эса кўпчиликни ташкил қилади.

Учинчи, аралаш ўлчовларга 5/8, 5/4, 7/8 ва бошқа турлари киради. Шулардан кузатиб чиқилган 87 номанинг еттитаси 2/4; биттаси 3/8; эллик бештаси 6/8; олтитаси 4/4; биттаси 9/8; ўн саккизтаси ҳар хил аралаш мураккаб ўлчовларга тўғри келиши аён бўлди. Кўриниб турганидек, шуларнинг ичида энг кўп учрайдигани 6/8 вазнидир.

Достон ижрочилигида усул воситаси ўзига хос кўринишларга эга бўлиб, бу ҳақда батафсилроқ тўхталиш жоиз. Ўзбекистоннинг бошқа маҳаллий услубларида усуллар бахши дўмбира ижросининг ўнг қўл зарбларда ўз аксини (яширин ҳолда) топса, Хоразм достон номаларида ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Аниқроғи, мақомларда мавжуд бўлганидек, достон номаларида усул муқимлашган шаклда таркиб топади. Жумладан ланг (оқсоқ) усул, сак (сакиш – сакраш, ҳатлаб ўтиш, маълум бир зарбни тушириб қолдириш) усул, илғори усул, мухаммас усул, олти ва уч нимчорак ўлчовга тўғри келадиган, махсус номланмаган кучли ҳиссалари доиранинг «Бак, бум, бум» ёки вальсга ўхшаш «Бум, бак, бак» шаклидаги, уфорнинг тўлиқ бўлмаган кўринишидаги ва бошқа зарбларга дуч келганимизда уларни достон куйларининг усуллари эканлигини пайқаш мумкин. Ҳатто ўзга турларга ўтганларида ҳам, усул негизи достон номаларига мансублигини яққол ҳис этамиз. Номаларнинг усуллари асосан икки йўналишда намоён бўлади. Биринчиси – доира жўрлигида янграб турувчи зарблар, иккинчиси доира жўрлигисиз ҳам куй матни заминида мунтазам такрорланиб борувчи урғули тузилма сифатида гавдаланган усуллар. Сўнггиси – гўё мавҳум тарзда ўрин олган ритмик тузилмалар бўлиб, нисбатан кенг тарқалгандир.

Ўзбекистон ҳудудидаги Қашқадарё – Сурхандарё, Қорақалпоқ, Эроний услубли бахшилар қўшларида доира иштирок этмаслиги маълум. Бунда асосан бахшининг бир ўзи дутор ёки дўмбира


www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тингловчилар олдига чиқиб достон куйлайверади. Қорақалпоқ ва Эроний услубли бахшиларга буламончи ёки ғижжакчи жўр бўлиши мумкин. Бунда номаларнинг ички усул бирликлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган дутор ва дўмбира зарблари гўё доира ўрнини босадигандек туюлади.

**Эроний**




Ширвоний услубли бахшилар қўшида дутор, буломон, ғижжак билан бирга доира ҳам бевосита иштирок этгани учун усул бирлиги асосан доира зарбларида намоён бўлади:

**Ширвоний II**




Мазкур услубга тааллуқли бахшилар доира зарбларини «Нақра»[1] дейдилар. Номаларда учрайдиган усуллар эса Бола бахши ибораси билан айтганда «Қадимий усул»нинг турли хил кўринишларидир. Булардан асосийлари Илғори, Сак, Ланг, Мухаммас, Уфор, Гул уфор (Хоразмда «Тандира касак», Бухорода «чиллиги», Тошкент – Фарғонада «Умбалақидон, лаққалақидон» деб юритилган) усуллари ҳамда ўз номига эга бўлмаган соқийнома[2] ва кучли ҳиссаларига урғу бериб чалинадиган вальссифат усуллар мавжуд. Булар нота намуналарида қуйидагича ифодаланади:

1. Қадимий ва илғори усуллар: 

2. Сак усул: 

3. Ланг усул: 

4. Мухаммас усул: 


5. Уфор: 

---

[1] А.Фитрат нақрага қуйидагича таъриф беради: – «Чолғуни чертганимиздан бошлаб товуш чиқарадир-да, бир муддат ўзаниб қолғоч Нағма бўладир. Демак шул чертишимиз нағманинг бош томони бўладир. Бунга «Никра» дейиладир».

Қаранг: А.Фитрат «Ўзбек классик музикаси ва унинг тарихи». Т., 1993 й. 6 б.

Нақр – усул зарблари бирлиги, уриш, кесиш, ритм ўлчовлари ифодаланадиган унсиз ҳарфлар.

И.Ражабов «Мақомлар масаласига доир». Т., 1963 й. 297 б.

[2] Гарчи Соқийнома атамаси Хоразм мақомларида ва созандалар орасида учрамаса ҳам достон номаларида бу усул кенг қўлланилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Гул уфор: 

7. Номланмаган (соқийнома): 

8. Кучли ҳиссалари урғуланган (вальс сифат):



Оддий ўлчовларда келадиган «Кўр қиз», «Эшвой», «Елпасаланди», «Ёрни гули галди, ўзи галмади» га ўхшаш кучли ҳиссаларига урғу берилган (вальссифат) усулларга эга.

**Кўр қиз**




**Шо кўчди**




Назаримизда, ширвоний услубда доиранинг шартли қўлланилишига бир қанча сабаблар бор бўлса керак. Жумладан, номалар шаҳар маданий муҳитига тушгани ҳолда ранг-баранг қўшиқ, ашула ва мақом анъаналари таъсирига учраган.

Мазкур мақом ва ашула йўлларида достон номалари «сак» усулининг аниқ кўринишлари учраса, баъзи номаларнинг биринчи тўртлигидан кейин ўрта пардалардаги сўзлар хониш (речитация) тарзида айтилади. Бунда доира рез бериб туради ёки бутунлай тиниб, нома бўлаги усулсиз баён қилинади. Нақоратларда эса яна доира жўр бўлишни давом эттиради. Бунга «Қирқ минг илғор» номаси ёрқин мисол бўла олади:

**Қирқ минг илғор**






www.ziyouz.com kutubxonasi




Бундай эркин, усулсиз шеърий-мусиқий матн кўпгина номаларнинг авжлари, ва умуман ўзбек достончилик мактабларида номаларнинг усулсиз ижроси жуда кўплаб учрайди[1]. Маълумки бундай баён мусулмон халқларида шу жумладан ўзбек халқида Қуръони Карим оятларини юқори оҳангларда эркин қироат қилиниши, бошқа турдаги ашула ва қўшиқларда ҳам кўплаб топилади. Масалан: катта ашула, ёввойи мақом йўллари, маддоҳлар нисба(ижро) бисоти, сурнай куйлари, Хоразм суворaларининг авжлари доира усулидан қисман чекинган ҳолда эркин, беқарор ижрога жуда мойилдир. Баъзи достон номаларининг бу сифат ижрога кўпроқ интилиши тингловчиларга маълум бир баландликдаги пардада туриб сўз маъносини таъсирлироқ қилиб етказишдир. Шу орқали қаҳрамоннинг ички ҳиссиётлари, дарди ёрқинроқ, теранроқ ифода этилади. Худди шу хусусияти билан ҳам номалар мақом ашулаларидаги жиддий, маълум муваққат қонун қоидаларга бўйсунган, барқарор усул йўналишларидан фарқ қилади.

Достон номаларидан кўпчилигининг якунидаги сайқал қисмларида вазнларнинг алмашиниши ёки қўшиқ ижро суръатининг ўзгариши (кўпинча тезлатилиши) натижасида доиранинг зарбий имкониятларидан янада унумли фойдаланилади. Мисол сифатида «Кўр қиз» номасининг сайқал қисмини келтирамиз:

**Кўр қиз**




[1] Шунингдек турк достонларида ҳам усулсиз ижроларни кузатиш мумкин. Фаррух Арзунар томонидан 1962 йили тўпланган ва ёзиб олинган «Gfziantep folklori» тўпламида «Элбейли ўғли» достонининг иккита «Хуршид ила Моҳимеҳри» достонининг ҳам иккита варианти мусиқий намуналари билан берилган. Уларнинг кўпгина номалари усулсиз ижро қилинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай сайқаллар асосан достон қўшиқлари, хусусан ширвоний услуб номаларига мансуб бўлиб, мазкур қисмлар келган жойда бахши қўшидаги жўрнавозлик қиладиган барча чолғучилар яйраб, жўшиб ижро қилишлари учун қулай фурсат келади. Айниқса усул чўзимини доирада майдалаб чалиш имконияти кенгаяди ва доирачи ўзининг чапдастлик маҳоратини яққол намаён қилади.

Ширвоний услубида доиранинг қўлланилиши сабабларидан яна бири шундаки, бахши ва созанда қўшлари тўй ва сайилларни биргаликда ўтказишган. Шунингдек, достон якунида асосан Бартавил ва уфориси, Елпасаланди ва уфориси, Галалайлим ва уфориси каби рақсбоп йўллар бахши ва созанда қўшлари учун бирдек зарурий ижро дастури бўлиб келган. Булар чалинганда кўпчилик ҳолларда қайроқчи раққос, тингловчилар ичидан ҳам серғайрат, завққа тўлиб-тошган кишилар даврага чиқиб ўйинга тушиб кетадилар.



***XX аср бошларидаги созанда қўшларидан бири.***

*Чапдан ўнгга:* 1. Худойберган Қурбон ўғли (буламон),
2. Матёқуб Отажонов (дойра),
3. Мадрахим Ёқубов-Шерозий (тор),
4. Матюсуф Харрот-Чокар (ғижжак),
*пастки қаторда:* 5. Рахим Оллаберганов (қайроқ),
6. Карим Оллаберганов (рақс).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширвоний услубига табиатан жўшқинлик ва ўйноқилик хослиги, бошқа услубларнинг эса ички овоздаги ижрочилиги (ёки мойиллиги) сабабларини келтириш мумкин.

Доиранинг гоҳ вазмин, баъзан ўртача, баъзида эса тез суръатлардаги ижроси, хилма-хил жозибадор нақраларнинг алмашиниб туриши, номаларнинг тингловчилар қалбидан чуқур жой олишига сабаб бўлган.

Усулларнинг ранг-баранг, ўйноқи, рақсбоп хусусиятлари достон қўшиқларининг кўпчилигини оммалашиб кетишига олиб келган. Улар кишининг диққат-эътиборини ўзига тортади ва достон воқеалари ичида қаҳрамонлар билан бирга ҳаёлан иштирок этишга беихтиёр жалб қилади.

Хоразм достон номаларининг усул кўринишини таҳлил қила туриб, шундай хулосага келиш мумкин:

1. Номаларнинг усуллари турлича намоён бўлиб, улар бир тоифа достон қўшиқларида барқарор бўлса, бошқаларида ўзгарувчандир. Улар мақомлардагига ўхшаб муқимлашган шаклга эга ва ўзига хос тарзда номланади.

2. Ширвоний услубда доира қўлланилишининг бош сабабларидан бири достонларнинг шаҳар маданий муҳитига тушганлигидадир. Улар мақомлар, мумтоз куй ва ашулалар билан ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирлар натижасида бир – бирини бойитганлар.

3. Достон куй ва усулларининг жозибадорлиги, жўшқинлиги, серзавқлиги сабабли уларга таянган ҳолда асарлар яратиш XX аср бошларида яшаган ижодкор созандалар фаолиятида кенг ўрин тутади. Шунингдек, ҳозирги даврда ҳам ёш эстрада хонандаларининг достон номаларига мурожаат қилиши айниқса номаларнинг бадиҳага, аранжировка ва ремиксга мойил эканлиги ушбу соҳани ҳали очилмаган қўриқ ва фойдаланилмаган чашма эканлигидан далолат беради.

Достон номаларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларининг икки томони мавжуд бўлиб, биринчи томони куй жумлалари, даврлари, ўрта ва катта авжлари, туширим ва якуний қисмлари, кенг ривожланган хониш ва ҳанглар шаклида кўринса, иккинчиси товушқаторнинг дастлабки ибтидоий бўлаклари бўлмиш жинс (тетрахорд, пентахорд) ва уларнинг сал ўзгарган (кичрайган ёки кенгайган) тузилмалари тарзида намоён бўлади. Шунингдек, баъзи номалар чолғу муқаддимасининг асосий пардадан пастда ёки юқорида бошланиши, иккинчи тўртлик ёки даромад қисмида ёндош тоналикларга ўтиши, авж пардалари, айниқса туширим ва якуний қисмларида парда ўзгаришлари натижасида қўш лад тузилмалари ҳосил бўлиши, достон номаларининг ўзига хослиги ва мураккаблигидан дарак беради.

Номалар беш пардалик ҳажмдан тортиб бир ярим октава ва ундан ортиқ товуш кўламини ўз ичига олади. Бундай кенг ҳажмли ривожланган куй-қўшиқлар мумтоз ашула ва мақомлар сингари босқичма-босқич куйнинг турли регистрларини бирлаштиради ва бу бўлаклардан яхлит мусиқий асарлар вужудга келади.

Достон номалари пардалар ҳамда улардан тузилган жинслардан ташкил топади. Жам ва жинсларнинг товуш оралиқлари бир-биридан фарқ қилади. Улар ярим тон, бир тон, баъзан бир ярим тон оралиқ миқдорлари билан белгиланади.

Номаларда жам ва жинсларнинг кичрайган ёки кенгайган кўринишлари ҳам учрайди. Икки жинснинг боғланиши натижасида тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган 7 поғонали диатоник ладга асосланган ионий ва эолий товушқаторлар ҳосил бўлади.

Хоразм достонларида мусиқий омил, ривожланган куйлар алоҳида ўрин тутади. Табиийки, номаларнинг парда тузилиши ўзининг мураккаблиги, узун тараққиёт йўлини босиб ўтгани билан ажралиб туради. Бу масала достон мусиқасининг алоҳида мавзу сифатида Ю.Кон ва И.Акбаров қаламларига мансуб бўлган, «Ўзбек халқ музикаси» тўпламининг IX жилдига ёзилган сўз бошида таҳлил қилинган. Тадқиқотчиларнинг кузатишларича Хоразм достон йўлларининг лад асослари қонуниятларида, яъни товушқатор ва куй ҳаракатларида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, ўзбек мусиқасининг бошқа жанрларида кам учрайдиган, таркибида орттирилган секунда бўлган товушқатор, таянч нуқтаси товушқатор ўртасида жойлашган гипофригий ладлар Хоразм достон номаларида учраши алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу маълумотлар Хоразм достон номаларининг лад асосларини ўрганишдаги дастлабки муҳим қадам бўлган.

Номаларнинг лад асосларини ўрганиш турлича ёндошишни тақозо этади. Биринчиси, достон ижрочилигида етакчи чолғу бўлган дутор пардаларига қиёс қилинган ҳолда достонларнинг куй ва парда тузилишини аниқлаш. Иккинчиси, мақом йўлларига нисбат берган ҳолда юзага келган парда


www.ziyouz.com kutubxonasi

тизими ва товушқаторларига оид «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» каби атамалардан фойдаланиб лад хусусиятларини кўриб чиқишдан иборат.

Масалан, биринчи ёндашув орқали кўришга жазм қилсак, Хоразм бахшиларининг асосий чолғуси бўлмиш дутор пардаларининг тузилиши ва қайси номани қай пардадан бошланиши ҳамда унинг сабаблари каби саволларга жавоб топиш билан боғлиқ. Бироқ шуни ҳисобга олиш жоиздурким, Хоразмда Бола бахши 1933 йилдан бошлаб тор чолғусини ўзига жўрнавоз соз сифатида қабул қилгани, кейин эса шогирдлари унга эргашиб кетишлари натижасида тор бахшиларнинг жўрнавоз чолғуси сифатида тан олинган[1]. Кейинчалик бу воҳанинг бахши ва созандалари орасида дутор ва танбур ўрнини тор чолғуси эгаллай бошлаган[2]. Табиийки, бундай шароитда дуторнинг ўнг қўл зарблари, ижро услубининг баъзи қирралари торнинг ўнг қўл ижрочилигига ҳам таъсир қилган. Лекин чап қўл, яъни парда тузилишларидаги ва созланишдаги фарқлар, уларнинг номланишини маълум даражада унутилишига олиб келган. Бола бахши ҳамда фарзандлари Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек ва Матёқуб Абдуллаевлар кўмагида дуторнинг парда тузилиши ва уларнинг қандай номланишини тиклашга муваффақ бўлдик. Пардаларнинг асосийлари бешта бўлиб қуйидагича номланади:

1. Сар парда ёки бош парда (беш парда).
2. Ширвон парда.
3. Мискин парда.
4. Лол парда.
5. Зоринжи парда.




Бу пардалар ҳар бири ўз ҳолича алоҳида товушқатор тизимини ҳам англатади ва муайян товушлар йиғиндисидан ташкил топади. Улар дутор пардалари чизмасида қуйидагича кўринишга эга:

Ушбу пардалар дуторда бармоқ босқичларини акс эттириб қолмасдан, муайян товушлар тузилмасини ташкил қилади.

Сар парда, дутор кичик октава ре товушига созланганда қуйидаги беш пардани ўз ичига олади:




Сар пардадан Хоразм достонларининг ривожланган, номалари бошланади. Бу ҳақда «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонида икки кўзи кўр бўлиб қолган Ғарибнинг онаси Оводон момо ўз ўғлини танимасдан унинг моҳирона дутор чалишини эшитиб қуйидагича таърифлайди:

Ҳалаф Ширвондан йўл ошиб,
Галишинг ўғлима мангзар.
Сар пардадан мақом касиб,
Чалишинг ўғлима мангзар.

---

[1] Эрон ва Кавказ халқларида торнинг пардалари кўпинча 17 поғонали товушқаторни ташкил қилади. Бу чолғуни Хоразмлик бахши ва созандалар қўллана бошлагандан буён бешта чорак пардаларини бирлаштириб 12 поғонали тизимга ўтказганлар. Бунинг натижасида дутор пардаларида мавжуд лол пардалар тор товушқаторида овозли пардаларга айланган.

[2] Бахши ва созандалар орасида торнинг оммалашиб кетишининг сабаблари: биринчи навбатда Хоразм достончилиги ширвоний услубиниинг туб замини қадимдан Хоразм ва Ширвон мамлакатлари халқларининг тарихий ва маданий алоқаларига бориб тақалади. Бунинг натижасида икки халқ мусиқа санъати ҳам бир-бирига ўзаро таъсир қилган ва бойиган. Шу сабабдан бўлса керак, Ширвоний услуб ижро йўлларига тор чолғуси жуда мос тушади. Иккинчидан, тор чолғусининг жарангдорлиги, товуш кучи, диапазони ва техник имкониятларини дуторга нисбатан устуворлиги сабабларини кўрсатса бўлади. Салбий томонлари эса, торнинг қўлланилиши натижасида дутор ижрочилиги деярли эсдан чиқарилди. Ҳатто бу чолғуда чалинадиган ва унинг учун махсус яратилган 11 та Хоразм дутор мақомларининг ярмисидан кўпи унутилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур парда номи билан бевосита боғлиқ номалардан намуналар келтирадиган бўлсак, куй жумлаларининг бошланғич бўлаклари сар парда товушқатори доирасида ҳаракат қилганини кўрамиз:

**Сар парда (Эроний)**




**Сар парда**




**Бес парда**




Юқоридаги намуналардан хулоса қилиш мумкинки, сар пардадан чалинадиган куй ва қўшиқларнинг барчаси очиқ тордан бошланиб мазкур парда товушлари доирасида ҳаракат қилади. Шунингдек, йирик номалар ҳам сар парданинг турли босқичларидан бошланади.

Ширвон парда – дутор кичик октава ре товушига созланганда қуйидаги етти парда йиғиндисидан ташкил топади:




Ширвон пардалар дуторда марказий товушқатор вазифасини ўтайди. Сар пардадан бошланадиган номаларнинг миён пардалари, чолғу муқаддимасининг дастлабки босқичлари ёки шеър сўзлари бошланадиган пардалар ва хусусан нома авжлари асосан ширвон пардаларда ҳаракат қилади. Сар ва ширвон пардалари ўртасидаги бундай боғланишни «Ширвоний» номаси мисолида кўриш мумкин:

**Ширвоний I**






www.ziyouz.com kutubxonasi

Авжлари унча баланд бўлмаган, шакли жиҳатидан ихчам номаларнинг кўпчилиги ширвон пардасидан бошланади. Масалан, «Ширвоний»лар, «Қирқ минг илғор», «Гуландом», «Нома боши» ва бошқа кўпчилик номалар шулар жумласидандир.

Мискин парда – бу товушқатор фақат Хоразм бахшиларида учрайдиган атамадир. У дутор кичик октава ре товушига созланганда қуйидаги товушлар йиғиндисидан ташкил топади:




Мискин парда, Мискин мақоми[1], атамаларидан Бола бахшининг ахборот беришича: – «Ҳазрат Алининг Қамбар бобо деган отбоқари ва Мискин бобо исмли қозончиси (ошпази) бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам дутор чалишда моҳир ва машҳур эканлар. Булар чалган турли куй ва номаларнинг баъзилари халқ орасида сақланиб қолган. Шулардан «Алиқамбар» Қамбар бобо ижодига мансублигини таърифлайдилар. Бу асар қадимда «Али десам Қамбар ёдимга тушди» радифли шеър билан ҳам ижро қилинган.

Хоразм дутор мақомлари ичида «Мискин I,II» чолғу йўллари бўлиб, Ҳожихон Болтаев ва Бола бахши бу мақомни Мискин бобо ижодига тегишли эканлигини эътироф этадилар. «Алиқамбар» куйини чалгандан кейин эса албатта супориш орқали Мискинни ҳам охирига улаб ижро қиладилар ва «Ана икки дўстни топиштирдик, ёд айладик, жуда савоб иш бўлди» дейдилар ва устозлар руҳига дуойи фотиҳа қиладилар. Шунингдек, Хоразм дуторларида икки хил созланиш мавжуд бўлиб, булар: очиқ торнинг бир-бирига нисбатан квинта созланиши – Алиқамбар дузум ва кварта созланиши – Мискин дузум деб аталади.

Мискин мақоми (гарчи бу мақом мазкур пардалардан чалинмаса ҳам) Мискин дузум ва Мискин парда иборалари Мискин бобо исмига нисбат берилганлигига шубҳа йўқдир.

Лол парда – овози чиқмайдиган, босганда товуш ҳосил бўлмайдиган пардаларга айтилади. Улар дутор дастасидаги 6 ва 11 босқичлардир:




Ҳозирги дуторларда 6 босқич лол пардалигича қолган, 11 босқич эса парда бойлами боғланиб до диез товуши ҳосил қилинган. Лол пардалардан ҳеч қандай нома бошланмайди.

Зоринжи парда – зорланувчи, ялинувчи маъноларини билдиради[2]. Бу пардалар асосан «Зоринжи» номалари ичида акс этадиган орттирилган секундалардан ташкил топади. Мазкур номалар гарчи Сар ва Ширвон пардаларнинг биринчи босқичларидан бошланса ҳам ўртада лол пардалар (бахши овозида) борлиги сезилади ва бунинг натижасида орттирилган секундалар ҳосил бўлади. Зоринжи пардаларга мисол тариқасида «Зоринжи» номасидан намуна келтирамиз:

---

[1] Хоразм дутор мақомлари «Ироқ», «Чапандоз», «Мўғулча», «Наво», «Садри Ироқ», «Ровий», «Орази бам», «Ташниз», «Мажнун дали», «Ахёр», «Мискин» каби 11 дона чолғу асарни ташкил этади. Булардан ўн биринчи мақом Мискин деб юритилади ва икки қисмдан иборат. Мулла Бекчон Рахмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода «Хоразм мусиқий тарихчаси» Т., «Ёзувчи». 1998 й. 34-35 б.

[2] Бош парда, Ширвон парда ва Зорин пардалар Озарбайжон ошиқлари йўлларида ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз созларини таълим олган мактаблари анъаналарига мувофиқ турли баландликда созлайдилар. Бунда юқорида кўрсатилган пардалар номланиши барча мактабларда бир хил бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳар қайсисида турлича садоланади. Бундай номланиши бир хил, товуш баландлиги ҳар хил бўлган созланишдан маълум бир ошиқнинг қайси мактабга мансуб эканлигини аниқлаш мумкин.

Боку консерваторияси катта ўқитувчиси Илғор Имомвердиев маърузасидан. 1991 й. 22 – февраль. Олма-Ота. «Халқ мусиқа ижрочилиги муаммолари илмий-амалий конференцияси». Муаллифнинг дала ёзувлари 1991 й.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Зоринжи**




В.Успенский ўзининг «Туркменская музыка» китобида Бобожон эшон берган ахборотига асосланиб туркман дуторларида ҳам Беш парда, Ширвон парда, Лол парда ва Зоринжи пардалар борлигини айтиб ўтган[1].

Хоразм дуторлари ўзининг тузилиши, ҳажмининг ихчамлиги ва бошқа жиҳатлари билан туркман дуторларига нисбатан яқин. Шу боис пардалар масаласида ҳам ўхшашлик борлиги табиийдир.

Достон номаларининг баъзилари маълум пардадан бошланиб бошқасида тугайдиган ҳоллар учрайди. Бундай номаларга иккала парда ҳам тоник асос бўлиб хизмат қилади. Агар Оврўпа лад тизимига қиёслайдиган бўлсак, бунда кўпчилик номаларнинг лад тузилмалари миксолидийга тўғри келади. Айниқса мақомларга ўхшаб қўша ладларнинг учраши диққатга сазовордир. Булар асосан дорий-миксолидий, эолий-дорий, миксолидий-ионий ва бошқалар. Номаларнинг бундай қўша ладларда келишини уларнинг авжлари ҳам ўзгартира олмайди. Авжларга уланадиган ҳанглар ёки шеър тўртликлари ўртасидаги чолғу нақоратлар ва кўпинча номалар якунидаги туширимлар асосий лад чизиғини бошқа тонликка ўзгартирувчи парда сифатида келиши кузатилади.

Достон номалари ичида маълум бир пардадан бошланиб куй ўртасида бошқа тоналликка оғиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида «Эшвой» номасини келтириш мумкин. Номанинг биринчи тўртлиги айтиладиган бўлаги дорий ладига тўғри келади. Чолғу муқаддимаси асосий пардани белгилайди. Шеър матни тўрт поғона юқоридан бошланиб, равон ҳаракат билан асосий пардага қайтади. Шу тарзда шеърнинг уч банди айтилади ва тўртинчи банди равон ҳаракатланиб, бош пардадан уч поғона пастда якунланади. Бундай ҳолат бир қарашда асар тоналлигида ўзгариш рўй бергандай туюлсада, шу ерда келадиган чолғу нақорати (13 – 14-т.) яна асосий тоналликни муқаррар белгилайди. Шеърнинг иккинчи тўртлигига айтиладиган куй бўлагида эса ёндош минор пардаларига ўзгаради ва унинг авжлари ҳам шу пардаларда ривожланиб, туширим қисмида яна асосий тоналликка қайтади.

Достон куй-қўшиқларидаги бундай лад ўзгаришларини шартли равишда қуйидагича изоҳлаш мумкин: а) нома-қўшиқларни нисбатан юқори пағоналардан бошлаб айтиш туфайли ҳикоя қилинаётган достон қуввати оширилади. Бу восита билан бахши тингловчилар диққатини ўзига қаратади ҳамда бутун ижро давомида ушлаб туради; б) номанинг якуний сайқал қисмидаги парда ўзгаришлари натижасида қўшиқнинг асосий лад чизиғидан бошқа тонда тўхташи кузатилади. Бу ҳолат унинг ўзидан кейин келадиган ё шеър ёки наср қисми борлигидан дарак беради ва номалар мустақил қўшиқ бўлиши билан биргаликда достонларнинг адабий матнига бўйсунувчи бадиий мусиқий восита эканлигини билдиради; в) қўша ладларнинг пайдо бўлиши ва ёндош тоналликларга кўчишларига сабаб, нома авжлари ижрочи зўриқадиган даражада баландлашиб кетмаслиги ва тингловчиларни зериктириб қўядиган бир рангийлик (якка тоналлик) бўлиб қолмаслиги учун янги пардаларга кўчиш йўли қўлланилган деса бўлади.

Бу ҳол кўпчилик мумтоз ашула ва мақом йўлларига, ўзларига мос «Турк авжи», «Зебо пари авжи», «Мухайяри Чоргоҳ» ва бошқа намудларни киритиш орқали ранг-барангликни таъминлашга ва зиддиятни кучайтиришга(бойитишга) қиёслаш мумкин.

[1] Успенский В.Беляев В. «Туркменская музыка» Изд-во «Туркменистан» Ашхабад. 1979 г. 77 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўшиқларнинг чолғу муқаддималари ёки шеър бандлари асосий босқичнинг турли поғоналаридан бошланса ҳам шеър тўртликларидан кейин келадиган чолғу нақоратларида ёки охирги якуний қисмларидаги чолғу интиҳоларида асосий пардага қайтилади. Баъзи номалар охирида эса, олдин асосий пардага ўтилади ва шеър ёки ҳикоя воситасида достон давом эттирилади. Номалар товушқатори ва таянч пардалари ҳақида аниқроқ таассурот ҳосил бўлиши учун қатор номаларнинг парда тузилишлари ҳақида мисоллар келтиришни лозим топдик. Номаларнинг товушқатор жадвали дутор торларининг кичик октава ре – ля товушларига созланишига асосланган. Бунда ҳар бир номанинг бошланғич пардалари шартли равишда белгиланган. Қавс ичига олинган ноталар эса куйнинг боши, ўртаси ёки охирида ўзгаришга учрайдиган пардалар ҳисобланади:

**Найларман**



**Гуландом**



**Бобохоним**



**Илғор**



**Қирқ минг илғор**



**Раҳм айла**



**Мухаммаси Бахши I**



**Эшвой**





www.ziyouz.com kutubxonasi

**Зоринжи**



**Ширвоний**



**Нолиш**



**Шо кўчди**



Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган товушқаторлар Оврўпа ладларининг қайси бирига ўхшашлигидан қатъий назар, эл ичидаги росмана куй ва қўшиқлар пардаларининг туб ўзакларидир.

Номаларда қўша ладларнинг ҳосил бўлиши, гипо ладларнинг учраши Хоразм достон номаларига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Шунингдек, дутор пардаларининг турлича номланиши, уларнинг таърифи ва парда ўзгаришлари нома товушқаторларининг миллий асосларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Товушқатор оҳангларини турлича бирикиши, бир-бирига ҳамсоз, ҳамовоз жўрлиги, ҳар-хил баландликда жаранглаши ва ниҳоят яхлит мусиқий асарларни ташкил қилиши қадим замонлардан ота – боболаримиз руҳиятига озиқ берган ва қонини жўш урдирган пардалардир.

Достон номалари ички *тузилиши ва шакли* жиҳатидан росмана эл қўшиқларига жуда яқиндир. Лекин уларнинг қайси ҳажмда ва қандай қиёфада бўлиши шеърий матннинг шакли ва мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, шеър ҳижоларининг миқдори ва вазни ҳам куйлар шеърий-мусиқий шаклининг юзага келишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Номаларда шеър туроқларига куй бўлаги, шеър бандига куй банди, шеър тўртлигига куй даври мос келиши натижасида ҳар томонлама тўлиқ мусиқий асар пайдо бўлади.

Достон қўшиқларини юзага келишида куй тузилишининг куплет[1] шакли асосий ўрин эгаллайди. Номалар ҳажмини белгилашда асосий шеър матнидан ташқари қўшимча ифодали бўғин ва сўзлар, айниқса ҳанг ва хонишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Номаларнинг тўлиқ ҳолда шаклланишида соф чолғу тузилмалари муҳим ўрин тутади. Булар қуйидаги кўринишларга эга:

а) чолғу муқаддима;

б) қўшиқ «нақорати»нинг чолғуда такрорланиши;

в) номанинг таркибий қисмларини бир – бирига боғловчи (баъзида нисбатан ривожланган) куй бўлаклари;

г) номаларнинг якуний туширим қисмлари. Улар бахшилар тилида «сайқал» деб юритилади ва кўпчилик ҳолларда қўшиқ тонлигини ўзгартирувчи чолғу интиҳоси ҳисобланади. Достон номаларида айтим йўли ва унга чолғу жўрлиги бир – бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Эътиборли томони шундаки, номалар таҳлилида мақом, мумтоз куй ва ашулалар шаклини аниқлаш учун қўлланиладиган даромад, миёнхат, ўрта авж, катта авж, туширим, фуровард, хона, бозгўй каби атамалар ишлатилади. Мазкур тушунчалар қаторида уларнинг шартлилигини ҳисобга олган ҳолда ўзга умумназарий атамалардан ҳам фойдаланишни лозим топдик.

---

[1] Куплет – французчада (soplet) – строфа – банд, қатор деган маъноларни билдириб, у қўшиқларда икки қисмдан: банд ва нақоратдан ташкил топади. Бунда шеър банди ўзгаргани ёки алмашгани ҳолда куй бандлари такроран бир неча бор қайтарилади Нақарот эса ўзгармасдан ҳар банддан кейин такрорланаверади.

А.Должанский «Краткий музыкальный словарь». М.Л., 1966 г. 166 с. (Таржима бизники).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Достон номаларининг энг оддий тури *куплет* шакли бўлиб, унда куй матнини ривожлантирувчи омил кўп маротаба такрорланувчи куй жумласи ва давридир. Бунда ҳар бир янги шеър мисраси бир неча бор қайтарилувчи куй жумласига боғлаб ўқилади ва шеърнинг биринчи тўртлиги куйнинг биринчи куплети (А), иккинчи тўртлиги иккинчи банд (В) тарзида шаклланади. Шу тартибда учинчи (А1), тўртинчи(В1) ва бошқа тўртликлар навбат билан куй *куплетларига* улаб ижро қилинади. Бундай номаларга «Раҳм айла» ёрқин мисол бўла олади. Унинг шакли оддий уч қисмли: муқаддима, учта асосий куй тузилмаси (А+В+С), хотима. «Раҳм айла» номасининг ҳар бир шеърий тўртлигига айтилган куй даври ҳеч ўзгармаган ҳолда чолғу нақорат сифатида ҳам такрорланади. Бу намунанинг ижодий ўзгартирилган ва ҳалқ сўзига:

Гўрдим-гўрдим нани гўрдим, ёрей,
Ман шу гун Раънони гўрдим

нақорати билан айтиладиган «Ман шугун Раънони гўрдим» йўли атоқли ҳофиз Комилжон Отаниёзов ва бошқа хонандалар ижросида шинавандалар қалбидан чуқур жой олган.

«Қирқ минг илғор» номаси биринчи қарашда оддий шаклдаги қўшиқ бўлиб кўринса ҳам ўзининг уч қисмлилиги, қўшимча куй нақоратлари, ўлчовининг ўзгариши ва хониш тарзида айтилиши билан оддий шаклнинг ривожланиб борувчи тоифасига киради. «Авазхон» достони 1 чи номасининг куй таҳлили қуйдагича: муқаддима, 1 банд (А) 2 банд (В) 3 банд (С) 4 банд (Д) хотима. Бу нома 11 ҳижоли шеърларга ўқилади. Лад тузилиши «Ушшоқ» пардаларига тўғри келади. Унинг кириш қисми чолғу муқаддимаси ва бош парда муқадимаси билан бошланади.

Ўз ичига тўрт поғона юқорида чалиниб ҳар тўрт банддан кейин такрорланадиган бозгўйсифат куй бўлагини олади.

**Қирқ минг илғор**




Қўшиқнинг биринчи тўртлиги (А) оддий. Шеърнинг биринчи мисраси бир куй жумласидан ташкил топади. Иккинчи мисраси ҳам худди шу тарзда такрорланади. Учинчи мисра эса бир парда юқорида бошланади ва шеърнинг тўртинчи мисраси ҳам биринчи ва иккинчилари сингари куй жумласининг учинчи бора такрорига ўқилади. Бозгўйсифат чолғу тузилма қайтарилгандан кейин иккинчи тўртлик(В)нинг биринчи жумласи асосий пардадан беш поғона юқоридан бошланади.




Иккинчи мисра ҳам худди шу куй жумласини такрорлайди. Учинчи куй жумласи асосий пардадан олти поғона баландда айтилади:





www.ziyouz.com kutubxonasi

ва тўртинчи мисра биринчи тўртликнинг 1- ва 2- чи мисралари айтилган куй жумласида ўқилади.

Учинчи тўртлик бу қўшиқнинг авжи хисобланиб, шеърнинг биринчи мисраси асосий пардадан саккиз поғона баландда ўқилади. Иккинчи мисра беш босқич юқорида айтилади, учинчи мисра олтинчи поғонада ўқилади ва тўртинчи мисра яна нақоратсифат куй жумласида такрорланади:




Бу қўшиқнинг тўртинчи *куплети* бошқа бахшилар ижросидаги турларида ўзига хос тарзда шаклланган бўлиб, бунда куй 6/8 ўлчовидан 2/4 вазнига ўтади ва шеърнинг биринчи мисраси хониш (речитатив) воситасида доиранинг усулсиз ёки рез бериб чалинишда асосий пардадан тўрт поғона баландликда айтилади. Иккинчи мисра беш поғона, учинчи мисра 4 поғона ва тўртинчи мисра яна нақоратсифат куй жумласида усул билан айтилади. Куйнинг шу жумласи чолғуда такрорланади ва номанинг туширим қисми сифатида уни якунлайди. Мазкур нома К.Отаниёзов томонидан қайта ишланиб Махтумқули шеъри билан «Айрилма» қўшиғи орқали шинавандаларга яхши таниш. Бу қўшиқ 1- куплетининг бошланиши 2/4 ўлчовида эркин, усулсиз айтилади ва «Айрилма» сўзи 6/8 ўлчовида такрорланиб, чолғу муқаддимасига уланади.

Достон номалари ичида «Гуландом» номаси ҳам ўзига хос бўлиб, у 11 ҳижоли шеърларга ўқилади. Лад асоси Сегоҳ пардаларига тўғри келади. Шеърнинг ҳар тўртлиги куйнинг турли поғоналарида юқоридан бошланади. Бу муқаддима ҳар шеър тўртлигидан кейин чолғу нақорат сифатида такрорланади. Унинг асосий пардадан бошланиши шеър мисралари ва тўртликларининг куй жумла ва даврларига боғланиши ҳамда ҳар муқаддимадан кейин куйни ўзи чолғу нақорати сифатида такрорланиши ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлари росмана халқ қўшиқлари шаклига жуда яқин. Лекин якуний қисмидаги куй жумласи ва чолғу туширими яъни сайқали. Бу номанинг достон мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи қўшиқ эканлигидан далолат беради. Демакки, уни ҳали ё шеър воситасида ёки сўз билан давоми борлигини кўрсатувчи бўлаги халқ ичидаги маросим қўшиқларидан фарқ қилишини билдиради.


www.ziyouz.com kutubxonasi




Бу номанинг ижодий ўзгартирилган кўриниши,

Ўзи билса билсин ўзга билмасин.
Севганимни ғанимлар асло билмасин.

нақороти билан «Дуторчи»лар ансамбли ижросида кенг оммага танилиб кетган.

Достон номалари орасида шеър мисраси айтилган куй жумласи чолғу муқаддима сифатида қўлланилишини юқорида келтирган мисолларда кўрдик. Аммо баъзи қўшиқларда бундай жумла такроран сўзсиз овоз, яъни ҳанглар билан ёки асосий шеър бўғинидан ташқари сўзлар билан ҳам айтилади. Бу хол номанинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади ва *куплет* кўринишидан кенгайиб бошқа қисмларга кўчиб-ривожланиб борувчи шаклга ўтишини таъминлайди. Буни «Найларман II» («Кичик Найларман») мисолида кўрадиган бўлсак,



У «Рост» мақоми пардалари билан бошланиб тўлиқ куй жумласини ташкил қилади ҳамда биринчи ва иккинчи тўртликлар орасида такрорланади. Биринчи тўрликда шеърнинг биринчи, учинчи мисралари асосий босқичдан 8 поғона баландда бошланиб текис ҳаракатлар билан тўртинчи босқичга қайтади. Бунда ҳар икки мисра бир куй жумласига бирлашади ва шеърнинг биринчи тўртлиги икки куй жумласидан бир давра ҳосил қилади(А). Худди шу жумла «Оҳ ёр-эй, ҳақ қўлласа» каби асосий шеър бўғинидан ташқари сўзлар билан яна такрорланади. Номанинг иккинчи муқаддимасида шеър иккинчи тўртлигининг биринчи мисраси 8чи поғонадан 5чи босқичга қараб равон ҳаракатланади. Иккинчи мисраси эса (37 – 43 т):





www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳанглар билан ривожлантирилади ва 3-4 бандлари яна А қисмида айтилади. Шу жумла ҳанглар билан қайтарилади. Номанинг 2 ва 3 тўрликлари орасида барча «Ширвоний», «Нолиш» ва «Найларман»ларда ишлатиладиган чолғу нақороти қўлланилади.



Бундай чолғу муқаддималари ўзидан кейин келадиган ҳангни тўлиқ, бир нафасда ижро қилиш учун бахшини руҳий ва жисмонан тайёрлайди. Юқоридаги чолғу нақороти ва қуйидаги ҳанглар:




учинчи *куплет* бандини куй бўлаклари шаклидан куй жумлалари доирасигача ривожлантириб кенгайтиради. Натижада шеърнинг 1 ва 2 мисраси ҳанглар ва чолғу нақоротлари билан биргаликда номанинг В қисмини, 3 ва 4 мисралари эса ҳанглар билан С қисмларини билаштиради. Қўшиқнинг дастлабки муқаддималарида шеърнинг бир тўртлиги куйнинг бир даврига тўғри келган бўлса энди у иккинчисининг тобора ривожланиши натижасида куйни икки даврини шеърни бир тўртлигини ўз ичига олади ва турли чолғу муқаддималари асарни авж чўққисига қараб ривожлантиради. Қўшиқнинг С қисми ва авжи (Д) орасида ривожланган чолғу нақороти бўлиб:



у мумтоз ашулаларнинг кенг чолғу бўлакларига жуда ўхшаш ва ижрочини авжга тайёрлайди. Номанинг авжи (Д) да шеърнинг ҳар бир мисрасига ҳанглар ва чолғу нақоротларини қўлланиши натижасида у кенгаяди ва ривожланади. Бунда бахши овозининг баландлиги, кучи, нафас сиғими, сўз талаффузи, моҳир чолғучи-созанда ва бошқа санъаткорлик сифатларини очилишига кенг имкон яралади. Номанинг охирги тўртлиги «ҳанг» (а)га келгунча мумтоз ашулалардаги «фуровард» қисмларга ўхшаб кетади.




Якуний қисмидаги учинчи поғонанинг бир пардага пасайиши эса бу ашуланинг достон мазмунини очиш учун хизмат қилувчи нома эканлигини билдиради.

«Найларман II» номаси «Базирён» достонининг ширвоний услубдаги барча бахшилар вариантида айтиладиган дастлабки қўшиқ-номадир. У «Базирён»нинг ички дунёсини очиб беришга қадим-қадимлардан буён хизмат қилиб келаётган номалардан бўлса ажаб эмас. Самарқандлик машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдуллазиз Расулов мусаннифлик қилиб, Фазлий ғазалига Вола мухаммаси билан:

«Манга кўргузуб неча қатлаким,
Юзда холу зулфу дутоларинг».


www.ziyouz.com kutubxonasi

радифига айтиладиган «Бозургоний» шоҳ асари «Зебо пари» авжи қўшилиб, гўзал жилолар билан ижодий суғорилиб қайта ишланган «Найларман II» номасидир. Унинг «Бозургоний» деб аталишини бойиси ҳам достон қаҳрамони номига нисбат берилганлигида бўлса керак.

Номаларнинг баъзилари достон воқеалари ривожига бўйсунганлиги сабабли йирик ашулалар каби ва айримлари эса ихчам тузилишда шаклланганлигини гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга «Алиқамбар», «Норим-норим», «Қори Наво», «Қалабанди» ва бошқа йирик шаклдаги куйларда «Илғор» ва «Эшвой»ларнинг маълум кўринишлари учрайди. Ўз навбатида достон номаларида Қадимий зарб, Соқийнома, Уфор ва ҳатто Наср усулларининг учраши достон куйларига мақомларнинг ҳам таъсир кўрсатганлигини билдиради.

Натижада улар бир-бирини тўлдирган ва бойитган. Айниқса Хоразм мақомларидан «Нақши Рост», «Нақши Наво», йирик ашулалардан «Феруз» ва унинг савтлари шулар жумласидандир:

**Нақши Рост**



**Нақши Наво**



**Савти Феруз**



«Катта Найларман»да «Сегоҳ» тани мақоми ўрта авжларининг ўхшашлиги:

**Найларман I**






www.ziyouz.com kutubxonasi




**Тани мақоми Сегоҳ**




«Найларман II» нинг авжидаги ҳамоҳангликларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

**Найларман II**






www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу анъана XIX аср бошларида кенгроқ тус олиб Ҳожи Абдуллазиз Расулов ижодига мансуб «Бозургоний», «Гулузорим», «Қўшчинор»; Сафо Муғаннийнинг «Хуш келибсиз Хоразмга», «Акмал Икромов келур»; Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевларнинг «Қурбонинг бўлай» ва айниқса Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов томонидан достон номалари асосида яратилган ўнлаб машҳур ашулалари, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров, Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ва бошқа хонандалар ижодидаги достон ашулалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Булардан ташқари ўзбек бастакорлари томонидан яратилган «Алпомиш», «Равшан ва Зулхумор», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Азиз ва Санам» ва бошқа саҳнавий асарлар мавзуси, уларнинг мусиқаси достон номалари асосида моҳирона ишланганлигини гувоҳи бўламиз. Замонавий композиторлик ижодида ҳам достон куйларига мурожаат қилинаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Мирсодиқ Тожиевнинг учинчи симфонияси 2-қисмида «Нолиш» куйининг бошланғич муқаддимасини олиб кўрадиган бўлсак:





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Рустам Абдуллаев бешинчи фортепиано концерти 3 - қисмида «Илғор I» куйидан унумли ва моҳирона фойдаланган:





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразм мақом йўллари ва достон намуналарининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг янада бойиганлиги, номалар асосида юзага келган куй, қўшиқ ва ашулаларга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу борада Хоразм халфаларининг номалар асосида яратган қўшиқлари ва бошқа ижрочилар ижоди катта кўламдаги асарларни ташкил қилади. Эстрада соҳасида айниқса ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артисти Махмуджон Намозов ижоди эътиборга лойиқ. Бу санъаткор ёшлигидан дўмбира чалиб достонлар айтиб юрганлиги сабабли эстрада қўшиқларида Сурхон-Шеробод достон номаларининг таровати жўш уриб туради.

Халқ куй ва қўшиқлари сингари номалар ҳам турли ҳажмда шаклланган бўлиб, достон қаҳрамонлари қиёфаларини очиб беришга, воқеалар ривожи ва зиддиятларни ривожлантиришга, шеърий матнлар ва достоннинг умумий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта ёки кичиклигидан катъи назар зукко бахшиларнинг бадиий, жумладан мусиқий тафаккури маҳсули сифатида турлича шакллангандир.

Буларни нафақат адабий-бадиий, балки умри боқий мусиқий хазинамиз дурдоналаридан десак янгилишмаймиз. Улуғвор достончилик анъаналари Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон қисқаси умумтурк созининг дилрабо, жозибадор миллий-маҳаллий мусиқий наволарини ўз ичига мужассамлаштиргандир.

Хоразмча қўшиқ, куйларнинг узоқ ва яқин ўтмишда, ҳозир ҳам ўйноқи, жозибадор, ҳаётбахш, кишини ўзига оҳанрабодек тортишининг боиси ҳам ана шу воҳа мусиқасининг туб заминида достон қўшиқларининг, хусусан ширвоний номаларнинг етакчи ўринлардан бирини эгаллашида бўлса ажаб эмас.



Чапдан ўнгга: Қаландар бахши, Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев, Бола бахшининг қуролдош дўсти – Ражаббой Матназаров ва Шовот туман хокими – Раимбой Тоиров



1998 йили Қашқадарёда ўтказилган бахши-шоирлар фестивали қатнашчилари. Хива болалар мусиқа мактаби ўқувчилари. Ўнгдан биринчи: Очилбек Матчонов, бешинчи бахшилар синфи ўқитувчиси Матёқуб Абдуллаев



www.ziyouz.com kutubxonasi

Достон қадимда кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ туркий элатлар ўртасида, асосан чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида пайдо бўлиб, касбий бадиий ижодиётнинг илк кўринишидир. Бизгача етиб келган намуналарни мавзу мазмунига кўра шартли равишда бир неча тоифага тақсимлаш мумкин. Ижро услублари, шаклланиши, ҳудудий ўзига хосликлари жиҳатидан эса турли мактаб ва бахшилик марказларига ажратилади.

Китобда бахшилик санъатининг қадимги шаманизм билан боғлиқ айрим томонлари, умумий хусусиятлари, фарқланиши, жўрнавоз чолғуларнинг қўлланилиши, услуби, мумтоз ашулалар ва хоразм мақомлари билан ўзаро таъсири ва ижрочилигини кузатишдан аён бўлдики.....

Достонларга нисбатан «ёпиқ тизим» тушунчасини қўллаш мумкин. Яъни, янги бир мавзуни, куйни достонга ишлатилиши камдан-кам ҳолларда учрайди. Аммо достонларнинг номалари қотиб қолган нарса эмас. Улар достон мазмунини ифода этиш билан биргаликда мустақил қўшиқ шаклида ҳам ўрин тутади. Бадиий ижод намунаси сифатида унинг нималаридир ўзгариб боради. Бу нарса кўпроқ ташқи омилларда ҳам намоён бўлади. Масалан, ансамбл таркибининг турли чолғулар билан бойиб бориши, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, телевидение, радиопостановка, саҳнага олиб чиқиш, куй йўллари каби сифатларида унинг мағзи сақланиб келинмоқда. Бундан келиб чиқадиган хулоса достон анъаналарининг ўзида янгиланишга, ривожланишга ва бадиҳагўйликка мойиллик бор, шу боисдан ҳам у ҳаётбахшдир.

Истиқлол шарофати ила миллий қадриятларимиз қайта тикланиб халқ достонлари, достон мусиқасига ва ижрочилигига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Достонларнинг бадиий намуналари ҳозирги давримизда ҳам ўз маънавий ва тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларни кундалик турмушимизда радио тўлқинлари, «ойнайи жаҳон» орқали хонадонимизда янграб турадиган кўркам ва умри боқий ижодиёт дурдоналари эканлиги барчага аён. Бу мерос ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда, уларни ҳар томонлама комил инсон қилиб вояга етказишда салмоқли маънавий озуқа бера оладиган ғоявий ва руҳий битмас-туганмас манба эканлигига шубҳа йўқ. Ушбу маънавий меросни кўз қорачиғидек авайлаб асраш, бойитиш, равнақ топтириш, тарихий-назарий-амалий асосларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш, ижодий ўзлаштириш — муҳим вазифалар қаторида туради.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИККИНЧИ БЎЛИМ
# ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

## АВАЗХОН

Гўрўғлини ботир ўғли Авазхон гунлардан бир гун воқеа гўриб, воқеасинда Гуржистон вилоятиндаги Хункоршо подшони халқа нисбатан зулмини ошқанлиқини билиб, Азон билан ериннан туриб, юз қўлини ювиб, отаси Гўрўғлига қўлларини «алиф-лом» қилиб салом бариб, айтдики: – Аммо Гўрўғли оға манга қиличингни, Ғиротингни, қирқ йигитингини, тўрт сардорингини барсанг, ман шу Гуржистон вилоятиндаги Хункоршо подшо билан бир бахтимни сийнаб кўрсам, деб айтиб дурған сўзи:

*Қул хўжадан рухсат тилар ор ўлмас,*
*Бегим сандан рухсатингни тиларман.*
*Ғўч йигита ёхти жаҳон тор ўлмас,*
*Қиличингни Ғиротингни тиларман.*

### ТИЛАРМАН
(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Қул хўжадан рухсат тилар ор ўлмас,
Бегим сандан рухсатингни тиларман.
Ғўч йигита ёхти жаҳон тор ўлмас,
Қиличингни Ғиротингни тиларман.

Бўлар ўғил тўққизинда бош бўлар,
Ношуд ўғил қирқ ёшинда ёш бўлар,
Каллалар касилар гавда лош бўлар,
Шаҳид ўлмак муродимни тиларман.

Бегим рухсат баргил қассоб ўғлина,
Қилич урсам Хунхоршохнинг бўйнина,
Бошим қўйсам улуғларнинг йўлина,
Аваз айтур муродимни тиларман.

даб, Аваз сўзини тамом қилганнан кейин, Ғўрўғли айтдики: Ўғлим, сан ҳали ёш боласан, ҳар гапни дийварасан. Гуржистон вилояти, Чандибел вилояти иккисини ораси қанчалик йўл, уни ичинда чўли биёбон, дашту-саҳро, офат-бало қалашиб ётибди. Бу йўлни ҳар бир қадаминда офат бор. Шуни учун вундин[1] йўла геткан вахтингда ёнингди ман бўлсам яхши бўлар ади, дади. Аваз айтдики, йўқ, қайси қачон ман сиз туфайли офат балони даф қилиб юраман? Ўзим ҳам бахтимни сийнаб гўражакман[2] дади. Бахтим бўлса соғ-омон бориб Хунхоршохни чоповуллоб[3] галарман. Йўқ, бахтим ётқан акан шу хатарли йўлда йўқўлиб гетаман дади. Гўрўғли султон билдики, бир ғўч йигит йўла геткан вахтинда унга қайтарув бармак бўлмас. Ғиротни эгарлаб, юганлаб, жуп айилни ҳам маҳкамлаб, ёнина қириқ йигит, тўрт сардорни ҳам қўшиб, юрма[4] қиличини ҳам чиқориб бариб ўғлим йўлинг оқ бўлғай, даб узатибараварди. Оно Аваз бир неча манзиллар юриб, Гуржистон вилоятини чегарасиннан ҳам ўтиб бораварсин, эндиги сўзни Хунхоршо аскарлариннан эшитинг. Хунхоршо аскарлари қалъани ҳалқа бўлиб ўраб ётқан ади. Аваз уларни баъзиларини гўрмин, гўрса ҳам назар писанд атмин қалъа ичина от ўйнатиб гириб бораварди. Гўрўғли қўшиб юварган тўрт сардорни бирисина Сапар Маҳрам даб ном барадовун адилар. Анггакинда[5] соққоли бўлмоғони учун Сапар кўса даб ҳам айтар адилар. Сапар кўса Аваза бир неча маслаҳатлар бариб, Аваз уни сўзини қабул қилмасдан, Сапар маҳрам изроқда сурралиб борётир ади. Хунхоршо лашкарлари Авазни атрофини ҳалқа бўлиб ўраб, асир қилиб туширди. Сапар маҳрам ҳалқадан дешонда қолиб гетти. Оно шу вахтинда, Ғирот жанивор Хунхоршо аскарларина бош вармин қочиб Сапар маҳрам ёшириниб ётқан ера галди. Сапар кўса тезда Ғиротни устина сувори бўлиб, бошини Чанди бел томона бурған вахтинда Хунхоршони лашкарлари гўриб қолиб, изиннан ўққа тутиб, ҳориб борған ўқ Сапар маҳрамни едди ериннан дохил бўлиб ўтди. Сапар маҳрам ўқни захми, жонни ҳарорати билан шарпилдап тумана йиқилиб тушди. Қайтиб ўзини эгарни устина олиб билмасдан, Ғирот жанивор ҳам Сапар маҳрамни ташаб гетавўлмасдан, гўззиннан ёш дўкиб, атрофини айланаварди. Шу вахтинда Сапар маҳрамни ётқан еринда Ғиротқа қараб айтқан сўзи:

*Ғирот гетар бўлсанг Чанди беллара,*
*Гўрўғлига маннан салом дегайсан.*
*Гўзда ёшим оқиб мангзар селлара,*
*Энди Сапар маҳрам ўлди дегайсан.*

## ДЕГАЙСАН
(Нома боши)




[1] Вундин – бундай.
[2] Гўражакман – кўрмоқчиман.
[3] Чоповуллаб – чопқиллаб.
[4] Юрма – кескир.
[5] Ангакинда – иягида.


www.ziyouz.com kutubxonasi


Чан-ди бел- ла- ра Гўр-ўғ- ли- ға ман-дин са- лом де-гай- сан
Гўз- да ё- шим о- қиб манг-зар сел-ла- ра эн- ди са- пар маҳ-рам ўл- ди де-гай-
сан
У- зоқ қол-ди ма- ни ман-зил ма-ко- ним
ҳажр ў- ти- да ё- нар бу ши- рин жо-ним Ар- зим-ни э- шит-са Гў-рўғ- ли-хо-
ним дий-дор қи-ё- ма-та қол-ди де-гай- сан
Оҳиста-
секинлатиб

Ғирот гетар бўлсанг Чанди беллара,
Ғўрўғлиға маннан салом дегайсан.
Гўзда ёшим оқиб магзар селлара,
Энди Сапар маҳрам ўлди дегайсан.

Узоқ қолди мани манзил маконим,
Ҳажр ўтида ёнди бу ширин жоним,
Арзимни эшитса Гўрўғлихоним,
Дийдор қиёмата қолди дегайсан.

Аваз ўғлон ёшлик атди шаънина,
Душман ўқи ситам этди жонима,
На савдолар тушди мани бошима,
Данг душима мандан салом дегайсан.

Аввал бошлаб Авазхонни тутдилар.
Қўлин боғлаб орқасина чатдилар,
Ситам айлаб юрак бағрим эздилар,
Қирқ йигитнинг жафо кўрди дегайсан.

Сапар маҳрам айтар энди ўларман,
Бу чўлларда фиғон тортиб қоларман.
Гўрмай ёри дўстим армон этарман,
Кўнглинда кўп армон қолди дегайсан.

даб, ота қараб зори гирён йиғлади. Ғирот жанивор ҳам Сапар маҳрамни сўзини тушунгандин вўлиб, қанот қоқиб, Чанди бела қараб бадар гетти. Чанди бел вилоятина етиб галиб, Ғўрўғлини дарвозасини алдинда дуриб оҳ тортиб бир кишнади. Ғиротни товуши Ғўрўғли билан Паризотни қулоқина бир даҳшат бўлиб эшитилди. Иккаласи югуришиб дарвозани алдина чиқса, Ғирот гўззиннан ёш дўкиб дурибди, қирқ йигитинг банди бўлди дегандаин атиб. Оно Гўрўғли султон билдики Авазхон ҳам қирқ йигит ҳам банди бўлғон. Гўрўғлининг ўн икки минг уйли такали туркмани, йигирма тўрт минг уйли эйледири[1] бор ади. Булар кўп бир оғизбирликли халқ ади. Гўрўғли улара жар чактирди, қирқ гунлик озуқангни тўплаб, сафар тайёргарлиқингни гўравар, мани Гуржистон вилоятина юришим бор, даб. Ўн икки минг уйли такали туркман ҳар бириси уйинда вўлғон ғўч йигитлардан қирқ гунлик озиқи билан Гўрўғлини атрофина йиғилди. Ҳамма оломон йиғналиб бўлғондан кейин, Гўрўғли султон Оғо Юнус Паризодни Кўҳиқофдан апкалган вахтинда унга барган вадаси бор ади: «Ҳар қачон бир ера гетсам саннан бегенгош[2] гетмиман» деган. Саваб Паризод дунёда бўлғон, бўлётирган ва индиги бўложоқ гапларни ўз динноқина қараб ойнада гўргандин гўрадургон ади. Бу сафар ҳам маслаҳат учун гирган вахтинда Паризод айтдики, қани ов Гўрўғли султон мунча оломонни жийнабсан на қилмоқчисан булони, деянда, Гўрўғли айтдики, Гуржистон вилоятина юриш атажакман дади. Йўқ сан ундин атма дади Паризод. Сан бу жийнолғон оломонни ичиннан қирқ йигитни сайлаб ол, сан дур, ман ураман, деган йигитлардан. Улара Қаландар гийимини гийгизиб, шаҳар ичина гириб бир ҳийла билан иш гўрмасанг, бу юришинг сани бир ҳалакчиликка[3] олиб галади дади. Сабаби Хунхоршо эшитса сангга қараб у ҳам шойи-шоймон тутиб қўяди, ўртада шунчалли одамни қонина қоларсан дади. Паризодни сўзи Гўрўғлиға маъқул тушиб, дешон чиқиб қараса жийналган йигитларнинг ҳаммаси ҳам бир-бириннан зўр, қизил билак ботир юрак, отарман-чопарман зўр йигитлар ади. Гўрўғли қўлина созини олиб йигитлара қараб дуриб айтқан сўзи:

*Сафарим бор Гуржистона,*
*Манинг билан геткан юрсин.*
*Номард гирмас бу майдона,*
*Марда бошин қўшан юрсин.*

[1] Така, эйледир — туркман уруғлари номи.
[2] Бегенгош — кенгашмасдан.
[3] Ҳалакчилик — ҳалокат, овворагарчилик.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮРСИН

(Найларман II)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi


ё- нар ўт- дур (ай) оҳ ё-рай
Ўт- га ў- зин (ай) у- ран юр- син (ай) Ка-рим- сан (ей)
1.
2.
Йи-гит бўл-са (я) а- сил зот-дан ҳу-нар ўр-ган-
са ус- тод- дан ҳа ҳа (ҳай)
Душ-ман-ни ағ-
да- риб от- дан (ҳа) май-дон ич- ра у-ран юр- син
(ай) Ка-рим- сан (ай)
Душ-ман-ла-ра гал-ған ғам-дур




Сафарим бор Гуржистонда,
Манинг билан геткан юрсин.
Номард гирмас бу майдона,
Марда бошин қӯшан юрсин.

Ғӯч йигит дӯлса ҳой билан,
Гоҳ ӯқ била, гоҳ ёй билан.
Уришганда Хунхор билан
Йиқилибон турған юрсин.

Йигитни қаноти отдур,
Отни сақламоқ давлатдур.
Қаскир қилич ёнар ӯтдур,
Ӯтга ӯзин уран юрсин.

Йигит бӯлса асл зотдан,
Ҳунар ӯрганса устоддан.
Душманни ағдариб отдан,
Майдон ичра урған юрсин.

Душманлара галган ғамдур,
Уруш йигита байрамдур.
Гӯрӯғлибек дамбадамдур,
Молдин бощдин гечан юрсин.

дади. Йиғналган оломонни ичиннан қирқ йигит Гӯрӯғлини атрофина тӯпланди. Гӯрӯғли улара қаландар гийимини гийгизиб, ёнбошина сӯта доқтириб, йӯла тайёрлаб, Оға Юнус Паризод билан хайрлашмоқ учун ичон гирди. Паризод айтдики: Қани Гӯрӯғли султон сан шунча йӯла гетиб бораётирсан, магарам[1] мейдонда бир қазонг етиб ӯлсанг, изингда оға даб йиғлаша ининг йӯқ, ота даб йиғлаша зурриёдинг йӯқ, ботир ӯғлинг Аваз йӯқ қалъани кима ташаб гетмакчисан? дади. Гӯрӯғлини зурриёдсизлиги ёдина тушиб боши туман қочиб гета-

[1] Магарам – агарда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

варди. Паризод Гўрўғлини хопо қилиб қўйғанлиқина ўзи ҳам ичи ўвишиб, хуноб бўлиб, Гўрўғлига кўнгиллик вариб айтиб дурған сўзи:

*Жудолиқ ҳасрати ёдима душти,*
*Сансиз ўтган умри жонни найлайин.*
*Гуржистона гетар вақтинг етишди,*
*Жасад ичра хаста жонни найлайин.*

## НАЙЛАЙИН

(Найларман III)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Жудолик ҳасрати ёдима душти,
Сансиз ўтган умри жонни найлайин.
Гуржистона гетар вақтинг етишди,
Жасад ичра хаста жонни найлайин.

Сансиз мунда ўйнамарам, гулмарам,
Қирмиз елак гийиб фейкал дақмарам.
Жиғаларим санчиб уйдан чиқмарам,
Тожу-давлат ҳонумонни найлайин.

Сансиз қоронғидур ёхти жаҳоним,
Фироқингда ёнди танимда жоним.
Тириклигим сандир руҳи равоним,
Сан бўлмасанг бу маконни найлайин.

Олиб галдинг мани девлар қаҳриннан,
Кечадурман молу дунё баҳриннан.
Кечиб бўлмас тожу давлат бариннан,
Олтин кумуш зарри конни найлайин.

Олиб галдинг қалъа Санггар юртиннан,
Ўлар бўлдим жудолиқни дардиннан.
Кечадурман басе дунё баҳриннан,
Олтин кумуш зарри конни найлайин.

Оға Юнус ишим оҳу зор ўлсин,
Рақиблар йўқолсин дўстинг бор ўлсин,
Қайда бўлсанг Шоҳимардон ёр ўлсин,
Сан бўлмасанг бу маконни найлайин.

дади. Гўрўғли Оға Юнус билан хўшлашиб, дешон чиқиб йигитларина отларни зартанг-забартанг эгарлатиб, ўзи йигитлара бош бўлиб улара қараб айтиб дурган сўзи:

*Чанди белдан Гуржистона кўч бўлса,*
*Қўлимға олурман бари бозимни.*
*Ғўч йигитдан ғўччоқ дўраб ғўч бўлса,*
*Душмон аҳли гўрсин майдон тўзимни.*

## КЎЧ БЎЛСА
(Така нолиш)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Чанди белдан Гуржистона кўч бўлса,
Қўлимга олурман бари бозимни.
Ғўч йигитдан ғўччоқ дўраб ғўч бўлса,
Душмон аҳли гўрсин майдон тўзимни.

Мани бирлигима ишонмағанлар,
Душмон кўплигиннан қувонмасинлар.
Ўн минглаб, юз минглаб (бари душмон) галсинлар,
Савашурман дўндирмарам юзимни.

Жоним қурбон ғўч йигитни гулина,
Беш, ўн номард тенгмас мардни бирина.
Миндирибон Ғиротимни белина,
Олиб Чанди бела галсам Авазни.

Гўрўғли айтар Чанди белда маконим,
Ғанимни йўлинда қўярман жоним.
Ажал бир неча кун берса омоним,
Гўринг неча ишлар бино қилурман.

Қисқа галса отнинг бели-биқинни
Ғазаб атса чакар нарнинг юкини.
Ғўч йигитлар кутар саваш гунини,
Бир Оллоға ман топширдим ўзимни.

даб, Гўрўғли сўзини айтиб тамом қилғандан кейин йигитларини вахти хуш бўлиб, шарпилдаб отланиб гетавардилар. Бир неча манзил жойни той қилиб борғаннан сўнг, узоқдан бир чанглов гўринди. Гўрўғли айтди: эй йигитлар сизлар шўрда бир замон адаб сақлаб дурсанггизлар, шу чанглов на чанглов акан, ман бир хабар тутиб галин, даб ғирот суриб яқинроқ бориб қараб гўрса, қирқиси дуторли созанда, иккиси ясовул акан. Гўрўғли яқинроқ бориб сўрадики, қани жўралар йўл бўлсин, қайдин бориб, қайдин галасизлар? Деди. Шунда ясавуллардан бири айтди, ай жўра, сан бизлардан хавар тутмоқчи бўлсанг, Чордоғли Чанглибелда Гўрўғлини ботир ўғли Авазхон қирқ гун бўлди Хункошо подшомиза асир тушиб ётибди, эртанг подшо Авазхонни қирқ


www.ziyouz.com kutubxonasi

йигити билан дорга тортиб, халққа тўй барётир. Бу созандаларни шу тўя олиб борётирмиз, дади. Шунда Гўрўғли айтди: Жўралар мани ҳам оз-кам, соз-сўздан хаварим бор. Мани ҳам ўзларинг билан шу тўйға олиб гетсангизлар бўлмасми экан, дади. Подшодан отлиқ борғаннан кейин, хўмпайишиб геткан созандалардан бири айтдики, ай бажозли қаландар, сани алинг тарстой ёли акан, алингда тўмпай ўрнашмийди. Магарам санга биримиз дуторимизни барсак, ё пардасини бежой қилиб қўярсан, ё торини узиб подшони алдинда бизни маҳтал қиларсан, деб, Гўрўғлини устиннан гулиб, ўта геттилар. Гўрўғли буни гўриб, булар мани, отимнан, дўнимнан ким аканлигимни билмийди, даб, ғирот суриб, уларни олдиннан чиқиб, ўзини донитмоқлиқ ҳаққинда айтиб дурған сўзи:

*Қаландарни деманг галган саройи,*
*Дурри ёқут саррофидур қаландар.*
*Аслим сўрсанг ўзим саллоҳ баччаси,*
*Золимларнинг саллоҳидур қаландар.*

## ҚАЛАНДАР
(Ширвоний II)




---
[1] Баражак – бермоқчимиз.
[2] Саройи – саҳройи, ёввойи.
[3] Чакиб – тортиб.
[4] Ворётирмиз – бораяпмиз.


www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Қаландарни деманг галган саройи,
Дурри ёқут саррофидур қаландар.
Аслим сўрсанг ўзим саллоҳ баччаси,
Золимларнинг саллоҳидур қаландар.

Отим дўним илоҳийдан галганди,
Орқамиза Пирим панжа урғонди.
Ҳазрат Али нафас ўғлим деганди,
Донимасанг Шер-Арслондур қаландар.

Дўққизимда талаб қилдим майдонни,
Ўнимда ғарқ айладим Араб Райҳонни.
Энди бугун сан ҳам ўқи иймонни,
Йўқса сани омон қўймас қаландар.

Мани сўрсанг Гуржистона галмишам,
Авазимни золимлара бармишам.
Лақабимни ман Қаландар қўймишам,
Донимасанг Гўрўғлидур қаландар.

дади. Гўрўғли номи эшитилгандан кейин, икки ясавул билан қирқ бахши «дурғон тутилар, қочқан қутилар» даб, олғон қоч, турғон қоч, гўё бир сеча тўпорина бургут тушган ёли бўлди. Гўрўғли ясавуллони кейниннан от қўйиб бориб иккисини дангина калласини олиб ташади. Бахшиларни ёнина галиб айтдики: Жўралар сизлара деймиман, бир улфиёр йигитлар акансизлар, аммо бир иситманггиз бор ўхшийди, шуни қайтиб тутмийдиғон атиб иситманггизни бойлаб қўяман дади. Уларни ҳам қирқисини хатарлаштириб қўйиб, ўнг эйниннан гириб, қилич солиб чап эйниннан чиқиб қараса, каллалариннан калла минора ясади. Шўрда йигитларини ёнина қайтиб галиб, улара бош вўлиб яна бир неча мангзиллар йўл юриганнан кейин тўрт йўлни бандирёси галди. Гўрўғли қайси томона гетишини билмин дурғон ади, шу вахтинда йўлни четинда бир бова намоз ўқиб дурган эди. Гўрўғли бова намозни ўқиб бўлғанича одоб сақлаб дуриб, бова намозни ўқиб бўлганидан кейин йўл сўради. Шу вақтинда бовани Гўрўғлиға қараб айтиб дурган сўзи:


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Болам эйланма бу ерда,*
*Хон Авазни гўриб галдим.*
*Қирқ йигитинг ёвуз гунда,*
*Ғариб ҳолин сўриб галдим.*

## ГЎРИБ ГАЛДИМ

(Ширвоний I)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Болам эйланма бу ерда,
Хон Авазни гўриб галдим.
Қирқ йигитнинг ёвуз гунда,
Ғариб ҳолин сўриб галдим.

Авазхонинг дор остинда,
Золим ўлдирмак қасдинда.
Пирлар Авазхон устинда,
Дурғонлорин гўриб галдим.

Қирқ йигитинг бўлиб ҳайрон,
Бағри бир ён гўззи бир ён.
Авазхонинг банди зиндон,
Бўлғонларин гўриб галдим.

Суннат ўқиб Чангли белда,
Галиб фарзин уйдим мунда.
Қирқ чилтанни орасинда,
Илёс пиринг бўлиб галдим.

Авазхонинг асир бўлмиш,
Қирқ йигитинг банди бўлмиш.
Душмонларда ташна қолмиш,
Коса сувлар бариб галдим.

Бова сўзини томом атиб, ўғлим шу йўлдан гетсанг дўғри Гуржистон вилоятини орқа дорвозасина дохил бўласан даб гўздан ғойиб бўлди. Гўрўғли яна йигитларина бош бўлиб, чангни-чангга қориб, бир неча манзиллар йўл юриб Гуржистон вилоятини орқа дорвозасина яқинлашди. Оно индиги сўзни дорвозабонлардан эшитинг. Дорвозабонлар буларни галишини гўриб, югуришиб чиқовардилар, дорвозаларни ҳам икки томонини генг очиб қўйиб «баракалло!! Рос вахтинда галдилар дон, тўй қизийдовун бўлди дон!» даб. Яқинроқ галиб син солиб гўрсалар, қаландар гийиминдаги бу кишилар ботир зотина мангзаб гўринди. Шунда дорвозабонларни ичинда бир улли шивирди пайдо бўлди. Булар бахши созандага ўхшамийди қу, бошқа одамлар вўса гарак даб, бири чиқди дон буларни ўзлариннан кимлигини сўраб билмак гарак, кейин шаҳар ичина гиргизмак гарак, дади. Шу киши галди дон Гўрўғлиға қараб: қани ов йигитлар сизлар қаердан галётирсизлар? Гўрўғли айтди, бизлар Усмонли деган юртдан чиқдиқ. Усмонлидан чиқсанггиз йўлда сизлара икки ёсавул билан қирқ бахши йўлиқмадими? дади. Гўрўғли айтди: ву сани айтқан кишиларингни гўрмадик, аммо, лекин уларни жони жаҳаннам бозоринда исванд донасини сотиб юрган бўлса гарак, дади. Дорвозабонлар айтди: Жўра сани бу гаппинг дўст сўзими? душмон сўзими? уларни ўзларини гўрмадик дийсан, жонини нердан гўрасан? дади. Гўрўғли уларни сўзина бошқа жувоб бармасдан йигитлари билан босиб енчиб шаҳар ичина гириб гетавардилар. Дорвозабонлар югуришиб бу бўлғон воқеаларни айтмоқ учун Хунхоршони алдина бордилар. Тақсир, аммо шаҳринггиза қирқ отли гириб гетти, бизлардан бегенгош, кейинги вахтда бир гап-сўз бўладиган бўлса, саннан бўлди, маннан бўлди деян гаплар бўлмасин тақсир, дади. Бу сўзни эшитган Хунхоршони ичина бир ғиммилди гириб гетаварди. Ўн отлиға буюрди, боринг шаҳар ичини борлаштиринг[2], нерда донилмоғон, гўрилмаган кишилар бўлса бизни ўнгимиза[3] аккалинг. Аввало уло бизлара ким аканини донитсин, кейин шаҳар ичини қидирсин, дади. Пошшони одомлари чопа-чоп тўрт томона от қўйиб булони қидирмоқ билан бўлаварди. Оно унгачалли Гўрўғли ўн икки дорвозали Гуржистон вилоятини қайси дорвозаси қайси ердан очилади, қайси ердан ёпилади, нера жойлашқан, батамом гўриб бир бандаргоҳа галган вахтинда, Хунхоршо лашкарлари бориб, булони ўнггина солиб олиб қайтди. Хунхоршо узоқдан гўрса бир сури сўта доққан, шакрдашқан қаландарлар. Булони меҳмон сезиб ёниннан ўрин гўрсатти. Салом-алик томом бўлғоннан кейин, улардан сўз сўраб бошлади: Қани ов йигитлар қаердан бўласизлар? на мақсадда бизни шаҳара галдинггизлар? дади. Гўрўғли турди дон жавоб барди: Тақсир, сизни чиқиртириб олганлиқинггиз биз учун бир қулайлиқ бўлди. Биз сизни хизматинггиза эйём[4] галиб қолғон бўлар адик, аммо дорвозабонларинггиз нобоблик гўрсатиб бизлара қўпол муомила қилиб, дорвозада бир оз илкитди[5], дади. Кейинги вахтда бизлар уларни сўзларина қулоқ осмасдан босиб енчиб шаҳар ичина гирдик. Она инди аслимизни сўрасанггиз, аслимиз Усмонли хўжа, ниятимиз Ҳазрати Каъба, касби-коримиз қаландарчилик, йўл урина яқинроқ шаҳарлара гириб насибасини чўплаб юриган бир девона йигитлармиз, дади. Шунда Хункоршо айтди, агар Усмонлидан бўладовин бўлсангиз бизлара кўп узоқ юрт, қарамоғимизда эмас. Чанглибел вилоятина яқинлиқи борми? дади. Гўрўғли айтди, юқорили туманли, сопишиғли элотдир. Уни орасинда ҳеч бир шаҳар, ҳеч бир қишлоқ йўқдир, дади. Шунда Хункоршо айтди, Чордоғли Чанглибел вилоятинда Гўрўғли деган бир сунни дўраган акан. Ичларингда шуни билажакинг борми? Дади. Гўрўғли айтди: тақсир булар билмийди дон, шу Гўрўғли деганни ман биламан. Сабаб десенгиз, Гўрўғли билан бир мактабда ўқишқан, ошиқ ўйнашқан, от чопишқан, гўраш тутишқан, бир такага бош қўйишқан жўраман, дади. Шунда Хункоршони боши туман-ошоқа қочиб гетаварди. Гўрўғлини биладўғин бўлсанг, уни қизил билак, ботир юрак Авазхон деган ўғли бор акан, шуни биласанми? Дади. Тақсир Гўрўғлини ботир ўғли Авазхон борлиқини эшитганман, лекин ўзини гўрмаганман, дади. Хункоршоҳ айтди: Гўрўғли билан данг-душ жўраман дадинг, ботир ўғли Авазни научун билмийсан дади. Тақсир, ҳали ман сўзимни тугатмавадим, дади. Сабаб

---

[1] Илёс пир – афсонавий тўрт нафар тирик Пайғамбарларнинг бири.
[2] Борлаштиринг – текшириб чиқинг.
[3] Ўнгимиза – олдимизга.
[4] Эйём – аввалроқ, бурунроқ.
[5] Илкитди – ушлаб қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

десенгиз Гўрўғли билан ёшликда бир адоват пайдо бўлиб, Гўрўғлидан ажралиб гетганман, деди. Гўрўғли билан адоватим бор деганни эшитиб, подшо янаям очилишиб, яқинроқ ўтириб, чой апкал, чўрак апкал демак билан бўлаварди. Сан шу Авазни гўрмаган бўлсанг санга бир оппориб гўрсатиб қайтин, шу сан айтқан Гўрўғлини ботир ўғли Аваз бизлара асир бўлиб тушди, деди. Ўзи ҳам қириқ йигити билан, деди. Эртага бизни катта бир тўйимиз бор, ахир на тўй даб ҳам сўрамийсан, деди. Шу Авазни дора чакиб эл-юрта тўй-томошо баражакмиз, деди. Оно бир насибанг тортиб галган акансан сизлар ҳам буннан насибангни олиб гетасизлар, деди. Юр санга шу Авазни бир гўрсатиб қайтин, даб Гўрўғлини эргаштириб, уламоларни ҳам эргаштириб тўйхонага олиб борди. Гўрўғли қараса едди урдан одам жийнолғон, ўртага баланд қилиб бир дор тикилган. Дор тагинда Гўрўғлини бортир ўғли Аваз занжирбанд бўлиб бойланиб ётибди. Гўрўғли оғаси галганидан беховор, бир гўззи дорда, бир гўззи чор тарафда, қафаса тушган булбулдин зорланиб, зейилланиб, Гўрўғли оғосини ёд қилиб дурвади:

*Алим бойли тушдим ғаним қўлина,*
*Бу жойларда ховондорим бўлмади.*
*Шох амр этиб буюрдилар ўлима,*
*Оға иним дўсти ёрим галмади.*

## ГАЛМАДИ

(Бобохоним)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Алим бойли тушдим ғаним қўлина,
Бу жойларда ховондорим бўлмади.
Шох амр этиб буюрдилар ўлима,
Оға иним дўсти ёрим галмади.

Бу ҳолимни Гўрўғли оғом гўрмади.
Манинг учун ширин жонин бармади.
Қирқ йигитин бошлаб тиғлар урмади,
Дўкилишган дўрт сардорим галмади.

Золимларнинг таноби бор устимда,
Жаллодлари ўлдирмакни қасдинда.
Бечора бўлибман дорнинг остинда,
Бек Гўрўғли манинг оғам галмади.

Жаллодлар жам бўлиб чакарлар дора,
Бу дорни остинда бўлдим бечора.
Авазхон ёлборар ул бири бора,
Бек Гўрўғли мани оғам галмади.


www.ziyouz.com kutubxonasi

дади. Аваз сўзини тамом атиб, ёнбош бурилиб йиғламоқ билан бўлаварди. Хунхоршо Гўрўғлига айтди: ана гўрмадим, донимиймон деган адинг, оно шу оғосини ёд қилиб, отдан тушса ҳам эгардан тушмин дурғон йигит Гўрўғлини ботир ўғли Аваз бўлади, дади. Гўрмаган бўлсанг гўр, дади. Гўрибо дурибман тақсир, лекин кишини гўззи қийиб ўлдирадувун йигит амас акан, дади. Сиз бир катта подшо акансиз бу бир ёш ботир йигит акан, сизнингдин подшога мунингдин беш-ўн йигит кўплик қилмийди қу тақсир, дади. Хунхоршо айтди: сани ву айтқан сўзинг бизни ҳам эсимизда бор ади, аввал бошда асир бўлиб тушган вахтинда айтдик, Хон Аваз, сани тейингга от варсак, эгнингга гийим бош, қурол барсак, ёнбошингга лову-лашкар қўшсақ, биза хизмат атасанми? деян вахтимизда. Одингга дош-тўпроқ золим, ўлсам ўламан лекин санингдек қонхўр золим подшолара хизмат атмиман, дади. Гўрўғли айтди: Тақсир сизни сўзларинггизни Аваза айтиб бир-икки оғиз ўзим гаплашсам ничик гўрасиз дади. Бор, гаплаша қўй, дади. Гўрўғли Аваза ёқинроқ бориб унга кўнгиллик бариб бир шеър айтди:

*Ғариб булбул, бекас булбул,*
*Сан онда йиғла ман бунда.*
*Ғариблиққа тушган булбул,*
*Сан онда йиғла ман бунда.*

## МАН БУНДА

(Шо кўчди)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ғариб булбул, бекас булбул,
Сан онда йиғла ман бунда.
Ғарибликқа тушган булбул,
Сан онда йиғла ман бунда.

Ғарибликда ёқин ора,
Юрагима солдинг яра.
Сани осдирмасман дора,
Сан онда йиғла, ман бунда.

Бировдан гўрган койишинг,
Оқизма гўззингдан ёшинг.
Хаста кўнгилли сирдошим,
Сан онда йиғла, ман бунда.

Равшан айтур хон Авазим,
Сўлдирма боқчада гулим.
Гул юзингга тушди гўззим.
Сан онда йиғла, ман бунда.


www.ziyouz.com kutubxonasi

дади. Ўлим кутиб эс ҳушини йўқотган Аваз Гўрўғлини на созиннан, на сўзиннан дониди. Гўрўғли айтди, энди ман йигитларни олиб галиб муни гўззини алдиннан бир ўтирин, шояд карим бирисини донимаса, бирисини донигай даб, қаландар гийимли қирқ йигитни олиб галиб Аваз донгилиб[1] ёткан дор тагини ўраб дуравардилар. Аваз йиғлаб бўлиб гўз ёшларини сийриб қайси томона қараса юртини йигитларини гўрди. Сал замон ўтгандан кейин улардан сўз сўраб бошлади: Қани ов жўралар сизлар бу шаҳарни одамина ўхшамийсиз, қаердан бўласизлар? бу шаҳара на мақсадда галиб қолдинггизлар? дади. Гўрўғли чиқди дон жувоб барди: Сан хон ўғил бизлар билан донишмоқчи бўлсанг, бизлар Усмонли деган юртдан бўламиз дади. Усмонлидан бўсанггиз уни Чандибидел вилоятина яқинлиқи вор, ичинггизда мани оғом Гўрўғлини биладиган йигитлардан борми? дади. Гўрўғли айтди: ман яхши донийман шу айтқанингни, аммо бу йигитлар билмийди. Сабаб, ман ёш вахтинда бирга ўсган, от чопишқон, гўраш тутқон данг-душ жўрасиман дади. Аваз айтди: алдама мани, дади. Саваб, ҳар гуни санга ўхшаган тўрт-бешиси алдаб гетади, ман Гўрўғли оғангни жўраси адим, дўсти адим даб, мани гулиб ўйнийдилар, дади. Санга ман бир савол қиламан, шу сўзима жавоб барсанг сани кимлигингни ўзим билиб оламан, дади. Нани сўрасанг сўра, даб Гўрўғли тайёр дурди. Қани, Гўрўғли шу гунларда қаерларда юрибди? эски, кўна йигитлариннан ёнинда кимлар бор, кимлар йўқ, ботир ўғли Аваз нерда? сан мунга жавоб бар дади. Гўрўғли ўйланди, агар ман Аваза дўғри жувоб барсам мани дониб қолиб, режаларимни бузиб, ўзини уриб гўззини чиқарар даб, дуриб гапни чалкаштирибарди: Гўрўғли ҳозир Чанди белда, қирқ йигити ҳам ёнинда, ботир ўғли Аваз ҳам ёнинда, олған ерини олиб, набир золим пошшолара чоповул солиб, май ичиб ҳаз дарёсина ғарқ вўлиб ётибди юртинда, дади. Аваз айтди: ман санга айтмаганми адим, сан мани алдаётирсан, сўзнинг ёлғон даб. Сан Гўрўғли билан жўра бўлмоқ у ёқда турсин, Ғозовот бозорина йўлдош ҳам бўлмоғонсан, дади. Гўрўғли дийсан, Аваз дийсан нага мани донимийсан, дади. Сан айтқан Гўрўғлини ботир ўғли Аваз мен бўламан, беш йилда ўтасанми? ўн йилда ўтасанми? қаландарчилик билан бизни эллара борсанг мани Гўрўғли оғама салом дегайсан даб, манглайма-манглай дурған отаси Гўрўғлини донимасдан, Гўрўғлини ўзиннан Гўрўғлиға салом йўллаб айтқон сўзи:

*Сад хазор армон билан бойланди нозик қўлларим,*
*Борсанггиз Гўрўғлиға мандин салом Қаландарим.*
*Сўзламакдин лол бўлибдур шаҳди шаккар тилларим,*
*Борсанггиз Гўрўғлиға мандин салом Қаландарим.*

## ҚАЛАНДАРИМ

(Мухаммаси бахши I)




[1] Донгилиб – боғланиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Сад хазор армон билан бойланди нозик қўлларим,
Борсанггиз Гўрўғлиға мандин салом Қаландарим.
Сўзламакдин лол бўлибдур шаҳди шаккар тилларим,
Борсанггиз Гўрўғлиға мандин салом Қаландарим.

Юрт учун урдим қилич, бўлдим гирифтори бало,
Ҳеч мусулмон бўлмағай душман қўлинда мубтало.
Борсанггиз айта боринг мандин яна бўлсин ризо,
Борсанггиз Гўрўғлиға мандин салом Қаландарим.

Бир хазон боди билан ул гулшани сўлди дей гўр,
Бир Хунхор ҳукми билан тақдири шул бўлди дей гўр.
Дўсту ёрлар сўраса ким хон Аваз ўлди дей гўр,
Борсангиз дўст ёрима мандин салом Қаландарим.

Минг гулимдан бир гулим очилмай ўтди во дариғ,
Боғ аро бир сарви соя солмай ўтдим во дариғ.
Гул ёримнинг ой жамолин кўрмай ўтдим во дариғ,
Борсанггиз гул ёрима мандан салом Қаландарим.

Аваз сўзини тамомлаб кўнгли бузилиб, эл-юрти, Гўрўғли қиблагоҳи, Паризод онаси ёдина тушиб, айролиқ ўти аланга олиб, юзини чета буриб, ҳўнграб йиғлай бошлади. Буни кўрган Гўрўғлининг шундай қаҳри келдики, унинг баданидаги ҳар бир тук бигиздек тикланиб тўнини тешиб чиқди ва Авазга яна бир-икки оғиз сўз айтиб тасалли бериш ва ўзини қисман танитиб, уни тинчитишга қарор қилиб, яна икки оғиз сўз айтди:

**ХОНЛАР АВАЗ**
(Илғор I)

Ғўч йигит бошига иш тушар,
Йиғламағил хонлар Аваз.
Сардорларни ақли чошар,
Йиғламағил боллар Аваз.

Кенгаш олмадинг аввалда,
Суҳбат сўрмаслар чўлларда.
Бир ғўч йигит мунграйғанда.
Хўстор гарак хонлар Аваз.

Ман галдим майдон ичиннан,
Қушлар учирмам устингнан.
Ман бу золимлар қасдинда,
Лош айларман хонлар Аваз.

Бу сир ҳаммадан пинҳонди,
Йиғлама ёринг омонди.
Аввалги одим Равшанди,
Донидингми хонлар Аваз.

Гўрўғли сўзини айтиб тамом қилғаннан кейин, Аваз Гўрўғлини сўзина бошидан охирина қадар қулоқ қўйиб дурған ади. Аввалги одимиз Равшандир донидингми хонлар Аваз деганнан кейин, Гўрўғлини онадан дўғилган вахти оди Равшанбек эмасми эди даб, занжирларни шатирдатиб, подшони алдина бориб, бир қаҳ-қаҳ уриб гулди. Ай қаландар эшитдингми Авазни сўзини, дади. Эшитибоқ дурибман тақсир дади. Хункоршо айтди: – Бу Аваз шундин диквош йигит, бу дунёға сиғмийди, шуни учун Аваз ўлаварсин, дади ва унга қараб – Эй Аваз, сани ўлиминг олдида бундай қахқаха уриб гулишингни сабаби надур? Ахир, шу кунгача на гулиб на ўйнамаған адинг. Мабодо менинг қаҳрим кор этиб, ё Усмонлининг сўзи таъсир атиб манга қуллуқ этмакчи бўлсанг, қонинг ноҳақ дўкилмасдан бурун очиқроқ айт, қатлни тўхтатиб, эл-юртни ҳақиқий тўйға чақирали, дади.

Унда Аваз қаҳрга миниб айтдики, эй золим, сан ҳали мани тушунмабсан. Ман санга бошда «Одингга дош, тупроқ», деган адим, ёдингнан чиқдими? Ман ўлсам ҳам сандай золим ва қонхўрлара хизмат этмийман, дади.

Унда подшо Гўрўғлиға қараб: Эй Қаландар! Сан гўринишинг билан Авазни хўстор-хавандорина айланған эдинг. Энди унинг сўзларини ўз қулоғинг билан эшитиб, бизнинг қароримиз дўғри аканлигина ишонғандирсан, дади.

Гўрўғли айтдики, орий ишондим тақсир, дади.

Подшо айтди: ишонған бўлсанг Авазга ўлим жазоси айни муддао, бунинг учун кўп куйиб-пишма. «Гўрўғлини биламан, бирга соз айтишиб, гўраш тутишиб юрар адик» деган эдинг. Яхшиси унинг созлариннан, сўзлариннан айтиб бер. Ўғли Аваз эшитиб отасини гўргандай бўлиб ўлсин, дади.

Шунда Гўрўғлиға бу гап мақул тушиб, подшоға қараб бир сўз айтди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

**БИЛМАСМАН**
(Гуландом)

Тонгла сабо ўрта майдон гирманам,
Қайси яхши, қайси ёмон билмасман.
Майдон ичра қизил қонлар тўкманам,
Қайси дўстинг, қайси душман, билмасман.

Наъра тортиб майдон ичра гирганда,
Ғазаб билан каскир қилич кесганда,
Ғўч йигитлар майдон ичра дурғанда,
Хонинг надир, бегинг надир билмасман.

Тонгла сабо ўрта майдон гирилур,
Аввал бошлаб сани калланг узилур (деди подшоға Гўрўғли)
Севгили бекларинг шўрда қирилур,
Хонинг надир, бегинг надир билмасман.

Равшан айтар етти вақтинг - сан золим,
Вайрон бўлиб қолар тахтинг сан - золим,
Авазхонға налар дединг сан — золим,
Гапинг надир сўзинг надир билмасман.

Подшо сўзни диққат билан тинглаған бўлса ҳам унинг маънисина ета билмади. Шунинг учун «Гўрўғли манинг илтимосим билан ажойиб бир соз атди» - даб фаҳмлаб қўшиқ тамом бўлғач, Гўрўғлиға қараб «Баракалло Қаландар, бизни жуда хурсанд қилдинг» - бениҳоя шод бўлдик даб, ва яна унга қараб, эй Қаландар сандан яна бир талабимиз бор, дади. Гўрўғли айтди. Талабингизни сўранг тақсир, дади.

Унда Хунхоршоҳ: - Биздан давлат гетмайдиган, ишимиз қайтмайдиған, олиб, олдирмайдиған, кўнглимиз нимани истаса битадиган қилиб бир фотиҳа беринг, ундан сўнг сизни қўшингизни қаландархонаға жойлаймиз, ёғ еб яланғоч ётаберасиз, дади. Гўрўғли айтди:

- Тақсир, сиз билан бизнинг орамизда, тушунишимизда анча фарқ борға ўхшаб дурибди. Шунинг учун биз фотиҳа берсак, сиз тескари тушунсанггиз, ёки маъносига тушуна олмай орамизда хафачилик бўлиб ўтирмасин, дади.

- Сиз нима десангиз дийваринг, фақат биз омин деб турамиз. Аммо фотиҳангизга биз айтган талабларни қўшиб айтсангиз бас,-дади.

Шунда Гўрўғли «ажаб бўлур» деб қўлини терс ёнини кўтарди: «Ўлигинга умр, тиригинга қирғин», - деди. Хунхоршоҳ ва амалдорлари қўл кўтариб «омин» дедилар. Яна: «Бизлара йўл очиқ, сизлара ич оғриқ» - дади. Подшо ва амалдорлар яна ҳам баланроқ «омин» дадилар. Яна: «Бизларга давлат сизларга кулфат» дади. ҳаммалари «омин» дадилар. Гўрўғли яна шунга ўхшаш бир қанча сўзларни айтиб, қўлини юзига олиб борған эди, подшо, амалдорлар ва шу ерда тўпланғанлар ҳам «омин» деб юзларина фотиҳа тортдилар.

Сўнг подшо хизматкорлара қараб: - Булар аслзодалар акан, булара бош-оёқ сарпо келтиринглар, - дади. Улара сарпо гийдириб, «Буларни қаландархонаға олиб бориб хизматларини қилинглар», - дади.

Қаландархонада қоринларини дўйдириб, дами-динчини олиб, чой-чилимнан ёзилишқондан кейин. Гўрўғли йигитларина айтди: - Еб ичиб, динч ёта бермак ғўч йигитга ярашмас. Шунинг учун сизлар ҳозирча бир оз дам олиб дуринглар, ман чиқиб уёқ - бу ёқни борлаштириб галаман, дади. Гўрўғли Ғиротини миниб, паст кўча, рост кўчаларни қидириб, бир боғнинг тегина етди. Қараса, боғнинг ичинда бир неча қизу-жувон сайр этиб, кайфу-сафо суриб юрибдилар. Бир қиз буларға қўшилмай четга чиқиб қон йиғлаб ўтирибди. Гўрўғли буни гўриб, қиза қараб таажжуб билан бир сўз айтади, қиз жавоб баради:

**ҚАРОНИ**
(Қирқ минг илғор)

Гўрўғли Парилар ичинда сансан беқарор,
Паризодим нечун гийдинг қарони.
Ўзга пари сандек эмас беқарор,
Паризодим нечун гийдинг қарони.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз Бугун манга охир замон бўлибди,
Шунинг учун ман гиймишам қарони.
Аваз галиб бунда банди бўлибдур,
Анинг учун ман гиймишам қарони.

Гўрўғли Аслинг кимдир бизга баён айлагил,
Пинҳон сиринг бугун аён айлагил,
Бизни қардошлиққа гумон айлагил,
Паризодим нечун гийдинг қарони.

Қиз Ман начорам ҳеч иш келмас қўлимнан,
Қон йиғларман Зайнаб жоду алиннан,
Банди бўлиб тушдим Чандибелиннан,
Шунинг учун ман гиймишам қарони.

Гўрўғли Баён этгил манга кимдир авлодинг,
Кимнинг зурриёдисан, ким бўлур одинг.
Аваз дебам кўп чиқади фарёдинг,
Паризодим нечун гийдинг қарони.

Қиз Манинг бир оғам бор муродим берса,
Гўрўғлибек оғам бу жойға келса,
Ғанимлардан манинг қаҳримни олса,
Анинг учун ман гиймишам қарони.

Гўрўғли Ҳижрон гуни тўлиб висол этганди,
Сабо золимларни куни тўлғанди,
Ғам емагил Гўрўғлибек келганди,
Паризодим нечун гийдинг қарони.

Қиз Бир марднинг қизимиз одимиз Гулжон,
Тонгла ўлар қирқ йигит ҳам Авазхон,
Чандибелдан галмади Гўрўғли султон,
Шунинг учун ман гиймишам қарони.

Сўнг Гўрўғли яна такрор айтди: - Эй санам қиз, санинг Аваз учун бунча оҳу-фиғон кўтариб йиғлашингни бойиси не, санга Гўрўғла ва Авазни на яқинлиқи бор, дади. Шунда қиз, биз Чандибелда икки опа-сингил бир мард кишининг қизлари эдик. Бир кун эрта билан ҳовлига чиқсак супанинг устида икки олма дурибди. Бирин ман иккинчисини опам олиб искадик. Шу замоти ман ўзимни мана шу чорбоғ ичинда гўрдим. Опам нима бўлғанини билмийман, дади.

Гўрўғли қизға кўнгиллик бариб, сир бермасдан ўтиб гетаварди. Шу боришда унинг йўли подшо зиндонхонасининг олдиндан тушди. Қараса Гўрўғлининг қирқ йигити бўйнида занжир, оёғида кишан, зиндоннинг панжарасидан кўчага қараб ўлтиришган экан. Буларни гўрган Гўрўғли «Мани йигитлар танирмикан», - даб зиндон олдида отини тўхтатди. Ўлим кутиб эс-ҳушини йўқотган йигитлар Гўрўғлини таний билмадилар.

Гўрўғли ўзича: «Мен булара ўзимни танитсам ўзларини уриб, гўзларини чиқарарлар, унда манинг бажарадиган ишларима зарарлари тегар», - деб отина қамчи уриб ўта гетти.

Гўрўғли қаландархонаға бориб, дамини олиб эрта турди. Чой-чилимнан ёзилишиб бўлғунча гунорта бўлди. Гўрўғли йигитларина маслаҳат бериб, уларни урушга тайёрлади, тўйхонаға бордилар. Хунхоршо бугунги тўйға ўн икки подшони таклиф этган эди. Подшолар, уларнинг амалдор ва сипойилари ҳам тўйхонаға йиғилған халқ шунча кўп эдики, улар тўйхонани етти қуршаб, ўраб олған эдилар. Гўрўғли йигитлари билан марака-майдон ичина отдан тушмай гириб галаварди. Йигитларни бир четда қолдириб, ўзи майдон ичра Ғиротни ўйнатиб айланиб чиқди. Тўйға келган подшолар билан юқорида ўтириб томоша қилаётган Хунхоршоҳ Гўрўғлиға гўззи тушиб: - Эй Қаландар, галдингми? Нега эйланиб[1] қолдинг? Сани изингнан одам юборажак бўлиб дурвадик, - дади.

Гўрўғли: Гежа узоқ ўтириб ухлаб қолибмиз, энди хизматингиза етиб галдик, дади.

Подшо айтди: - Йиғилган оломонни гўрдингми? – дади. Гўрўғли орий гўрдим, дади.

Яна подшо айтди: - Эй Қаландар, сан биза яқинлигингни билдирмоқчи бўлсанг, шу майдонға тўпланған одамларни бир-оз орқаға сур, сўнг Авазни дорға остириб, тинчиброқ тўй бошласақ, дади.

[1] Эйланиб – ушланиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўрўғли айтди: Тақсир, хизматингизга тайёрман, - деб подшони ёнидан нарироқ кетиб, марака майдонни гўзлаб, сар солиб[1] гўрди. Майдон ўртасинда Хунхоршоҳнинг бир бўлак ботир йигитлари такаббурлик қилиб, халққа орқасини қаратиб, ҳеч кимга гап бермай, таралла-ҳаралла қилиб, бемазагарчилик қилиб ўтирибдилар. Шунда Гўрўғли ёнидаги сўтани бўйнидан чиқариб, тасмасини яна ҳам узунроқ тутиб Ғиротни бошини тортиброқ йигитлар устина борди ва жиловини бўш қўйиб, ўйина солиш ҳақинда ишора қилди. Бир вақт Ғирот шундай ўйин бошладики, оғзини очиб Гўрўғли бошлаган ердаги одамларни тишлаб икки ёниға қараб отиб ташлаб боравади. Ғиротни тейиннан чиққан йигитларни Гўрўғли ҳам сўта билан уриб қўндириб-қўндириб бораварди. Гўрўғли от чопиб подшони олдига келди.

Анда подшо айтди: - ҳой Қаландар! Сан нима иш қилаётирсан деянда,

Гўрўғли айтди: - Тақсир майдонни бўшатиб-сайпалтириб ташладик. Майдонға қаранг анча кенгайди, деди. Унда Хунхоршоҳ – ундай бўлса майли. Энди майдон ўртасиға Аваз осиладиған дор атрофина ўн дона тахтни ўрнаттириб қўй. Бизлар шу ерга чиқиб ўтириб, Авазни дора торттириб, халққа томоша бериб, сўнг эл-элатни уйли-уйина юбарамиз, деди.

Шу вақтда Гўрўғли йигитларининг ёниға от чоптириб бориб, уларни урушга тайёрлаб, айтиб дурған сўзи:

**УСТИНА**

(Шо кўчди)




[1] Сар солиб – мўлжаллаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi




Эй ёронлар аввал бошдан,
Дўкилинг жаллод устина.
Ер юзи бўялсин қона,
Ман ўзим Хунхор устина.

Келтирдилар қўлин боғлаб,
Юрагимни ўта доғлаб,
Хон Авазим дурар йиғлаб,
Ёш дўкар гулгун юзина.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бул қалъани уч буржи бор,
Учисинда уч гуржи бор,
Золимларнинг на гучи бор,
Дўкилинг золим устина.

Бу қалъаларда ётганлар,
Тоза тупроққа ботганлар,
Авазни дири тутқанлар,
Дўкилинг жаллод устина.

Гўрўғли дер пирим Али,
Ёд этали Бириборни,
Икковвора бир жаллодни,
Босинглар дорнинг остина.

Гўрўғли сўзини тамом қилғач, подшога қараб: -Тақсир келаверинг бизлар тахтни ўрнатиб тайёр бўлдик, дади.

Хунхоршоҳ ўн икки подшони эгартириб марака майдонни ичина гириб, тахтлара ўтириб, «Жаллод» деб чақирди. Жаллод югуриб келиб: «Биз тайёр» дади. Подшо Авазни дора тортинглар, дади.

Шунда йигирма жаллод Авазни устина эндилар. Уни занжирдан ёздириб олиб, гийимларини белигача ечинтириб, қўлини маҳкам боғлаб, бўйниға танобни солиб, дорнинг арқонини маслуқдан ошириб ташлай бошладилар.

Шунда Гўрўғли Авазни гўриб, йигитлари отдан тушиб, улар ҳам дор олдиға яқинроқ келабердилар.

Хунхоршоҳ – ҳой Қаландар, Гўрўғлини номасиннан бир нома айтиб бармисанми? – дади. Гўрўғли айтди:

– Эй занғар, сан ҳеч номадан ва қондан дўймас экансан. Мана сенга нома, – деб қиличини суғуриб подшони гарданига урди. Қаттиқ ғазабланиб кўзи қона тўлиб гетган Гўрўғли шу боришинда ўн икки подшони ҳам калласини олиб ташлади. Унинг қирқ йигити жаллодларнинг устина бориб, йигирма жаллодни икки оввора бирдан дорнинг остинда қурбон қилдилар. Гўрўғли Авазни ёнина бориб, қўлларини ёздириб, бўйниннан дор танобини олиб, ўзини донитиб, подшони тўйхонасинда уруш бошлади. Подшо одамларининг бир қанчасини калласини кесиб ташлади. Буни кўрган халқ боқина бошлади. Кейин қирқ йигитни банддан чиқариб, олиб галиб бу йигитлара қўшиб, Авазга кўнгиллик бариб, бир шеър айтар бўлди:

### ЙИГИТГА
(Илғор I)

Эй ёронлар аввал бошдан,
Давлат гаракдир йигитга.
Йиқилғанда суямакка,
Фарзанд гаракдур йигитга.

Отдир йигитнинг йўлдоши,
Ўғилдир давлатнинг боши,
Қиз деган ҳам кўнгил ҳуши,
Зурриёд гаракдур йигитга.

Сочбоғли қирмиз сочоқли,
Манглайи даво гажакли,
Узун бўйли кенг қужоқли,
Жанон гаракдур йигитга.

Гўрўғлининг оти бўлса,
Ғўч йигитнинг зоти бўлса,
Қўлингнинг қуввати бўлса,
Ёби гаракдур йигитга.

Даб сўзини тамом этгандан кейин, Гўрўғли Авазга айтди:

- Қани ўғлим, энди на дейсан? Сани учун Хунхор шоҳнинг калласини олдим, подшоларни ўлдирдим, халқни боқинтирдим. Энди на армонинг бор, дади. Шунда Аваз айтдики:

- -Хунхоршоҳнинг икки қизи бор, бирига Дилором, иккинчисига Сарвижон деб от берадилар. Шуларни қўлга олиб Чандибелга қайтсак яхши бўлар эди, дади. Ана Гўрўғли Хунхоршоҳнинг харамига ўзидан одам қўйиб қизларнинг боғини қидириб кетди. Боғни топқаннан сўнг уч юз олтмиш канизи билан Дилором ва Сарвижонни олдина солиб подшонинг боргоҳина етиб галди. Сўнг Хунхоршоҳнинг юртина ўзиннан одам тайинлаб, йигитларини тайёрлаб, йўл ҳозирлигини йиғиб, Чандибела қараб йўла равона бўлди. Шу юришда йўл юриб бир тоғнинг тепасина етишдилар. Гўрўғли йигитларини чой-чилимға ўтирғизиб, қўлина қиличини олиб бир қудуқни ёнина борди. Қулоқ солиб қараса, қудуқдан овоз чиқиб, шу сўзлар эшитилиб дурвади:


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДОД АЛИННАН[1]

(Раҳм айла)

Галмагай эдим жаҳона,
Икки девнинг дод алиннан.
Йиғлаб гўззим дўлди қона,
Икки девнинг дод алиннан.

Фалак дастиннан гулмадим,
Яхши ёмонни билмадим,
Дунёда ишрат гўрмадим,
Икки девнинг дод алиннан.

Ёхти жахон манга зиндон,
Бахти қаро одим Бўстон,
Ер юзинда Гўрўғли султон,
Икки девни дод алиннан.

Бу сўзларни эшитгач, Гўрўғли айтди: - Эй қудуқ ичинда ётган бандайи худо, сан кимсан? Унда на иш билан машғулсан? — дади. Қудуқдан овоз чиқди: - Сани ўзинг ким бўласан? Унда Гўрўғли айтди: - Ман Гўрўғли бўламан. Қудуқдан яна овоз галди: - Эй Гўрўғли султон, санга кўп замонлардан бери муштоқ эрурман, Бу қудуқда икки дев бор. Мани шулардан халос этиб олиб гет, дади.

Унда Гўрўғли: - Эй Бўстонжон, ман бу девларни қандай қилиб ўлдириб, сани улардан халос этаман, дади. Қиз айтди: - Қудуқ оғзиға тўр қурсанг, сан қудуқни ичига тушсанг, сандан кейин бир оқ каптар келиб ўзини тўрга уради. Йигитларинг уни тутиб чалиб[2] ташласа, оқ девни ўлдирган бўласан. Сўнг кейниннан бир қора каптар келиб уради, уни ҳам тутиб чалиб ташласа, қора дев ўлдирилган бўлади. ҳар икки девнинг жони шу капатарлар ичинда, дади.

Шунда Гўрўғли энг забардаст йигитлариннан бирини чақириб, қиладиган ишларидан таълим бариб, ўзини қудуққа олди. Йигит қудуқ оғзини тўр билан қоплади. Қудуқни ичига тушиб қараса, унинг остида тоғ бўлиб икки дев ётибди. ҳар қайсисининг эни ўн газ, узуни йигирма газдан кам эмас. Киприклари курранинг[3] қуйруқиндин. Шу вақтда бир оқ каптар келиб тўрга урди. Қудуқ оғзидаги йигит каптарни тутиб чалиб ташлаб, хабар берди. Гўрўғли оқ девни оёқ томонидан бориб, қиличини ўнг оёғига санчди. Дев сесканиб, қимирлаб «пашшалар ёмон чақадиган бўлибди»,-деб ғўнғиллади. Сўнг Гўрўғли девнинг калласини қилич билан узиб ташлади.

Андин сўнг узоқ ўтмай тўрга қора каптар келиб урилди. Турган йигит уни ҳам ушлаб бошини узди. Сўнг Гўрўғлиға хабар берди. Гўрўғли қора девни ҳам калласини шу заҳоти танасидан жудо қилди. Қизни қўлтиғидан кўтариб қудуқдан чиқариб ҳол-аҳвол сўради. Гўрўғли билан гаплашиб турган қизни кўрган йигитлар югуриб келиб уларнинг теврагини ўраб олдилар. Булар орасида Хунхоршоҳнинг боғидан озод этилиб олиб келинаётган Гулжон ҳам бор эди. Яқин келиб қараса Гўрўғли билан гаплашиб турган қиз ўзининг опаси Бўстон экан. Опа-сингил бир-бирларини таниб, кўзларидан ёшлари селдек оқиб, ўзларини бир-бирларини қучоғига отдилар. Бир-бирларига бошларидан ўтган саргузаштларини йиғлай-йиғлай айтишдилар. Сўнг Гўрўғли хурсанд бўлиб, йигитларини чой, чилим ва таомдан пуроб этиб, эртасига Чордоғли Чандибелга қараб равона бўлди. Кўп замон йўл юриб бораверсин. Эндиги гапни Оға Юнус Паризоддан эшитинг:

- Паризод ёткан ерида бир воқеа гўриб, Гўрўғли Авазнинг йигитларини хазина-дапиналари билан соғ-омон олиб келаётган эканлиги аён бўлди. Шунда ўрниннан туриб, канизларини чақириб кўрган воқеасини баён атиб бир сўз дади:

## ГЎРИНДИ

(Гуландом)

Ойдиннинг кечаси саҳар чоғинда,
Гўззима бир моҳи тобон гўринди.
Бизга рухсат бўлди фурсат чоғинда,
Гўззима бир турфа султон гўринди.

Ғўч йигит бошида давлат тожи бор,
Қаторида саксон икки нари[4] бор,
Ёнларида ботир Аваз ўғли бор,
Гўззима бир турфа султон гўринди.

Тушимда галибди Гўрўғли султон,
Тагинда Ғироти эгнида қалқон,
Ёнларинда ботир ўғли Авазхон,
Гўззима бир моҳи тобон гўринди.

Оға Юнус айтар, Гулруҳ Паризод,
Қанча кун қайғудан биз бўлдик озод,
Малика Шириндир Авазхон Фарход,
Ошиқлара беш гун даврон гўринди.

Эндиги сўзни Гўрўғлидан эшитадовун бўлсақ, Гўрўғли бир қанча одамлар, мол-дунё, ўлжа ва Паризодлар билан Чандибел вилоятина бориб гирди. Олиб борған молу-дунёларини йигитлари ва бева-бечоралара бўлаштириб бериб, уч геча-гундуз тўю-томоша бариб, муроду-мақсадига етганликларининг таъриф ва тавсифлари шундан иборат.

[1] Дод алиннан — қўлидан дод.
[2] Чалиб — сўйиб.
[3] Курра — эшшакнинг боласи.
[4] Нар — эркак туя.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАЗИРЁН

Қадим ўтган замонда, юқоридан туманда, Чордоғли Чанглибелда Гўрўғлибек хон бўлиб, эла меҳрибон бўлиб, дўстдан пойини, душмоннан қасдини олиб, на бир золим подшоларни додини бариб, ўз даврини суриб ўтди. Ана Гўрўғли, ботир ўғли Авазни Хунхоршоҳдан озод қилиб олганнан кейин уни од овозаси Исфаҳон вилоятиндаги Гўзалшоҳ деган подшога тушди. Гўзалшо гунлардан бир гун вазир-вакилларини чақириб маслаҳат қиладики: Қани биродарлар, Чордоғли-Чандибел деган вилоятда Гўрўғли деган бир сунни[1] ботир дўрабди[2], уни додиннан галмасак бўлмас деянда, вазирлари маслаҳат бардики: Тақсир сиз билан биз борғон билан Гўрўғлини ҳеч нима қило билмиймиз, дадилар. Аммо лекин Сейистон вилоятинда Сарсонли ўғли Базирён деян дўрабди, агар уни чақириб галиб хизматинггизни буюро билсанггиз, сўзинггизни юрито билсанггиз сиз билан бизни бормоқимизни ҳожати бўлмас, дадилар. Гўзалшо ўн отлини юбарди, боринг Сейистон вилоятиннан Сарсонли ўғли Базирённи апкалинг, даб. Подшони одамлари бориб, Сейистон вилоятиннан Сарсонли ўғли Базирённи олиб, Исфаҳон вилоятинда Гўзалшони алдина апкалдилар. Гўзалшо сўради: ов йигит Базирён деян санми? ованг тақсир, ман шу дади. Қани Чардоғли-Чандибелда Гўрўғли деган бир сунни ботир дўрабди, шуни додини баражак ёғдайинг[3] борми? дади. Унда Базирён, тақсир агар ўзим ихтиёрласам Оға Юнус паризодни сиза чўри қилиб гатириб бариша қудратим етади, ботир ўғли Авазхонни сиза жиловдор қилиб гатириб бариша қудратим етади мани, дади. Гўзалшо айтди: сан уни ё дирилай тутиб гатириб барсанг, ё бир додиннан галиб барсанг, сани бир қалъга ҳоким атиб қўйиб, юртни данг ярмини сўраттираман, дади. Базирён бу бойлиқа учиб гетиб, Гўзалшохга қараб айтётирган сўзи:

### АЙЛАРАМ

(Найларман II)




[1] Сунни – аҳли сунна, сунний масҳабидан.
[2] Дўрабди – етишибди.
[3] Баражак ёғдайинг – беришга қудратинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғам емагил Гўзал шоҳим,
Шул суннини хор айларам.
Мадад барса бир худойим,
Ер билан яксон айларам.

Галарман оқизиб қонин,
Ўлжа айлаб қиз жувонин.
Қассоб ўғли Авазхонин,
Сиза хизматкор айларам.

Бизни гўрса хонлар қочиб,
Қамчимиздан қонлар сочиб.
Тоза маҳбубларни қучиб,
Кўнглингизни шод айларам.

Шум фалак илгидан омон,
Эйланмасман соат замон,
Омон бўлса шул Базирён,
Ер билан яксон айларам.

Берурман онинг додини,
Қириб бари авлодини.
Севикли Паризодини,
Сиза хизматкор айларам.

даб, сўзини тамом атиб. Гўзалшо билан хайр-хўшлашиб, юрти Сейистон вилоятина бориб, уч юз олтмиш нарини[1] жам атиб, юки-ёпини олиб, нердасан Чордоғли-Чанглибел даб, йўла отланмоқчи бўлиб дурган вахтинда, Базирённи Ойсултон деган бир синглиси бор ади. Ўнггиннан каса чиқиб[2] айтдики: қани Базирён оға, йўлинг бўлсин, нердан бориб нердан галмакчисан, дади. Аммо, Ойсултон синглим Чордоғли-Чандибел деган бир юрт бор акан, шу юрта гетажакман, дади. Шунда Ойсултон: сан бугун шу йўлингнан қайт, гежа ман сани ҳаққингда бир ёмон душ гўрдим даб, зори гирён билан оғасини ранггина боқиб бир сўз айтади:

## НАЙЛАРМАН

(Найларман III)




[1] Нар – нор туя.
[2] Ўнгиннан каса чиқиб – олдидан кесиб чиқиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунан гетар бўлсанг ёлғиз жон оғам,
Дийдор қиёмата қолса найларман.
Сан галгунча йиғлаб тутарман мотам,
Лошинг чўл ерларда қолса найларман.

Мундан гетар бўлсанг Чанди Белина,
Бориб тушсанг ул душмонни қўлина.
Мани рамим галар сани жонигга,
Бахтимиза қаро чолса найларман.

Мунан гетар бўлсанг душмон элина,
Бориб тушсанг Гўрўғлини алина.
Қилич урса сани арслон танингга,
Дийдор қиёмата қолса найларман.

Ойсултон айтадур: ёлғиздур бошим,
Ёмондур аҳволи бу гўрган душим.
Сан галинча гўззимда динмас ёшим,
Султон қиза қисмат бўлса найларман.

Яратмишдур они қодир худойи,
Муҳаммаддур уни пушти панойи.
Али эрмиш унинг мудом ҳамройи,
Бахтимиза қаро чолса найларман.

дади. Базирён айтдики: эй синглим душа налар гирмийди, душмон налар дамиди. Ҳар қачон ғўч йигита яхшилик вўлади, ёмонлик бўлмийди, даб дуриб, синглисини сўзина қулоқ осмасдан, уч юз олтмиш нарини жам атиб, ботир йигитларини ҳам ёнина олиб, нердасан[1] Чордоғли-Чанглибел даб, шарпилдап йўла отланиб гетаварди. Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Чордоғли-Чанглибел вилоятина етиб борди. Оно Базирён борган вахтинда Гўрўғли қалъада йўқ ади. Усмонли деган бир юрта шикора[2] гетиб қолған ади. Базирён ўзини галганлиги ҳақинда бир хатни ёзиб Гўрўғлини дорвазасина ёпиштириб, изина қайтди. Ана индики сўзни Гўрўғлидан эшитасиз. Гўрўғли султон Усмонлидан шикордан қайтиб галиб, ўлжаларни йигитларина улаштириб бариб, ёлғиз ўзи бир майхонасина гириб бошиннан ўтган, гечкан ишларни таъриф-тавсифланиб ўтирвади: ўн икки минг уйли такали туркманим бор, йигирма тўрт минг уйли эйледирим[3] бор, мани на армоним бор. Қирқ йигитим ёнимда бўлса, олган еримни олдим, чопқан еримни чопдим, миндим, сурдим, қучдим армоним қолмади даб бир шеър айтади:

## АРМОНИМ ҚОЛМАДИ

(Найларман I)




[1] Нердасан – қаердасан.
[2] Шикора – овга.
[3] Такали туркман, Эйледир – Туркман уруғларининг номлари.


www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi


ним (ай) қол- ма- ди (я) қол- ма-ди (ей)
Ис-ка-дим қи-
зил гу-лин-нан (ай) (ҳа) сўр-ми-шам
шак- кар ти-лин-нан (ҳа) (ҳа) (ҳа)
(ҳа)
Ол ша-ро-бин ёр қўлиннан
(ай) ичдим ар-мо- ним қол-ма-ди (я) қол- ма-ди.
Тил-ло жи-ға- ли қал-поқ- ли-син (ай) бо-ши Се-мурғ (ай)
тел-пак-ли-син тел-пак-ли-син Гўр-ўғ-ли ай-тар (ай)
гул-пок- ли-син (ай) куч-дим ар-мо- ним қол- ма- ди
(ҳа) ёр қол- ма- ди ёр ай (ой).

1. Ўн саккиз аршин от миндим,
Отдан армоним қолмади.
Зардан дўшаклар устинда,
Ётдим армоним қолмади.

2. Қиличим бор ёлоп-ёлоп,
Генг мейдонда атдим талаб.
Дўст қўлиннан диниқ шароб,
Ичдим армоним қолмади.

3. Сардор бўлиб йўл бошладим,
Дарбантдан илғор ташладим.
Миндим араб от ушладим,
Сурдим армоним қолмади.

4. От чоптириб майдон гирдим,
Йигитлик мавсумин сурдим.
Доғларни ошиғин гўрдим,
Ўтдим армоним қолмади.

5. Искадим қизил гулиннан,
Сўрмишам шаккар тилиннан.
Ол шаробин ёр қўлиннан,
Ичдим армоним қолмади.

6. Саваш гуни қуйруқ эшдим,
Ғаним билан кўп долошдим.
Душмон билан қиличлашдим,
Чопдим армоним қолмади.

7. Нор дуядин ўзим мастдим,
Ишим гўраш, душман қасдим.
Ғаним боши оёқ остим,
Босдим армоним қолмади.

8. Ман сурдим ажаб давронни,
Танда қўймадим армонни.
Уришганда қирмиз қонни,
Дўкдим армоним қолмади.

9. Кўпларни қолдирдим ҳайрон,
Душманни айладим вайрон.
Гоҳ ўлиб, гоҳ дирилди жон,
Жоннан армоним қолмади.

10. Умрим ўтар қолмас боқий,
Ман газдим яқин йироқни.
Гўрдим Ширвону, Ироқни,
Юрдим армоним қолмади.

11. Доғлардан жайрон қочирдим,
Дарёдан отни оширдим.
Эрамнан Пари гатирдим,
Сурдим армоним қолмади.

12. Гўрўғли дар от чоптирдим,
Едди филдан ўқ ўтирдим.
Дўстлара шароб ичирдим,
Ичдим армоним қолмади.

13. Қирқ йигитим ёнимда жам,
Мудомо қўлласин эгам.
Бориб гўрдим боғи Эрам,
Газдим, армоним қолмади.

14. Тилло жиға қалпоқлисин,
Боши Семруғ телпаклисин.
Гўрўғли айтар гулпоклисин,
Қучдим армоним қолмади.

дади. Гўрўғли султон, ҳаттоки сувчисиначалли, фаррошиначалли таъриф атди. Аммо, лекин Оғо Юнус Парини мақтамоқ Гўрўғлини ақидасиннан чиқиб қолғон ади. Шу вахтинда Паризод ҳам Гўрўғлини сўзина қулоқ қўйиб, долонни[1] ву ёни билан бу ёнина гириб чиқиб юривади. Ўзини оди тутилмаганнан кейин майхонани эшигини гумбирдатиб[2] очиб, ҳей Гўрўғли султон сан налар даб махтаниб ўтирибсан, дади. Ўн икки минг уйли такали туркманим бор, йигирма тўрт минг уйли эйледирим бор, мани на армоним бор даб махтанасан. Қирқ йигитим ёнимда бўлса, олган еримни олдим, чопқан еримни чопдим, даб махтанасан, дунёда армонсиз киши бўлмас, дади. Ана, магарам[3] бир мейдона шикора гетканда қазойинг етиб ўлсанг изингда оға даб йиғлаша ининг йўқ, ота даб йиғлаша зурриётинг йўқ, бу санга бир армон амасми? дади. Зурриёдсизликни орага солганнан кейин Гўрўғлини боши туман қочиб[4] гетаварди. Сейистон вилоятинда бир Сарсонли ўғли Базирён дўраган акан, дади. Сан шикорда вахтингда қалъангни бир ҳафта қамал атиб гетти. Едди йилдан бари устингдан бож тўламасдан ўтиб гечади. Сан зўр бўлсанг шуннан едди йиллик божи-закотингни олмасми адинг? Бу санга бир армон амасми? дади. Армоним йўқ дама, дунёда армонсиз киши бўлмас, дади. Кимни отадан, кимни анадан, кимни ўғилдан, кимни қиздан, кимни емакдан, кимни ичмакдан, кимни қучмақдан ҳар кимни бир нарсадан армони бўлади, дади. Гўрўғлини етар

[1] Долонни – йўлакни.
[2] Губирдатиб – тарақлатиб.
[3] Магарам – агарда.
[4] Туман қочди – пастга эгилди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

жонина дейиб гетти Паризодни бу гуррунги. Аммо, Паризод сани шу сўзинг дўғри бўладўғин бўлса, шу Базирён деганнан едди йилги божни ундирмасам бўлмас даб, дарҳол йигитларини йиғнаб, отларни зартанг-забартанг[1] эгарлатиб, ўқ ёйларини бўйнина осиб, қалқона чўланиб, Гўрўғли Базирённи йўлина чиқди. Йигитларини туманда қолдириб, ўзи бир баланд тоғни бошина чиқиб гўрса, ёнқи Базирён деганинггиз Ораз дарёсини бўйинда бир оёқини дарёни орён канорина, иккинчи оёқини дарёни барён канорина[2] қўйиб уч юз олтмиш нар дуяларини бирма-бир гўтариб дарёдан ўтириб ташлаб дурвади. Муни гўриб, Гўрўғли ваҳми ғолиб бўлиб, тани баданина қалтиратма гириб гетаварди. Ҳар на бўлса ҳам душмона сиёсат яхши даб, ўттиз қўйни дерисиннан тикилган бир пўстин бор ади, муни гийди. Ўн беш қўйни дерисиннан тикилган бир чўгирма бор ади, муном гийди. Устиннан ўн қулоч арқонни ҳам тортиб бойлади. Эйнина бир кўна ёйни ҳам ташаб, дарё бўйини қидириб-газиб юриган киши бўлиб дуриб, Базирённи халқумини тейиннан бориб салом барди. Салом-аликдан кейин Базирён сўради: Қани жўра нердан бориш, нердан галиш, одингиз ким? дади. Гўрўғли айтдики: Мани одим Равшанбек, Гўрўғлини отбоқари бўламан, дади. Гўрўғли оғам шу ердан ўтган-гечканлардан божу-закот ол даб қўйибди, шу ишларни бежариб юрибман, дади. Базирён айтдики: биздан ҳам бож оласанми? дади. Овво, дади Гўрўғли. Ман, манга гучи еткан одама бож бараман, шуни бориб оғангга айт, дади. Равшанбек айтдики: сан Гўрўғли оғом билан ҳазиллашма, уни қўлинда ўйнидиган қуроли бор, дади. Ина ман Гўрўғли оғомни едди ёшарлик вахтинда тутинган ёйини олиб юрибман дади. Базирён уни қўлиннан ёйни олиб, икки буклаб, қўйнина солиб қўйди. Шунда Гўрўғли Базирёна қараб: эй Базирён йигитни ўлдирмасдан қуролини олмаслар, ман Гўрўғли оғама на дийман, ёйни қайтар, дади. Базирён, аласа Гўрўғлиға маннан салом айт даб, ёйни дизина бир уриб синдириб, қайтариб барди. Гўрўғли отини суриб, йигитларини ёнина галиб, Базирённи гўрганини таърифлаб айтиб дурган сўзи:

## УРАДИМ[3]

(Раҳм айла)




[1] Зартанг-забартанг – тезлик билан.
[2] Орён ва барён канорина – нариги ва бериги қирғоғига.
[3] Урадим – учрадим.



www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Оғалар Ораз ёғинда,
Ман Базирёна урадим.
Бемаҳал Сафар ойинда,
Зўр Базирёна урадим.

2. Ораздан гечди оёғи,
Девлара мангзар сиёғи.
Қалқона мангзар қулоқи,
Зўр Базирёна урадим.

3. Нарини дарёдан ўтирган,
Юзина қалқон тутилган.
Аклу-ҳушимни йитирган[1],
Ман Базирёна урадим.

4. Базирён олди ҳойимни,
Уриб синдирди ёйимни.
Ёд атайин худойимни,
Ман Базирёна урадим.

5. Уч юз нари бор қошинда,
Олтин тожи бор бошинда.
Базирён ўттиз ёшинда,
Ёш Базирёна урадим.

6. Бу дунёда умир суриб,
Яхши-ёмонларни гўриб.
Зўр гўрмадим шунча юриб,
Эр Базирёна урадим.

7. Беҳуш бўлдим ётиб турдим,
Бир ажойиб одам гўрдим.
Ҳақни ёд айлаб сиғиндим,
Зўр Базирёна урадим.

8. Аклу-ҳушим туто билмам,
Изиннан ҳеч ето билмам.
Васфин адо это билмам,
Зўр Базирёна урадим.

9. Гўрса ҳайрон бўлар барча,
Дунёси бор бир шаҳарча.
Гийганлари зарли парча,
Бой Базирёна урадим.

10. Бир маслаҳат атган яхши,
Обрўй билан геткан яхши.
Гўрўғли айтар қайтқан яхши,
Ғўч Базирёна урадим.

дади. Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, қирқ йигит ҳайрон бўлди. Йигитларини ичинда бир сардор йигити бор ади, мунга Сапар маҳрам даб ном барадовун адилар. Сапар маҳрам чиқди дон айтди: ҳов Гўрўғли оға сан на бир қалъаларни олдинг, на бир подшолара чоповул солдинг, ничик бу инди галиб-галиб Базирён деян савдогардан қочодувун бўлдинг, дади. Бизлар ҳам эшитар адик, Базирён деган савдогар бир бой йигит даб, дади. Сан уни молларини бир ера жойлаб, ўзини ўлдириб, бизлара ёлғоннан фириб бариб, айтиб дурғон сўзинг дон инди бу, дади. Сани мунинг янглиғ сўзинг аввалдан ҳам кўп бўладўвун ади, сан ҳам одамнан қайтасанми? дади. Гўрўғлини етар жонина дейиб гетти, Сапар маҳрамни бу сўзи. Аммо, Сапар оға, мани бу сўзима ишонмасанг отланиб мани изима тушсанг олиб бориб санга бир гўрсатиб қайтин, ўз гўззинг билан гўр, ничик ботир йигит акан ву, дади. Бу сўзни эшитгандан кейин Сапар маҳрамда ҳам озғина қўрқув пайдо бўлди. Бу йигитлар қолиб нишийди[2], дади. Булар ҳам юрсин, санам юр, ина манам бораман, дади. Она Сапар маҳрам отланиб ўнгда[3], вуни изиннан қирқ йигит, энг сўнггинда Гўрўғли ўкча дўғирлаб[4] бораварди. Она индики сўзни Базирённан эшитасиз. Базирён нарларини дарёдан ўтириб[5] бўлиб, тўрт нарни устина тахтиравон қуриб, азон чошгоҳлиқ[6] атиб борётир ади. Азон чошгоҳлиққа ҳам бир молини сўйғон ади, мунга ҳам туя даб ном барадувун адилар. Туяни илиб, дандонина[7] суяклариннан ажратиб-ажратиб, майдалаб ҳинжиклари[8] вўса ҳалқумина-ҳалқумина ташаб борётир ади. Сапар маҳрам ботирлик атиб яқинроқ борған вахтинда, Базирён бир ҳинжикни ҳалқумина ташабарди[9]. Буни гўрган Сапар кусани силласи қотиб таққа тўхтаб қолаварди. Гўрўғли изда томошо атиб борётир ади, ҳей Сапар оға на учун тўхтадинг? дади. Эй ман муни аниқ гўрдим, бу ҳам одамнан дўраганми акан? дади. Инди сан қочсанг, сандан бурунроқ ман қочажоқ[10], дади. Ман

[1] Йитирган – учирган, йўқотган.
[2] Нишийди – нима қилади.
[3] Ўнгда – олдинда.
[4] Ўкча дўғирлаб – пошна тўғирлаб, йигитлар охирини тўғирлаб, етишиб маъносида.
[5] Ўтириб – ўтказиб.
[6] Азон чошгоҳлик – тушликдан олдинги, нонуштадан кейинги овқатланиш вақти.
[7] Дандонина – тишларига.
[8] Ҳинжиклари – лакка гўштлари.
[9] Ташабарди – ташлаб юборди.
[10] Қочожоқ – қочмоқчиман.


www.ziyouz.com kutubxonasi

санга айтмаганми адим? дади. Ўзимни донитмасдан, бир ҳийла ишлатиб қайтқан адим ман мунга, дади. Инди қирқ йигит вўлиб галганимизда тайин Гўрўғли аканимизни билди бу, дади. Инди мунинг билан олишмин[1] қайтсак номардчилик вўлор даб, Гўрўғли Базирёна қараб, қийқириб айтиб борётирган сўзи:

## ЙЎЛЛАР БУНДА

(Ширвоний I)




[1] Олишмин – олишмасдан, уришмасдан.


www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Сабодин урадинг йўла,
Қайт-ҳо, Базирён йўллар мунда.
Гоҳи соға, гоҳи сўла,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

2. Ман шоҳ дурман тожим бордур,
Едди йиллик божим бордур.
Саннан зўрман гучим бордир,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

3. Майдонда дўкилар қонинг,
Инди ўқигил иймонинг.
Божин багил Авазхоннинг,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

4. Муннан юбормасман сани,
Донимай геттингми мани.
Гал божим бар апкал қани,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

5. Шугун сани гунинг битар,
Жонинг жаҳаннама гетар.
Қиличим бўғизингнан ўтар,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

6. Найза суқарлар танингга,
Хўсторинг[1] галмас ёнигга.
Бўярман қизил қонингга,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

7. Гўрўғли юрагинг доғлар,
Қирқ йигитим қўлинг боғлар.
Изингда қолган қон йиғлар,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

8. Қайт изингга ўта қўйма,
Савдогарлик ғамин ема.
Бу сўзларни ёлғон дама,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

9. Гўрўғли юртда аркадур,
Йигитлар сони қирқтадур.
Мани одим Равшанбекдур,
Қайт-ҳо Базирён йўллар мунда.

дади. Базирён секин нарларини тўхтатиб айтдики: ҳов йигит, сан ўзингни манга бир яхшироқ донит[2], дади. Сани ўзинг ким бўласан? дади. Лекин ман сани сўзларингни ўзима дик олиб[3] йўлимнан қайтарилиб дурипман, дади. Унда Гўрўғли: ҳали ҳам донимадингми, мани ким аканлигимни? дади. Инди хиёлингда ўзингни билмасликка олиб, шу сафар ҳам молларингнан, бошшингнан бож-закот бармин ўтиб гетаваржакмисан[4]? дади. Базирён генг юввош йигит: ман санга аввал ҳам айтдим, ена ҳам айтин, зўр бўлсанг божни оласан, ажиз вўлсанг бурунқи ёли[5] кейнингга қайтиб гетаварасан, дади. Шунда Гўрўғли Ғиротни суриб бориб, Базирён билан манглайма-манглай[6] дуриб, сиёсат билан бир сўз айтди (савол-жавоб айтишуви):

## БАЗИРЁН

(Гуландом)

**М.М. ♩. = 84**



[1] Хўсторинг – ғамхўринг.
[2] Донит – таништир.
[3] Дик олиб – қаттиқ ботиб.
[4] Гетаваржакмисан – кетавермоқчимисан.
[5] Бурунқи ёли – олдингидек.
[6] Манглайма-манглай – рўпарама-рўпара.



www.ziyouz.com kutubxonasi


Г. О- ла доғ-дан о-шиб гал-дим ё- нинг- га, за-ко-тинг-ни ба-риб гет-кил
Ў-зинг қо-лар бўл-динг бу-гун қо- ниг- га,
1.
2.
ҳо Ба- зир- ён
Ба-зир-ён
Б. Са-баб би-лан галдим Чамбил
Ў-зи ўл-мин за-кот бар-мас
э- линг-га
(ай) Ба-зир-ён
Ман гирмарам ҳар о-дам-ни
сў- зи- на (ей) кал-ла кас-мин за-кот бар-мас Ба-зир- ён.


Г. Бу-гун ма-ни
ким-ли- гим-ни бил- ма- динг, Эр йи-гит-ни эр- ли- ги- ни ол- ма- динг.
Лошинг чўлда қо-лар у-ни гўр-ма- динг, за-котинг-ни ба-риб гет-кил (эй) Базирён.
Б. Бу-гун са-ни
Са-нинг-дек о-
ким-ли-гинг-ни бил-ма- дим,
дам-ни гў- за ил-ма- дим.
ўр- та ер-да
у- руш бўл-май ўл- ма- дим, ў- зи ўл-мин за-кот бар-мас (эй) Ба-зир-ён






www.ziyouz.com kutubxonasi

***Г.*** Ола доғдан ошиб галдим ёнингга,
Закотингни бариб геткил Базирён.
Ўзинг қолар бўлдинг бугун қонигга,
Закотингн бариб геткил Базирён.

***Б.*** Сабаб билан галдим Чамбил элина.
Ўзи ўлмин закот бармас Базирён.
Ман гирмарам ҳар одамни сўзина,
Калла касмин закот бармас Базирён.

***Г.*** Бугун мани кимлигимни билмадинг,
Эр йигитни эрлигини олмадинг.
Лошинг чўлда қолар уни гўрмадинг,
Закотингни бариб геткил Базирён.

***Б.*** Бугун сани кимлигингни билмадим,
Санингдек одамни гўза илмадим.
Ўрта ерда уруш бўлмай ўлмадим,
Ўзи ўлмин закот бармас Базирён

***Г.*** Оташин оларман икки гўзингнан,
Ғўч йигитлар дўнмас дўғри сўзиннан.
Доғлар сарсар Ғиротимнинг зарбиннан,
Закотингни бариб геткил Базирён.

***Б.*** Ман номардман шоҳни қорин олмасам,
Армон қолар паризодинг олмасам.
Калланг касиб юртинг вайрон қилмасам,
Йўқса Сейистона гетмас Базирён.

деди Базирён. Базирённи айтқан сўзи Гўрўғлига қатти ботди. Йигитлар: деди, Гўрўғли, муни бир амаллаб йиқиб, туманга туширмасак бу ўтирган еринда олиб бўлмас муни, деди. Сапар кўса, аласа нишаб йиқамиз буни? деди. Йигирма йигитни ол-да чапдан бор, йигирмасини олиб ман ўнгнан бораман, деди. Қирқ нейза билан бир амаллаб йиқамиз муни деди. Она Гўрўғли бошлиқ йигирма йигит ўнгнан борди. Сапар маҳрам бошлиқ йигирма йигит чапдан борди. Базирён ўтирган еринда ўнгнан галган йигирмасини нейзасини ўнг қўлтиққа, чапдан галган йигирмасини нейзасини чап қўлтиққа олиб ғижирдатиб, бўкалак синдиргандин атиб синдириб ташлади. Секин нарларини устиннан тушиб, Гўрўғлини йигитларини бир четдан уриб йиқаварди. Иккини еган бўлмади, бирни еган қайтиб ўрниннан турмади. Шу уриб йиқиб бориша бир маҳал, Ғирот шариллаб Базирённи ёнина галиб қолди. Гўрўғлини ҳам жуп ёқасиннан тутиб, дик каллани устина гўтариб, ғирр-ғирр айлантириб урди ерни юзина чакиб, ирғиб[1] сийнасини минди. Гўрўғлини қўвирғалари чатнаб гетти. Бож дединг, жирож дединг изимнан қолмидовун бўлдинг, инди сани ўлдирмасам бўлмас, даб бўйнина ханжар қўйған вахтинда Гўрўғли Базирённи ранггина боқиб зори-гирён билан бир шеър айтди:

[1] Ирғиб – сакраб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БЎЛАНДУР

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Ман гечибман бугун поний дунёдин,
Юрагимда юз минг армон қолонди.
Умид уздим бугун молу-мулкимдан,
Моли-мулким мани вайрон бўлонди.

Булбулни бўстонда гули бўлмаса,
Ғуч йигит отланиб йўли бўлмаса.
Изинда мардона ўғли бўлмаса,
Ани билинг руҳи гадо бўлонди.

Зикр этарман ҳақни ёду тилимнан,
Булбул сайраб боғда узмай гулиннан.
Бир зурриёд қолмади мани изимнан,
Ўзим ўлсам руҳим гадо бўлонди.

Ғанимлар олғанди ёди коримнан,
Ман гечибман олма билан норимнан.
Ботир Аваз хабар олса ҳолимнан,
Гўзларим йўлинда гирён бўланди.

Ғирот миниб доғу дошдан ошибман,
Дарё бўлиб ҳар тарафа дошибман,
Бугун галиб диз остина тушибман,
Бу ишлардан кўнглим ҳайрон бўлонди.

Кўҳна дунё манга бўлғондир қафас.
Подшолар суҳбатин қилманглар ҳавас.
Гўрўғлиға гарак ботир забардаст,
Гўзларим йўлинда гирён бўлонди.

даб сўзини тамом атгандан кейин, Гўрўғли аввал қаҳ-қаҳ уриб бир гулди, изиннан ҳам оҳ тортиб йиғлади. Базирён айтди: сани шу гулганинг билан йиғлаганингда бир сир бор, қани баён қил дади. Гўрўғли айтди: гулганимни бойиси, мани душимда барилган ёш 120 ёш ади, дади. Ҳозир ёри ёшда гетиб борётирман, палонча ёш изимда қолиб гетиб борётир, ё ўлганимдан кейин изимдан гўрима иваражакми[1] акан? қолғон ёшни, даб фалакни кажрафторлиқи билан бознигорлиқина гулдим, дади. Йиғлаганимни бойиси: ҳозир ростдан ўлдирадиган бўлсанг изимда оға даб йиғлаша иним йўқ, ота даб йиғлаша зурриёдим йўқ, руҳим гадо вўлиб қолиб гетиб борётир, дади. Бу сўзни эшитган Базирённи ҳам гўззина жиққа ёш галди. Саваб, Базирён ҳам бир ёлғиз йигит ади. Айтадики: ман муни ҳозир ўлдирсам, галажакда манам бир душмонни қўлинда ўлсам, мани ҳам руҳим гадо вўлиб қолиб гетар, шу йўлимнан қайтин даб, аткан ишина пушаймон қилиб, Гўрўғлини гўтариб ўрниннан турғазиб, чанг-чунгларини қоқиб, икки юртни ботири шу ерни ўзинда қиёматли оға-ини бўлдилар. Ана Гўрўғли Базирённи, юрти Чанглибела таклиф атди. Базирён айтди: оға шуни бир бўлмийжоқ ери вор, саваб на десанг, биз Гўзалшо деган подшога сўз бариб чиққанмиз: сангга шу Гўрўғлини дирилай тутиб гатириб бараман, ҳеч бўлмаса додиннан галиб бараман, даб. Шу сўзни бариб устиннан чиқмасдан базм атиб ўтирсак бўлмас. Яна бир бўлжиймоқ ери мани бир Ойсултон деган синглим бор ади, унга Қорахон барзангги деган кўп замонлар вўлди хуштор бўлиб юрибди. Мани йўқ аканлигимни билган бўлса, қалъама гириб, уни вайрон қилиб, ўғилни ўлжа, қизни есир қилиб апкитган[2] бўлса, мани ҳолим на гечади. Чинаккам қиёматли оғом бўладовун бўлсанг сангга ҳам оғирлиқим тушар, дади. Шунинг учун агар доғни ичиннан дўғри йўл вўлса, шу йўлдан мани узатиб юбарсанг, галажакда албатта сангга беш, ўн гун меймон бўламан дади. Ана Базирённи сўзи Гўрўғлига маъқул тушиб, Базирённи доғни ичиндаги дўғри йўлдан узатиб изина қайтди. Ана Гўрўғли билан Базирённи чинаккам қиёматлик оға-ини бўлғонлиқи дўғрисиндаки гап-сўз жумла олама овоза бўлиб гетти. Бу сўз галиб дуриб Гўзалшо томонидан юборилган айғоқчиларни ҳам қулоқина етди.

[1] Иваражакми – юбормоқчими.
[2] Апкитган – олиб кетган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Муннан бир неча йил бурун эллашган, Гўрўғли билан қиёматли ана-ўғил тутинган бир кампир вор ади. Одина Зайнаб кампир даб ном барадовун адилар. Ўзини ҳам оғзинда бир диши йўқ, яхшилиққа ҳуши йўқ ади. Шу Гўрўғли қачон бир ўлжали бўлғонда кампира беш тангга, ўн тангга чой пули ташлаб ўтар ади. Шу бугунгги гундан яхши гуним йўқ, хавфли ёвим Базирён билан оға-ини бўлдим, шу кампирни бир хаварини олин, даб кампирни чорвоқини устиннан йўл солиб галди. Ғиротни дешонда бойлаб ичон гирди. Салом-алик олишқандан кейин кампир сўради: қани ўғлим нердан галётирсан? Базирённи устиннан галётирман, дади. Нишатиб қайтдинг Базирённи? дади. Базирён мани излаб галган акан ву гапни Паризоддан эшитиб, изиннан қувиб етиб олишдим, олишқанда мани йиқди. Кейин иккимиз бир муомалага галиб қиёматли оға-ини бўлдиқ дади. Вох ўғлим бахтим ётти, дасанга?[1] ишим қайтди дасанга? дади. Юрт гетти, Паризод гетти, дасанга? Базирён муродина етти дасанга? дади. Ахир нечун галганликини биласанми? Паризодингни ишқинда галди, дади. Паризод билан икки оқшом бирга бўлди, аҳд-паймонни бир ера қўйди. Бу сафар дўғри йўлни солиғини олиб гетти[2]. Эртанг сани калланги касиб гетади, дади. Сан мани деганимни атсанг: вуни изиннан қувиб етиб ўлдир, дади. Қолганини санга соз билан таърифлайин даб, қўлина ўн саккиз пардали созини олиб, Гўрўғлини доморина гириб, қиздириб айтиб дурғон сўзи:

## ХАРОБ АЙЛАР БАЗИРЁН

(Кўр қиз)




---

[1] Дасанга – десангчи?

[2] Солғи – мажбурият, Паризодни ваъдаси маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Золимлар аҳлининг иқрори бўлмас,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.
Анинг бир сўзинда дурори бўлмас,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

Аввалда бир галмиш Чангли-бел ёна,
Паризодинг ошиқ бўлди ғойбона.
Дирилай юборма ул Гуржистона,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

Ғиротни чоптириб борғил кейниннан,
Ханжарни ур, бориб сури мейниннан[1].
На бир ўйлар ўтмас уни кўйниннан.
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

Чангли-бела галса бўлар қиёмат,
Бошингга етказур турли маломат.
Юбормагил они соғу-саломат,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

Ғанимларнинг ҳаргиз бўлмас бир сўзи,
Қума дўлсин онинг ул қаро гўззи.
Муртаддир, махлуқдир, номарддир ўзи,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

Зайнаб кампир дерлар мани одима,
Қўймагил душманни кўнгил шодина.
Ёйнинг ўқи етсин они додина,
Галса юртинг хароб айлар Базирён.

дади. Базирённи Гўрўғли билан дийралишиб айтишқан савол-жавобли шеърини охиринда бир жойи бор ади:

Ман номардман, Шоҳни қорин олмасам,
Армон қолар Паризодинг олмасам,
Калланг касиб юртинг вайрон атмасам,
Йўқса Сейистона гетмас Базирён, деган ади. Шу сўз кампирни сўзи билан дўғри галиб дураварди. Айтадики: Аммо кампиржон сани шу сўзинг дўғри бўлодувун бўлса, Базирённи додиннан галмасам бўлмас, даб дарҳол шу ерда отни зартанг-забартанг эгарлаб, ўттиз икки ериннан айилни тортиб, шарпилдаб Базирённи ўнггиннан[2] касиб чиқди. Қўшдарбанд деган бир доғни ғори вор ади. Базирён шу ердан барибир ўтади қу даб, шу ерда ётаварди. Ана инди сўзни Базирённан эшитинг: Базирён, Гўрўғли билан чинаккам қиёматли оға-ини бўлғон, хаф-хатардан холи бўлиб, азон-саҳар файзли вахтинда, кўкракни очиб, сийнани шамола вариб галётир ади. Базирённи ёғиннисиннан[3] бир совуқ шамол асиб ўтди. У йигитларини дарҳол чақириб айтдики: йигитлар, мани ёғиннимнан бир совуқ шамол асиб ўтди, магарам шу ажални шамоли бўлса гарак, даб йигитларина қараб зори гирён билан бир шеър айтди:

[1] Сури мейниннан – тўғри миясидан.
[2] Ўнгиннан – олдидан.
[3] Ёғиннисиннан – елкаси, кифти.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЁРОНЛАР

(Нома боши)






www.ziyouz.com kutubxonasi

Очилмайин гулим хазон бўлғанди,
Умрим гули хазон бўлди ёронлар.
Энди билдим умрим охир бўлғонди,
Магар паймонамиз дўлди ёронлар.

Ажал жоми майин биза тутганди,
Энди билдим мани вақтим етганди,
Синглим гетма, дейиб кўп-кўп айтқанди,
Дийдор қиёмата қолди ёронлар.

Фалакни гардиши қийин ҳолдадур,
Булбул ҳасрат чекар, ғунча гулдадур,
Синглим йиғлаб икки гўззи йўлдадур,
Бағри қона дўлиб қолди ёронлар.

Ёнмай ўчар бўлди манинг чироғим,
Сийнамда кўп қолди мани бу доғим,
Очилмайин хазон урди бу боғим,
Умрим гулин хазон чалди ёронлар.

Зикр этарман ҳақни ёду тилимда,
Булбулим сайрамас бўлди гулимда,
Бир зурриёд қолмади мани изимда,
Руҳим гадо бўлиб қолди ёронлар.

Шамоли галибдур бевақт ўлимни,
Ажал етаклабдур тутиб қўлимни,
Хазонлар қоплабдур соғу-сўлимни,
Хўшлашинг паймона дўлди ёронлар.

Базирён дар: ўтар бўлдим дунёдан,
Хайру-эҳсон атинг ганжу тиллодан,
Синглим билан розилашмай қозодан,
Дийдор қиёмата қолди ёронлар.

деганда, йигитлари айтдики: қани Базирён оға, сизни кўнглинггиза хаф хатар галган бўлса, изимиза қайтиб Гўрўғли оғани ёнина бороли. Бизларни шу доғни ғориннан орёна[1] ўтириб ташамайми акан? дадилар. Базирён мард йигит, айтдики: Ҳов йигитлар хато қиласизлар, биз Гўзалшоҳа сўз бариб чиққанмиз, санга шу Гўрўғли деганни дирилай тутиб гатириб барамиз, ҳеч бўлмаса додиннан галиб барамиз даб, чиққанмиз, дади. Инди шу сўзни бариб чиқсақ дон, бориб дуриб, Гўрўғли оға, биз шу доғни ғориннан ўтмакка қўрқиб дурибмиз дасак, мунингдин номардчилик ер юзинда бўлмас, дади. Мард йигит тақдира тан барар даб, шарпилдап юриб галаварди. Она Базирённи нарларини туёқларини товуши Гўрўғлини қулоқина эшитилиб бошлади. Базирён яқин галдинг гарак, даб ёйа бир ўқни қистириб банд атди. Бир ўқни ҳам оғзина тишлади. Бир ўқни белина қистириб, Базирённи йўл урина[2] Гўрўғли чиқди. Қойим яқин галгандан кейин, сийнангни оғзи шуми? даб, ёйни икки учини бир ера гатириб, шарпилдатиб қўйиб юварди. Бир ўқ Базирённи сийнасиннан гириб ёғиннисиннан бир қарич чиқди. Иккинчи ўқни ҳам банд атиб, у ўқ ҳам сийнадан гириб ёғиннидан бир қарич чиқди. Учинчи ўқни ҳам шу ердан отди. Уч ўқ устма-уст гиргандан кейин Базирён, ўқни захми, жонни ҳарорати билан шарпилдап йиқилиб тумана тушди. Барган биринчи товуши шу бўлдики, ол йигитлар мани шу Гўрўғли оғамни айтиб галинг, охирги марта ман уни дийдорини гўриб, розилашиб ўлин дади. Бу сўзни Гўрўғли султон ўз қулоқи билан эшитиб дурвади, шу ерда душмонни сўзина алданиб отқалиқини билиб, отдан дик ташаб, югуриб бориб Базирённи калласини дизини устина олиб, тарбиялаб ўтираварди. Базирён гўзлари очолоқда-юмолоқ, устинда ўтирган киши кимлигини билмасдан, унгга қараб дуриб, зори-гирён билан бир шеър айтди:

[1] Нариёғига
[2] Тўғрисига


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОҒОМ БОРДУР

(Шо кўчди, туркманча)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Кўп алам қўйдинг жонима,
Бир боша бир ўлим бордир.
Бўядинг қизил қонима,
Ёлғиз боша зулим бордир.

2. Маҳбублар ичра ой бўлғон,
Оти асбоби шай бўлғон,
Урушда минггa той бўлғон,
Ойсултондек синглим бордур.

3. От солиб майдон гирмакка,
Ғанима қарши дурмақа,
Мани қонимни олмоққа,
Гўрўғлибек оғам бордир.

4. Орзуйимдир онинг оди,
Гўкка етадир фарёди,
Асли Пари Султон зоти,
Оға Юнус опам бордир.

5. Қарчиғай қирон чанггалли,
Савашларда ўрни балли,
Арслон келбат, дунё молли,
Авазхондек укам бордир.

6. От солиб майдон қил манго,
Қоним қоладими санго,
Мани қонимни олмоқа,
Бир ғўччоқ шерларим бордир.

7. Юлдуз доғда қувиб еткан,
Ёқа тортиб гўраш тутқан,
Оғалик вадасин аткан,
Гўрўғлибек оғам бордир.

8. Армонли ўтдинг Базирён,
Дўғри галманг ўтарман қон,
Муҳаммаддин охир замон,
Охир пайғамбарим бордир.

дади. Базирён бир оз гуч қувватини ўзина гатириб, айтдики: бу чўлу майдонда мангга кўнгиллик бариб ўтирғон одам ўғли одомзод кимсан? дади. Гўрўғли айтди: ман Гўрўғлиман дади. Гўрўғли юртда иккими? бирми? дади. Юртда амас дунё юзинда икки Гўрўғли йўқ, бир Гўрўғли бор у ҳам ман-ман, дади. Оғом Гўрўғлимисан, қондор Гўрўғлимисан? дади. Оғанг, номард, қонхўр Гўрўғлиман даб, Базирённи ранггина боқиб, зори-гирён билан бир шеър айтди:

## МАН БЎЛДИМ

(Ширвоний I)





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Гирмишам душмон сўзина,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.
Боқа билмасман юзингга,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

2. Қиёматлик вада этган,
Мардликни бир чўпа сотқан,
Қирмизи қона бўятқан,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

3. Ман қайтдим атган шартимнан,
Галиб ўқ оттим ортингнан,
Инди ёнарман дардингнан,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

4. Буздим гўч йигит шаънини,
Дўкдим ман ноҳақ қонингни,
Бағишласин иймонингни,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

5. Ғўч йигитлар сурсин даврон,
Бу поний дунё бепаён,
Ўлдириб сўнг қилдим армон,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

6. Шум кампир сўзина гириб,
Бегунони ноҳақ уриб,
Иссиқ жона ўқни суриб,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

7. Ҳеч тоқат йўқ энди манда,
Қардошим ихтиёр санда,
Ўлдир мани ушбу гунда,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

8. Сўза гириб ақлим гетти,
Юрагим оғзима етти,
Маккорлик душманнан ўтди,
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

9. Бу чўлларда лошинг қолди,
Армонли гўз ўшинг қолди,
Ойсултон қардошинг қолди,
Қондор Гўрўғли ман бўлдим.

10. Гўрўғли галдим ёнингга,
Ўт солдим ширин жонингга
Бўядим қизил қонингга
Номард Гўрўғли ман бўлдим.

даб, Гўрўғли қиличини чиқориб Базирённи қўлина барди дон, Базирён оз-моз ҳаракат қил, манам санинг билан бирга ўлин даб, чалқанчасина тушиб ётиб, Базирёна қараб Хуни-гирён бўлиб бир сўз айтар бўлди:

## ҚУРБОН БЎЛАЙ

(Мунгли зоринжи)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурбон бўлай гўздан оққан ёшингга,
Жонима тоза ўт солдинг Базирён.
Душмона инониб галдим ёнингга,
Адо бўлмас доға қолдим Базирён.

Ҳижронни солдилар сийнам устина,
Инонмадим душмонима, дўстима,
От ўйнатиб галдим сани устингга,
Унутмаслик ишлар бўлди Базирён.

Туганмас иснодлар манга қолғанди,
Юрагима доғи ҳижрон дўлғонди,
Қиёматлик оғанг қондор бўлғанди,
Унутмаслик ишлар бўлди Базирён.

Боди сабо елдай бўлиб эсилди,
Юрак бағрим гуз-гуз бўлиб касилди,
Ғунчаси очилмай қисмат ёзилди,
Ажалнинг хазони эсди Базирён.

Гўззимни алдини думон айлади,
Фалак мани ҳолим ёмон айлади,
Бу қолғон умримни хазон айлади,
Манга бугун ёмон бўлди Базирён.

Гўрўғли дар, манам гечдим жонимдан,
Қилич ургил ерлар дўлсин қонимдан,
Жонимни чиқорғил нозик танимдан,
Манга охир замон бўлди Базирён.

дади. Базирён айтди: оға хато қиласиз, мани душмонни сўзина гириб билмасдан отқан акансиз, ман сиза ўн қоним бўлса ҳам ўтдим, дади. Сизни алдинггизда галажак ишлар бор, шуларни бажо қилинг, дади. Мани изимда оға даб йиғламака иним йўқ, ота даб йиғламақа зурриётим йўқ, бир ёлғиз Ойсултон деган синглим бор, у галинча мани лошим чўлу-майдонда, йўл ўртасинда қолмасин. Бир четроқа чиқориб дафн ат, дади. Кейин мани молларимни уч тақсим қил дади. Бир тақсимини ош-об[1], бир тақсимини гўри-капин[2] ат, бир тақсимини шу Ойсултон синглима юбор, дади. Кейин Ойсултон синглим урушда минг кишига той[3] галиб юрган қиз. У мани қонимни, қоримни талаб атиб галар. Шунда сан отишмосдан, чопишмосдан яхши сўзлар билан алдаб-сулдаб, қиёматли ака-сингил тутиниб изина қайтариб юбар, дади. Инди саннан охирги талаб, шу ўқларни жойларинннан тортиб-тортиб олсанг, ман бир оёқимни узатиб жон барсам, дади. Ана Гўрўғли ўқларни тортиб-тортиб олди. Базирён ҳо-ҳуй, даб, жон таслим атди. Гўрўғли Базирённи ўраб чирмаб, дуяларина юклаб, Чардоғли-Чанглибел вилоятина олиб бориб, бир уч гумбазли жой бор ади. Шуни хаторинда бир гумбазни солдириб, олтиннан туғни диктириб, оғзина зар ҳаллар бардириб, шу ера ўз қўли билан жойлади.

---

[1] Ош-об – ош, сув, дафн маросимида ёзиладиган дастурхон маъносида.
[2] Гўри-капин ат – гўр, кафан қил, яъни чиқимлар маъносида.
[3] Той галиб – бас келиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма ишларни жой-жойина қўйиб бўлғаннан кейин, йигитларини орасинда Сафар маҳрам деган бир йигити бор ади. Шуни чақириб айтдики, аммо Сафар оға, ино шу Базиргонни молларини Сейистон вилоятина олиб бриб, Базирённи синглиси Ойсултонга топшириб қайт, дади. Сафар маҳрам молларни олиб Сейистон вилоятина равона бўлди.

Энди сўзни Базирённи синглиси Ойсултоннан эшитинг. Базиргонни Гўрўғли Дарбандда изиннан етиб, отиб ўлдирган вақтинда, йигитлари қочиб Сейистон вилоятина чиққан ади. Буларни олдина Ойсултон ҳам чиқдики, Оғам галётир гарак, даб. Ойсултон қараб гўрса Базирённинг тамоми йигитлари бор, ўзи йўқ. Ойсултон йигитлардан оғаси Базирённи сўраб, бир сўз айтади:

**НАЙЛАДИНГИЗ**

(Оқсоқ зоринжи)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Бирга геткан ғўч йигитлар,
Базирённи найладингиз?
Тортарам оҳу фиғонлар,
Дўғри сўлланг найладингиз?

Очилмай гули сўлдими?
Душман қўлинда қолдими?
Ё ажал етиб ўлдими?
Ёлғиз оғам найладингиз?

Бунда бўш қолди қалъаси,
Кўзга сурай хоки – поси,
Отам, дерга йўқ боласи,
Зурёдсизни найладингиз?

Отам чироғини ёққан,
Синглим деб ўстириб боққан,
Душман дийдасини қоққан,
Ботир оғам найладингиз?

Ёлғиз от юрса изи йўқ,
Саваш майдона тузи йўқ,
Фасли баҳори ёзи йўқ,
Саргардонни найладингиз?

Тортарам оҳу фиғонлар,
Дийдадин оқизиб қонлар,
Энди йиғлар элу гунлар,
Ёлғиз оғам найладингиз?

Ойсултон дер: қолдим якка,
Фарёдим чиқар фалакка,
Оғам бор деб суянмакка,
Базирённи найладингиз?

Ойсултон бу сўзларни айтиб тамом қилғаннан сўнг, мунча оҳу-фиғон қилварма, оғанг моллари билан кейинда галаётир, бизлар саннан суюнчи оламиз даб, от чопиша, чопиша қайтавардик, даб Ойсултона кўнгил бариб, ҳар қайси ҳар ёна гетавардилар. Ойсултон кейнина қайтиб, қалъаға гириб бу гечаси фароғатда бўлди. Эрта туриб чой-чилимнан ёзилишиб ўтирвадики, шунда Сафар маҳрам Базирённи мотамини тутиб, бир қора либос гийиб, Сейистон вилоятина яқин борди. Бу воқеага-ғавғога шаҳарнинг едди ёшариннан етмиш ёшаринача чиқдиларки, Базирён оғамиз галётир гарак даб. Қарасалар Базирённинг тамоми моллари бор, аммо ўзи йўқ. Сўрадиларки, қани эй йигитлар, Базирённи тамоми моллари бор, унинг ўзи қани деянда, Сафар маҳрам жавоб


www.ziyouz.com kutubxonasi

барди: эй халойиқ, билинглар, огоҳ бўлинглар, Базирён Чанглибел вилоятина бориб, Гўрўғли билан оға-ини бўлиб, бир неча гунлар касал бўлиб ётиб, дорилфанодан, дорилбақоға риҳлат қилди, дади. Уллидан-киччи зори-гирён йиғлаб, Ойсултон беҳуш бўлиб йиқилди. Кўп замонлардан кейин боз ҳушина галиб, оғасини ёд қилиб, Сафар маҳрамга қараб бир шеър айтади:

**ОҒАМ**

(Бобохоним)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Мол учун гетиб савдоға,
Ҳасрат билан қолған оғам,
На галиб гўрдинг дунёға,
Армон билан ўтган оғам.

Ватанлари вайрон бўлған,
Чўл ерларда лоши қолған,
Эгасиз нарлар йиғлашган,
Фиғон тортиб ўлган оғам.

Эгасизнинг юрти вайрон,
Бўлди манго охир замон,
Зурёдсиз ўтган Базирён,
Фиғон тортиб ўлган оғам.

Очилмайин гулинг сўлди,
Ёт элда паймонанг дўлди,
Сочин ёйиб синглинг қолди,
Армон билан ўлган оғам.

Энди кима оға дерман,
Санинг учун қон йиғларман,
Фиғон чакиб ман ўларман,
Армон билан ўлган оғам.

Ойсултон қолди зор йиғлаб,
Геттинг юрагимни доғлаб,
Моли дунёнг қолди яйраб,
Моли вайрон бўлған оғам.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойсултон бу сўзни айтиб тамом қилғаннан сўнг, оғасини молларина эгалик қилиб, Сафар маҳрамни қалъасина олиб гириб гетди. Олиб бориб, сийлаб алдиннан бир неча таомларни ўтириб, бошдан-оёқ сарпо қўйиб, узатиб юбарди. Ойсултон бир қанча вақт фароғатда бўлди. Шу орада Гўрўғлини Дарбандда изиннан етиб Базирённи отиб ўлдиргани жаҳон олама овоза бўлиб гетди. Бу сўз галиб Сейистон вилоятинда Ойсултоннинг ҳам қулоғина етди. Ойсултон бу сўзни тайинини билиб, дарғазаб бўлиб, мардона либосларини гийиб, бир араби отни миниб, бориб шу Гўрўғлидан оғамни қонини олсам олин, олавўлмасам[1] шуни алинда манам ўлин, даб йўла чиқди. Ойсултон Чамлибела қараб галаварсин, эндиги сўзни Гўрўғлидан эшитинг:

-Гўрўғли султон бу геча йигитлари билан ўз қалъасинда фарғатда бўлиб, эрта ўрниннан туриб, чой-чилимнан ёзилишиб, қалъасини гунботар томонида бир кўл бор ади, шу кўлни бўйинда, йигитлари билан шикор атиб, ов овлаб, кийик қувлаб юрвади. Ойсултон боришинда шу кўлни устиннан йўл суриб чиқди. Бир маҳал Гўрўғлини гўззи тушдики, гўрса бир шерандом йигит галётир, келбатиннан ер-кўк ларзона галади. Гўрўғли бу бир барно, ботир йигит акан, бу ерларни одамина ўхшамийди, муннан бир хабар тутин даб, Ғиротини миниб Ойсултонни алдиннан касалаб чиқди. Яқинроқ бориб салом барди. Сўз сўрадики, қани ғўч йигит, қайдин бориб, қайдин галасиз; одингиз ким? –дади. Ойсултон Гўрўғли билан саломлашиб, уни донимасдан, Гўрўғлидан Гўрўғлини сўраб бир шеър айтади:

**БИЛАРМИСИЗ**

(Илғор I)




[1] Олавўлмасам − ола билмасам.


www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Қаршим олиб дурған йигит,
Гўрўғлидан билармисиз.
Ҳолим сўрған дардли йигит,
Қондоримни билармисиз?

Ёнған чироғим ўчирган,
Давлат қушимни қочирған,
Ёлғиз оғамни ўлдирган,
Қондоримни билармисиз?

Ширин жона ўтлар солған,
Ичимни дарда дўлдирған,
Қизил юзимни сўлдирған,
Қондоримни билармисиз?

Саваш майдонина гирсам,
Ғанимдан ўчимни олсам,
Ўлдирсам ё ўзим ўлсам,
Ғанимимни билармисиз?

Ғўч йигитнинг бошин тутсам,
Бир зарб билан кўкка отсам,
Гўрўғлибекни ўлдирсам,
Қондоримни билармисиз?

Ойсултонни ҳайрон этган,
Юрак-бағрим вайрон этган,
Икки гўззим гирён этган,
Гўрўғлидан билармисиз?

Ойсултондир манинг одим,
Гўрўғлида бордир қоним,
Ўлдирсам совимас жоним,
Гўрўғлидан билармисиз?

Ойсултон бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин Гўрўғли айтдики, албатта Гўрўғлини билармиз, Лекин Гўрўғли бир ничча гун бўлди қалъасинда йўқ, дади. Ойсултон сўрадики, ничча гуна галар? Бир қирқ алли гуна галар даб узоқдан солғи барди Гўрўғли. Ойсултон бошшини туман солиброқ дурди. Гўрўғли айтди, эй ғўч йигит, гапинга қарағанда шу Гўрўғли деганда қасдинг борға ўхшайди, дади. Ойсултон айтдики, албатта. Агар сани Гўрўғлида қоринг бўладовун бўлса, отдан туш, ман билан гўрашиб гўр, бизлар Гўрўғли билан данг-туш жўрамиз, мадрасада ўқишқан, гўраш тутишқан, от чопишқан, бир такада бош қўйишқан, жўрамиз дади. Гўрўғли билан гўраш тутқанимизда гоҳ Гўрўғли йиқидовун, ё ман йиқидовун адим, дади. Ойсултон бу сўзни маъқул топиб, отдан тушиб чизғаниб-чарманиб, тоғ олишқандин олишиб гетавардилар. Бир маҳаллар Ойсултон Гўрўғлини жуп ёқасиннан тутиб, қўл учина олиб, бошиннан ғир айлантириб, ерга гўтариб урди. Сўрадики, эй жўра яна тутишасанми? – дади. Гўрўғли жавоб бердики, йўқ. Инди Гўрўғлини гўрмакинг гарак эмас, дади. Уни


www.ziyouz.com kutubxonasi

гўрган ерда олғанинг шу ,дади. Инди санго бир сўз бор дади. Сан инди отланиб бизни кейнимиза тушсанг, бизни шаҳримиза борсанг, бир неча гун бўлсанг, ман зиёфат қилсам, шу орада Гўрўғли ҳам бир ёқдан чиқиб қолар, уни нердан галиб, нердан гетишини ҳеч ким билмийди, дади. Ойсултон бу гапни маъқул гўриб, Гўрўғлини изиннан тиркалиб йўла тушиб гетаварди. Гўрўғли билан бир қанча йўл юриб борғаннан кейин, Ойсултон сўрадики, қани Равшанбек, сиз шу ерни ҳокими бўлодовун бўлсангиз, Гўрўғлини биладовун бўлсангиз, ман шуннан шунга галибман, оғамни гўрмаганим , гўрмаган уни ётқан жойини гўрсатсангиз, ман зиёрат қилиб гетсам яхши бўлар ади, дади. Гўрўғли ҳам топ Базирённи мозорини устиннан йўл солиб борётир ади. Сал вақт йўл юргандан кейин, гумбазина олтиннан ҳал барилган бир мусаффо жой гўринди. Гўрўғли айтдики, эй ғўч йигит, мана шу гўринган гумбазли жой оғонгни мозори дади. Шу вақтинда Ойсултон сиё мўй сочларини алдина ташлаб, қизлиқ ҳолатина галиб, оғасини ёд атиб бир шеър айтди:

**ГАЛДИМ**

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ёмон мусибатлар тушди бошима,
Оғам тупроқ бўлған жойлара галдим.
Хазон ели эсди ғунча гулима,
Очилмайин сўлған жойлара галдим.

Сан гетгали гежа-гундуз гулмадим,
Қизил қона бўялғанинг гўрмадим,
Бошингдан не жафо гечди билмадим,
Армон билан ўлган жойлара галдим.

Мусофир ерларда ғариб бўлдингми?
Очилған гулзорим шундай сўлдингми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажал етиб шум паймонанг дўлдими?
Оғам шаҳид ўлган жойлара галдим.

Аввал мани таваломни олмадинг,
Зори гирён қилдим қулоқ солмадинг,
Ёлғончида ўғил-зурёд гўрмадинг,
Руҳинг гадо бўлғон жойлара галдим.

Ўз бошинга ўзинг бало бошладинг,
Ойсултонни қаро гуна ташладинг,
Гўзларимни бир умрга ёшладинг,
Армон билан ўлган жойлара галдим.

Ойсултон айтадур бебақо дунё,
Қани, машҳур бўлған Искандар, Доро,
Бошим эгдим қабринг узра жон оға,
Оғам шаҳид ўлган жойлара галдим.

Ойсултон бу сўзларни айтиб тамом қилғаннан сўнг отдан дик ташлаб оғасини гумбазини ичина гириб гетди. Гумбазни ичини гўриб, оғасини зиёрат бахш этиб сўрадики, қани эй Равшанбек, бу гумбазни ким бино қилди, деди. Мани оғам нерда ўлди?-дади. Оғанг шу Қўшдарбанд деган жойда ўлди, дади Гўрўғли. Ким бера апкалиб гўмди, Гўрўғли – дади. Мани ўйлашимча оғамни гуноҳи Гўрўғлиға оз бўлған ўхшийди. Бу ерда бўлған гаплардан хабарингиз бўлса айтиб барсангиз бўлар ади, дади, Ойсултон. Ман муни санго бошдан-оёқ айтиб бараман, дади, Гўрўғли. Оғанг Гўзалшо деган подшони сўзи билан Чамлибела галди, кейин Гўрўғли билан оғаини бўлди, сўнг узатиб қайтар вақтинда, душманни сўзина гириб, изиннан бориб отиб ўлдирди. Кейин Гўрўғли душман сўзина алданғанини англаб, Базирённи бу ера апкалиб сийлаб қўйди. Ишқилиб вўрда вундин бўлди, берда муннин бўлди, хуллас бир сабаб бўлиб санинг оғанг ўлди, дади. Шу вақтинда Ойсултон сочларини ёйиб бир нола афғон қилди, ер-гўк ларзона галди. Гўрўғлининг кўнгли пора-пора бўлди. Шунда Ойсултон зор йиғлаб бир шеър айтди:

**ЎЛДИРДИ**
**(**Эшвой**)**





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Айб айламанг, ман бир ёлғиз ночорам,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди.
Анинг учун сийналари афгорам,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Барзангги ёғим бор, қочар ерим йўқ,
Учай десам қанотим йўқ парим йўқ,
Оғам деб йиғласам, асрак норим йўқ,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Дўст-душман ичинда гулар юзим йўқ,
Оғам йўқ, иним йўқ, айтар сўзим йўқ,
Манам ўлсам, қавму-қардош, изим йўқ,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Анинг учун ман этарман фарёди,
Ёлғиз йигит ўлса гўмилар оди,
Изинда қолмади анинг зурриёди,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Сахий ва мард эди асл зотидан,
Ғанимлар йиғларди қўрқиб одидан,
Дўсти-ёри чиқмас эди ёдидан,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Бу ишларни тақдир худо айлади,
Номардлар оғамдан жудо айлади,
Шаҳид бўлиб имон ато айлади,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Ёт элларда оғам берди жонини,
Ғанимлар дўкдилар қизил қонини,
Эгасиз қолдирди хону монини,
Сабаб надур ёлғиз оғам ўлдирди?

Бебақо дунёсан жона ишонч йўқ,
Инсофсизда андиша йўқ, аяш йўқ,
Ойсултонда ҳақдан бошқа таянч йўқ,
Сабаб надур, ёлғиз оғам ўлдирди?

Ойсултон бу сўзларни айтиб тамом қилғаннан кейин, Гўрўғли ўзини Ойсултона доништириб, гуносини бўйнина олиб, бир шеър айтди:

**МАНДУРМАН**
(Ширвоний I)





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ойсултон, эшит сўзимни,
Номард Гўрўғли мандурман.
Дўкмишам ноҳақ қонини,
Қондор Гўрўғли мандурман.

Дарбандда они ман отдим,
Туҳмат ботмоғина ботдим,
Номардлик йўлина гетдим,
Айбдор Гўрўғли мандурман.

Билмадим марднинг қадрини,
Ўлдириб чақдим жабрини,
Бовар атмадим сўзини,
Хунхор Гўрўғли мандурман.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўшдарбандда йўлин касдим,
Отда шамол бўлиб эсдим,
Шум кампирдир манинг қасдим,
Номард Гўрўғли мандурман,

Шум фалак алиннан омон,
Эйланмайин гечар даврон,
Ўлдириб сўнг қилдим пушмон,
Қонхўр Гўрўғли мандурман.

Гўрўғли дер: кўнглим алвон,
Базирён деб бағрим гирён,
Хунингни ол, гал Ойсултон,
Айбдор Гўрўғли мандурман.

Бу сўзларни айтиб тамом қилғаннан кейин Гўрўғли қиличини қинидан суғуриб, Ойсултонни алина барди. Айтдики, эй Ойсултон ман сани алдаб юрвадим. Ман Гўрўғлини ўзиман. Сан юртингнан чиққанда Гўрўғлини ўлдириб, оғамни қонини оламан, даб чиққансан, номард гетма, Гўрўғлини ўлдириб галдим даб юртингга беармон қайт; даб Гўрўғли Ойсултонни олига тиз чўкиб, бошини эгиб дурди. Ман Гўрўғлиман, деган сўзни эшитиб, қиличини гўтариб турган қизни алиннан қилич шарпилдаб тўмана тушди. Сўрадики, сан ким бўласан? Гўрўғли айтдики, ман Гўрўғли бўламан. Оғамни оғаси Гўрўғлимисан? Оғамни ўлдирган Гўрўғлимисан?-дади. Оғангни оғаси ҳам, оғангни ўлдирган Гўрўғли ҳам манман, дади. Оғамни оғаси Гўрўғли бўлсанг, оғамни ўлдирган Гўрўғли бўлсанг, сани шу аткан ишларинга ўн оғамни қони бўлса ҳам ўтдим, инди мани ҳам оғам бўлсанг бўлмасми, дади. Базирённи васияти ҳам шу эди. Гўрўғлини Ойсултон билан донишиб, чинаккам оға-сингил бўлиб, бир шеър айтғон жойи:

**ОҒАНГ БЎЛАЙИН**

(Ширвоний II)






www.ziyouz.com kutubxonasi


бў-ла-йин
Бу дунёни билгил сўнги
Сабаб билан санинг оғанг
ёл-ғон-дур, Ким ҳам ўлмай бу дун-ё- да қол-ғон-дур (ей) қол-ғон-дур
ўл-ган-дур, Йиғ-ла-ма, Ой-сул-тон, о-ғанг бў-ла- йин (ей) бў-ла-йин.
Бу ду-нё-ни бил-гил сўнг-ги ёл-ғон-дур ким ҳам ўлмай бу дун-ё-да
қол- ғон-дур (эй) қол- ғон- дур
Са- баб би- лан са- нинг о- ғанг ўл- ган- дур, йиғ- ла- ма, Ой- сул-тон, о- ғанг
бў- ла-йин (эй) бў-ла-йин.
(Ой) Бир сўз билан ноҳақ (ё- рей) қонлар (ей) дў-кил-ди (ё)
Юрак бағрим чок-чо-ки-дан я-на (я) сў- кил-ди,





www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурбонинг бўлайин гул юзли жанон,
Сан йиғлама, ўзим оғанг бўлайин.
Манинг бу жонима кўп қуйдинг армон,
Сан йиғлама, ўзим оғанг бўлайин.

Шарт устинда сани оғанг ўлдирдим,
Пушмон атиб гўззим ёша дўлдирдим,
Олтин туғлар дикиб гумбаз солдирдим,
Сан йиғлама, ўзим оғанг бўлайин.

Бу дунёни билгил сўнги ёлғондур,
Ким ҳам ўлмай бу дунёда қолғондур,
Сабаб билан санинг оғанг ўлгандур,
Йиғлама, Ойсултон, оғанг бўлайин.

Бир сўз билан ноҳақ қонлар дўкилди,
Юрак бағрим чок-чокидан сўкилди,
Ҳасратинда алиф қаддим букилди,
Йиғлама, Ойсултон, оғанг бўлайин.

Гўрўғли дер ман ҳам гечдим жонимдан,
Қилич урғил ерлар тўлсин қонимдан,
Жонимни чиқарғил нозик танимдан,
Йиғлама, Ойсултон, оғанг бўлайин.

Гўрўғли сўзини айтиб тамом қилғаннан кейин Ойсултон шу кечаси оғасини қабринда дунаб чиқди. Душинда оғасини гўрди. Оғаси Гўрўғли билан оға-ини тутинганидан шод бўлғанини айтиб, инди сани ҳақиқий оғанг Гўрўғли деб гўздан ғойиб бўлди.

Ойсултон эрталаб туриб ювиниб-дараниб, Гўрўғлини алдина бориб, гежа гўрган душини айтиб, паришон бўлиб, бир совуқ дам олиб қўйди. Гўрўғли айтдики, эй Ойсултон, инди оға-ини бўлдик, на совуқ дамингни оласан, дади. Ойсултон айтди, эй Гўрўғли оға, мани бир Қорахон барзанги деган ёвим бор. Ман нечча вақт бўлди, бу ерларда юрибман, мани йўқлиғимда элима галиб хонавайрон этиб, ўғлини ўлжа, қизини асир қилиб олиб геткан бўлса на иш қиламан, агар оғам бўлсанг шу ёғиймни бир доднннан галиб барсанг бўлмасми? – дади.

Гўрўғли бу сўздан кейин, дарров йигитларини чақириб, уруша тайёргарлик гўринглар, даб бир шеър айтди:

**БОРДУР**

(Шо кўчди II)

Муннан борсак Сейистона,
Қирқ бир гунлик йўли бордур.
Ғўч йигитлар ғайрат солинг,
Ўн бир гунлик чўли бордур.

Сурали отни мардона,
Муннан борсак Сейистона,
Мард бўлиб гиринг майдона,
Қирқ минг уйли эли бордур.

Ҳамма бандаси оллонинг,
Орин олинг Ойсултоннинг,
Ул барзанги Қорахоннинг,
Билмам на ҳаёли бордур.

Шердай бўлиб олишали,
Қилич сармаб солишали,
От ўйнатиб чопишали,
Бизда гучни мўли бордур.

Гўрўғлибек ғофил ётма,
Номардни сўзини тутма,
Қирқ йигитим ваҳм этма,
Чамбилбелнинг эли бордур.

Гўрўғли сўзини тамом қилғаннан кейин, йигитлари уруша тайёрланиб, отларини зартанг-забартанг эгарлаб, ўқ-ёйларини бўйниға осиб, Ойсултонни олдина солиб, йўлға равона бўлдилар. Бир нечча гунлар йўл юригандан кейин бир бейик тоға дуч галдилар. Устина чиқиб қарасалар бир чўпон гўринди. Эй чўпон сан кимни чўпонисан, дадилар. Ман Базирённи чўпониман, даб, Ойсултонни дониб, зор йиғлаб бир шеър айтди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГЕТГАЛИ
(Оқсоқ Зоринжи)






www.ziyouz.com kutubxonasi

Арзим эшит эй Ойсултон,
Элинг вайрон сан гетгали.
Чўла дўнди боғу бўстон,
Юртинг вайрон сан гетгали.

Қўшин тортди ул Барзанги,
Топилмади ҳеч бир данги,
Гўзалларни сўлди ранги,
Ҳамма ҳайрон сан гетгали.

Олиб гетти қиз-жувонни,
Қирди яхшию ёмонни,
Изини ол Қорахонни,
Юртинг вайрон сан гетгали.

Чўпон айтар: бўлдим адо,
Ҳақ йўлинда жоним фидо,
Ёру дўстдан бўлдим жудо,
Бизлар ҳайрон сан гетгали.

Ойсултон бу сўзни эшитиб, ҳоли паришон бўлиб, Гўрўғлини орқа тутиб, айтган шеъри:

**НАЙЛАЙИН**
(Кўр қиз)





www.ziyouz.com kutubxonasi


О-ғам-дан ет-
га-ни қай-ғу-ғам бўл-ди, Ге-жа-гун-дуз йиғлаб гўззим нам бўлди,
ғам-а-лам-лар
ю-ра- гим-да жам бўл-ди, Гў-йиб эн-ди а- до бўл-дим най-ла-йин? ох ёр (ей) най-ла-йин?
Ҳеч бир о-дам о-ғам-да-йин бўл-ма-син, ў- зи ў-либ, ло-ши чўл-да қол-ма-син,
Зурриёдсиз- лик оғамдайин бўл-ма-син, ру-ҳи га- до бў-либ қол-ди най-ла-йин?
ох ёр (ей) най-ла-йин?





www.ziyouz.com kutubxonasi

Оға беклар эшитинглар зоримни,
Жонима тоза ўт тушди найлайин?
Энди писанд этмам йўқу-боримни,
Ўлкаларим вайрон бўлди найлайин?

Оғамдан етгани қайғу-ғам бўлди,
Гежа-гундуз йиғлаб гўззим нам бўлди,
Ғам-аламлар юрагимда жам бўлди,
Гўйиб энди адо бўлдим найлайин?

Ҳеч бир одам оғамдайин бўлмасин,
Ўзи ўлиб, лоши чўлда қолмасин,
Зурриёдсизлик оғамдайин бўлмасин,
Руҳи гадо бўлиб қолди найлайин?

Гўрмайин қолдим ман оғам юзини,
Жонима данг гўрдим анинг сўзини,
Мардлик билан тутар эди ўзини,
Номурод дунёдан ўтди найлайин?

Бу дунёда яхши-ёмон қолмади,
Орзу этди кўнгилдаги бўлмади,
Ойсултон дер, манда тоқат қолмади,
Хазон урди лолазорим найлайин?

Ойсултонни сўзини эшитиб, от устинда дурғон Гўрўғли, Ойсултона кўнгил бариб бир сўз айтди:

**БЎЛАР**
(Гуландом)





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Табласинда араб отлар боғлининг,
Кўнгли мудом қайнаб-қайнаб жўш бўлар.
Донг чоғинда йўла чиққан йигитнинг,
Араб оти ўйнар кўнгли хуш бўлар.

Узоқ йўллар тушса бедов ўнггина,
Йўл олар қарамай ўнгу сўлина,
Қайғу галмас ғўч йигитнинг кўнглина,
Ярали қоплондек ова дуч бўлар.

Ғўч йигитлар гўра-гўра ўрганур,
Мардларнинг тейинда бедов сайланур,
Ғўч йигит эйнинда қалқон дўланур,
Қўлда қилич, бошда ақлу-ҳуш бўлар.

Муханнаслар ҳаргиз уруша бормас,
Уруша борса ҳам ҳеч нарса билмас,
Ғўч йигитлар ҳақдин ўзгани билмас,
Номардни гўззинда мудом ёш бўлар.

Гўрўғли айтадур ман санго банда,
Ғўч йигитлар савашурлар мейдонда,
Йигитларим, тоқат қолмади манда,
Урушда ақилли йигит бош бўлар.

Гўрўғли сўзини тамом қилғаннан кейин, от суриб Ойсултоннан алдина ўтиб гетаварди. Бир нича манзил йўл юриб, Сейистон вилоятина етдилар. Ойсултон қайтиб галибди деган овоза бутун олама ёйилди. Бу хабар Қорахонни ҳам қулоқина етиб, йиғин тортиб, шайхулислому саркардаси, умаросию фуқароси билан Сейистона қараб галаварди. Қалъани дарвозасина галиб, уруш талаб атди. Бу галган ёвдан ваҳми ғолиб бўлған Ойсултон югуриб Гўрўғлини ҳузурина галди. Айтдики, эй Гўрўғли оға, Қорахон сонсиз лашкарлари билан устимиза юриш қилиб, қалъамизни қамал қилди, энди на маслаҳат берарсан, дади. Унда Гўрўғли айтди: ҳеч ғам ема, мани саройингни бир муюшина гизлаб, ҳазатиб ўтиравар. Қорахон галиб санга дахл атса ўзим томошо гўрсатаман, дади. Ойсултон Гўрўғлини саройни бир мушина гизлаб, йигитларини дарвозага қоравул қилиб, майхонани яхши безаб, қирқ коса шароб қуйиб, тоза либосларини гийиб, минг хил нозлар атиб, товусдек товланиб, хумоюн қушдек яшнаб ўтираварди.

Эндиги сўзни Қорахондан эшитинг. Ойсултоннан жавоб бўлмағаннан кейин, Қорахон қирқ йигитини олиб, дўғри қалъаға гириб галаварди.

Гўрўғлининг йигитлари бу балони гўриб, бири сомонхонага, бири сейисхонага, бири кўмирхонага потирдашиб гетдилар. Қорахон йигитларини майхонада қўйиб, Ойсултонни ўтирған жойини қописини очди. Айтдики, эй Ойсултон ёнинга етти марта галдим, еттисинда ҳам босқи бериб юбординг. Энди сани олиш учун галдим, дади. Ойсултон айтдики, Аввал босқи бариб юрган бўлсам, ҳозир гўриб дурибсан, оғамни азасини тутиб ўтирибман, бир йилгача кишига чиқмийман, дади. Қорахон айтдики, бу гапинг бўлмийди, дўшакни солавар, дади. Шунда Ойсултон айтди, тақдиримдагини гўрармандон, ундай бўлса, ўзингни пок қилиб гал, дади. Сўнг Қорахон даҳлиза чиқиб, ўн ботмонлиқ силобчани сува дўлдириб, мўрчаға ўтди. Шунда Ойсултон оғасини ёдлаб бир шеър айтди:

**ОҒАМ СЕНИ**

(Шо кўчди туркманча)

Ёвуз гун тушди бошима,
Ёд этайин оғам сани.
Душманим галди қошима,
Ёд этайин оғам сани.

Ғанимим маст бўлиб галди,
Юрагу бағрим эзилди,
Билмам на қисмат ёзилди,
Ёд этайин оғам сани.

Зор йиғласам ишим битмас,
Ҳеч ким насиҳатим тутмас,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ман ночорман, гучим етмас,
Ёд этайин оғам сани.

Энди душман галар бўлди,
Жона ўтлар солар бўлди,
Зўрлиқ билан олар бўлди,
Ёд этайин оғам сани.

Ойсултон бўлди бечора,
Юраги-бағри садпора,
Бахтима ёзилмиш қора,
Ёд этайин оғам сани.

Йиқилди айвону тахтим,
Энди қаро бўлди бахтим,
Ойсултон дер ўлар вақтим,
Ёд этайин оғам сани.

Ўлганингни душман билди,
Эгасиз юртинга галди,
Элни қирди бағрим тилди,
Ёд этайин оғам сани.

Гўрўғли Қорахонни мўрчаға ўтганини гўриб, аста изиннан гирди. Қорахонни бирдан Гўрўғлиға гўззи тушди. Силобчани гўтариб Гўрўғлини калласина урди. Силобча қирқ бўлак бўлди. Гўрўғли ҳам қиличини орқасинда гизлаб галётир ади, бўйнингни чиққан ери шуми даб, гарилиб бир солди, Қорахонни боши жаҳаннамни бозорина исванд қидириб гетти. Гўрўғли улли бир иш атган бўлиб, гарилиб бир-бир босиб долона чиқди. Қараса Қорахонни қирқ йигити шароб ичиб, алжишиб ўтирибдилар. Гўрўғли бир замонда қирқисини ҳам қиличдан ўтказиб, Ойсултонни алдина бориб бир шеър айтди:

**УСТИНА**
(Илғор I)

Галинг томошо устина,
Бу геча саваш устина,
Якка гирибман майдона,
Шамшир урдим бош устина.

Барзангини уриб йиқдим,
Қилич уриб қонин дўкдим,
Қирқ йигита қилич тортдим,
Бош касилар лош устина.

Қорахон девни ўлдирдим,
Қизил юзини сўлдирдим,
Йигитларин барин қирдим,
Лош қорилда лош устина.

Саваш қилдим якка-якка,
Душманни қўйдим ҳалакка,
Озор етмади малакка,
Ойсултон қардош устина.

Маст бўлиб шароблар ичдим,
Гирдим ғанима учрашдим,
Дарё бўлиб дўлиб-дошдим,
Лош қўшилди лош устина.

Гўрўғли атган ишларини Ойсултона гўрсатиб борётирса ҳовлини тўринда бир чуқолаққа гириб, устина човут-чорқани ёпиб, Сафар кўса ётибди. Эй Сафар оға, нишатиб[1] ётибсан? – дади Гўрўғли. Шу вақтгача сан

[1] Нишатиб – нима иш қилиб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

бир мушда гизланиб ётқоннан кейин бизлар нишатали, дади Сафар кўса. Гўрўғли билан Сафар маҳрамни овозларини эшитиб, бошқа йигитлар ҳам ёриқ-дўшиклардан чиқиб Гўрўғлини даваракина тўпландилар. Гўрўғли йигитларини урушга тайёрлаб, отларини зартанг-забартанг эгарлаб, ўқ-ёйларини бўйнина осиб, Қорахонни гирган дарвозасиннан отилиб чиқиб, дўғри Қорахоннинг йиғини устина от қўйиб урушни бошлаб юбордилар. Шу урушда ўн икки гун уришдилар. Гўрўғлининг ўн икки йигити асир тушди. Гўрўғли ўттиз йигити билан бир тоғни устина чиқиб, ўз-ўзина кўнгил бериб, бир шеър айтди:

**САБР АЙЛА**
(Раҳм айла)

Эриди тоғларни қори,
Инжилма кўнглим сабр айла.
На гул қолар на гулзори,
Инжилма кўнглим сабр айла.

На тоғ қолур на дош қолур,
На қурт қолур, на қуш қолур,
Охир бу дунё бўш қолур,
Инжилма кўнглим сабр айла.

Ғўч йигитлар шароб ичар,
Муханнас ўлимнан қочар,
Мард майдонда қонлар сочар,
Инжилма кўнглим сабр айла.

Муханнас қалқон гўтармас,
Ўқин бу доға етирмас,
Минг қайғи бир иш битирмас,
Инжилма кўнглим сабр айла.

Гўрўғлибек май ичарсан,
Нечун ўлимнан қочарсан,
Охир бир гун ер қучарсан,
Инжилма кўнглим сабр айла.

Гўрўғли бу сўзни тамом қилғаннан кейин айтдики, эй ғўч йигитлар, ўн йигитни душманни алина бариб, Чанглибела бориб, эркак номини гўтариб юриб бўлмас, даб йигитларина маслаҳат солиб, бир сўз айтди:

**БЎЛДИ**
(Ширвоний I)

Ғўч йигитлар, бар маслаҳат,
Бугун саваш ёмон бўлди.
Лашкар галиб устимиза,
Қутулмоқлик гумон бўлди.

Чамлибела тушмам йўла,
Душман изғир ўнгу-сўла,
Ўн йигитим тушди қўла,
Бир беобрў нишон бўлди.

Майдона гирганда мастам,
Ғаним гўрсам забардастам,
Тоймасбегим билан Рустам,
Қўли боғли ҳайрон бўлди.

Ғўч йигитлар обрў топар,
Кимни санчиб, кимни йиқар,
Гўрўғлибек тинмай чопар,
Беклар охир замон бўлди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўрўғли бу сўзни айтиб бўлғаннан кейин ўттиз йигити билан йиғинни ўттиз жойиннан ёриб гирди, шу тўс-тўпалонда Қорахонни саркардасини калласини олиб, ўн йигитни бўшатиб, қайтадан тало-тўп бошладилар. Душман на иш атарини билмасдан, тўрт тарафа доғиб гетди. Шунда Гўрўғли қайнаб-жўшиб, сийнасини баланд гўтариб, олҳо-ол, сурҳо-сур атиб, йигитларина қараб бир шеър айтди:

**КЎНГЛИМ МАНИ**
(Илғор I)

Эй ёронлар мусулмонлар,
Замон истар кўнглим мани.
Ёлғончи фоний дунёда,
Обрў истар кўнглим мани.

Хабар олдим яқин-дошдан,
Қайтманам ўн ила бешдан,
То ўлинча золим бошдан,
Ғавғо истар кўнглим мани.

Хабар олдим мард кантидан,
Омон қайтдим Дарбандидан,
Ўлгунча аҳли мардидан,
Мадад истар кўнглим мани.

Бу фонийга галган гечар,
Мард бўлған ўз йўлин очар,
Гўрўғлибек ўрнинг ўчар,
Зурёд истар кўнглим мани.

Бу сўзларни айтиб тамом қилғаннан кейин Гўрўғли Қорахонни йиғинини йигитлари билан қувиб ўзларини юртина олиб бориб, бир неча вақтдан сўнг Сейистон вилоятина қайтиб галдилар. Сейистонда тартиб ўрнатиб, ўзидан одам қўйиб, Ойсултонни хазина-дафинаси билан кўчириб, Чанглибел вилоятина соғ-саломат галиб тушдилар. Бир ничча замонлар ўтгандан кейин Гўрўғли Оға Юнус Паризодға айтди: сан Ойсултонға айт, боши бўш юргани яхшимас, кимни хохласа тўй қилиб бераман, дади.

Оға Юнус пари бу сўзни Ойсултона етказди. Шунда Ойсултон жавоб айтдики, агар Гўрўғли оғам шундай деган бўлса, ман Авазхонни хохлийман, дади. Бундан Гўрўғлини ҳам вақти хуш бўлиб, Ойсултонни Авазхона уч гежа-гундуз тўй қилиб бариб, уларға қараб, қайнаб-жўшиб бир шеър айтди:

**БЎЛСИН**
(Нолиш III)

Ойсултоним сургил даврон,
Тўйлар санга муво бўлсин.
Зарли – ҳилли кўшки айвон,
Уйлар санга раво бўлсин.

Тамом асбобинг шай атиб,
Ғамгин кўнглингни шод атиб,
Уч гежа-гундуз тўй атиб,
Тўйлар санго раво бўлсин.

Ўлгандир оғанг Базирён,
Анинг учун чакма афғон,
Бу дунёнинг сўнги вайрон,
Анга имон ҳамро бўлсин.

Гўрўғли дер асли зотим,
Ўлгунча ўчмасин одим,
Бўлмади мани зурёдим,
Дастгир сиза худо бўлсин.

Базирён достонининг таърифи ва тавсифлари шундан иборат. Эшитганларингиз учун раҳмат.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХИРМОНДАЛИ

Қадим ўтган замонда Рум вилоятинда, Арслонбой деян бир бой бор ади. Арслонбойни бойлиқи едди подшони хазинасиннан кам амас ади. Аммо, лекин бир етмасчилики ўғилдан, қиздан номнишона йўқ ади. Бир гуни Арслонбой ёшини ҳисоблаб гўрса, 50 дан ўтиб 60 га етиб қолибди. Шунда Арслонбой ман дунёдан бефарзанд ўтадовун[1] бўлдим гарак даб, кўп хафа бўлди. Орадан ойлар ўтди, йиллар ўтди, Арслонбойни аёлини қўйнинда ҳомила пайдо бўлди. Дўққиз ой, дўққиз гун, дўққиз соат ўтиб унинг бир қизи бўлди. Арслонбой айтди, ман ўғил дилағ дилаб юривадим, бу ҳам иқболимда қиз бўлди. Аммо, лекин ман фарзандсизлик зорини кўп чакдим. Шунинг учун ўғил ўрнида гўриб юраварин даб, қўйлар сўйдириб, эл-элотни чақириб, едди гежа-гундуз тўй-томошо барди. От чоптирди, олтин қовоқ оттирди[2] гўраш тутирди, нон дегана нон барди, дўн дегана дўн барди. Оно орадан йиллар-ойлар ўтиб, Хирмондали 16-17 ёшга етди. Шунда кўна дузгун[3], ўзинггиза маълум. Арслонбойни Хирмондалини ўғил ўрнинда гўриб юрганлиги бўлмади. Савап, чор тарапдан совчилар галаварди, қизингни биза галинликка барасан, дап. Арслонбой айтди: ёлғиз фарзандим кўнглина қарийман деянда, қизни ўзи отасини ёнина галиб, ота мани кўнглимдагини гўзлидовун[4] бўлсанггиз, ман ҳар-бир газиб юрган солпи оёқ[5] йигитлара муносиб ёр амасман, дади. Отарман, чопарман, ботир ғўч йигит бўлсин. Бахшиликдан ховори бўлсин айтишсин, мани енгсин. Полвонлиқдан ховори бўлсин, тутишсин мани йиқсин, дади. Қани қизим ву кунглингдаги йигитни ман нердан топаман, дади. Яхши-ёмонимни алаштирмасанг[6] ўзим топарман, дади қиз. Яхшиёмонингни алаштирмасман даб, тархонлик[7] дафтарини қизини қўлина варди.

Қиз отасини хазинасини ёрисини бўлиб олиб, 360 чорвоқ солдирди. Ичинда кўшк, сарой 360 ҳам каниз тутдирди. Ҳамма ишлар жойма-жой бўлғоннан кейин, эла жарчи юбараварди: кимдаким мани айтишиб енгса, тутишиб йиқса шу йигитга тожи-тахтим, ганжи-хазинам, 360 чарвоғим, канизим-панизим ҳаммасини қўшиб бораман, даб. Оно, у ер бу ердан бир гежани ҳам совуб[8] билмин юриган бахшилар бўлса ҳам галди, шу қизни айтишиб бир енгиб бўлмасми акан, даб. Думли-душдан галиб айтишдилар. Оно кичкинароқ тўйларда ушоқ-тушак[9] йигитларни йиқиб, ўзини полвон санаб юриган йигитлар бўлса ҳам галди, шу қизни бир ёқосиннан тутиб ўлсак ҳам армонимиз йўқ, борди-галди дизини ера дейдиравўлсак бахтимизни галгани, даб. Булар ҳам чор тарафдан галиб тутишдилар. Иш қилиб уч йилни ичинда 300 бахши 60 полвон майдоннан бош эгиб чиқиб гетти. Бахшилар бўлса галди айтишди енгилди. полвонлар тутишди йиқилди. Қайтиб марака-мейдон ўртасина бахши, полвон галмаганиннан кейин, Хирмондали Қурондозларни, мунажжимларни чақириб айтдики: ман эл ичинда айтишиб енггана, тутишиб йиққана бораман даб вада атган адим. Ўзина ишонган бахшилар бўлса, галди айтишди енгилди, полвонлар бўлса, тутишди йиқилди. Инди мани белимнан тутиб гўраш тутадовун полвон, ўнггима ўтиб соз-сўз айтишажоқ бахши борми? ё ман дунёдан ёлғиз ўтиб гетавараманми? дади. Қурондоз-мунажжимлар ичида айтди: мунга палонкас муносиб дасак, чоқиртириб галса, айтишар енггар, тутишар йиқар, ноҳақ бировни, бегуноҳ одамни қонина қолармиз, даб дуриб, мунга бир бошқа солғини барали даб, Биви[10] санга палон жойда бизларни бир устозимиз бор, магарам[11], той галадовун йигитни

---

[1] Ўтадовун – ўтадиган.

[2] Олтин қовоқ – нишон (мишень).

[3] Кўна дузгун – эскидан йиғилган, тузилган.

[4] Гўзлидовун – кўзлайдиган.

[5] Солпи оёқ – оғзидагини олдирадиган маъносида.

[6] Алаштирмасанг – айбга буюрмасанг, айбситмасанг.

[7] Тарҳонлик – дахлсизлик ёрлиғи.

[8] Совуб – ўтказиб, хизматини қилиб.

[9] Ушок – тўшак, майда-чуйда.

[10] Биви – биби, хоним.

[11] Магарам – агарда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

топиб барса шу барар, дадилар. Хирмондали бир маҳрам канизини қўлина хат бариб, 100 тиллони ҳам қўшиб, шу кампира бориб галмасанг бўлмийди, деди. Оно каниз олд атакини тишлаб, орт атакини ушлаб, бивисини вахтини хўшлаб, гўтараварди ўкчани, нердасан кампир, даб. Бир тўхтамасдан кампирникина бориб хатин барди. Кампир хатни ўқиб гўриб ўйланиб ўтирди. Каниз муни ўйланганини гўриб, Хирмондали бариб юбарган 100 тиллони кампирни атакина ташлади. Оно танггани гўргандан кейин кампир сакраб ўрниннан туриб, каниз билан бирга қайтаварди. Галдидон қани қизим на хазматинг вор ади? деди. Эй сани билан ана-қиз бўложоқман, деди. Ана қиз бўлажак бўлсанг қўнгши[1] элотда мангдин қарри йўқми? деди. Сани бошқа дардинг вор, айтавар, деди. Санга очиқини айтсам, манга бир ботир ғўч йигит тўвиб барасан, айтишсин мани енгсин, тутишсин йиқсин. Шунга бир кўмак[2] атарсан даб сани чақирдим, деди. Қани ву айтқан йигитинг берларда йўқ, аммо, лекин муннан олтмиш гунлик йўлда Чордоғли-Чандибел деган бир юрт бор, шунда бир йигит бор, магарам санга той галса шу галар, деди. Момо шуни ўзинг бориб олиб галиб бармасанг бўлмас даб, Хирмондали момосини алдинда яна 100 тиллони қўйиб унга қараб айтиб дурғон сўзи:

*Чанди белда Гўрўғлиға,*
*Бор-да кампиржон хабар бар.*
*Асли ғўччоқ бек ўғлина,*
*Борда моможон хабар бар.*

## ХАБАР БАР

(Шо кўчди)




[1] Қўнгиши – қўшни.
[2] Кўмак – ёрдам.


www.ziyouz.com kutubxonasi


Дилагинг-ни барсин ол-ло, чун-ки эъ- ти-қодинг вал-ло, я-на бе- рар-ман юз тил-ло,
борда кампиржон ха-бар бар борда кампиржон ха-бар бар.
Рум шаҳри била Чан-ди-бел, о-ра-си не-ча ой-лик йўл, Ҳар ер-да газма бемангзил,
борда кам-пир-жон ха-бар бар бор-да кам-пир-жон ха-бар бар.
Хир-мон-да-ли дер-лар би-за, а-на ё- шинг етсин
ю-за, Эъ-ти-қо-дим дадим си-за, борда кам-пиржон ха-бар бар борда кам-пиржон
ха-бар бар
rit.

Чанди белда Гўрўғлиға,
Бор-да кампиржон хабар бар.
Асли ғўччоқ бек ўғлина,
Бор-да моможон хабар бар.

Рум шаҳри била Чанди-бел,
Ораси неча ойлик йўл,
Ҳар ерда газма бемангзил,
Бор-да кампиржон хабар бар.

Дилагингни барсин олло,
Чунки эътиқодинг валло,
Яна барарман юз тилло,
Бор-да кампиржон хабар бар.

Хирмондали дерлар биза,
Ана ёшинг етсин юза,
Эътиқодим дадим сиза,
Бор-да кампиржон хабар бар.

дади. Қизим, ман инди бориб галадовун бўлсам, салтанг-султанг[1] отингда гетиб билмийман. Манга бир тулпор тўвиб барасан дади. Қани инди уни нердан топдик деганда, кампир айтди, кимни йилқиси минг дона вўлса шуларни ичинда бир тулпор бўлади, дади. Оно вуни кишидан сўрамидовун зот акан даб, Арслонбойни йилқилари минг яримдан ортиқ ади, ичиннан бир тулпорни топиб, устина бир хуржунни ҳам ташаб, гўззини гаракли анжомлар билан дўлдириб, момо йўлинг оқ бўлғай даб узатиб юбарди. Оно момо йўлда гетаварсин, индиги сўзни Гўрўғлидан эшитинг: Гўрўғли Ғиротни қирқ гун боқува қўйиб, қирқ бирланжи гуни эрта ериннан туриб, чой-чўракдан ёзилишиб, шу гун бир ишим чиқмасми акан? даб. Ғиротни қашиштириб, сийлаштириб-сийпалаштириб, эгар қўйин даб дурғанда ангсасиннан[2] бир кампир галиб салом бариб дураварди. Қани кампиржон на хўш-хавор тўвиб галдинг? бар ховорингни деянда, Кампирни Гўрўғлиға қараб айтиб дурган сўзи:

*Рум шаҳринда бир қиз сиза,*
*Гўрўғлибек галсин дийди.*
*Арзи ҳолин баён айлаб,*
*Галиб мани олсин дийди.*

**ГАЛСИН ДИЙДИ**

(Туркманча шо кўчди)




[1] Салтанг-султанг – зўрға юрадиган.
[2] Ангсасиннан – орқасидан.


www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Рум шаҳринда бир қиз сиза,
Гўрўғлибек галсин дийди.
Арзи ҳолин баён айлаб,
Галиб мани олсин дийди.

2. Ўлканггиз Чамбил элидур,
Газганинг ҳақни йўлидур,
Пиринггиз улуғ Алидур,
Али дастгир бўлсин дийди.

3. Каломда бордур хатлари,
Таблада араб отлари,
Ўзи галиб йигитлари,
Таълим билан қолсин дийди.

4. Галиб иззатимни гўрсин,
Енгиб билса даврон сурсин,
Кампиржона жувоб барсин,
Сарпойини олсин дийди.

даб кампир Гўрўғлидан ҳам бир нима таъма атди. Гўрўғли айтди: кампиржон яхши хўш-хавор билан галган акансан, лекин мани изим ёлғиз, шунинг учун сан гетаварсанг, сани изингчалли ву ён, бу ёнимни саранжомлаб етиб бораман, дади. Шунда кампир на дийди: йўқ, Гўрўғли султон санга шу саломномани баён қилғон вахтимда илоҳийдан бир гуч-қувват галди, дади. Шу бодингга борсанг қизни айтишсанг енгасан, тутишсанг йиқасан, бир оврей билан қайтиб галасан. Йўқ маннан қолсанг билиб дурипман Оға Юнус Паризод ёнина гиражаксан, гўззина-гўззинг тушади, дилингнан забонинг гетади. Бир оғиз гаплашасан белингнан қувватинг гетади, кейин ҳо бор, ҳо борма орёнини[1] ўзинг биласан, дади. Гўрўғли кампирни бир нима таъма атиб дурганини билиб, атакина сономасдан уч ҳовуч тангга ташади. Кампир айтди: Гўрўғли султон ман санга бўложоқ гапни айтдим, инди борсанг ҳам ўзинг биласан, бормасанг ҳам ўзинг биласан, даб тулпорини бошини Рум шаҳрина қараб буриб, учиб бадар гетти. Оно Гўрўғли ичон гирди, Паризодни гўрди. Гўрўғлини вахти хўш, кейпи чоғ. Қани Гўрўғли сан бугун ҳар гункига ўхшамийсан, на хўш хавор тўвиб галдинг деянда, Гўрўғли Хирмондалидан галган саломномани баён қилиб, Паризода қараб айтиб бурғон сўзи:

*Арзимни эшитгил сан Паризодим,*
*Биза севар ёрдан салом галибди.*
*Ўзина сиғиндим эшитсин додим,*
*Биза арка ёрдан салом галибди.*

## САЛОМ ГАЛИБДИ
(Кўр қиз)

**М.М. ♩ = 104-108**




[1] Орёнини – нариёғини.


www.ziyouz.com kutubxonasi


ёр-дан са-лом га-либ-ди (ей)
Ў-зи-на си-ғиндим эшитсин до-дим, биза бир ар-
қўша-қўша хо-лин-нан,
Арслонбойнинг қизи Хирмон-далидан, биза дали
кадин салом галибди (ей) Оҳ ёр (эй) одингнан
қиздан салом галибди (ей) Оҳ ёр (эй) одингнан
Са-ло-ми гал-ган сўнг бормасам бўл-мас, муборак жа-
молин гўрмасам бўл-мас,
қизил гулларин-нан термасам бўлмас,
Биза севар
ёр-дан са-лом га-либ-ди оҳ ёр (ей) жо-нинг-нан
Ман гетарман гет-ма-сима гумон йўқ, Ғўч йигита яхшилик бор ёмон йўқ,




Арзимни эшитгил сан Паризодим,
Биза севар ёрдан салом галибди.
Ўзина сиғиндим эшитсин додим,
Биза арка ёрдам салом галибди.

Ўта билмам ола тоғнинг қориннан,
Оқ юзинда қўша-қўша холиннан,
Арслонбойнинг қизи Хирмондалидан,
Биза Дали қиздан салом галибди.

Саломи галган сўнг бормасам бўлмас,
Муборак жамолин гўрмасам бўлмас,
Қизил гуллариннан термасам бўлмас,
Биза севар ёрдан салом галибди.

Ман гетарман гетмасима гумон йўқ,
Ғўч йигита яхшилик бор ёмон йўқ,
Бу ўлкада онинг каби жанон йўқ,
Биза севар ёрдан салом галибди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўрўғлибек ўзи галсин дейибдур,
Ўзи галиб мани олсин дейибдур,
Уч юз олтмиш калла касиб қўйибдур,
Биза бир аркадин салом галибди.

дади. Паризод айтдики: эй Гўрўғли султон, ё хоннан, ё сипойидан галган ховор амас акан, ўзи бир қиз боладан галган хавор акан, уни учун бера гирмак нага гарак ади, мани билан генгашмак нага гарак ади. Хамма бўложоқ гапни санга кампир айтқон акан шу саломномани апкалган кампир билан бирга гетавармапсан, дади. Инди на бўлса ман билан гаплашдинг гетма, агар гетсанг уч юз олтмиш биринчи калла саники бўлади, даб Паризод Гўрўғлига қайтарув бариб, маслаҳат солиб айтиб дурган сўзи:

*Ҳаромийлик ғўч йигита ярашмас,*
*Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.*
*У қонҳўр қиз аҳволингга қарашмас,*
*Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.*

## ГЕТМА ГЎРЎҒЛИ

(Гуландом)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Харомийлик ғўч йигита ярашмас,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.
У қонҳўр қиз аҳволингга қарашмас,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.

Уч юз олтмиш бахши, полвон борондур,
Айтишиб, тутишиб бари ўландур,
Индики омонат санга қоландур,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.

Муннан борсанг шаҳри Бўстон бориб гет,
Ҳақ ёдини юрагингга солиб гет,
Ошиқ Ойдин Пирдан дуо олиб гет,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.

Оға Юнус гетма дейиб зор йиғлар,
Харомийлик ғўч йигитни хўр айлар,
Босар йиқар кенг жаҳонни тор айлар,
Олсанг насиҳатим гетма Гўрўғли.

дади. Гўрўғли айтди: эй Паризод, бир қиз бола мани одим учун, оврейим учун олтмиш гунлик йўлдан саломнома юборсаю ман унга бормин қолсам, мунинг ёли номардчилик ер юзинда бўлмас, дади. Ҳар қачон ғўч йигита яхшилик бўлади ёмонлиқ бўлмийди, ўзи мани юбармак санга ёқмин дурибди билиб дурибман, дади. Паризодни сўзина қулоқ осмасдан дешон чиқиб Ғиротни ёнина борса кампир нерда биров нерда. Қани шум кампир, сан гетавар қани, сани изингнан етиб бўлмасми акан? даб, Ғиротни эгарлаб, юганлаб, жуп айилни ҳам маҳкамлаб, босди Ғирота қамчини, мастда ақл йўқ деганларидин қирқ гун боқувда дурған Ғирот оғзиннан кўпик сочиб, ерни танобини тортиб борётир-да. Ҳали етарман, инди етарман, етмак нерда, биров нерда. Кампирни изи кам-кам кўналиб бораварди.

Оно кампир Гўрўғлидан уч гун аввал борди. Галиб салом алик аткандан кейин, Хирмондали сўради: қани момо бордингми? бордим. Галдингми? галдим. Гўрўғлини гўрдингми? гўрдим. Ничик йигит акан? шу айтқанимнан ҳам шойи юқори акан, дади. Аса вуни қадди қоматини бир таъриф ат, ўз гўззим билан гўргандин бўлин, ман қистониб ўтирибман дади. Санга қизим Гўрўғлини таъриф атсам: ёғиннласроқдан галган чигилласироқ[1], ёғинниси оштахтадин, билаклари дигирдин[2], бўйинлари кундадин[3], ўзи ҳам ўрта бўйлироқ, саққоллари катман саққол, бурутлари[4] товланиб-товланиб осмона қараб қайтиб дурғон, юзларина полов суви барилгандин, иш қилиб сани кўнглингдаги йигит шу қизим. Агар насибанг қўшилиб сани олақўйса, сан ҳам унга борақўйсанг, шу бир мўми-ҳожатингни чиқорожоқ йигит акан, дади. Ву айтқанинг дўғри бўладувин бўлса момо, ман уч юз олтмишини калласини касиб мап[5] топмадим, дади. Гўрўғли галса айтишмоқни ҳам қўяман, тутишмоқни ҳам қўяман, арк-ихтиёрни бариб ўтираварамаман, дади. Қизим нишатсанг ўзинг биласан, ёнқи, геткан вахтимда айткан бир сўзинг бор ади, яна бararман юз тилло, давадинг. Агар шуни барсанг ман инди қайтсам, дади. Момо ву вада қилғон юз тиллони оласан. Лекин, айтқанинг дўғри вўладовун бўлса, бир ботир ғўч йигит акан, манам ўн едди, ўн саккиз ёша чиққанчалли танамни бурга чақмасдан, бировдан дакки гўрмасдан ўсган қизман. Гўрўғли галса гаппимиз жуп тушиб гетса гетти, борди-галди тоқ тушиб гетса санингдин бир қарри гарак вўлиб қолади, дади. Вунингдин вўлманг, мунингдин вўлманг, даб маслаҳат вармака, дади. Хирмонжон қизим, ўзима муносиб бир йигит тўвиб бар дадинг, тўвиб бардимми? бардим. Олиб галиб бар дадинг, қарри ҳолима бориб олиб галиб бардим. Инди ман сани алингнан тутиб, уни алиннан тутиб иккингни қужоқлаштириб бир кўрпага солиб гетиб билмийман, дади. Орёнда[6] тоқ

[1] Ёғилласироқдан галган чигилласроқ – кенг елкали, чайир.
[2] Дигир – жувозни ўқи.
[3] Кунда – омочни йўғон жойи маъносида.
[4] Бурутлари – мўйловлари.
[5] Мап – фойда.
[6] Орёнда – нариёғида.


www.ziyouz.com kutubxonasi

тушасанми? жуп тушасанми? ўзинг биласан, дади. Эй момо гапни касдинг, олло ёринг вўлсин даб, юз тиллони вариб, момосини узатди. Оно Хирмондали момодан бу сўзни эшитгандан кейин, вахти хўш бўлиб, канизлара боғни ичини сийдириб, супуртириб, ҳовузни даваракларина сувлони сапдириб, боғни дорвазасиначалли ғоли-гиламларни поёндоз қилиб дўшатиб, ҳамма канизларина жувоб бариб, биргина сирдош маҳрам канизини опқолиб, ҳовузни бўйинда ўзи ҳам бир камсиз гийиниб ўтираварди, Гўрўғлини галишини кутиб. Оно Гўрўғли ҳам галаётир, бу қиз мани олтмиш гунлик йўлдан чақиртириб олётир, бир чақирим, икки чақирим йўлима чиқиб дурмасми акан? даб. Боғни дорвазасина галинчалли муни ўнггина чиққан одам бўлғони йўқ. Оно дорвазани Ғирота қоқтириб очиб ичон гириб гетаварди, гиламни усти билан Ғиротни қўйибаварди. Ғирот ўтган жойи потти-палак бўлиб учиб гетиб борётир. Узоқдан муни гўрган Хирмондали айтди: Ўзи бахтим галмаган акан-ов. Бўлмаса бу ҳам икки одам салом барса учинчисини саломини гўтаравулмидовун енгил калла жилли ўхшийдиёв, дади. Агар ман борсам мани ҳам уриб ўлдирар бу, дади. Қори галиб ёнбош бурилиб ўтирғон ади. Узоқдан бод олиб галган Ғирот жиловини чактирмасдан қизни дўғрисина галиб, ҳовузни даварагини дўққиз ойланиб зўрдан ҳо онувиндин ерда тўхтаб салом йўқ, алик йўқ орқадан дуторини қоқиб олиб, жиловни эгарни қошина илдириб, қиздан сув сўраган киши вўлиб бир сўз айтди (иккисини савол жавоби):

*Сув бўйинда дурган гўзал,*
*Нозли бир сув бар ичали.*
*Тар хиноли қўлларингнан,*
*Қиз, жувон сув бар ичали.*

## СУВ БАР ИЧАЛИ

(Илғор I)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Г. Сув бўйинда дурган гўзал,
Нозли бир сув бар ичали.
Тар хиноли қўлларингнан,
Қиз, жувон сув бар ичали.

Х. Ховуз бўйинда хайр бўлмас,
Туш ўзинг сувдан ичавар.
Ҳар тулки, шағал Шер ўлмас,
Туш ўзинг сувдан ичавар.

Г. Алмудом Дарбанд сақладим,
Ўйинга ўзни чоғладим,
Сангингдек гўзал йўқладим,
Нозли бир сув бар ичали.

Х. Сувимни бармарам ёта,
Сангингдек кўпдур дунёда,
Зотинг туркман яна бекзода,
Туш ўзинг сувдан ичавар.

Г. Ола доғдан оша билмам,
Ғаним гўрсам жўша билмам,
Ман бир хаста туша билмам,
Нозли бир сув бар ичали.

Х. Ошиғ вўлғон қондан ўтар,
Ёрининг чап белин тутар,
Хаста одам уйда ётар,
Туш ўзинг сувдан ичавар.

Г. Гўрўғли галдим мастона,
Амсам лабинг қона-қона,
Нозли ёр этма баҳона,
Гул Хирмон сув бар ичали.

Х. Биза Хирмондали дерлар,
Икки гўззингни ўярлар,
Этингни хомлай еярлар,
Дурма бу ердан қочавар.
Туш ўзинг сувдан ичавар.

дади. Оно айтишувда Гўрўғли енгилди. Қиз айтди: айтишқанда енгган кишимни, тутишқанда йиққан кишимни калласини олар адим. Лекин, муни олтмиш гунлик йўлдан одам ювариб чақиртириб олдим, шунинг учун меймон сийлови бўлсин, енггилганини билиб изина қайтиб гетаварар даб ўйлаб канизини чақирди дон, узоқ йўл юриб галган, чўллаган бўлса, чўллагандир,


www.ziyouz.com kutubxonasi

шунга бир сув бар, дади. Каниз кумуш жомда сувдан аккалиб узатқан вахтинда, Гўрўғли қори галиб, қамчини дастаси билан шаранглатиб урибарди. жом бир ёна гетти, сув бир ёна гетти. Қиз айтди: инди ўзимни сув бармаганим учун муни қори галди. Ўзим ичадовун олтин пиёлада шунга бир сув барин даб, пиёлани аккалмак учун ўрниннан туриб кўшк томон бурилиб гетиб борётирғон вахтинда, Гўрўғлига қизни бу аткан қилиғи қатти ботти. Ҳов бу қиз мани олтмиш гунлик йўлдан чақиртириб олиб, галдингми? йўқ. отдан тушсанг отни тутин йўқ, эй Гўрўғли сани ота-бовангга мерос амасми? чоповул солавармак, қиз олиб қочавармак, олиб бориб йигитлаина баравармак даб, шу хиёл билан қизни гўтариб отни алдина босиб опқочиб гетаман-қу даб хаёл атиб, изиннан бориб, белиннан тутиб ўзина қараб торткан вахтинда, сирп[1] қиз қилт[2] атмади. Иккинчи газик[3] тамоми гуч-қувватини бир ера йиғнаб, ўн саккиз ўрим сочини ҳам белина чўлғаб-чўлғаб тортқан вахтинда, ўн саккиз аршин галадовўн Ғиротни туёқи бир ярим қарич ера гириб гетти. Оно Гўрўғлини бу аткан ишина Хирмондалини қори галиб, ўнгарилиб[4] олавариб, Гўрўғлини Ғиротни устиннан даст гўтариб, каллани устинда ғир-ғир айлантириб урди ерни юзина чакиб, ирғиб[5] сийнасина минди. Санга яхшилик ярашмас акан, инди сани ўлдирмасам бўлмас даб, бўйнина ханжар қўйиган вахтинда, Гўрўғли Хирмондалини тейинда ётқон еринда аввал қаҳ-қаҳ уриб бир гулди, изиннан ҳам оҳ тортиб йиғлади. Хирмондали айтди: ўзи устингда ажал мағалдак[6] отиб дурибди, сан гуласан, изиннан ҳам йиғлийсан, мардми акан дасам номард акансан-ов, дади. Гўрўғли айтди: гулганимни бойиси, Гўрўғли ном қозониб, олмаган қалъам, чоповулламаган подшоҳим қолмади. Галиб-галиб бир ночорни тейинда ётканима гулдим, дади. Йиғлағанимни бойиси, агар ҳозир мани ўлдирадовун бўлсанг, изимда оға даб йиғлаша иним, ота даб йиғлаша зурриёдим йўқ, рўвим гадо вўлиб қолиб гетиб борётир, дади. Ночор киши амасми? гўззина жиққа ёш галиб кўнгли бўшаб дураварди. Яхши ман сани ўлдирмийман, меймон сийлоғ бўлсин. Лекин, ўлимингни алдиннан гўззингга налар гўринган ади, шуни таъриф атиб бир сўз айтавўласанми? дади. Айтаман, дади Гўрўғли. Аласа[7] айт, дади. Агар айтадовун бўлсам ман ўрнимнан турин, дади. Йўқ шу ётқанерингда айт, дади. Ахир сан кўкракни оғзинда ўтирибсан, аса сал орроқ[8] суйиш[9] дади. Хирмондали тўрт бармоқ орроқ суйишди. Яна ҳам орроқ даб, Гўрўғлини ётқон еринда айтқон сўзи:

*Хўжа доғларнинг устинда,*
*Намли-намли қор гўринди.*
*Мани бу дали кўнглима,*
*Жаллод гўзли ёр гўринди.*

## ГЎРИНДИ




[1] Сирп – бақувват.
[2] Қилт атмади – қимир этмади.
[3] Газик – марта, яна бир бора.
[4] Ўнгарилиб – ўнгланиб.
[5] Ирғиб – сакраб.
[6] Мағалдак – умбалоқ.
[7] Аласа – бўлмаса, йўқса.
[8] Орроқ – нарироқ.
[9] Суйиш – сурил.


www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Хўжа доғларнинг устинда,
Намли-намли қор гўринди.
Мани бу дали кўнглима,
Жаллод гўзли ёр гўринди.

Галдим доғдан оша-оша,
Кўп ерларда душа-душа,
Ёр сийнангда қўша-қўша,
Ал деймайан нор гўринди.

Олмадим ёрим пандини,
Аммадим лабинг қандини,
Чап ростли ёқанг бандини,
Очсам бир бозор гўринди.

Қийилган қалам қошларинг,
Писта дахан дишларинг,
Ўн саккиз ўрим сочларинг,
Гўё зулфи мор гўринди.

Гўрўғли дер манам-манам,
Фоний дунёда маст газам,
Жафою-жабрингга дузам,
Дунё гўзга тор гўринди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

дади. Гўрўғлини бу сўзиннан кейин Хирмондали айтди: Гўрўғли султон инди сани ман ўлимдан озод қиламан. Қани мани таъриф атиб ҳам бир шеър айтавўласанми?[1] дади. Айтсам айтин дади, Гўрўғли. Оно бу сани таърифинг даб, Хирмондалига қараб айтқан сўзи:

*Бир сўзим бор нозли дилбар,*
*Айтсам санга дона-дона.*
*Ёр лабингдан бир бўса бар,*
*Амсам лабинг қона-қона.*

## ҚОНА-ҚОНА

(Ширвоний I)




[1] Айтавўласанми – айта оласанми?



www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi



Бир сўзим бор нозли дилбар,
Айтсам санга дона-дона.
Ёр лабингдан бир бўса бар,
Амсам лабинг қона-қона.

Эрлар галар эрмакина,
Жуп бўсалар бармакина,
Олтин юзик бармоқина,
Ўтлар солди ширин жона.

Гуллар шохасини эгди.
Ёрим рахмат нурин сочди,
Ёр сийнангга сийнам дейди,
Кўйнинг жаннатдур гумона.

Гўрўғлидур манинг одим,
Ҳаққа етсин чин фарёдим,
Бир бўса бар паризодим,
Амсам лабинг қона-қона.

дади. Кейин ўрниннан туриб айтдики: Қани инди ман гетавараманми? гетаварасан, дади Хирмондали. Ахир сан айтишдинг енгилдинг, тутишдинг, йиқилдинг, дади. Санга ё сотин[1] олмийсан, деҳқончилик, ҳар ён чаккангдан дўққиз жупдан ўн саккиз жуп бўса барсанг кейин гетсам бўлмасми акан? дади. Эй Гўрўғли султон, ман санга бутун аъзойи-андомимни бахш атажак адим, ахир яна айтин айтишдинг енгилдинг, тутишдинг, йиқилдинг. Шунинг учун гетаварасан, дади. Оно айтишқанда енгилган, тутишқанда йиқилған одамни ҳоли ўзингиза маълум, галгандаги олтмиш гунлик йўлни қирқ гунда босиб ўтди. Ғиротни дешон бойлаб, ичон гирди. Паризодни ёнина борди. Салом-аликдан кейин Паризод сўради: қани Гўрўғли султон бордингми? бордим, галдингми? галдим. Қани Хирмондалини гўрдингми? гўрдим. На ишлани бошшини чотиб[2] галдинг, бир таъриф ат, дади. Эй Паризод, Хирмондалини гўрмак учун гўз гарак, таърифина сўз гарак, дади. Оқ оппоқдан галган, бодом қопоқ, юпқа дўдоқ[3] турна бўйинли, қуён сағрили, қошқолдоқ гўзли[4] эран дузли бир қиз акан. Гўзларина сурма суртилган, қошларина ўсма тортилган, қўлларина хино ёқилғон. Сув ичса халқуминнан гўринади, гашир[5] еса биқинниннан гўринади. Шундин қизни ман айтишдим енгдим, тутишдим йиқдим. инди ҳамма гап санда, ҳаммасини никоҳа қаратиб қўйиб галдим, дади. Қолғанини санга соз билан айтин даб, қўлина созини олиб таърифланиб дуриб айтқон сўзи:

*Муннан бордим Румстона,*
*Баланд доғдан ошиб галдим.*
*Ғиротим суриб мастона,*
*Қанот бойлаб учиб галдим.*

---

[1] Сотин – сотиб, пулга.
[2] Чотиб – бойлаб, йўлга қўйиб.
[3] Дўдоқ – лаб.
[4] Қошқолдоқ – қуш тури.
[5] Гашир – сабзи.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГАЛДИМ

(Раҳм ила)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Муннан бордим Румстона,
Баланд доғдан ошиб галдим.
Ғиротим суриб мастона,
Қанот бойлаб учиб галдим.

Бир ёрни ёнина бордим,
Завқи сафосини сурдим,
Хирмондали қизни гўрдим,
Молдан бошдан гечиб галдим.

Бир ёр тутдим Рум элиннан,
Қучмишам нозик белиннан,
Коса барди оқ қўлиннан,
Гулгун шароб ичиб галдим.

Один айтсам Дали Хирмон,
Ҳар бир сўзи дарда дармон,
Гўрўғлида йўқдур армон,
Жаннат йўлин очиб галдим.

дади. Оно Паризод дунёда бўлётирган ва индиқи бўложоқ гап-сўзларни ўз диннoқина қараб ойнада гўргандин гўриб ўтирадовун ади. Гўрўғлини нишатиб галганини Паризод яхши биладовун бўлса ҳам билмасликка олиб, Гўрўғли султон сан ёмон гетиб махтандинг, ман чиқиб сани бир отингни гўрин, агар отинг чоғ бўлса гаппинг дўғрилиқи, агар Ғирот ночоғ бўлса мани алдаганинг бўлади, даб дешон чиқиб Ғиротни ёнина борса, эгаси айтишқанда енгилган, тутишқанда йиқилган отни ҳоли ўзинггиза маълум, бошини туман солиб, гўззиннан ёш дўкиб дурвади. Паризод Ғиротни бу аҳволда гўриб, ичон гириб Гўрўғлига қараб: Баланд доғдан ошиб галдим, жаннат йўлин очиб галдим деганнан гўра, бир ночордан босқи гўриб қўрқа-қўрқа қочиб галдим дасанг бўлмими? даб, Гўрўғлиға қараб айтиб дурғон сўзи:

*Илғора гетканда ёлғон сўз бўлмас,*
*Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг*[1].
*Дўст бўлғон дўстиннан сирин гизламас*[2].
*Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.*

**ГАЛДИНГ**
(Эшвой)




[1] Ероли – ўксиган маъносида. ЎХМ нинг XI жилд 419 бетида «Одинг носоқ» – ёмон отлиқ, деб берилган.
[2] Гизламас – бекитмас.


www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Илғора гетканда ёлғон сўз бўлмас,
Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.
Дўст бўлғон дўстиннан сирин гизламас.
Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.

Муннан гетиб бейик доғдан ошибсан,
Қизни гўриб ақли ҳушдан чошибсан[1],
Бир ночорни ошоқина[2] тушибсан,
Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.

Жайхун дарё киби дўлиб дошибсан,
Уни гўриб молдан бошдан гечибсан,
Қутлуғ бўлсин хийла билан қочибсан,
Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.

Аввал Паризодни пандин олмадинг,
Чанди белдан шаҳри Бўстон бормадинг,
Ошиқ Ойдин пирдан дуо олмадинг,
Отинг ночор ўзинг ёроли галдинг.

---

[1] Чошибсан – айнибсан.
[2] Ошоқина – пастига, тагига.


www.ziyouz.com kutubxonasi

дади. Аввал дўғри ўтириб эгри сўллаган Гўрўғли, бу сафар эгри ўтириб дўғрисини сўллади.

Оно Гўрўғли беш-ўн гун дамини олди. Аммо кўнгли тинчимади. Гўрўғлини Мерим, Қамбаржон деган икки шогирди вор ади. Бахшилик сир-асрорлариннан огоҳ бўлған йигитлардан адилар. Гўрўғли уларни чақириб айтдики: Меримжон, Қамбаржон, ман шу Рум шаҳриннан галётир аканман, йўлда бир овли, кийикли, файзли жойни устиннан чиқдим. Унга учимиз гетиб бир ой, қирқ гун бўлиб бир ов-овлаб, кийик қовлаб галамиз, даб шогирдларини олиб, яна Румстона қараб отланди. Бир оз йўл юрганларидан кейин Қамбаржон сўради: қани оға ҳали дошми?[1], ҳов дапани орқасинда, дади. У дападан ўтдилар. Меримжон сўради: қани оға ҳали узоқми? кейинги дапани гўрсатти шуни орқасинда, даб. Шундин атиб, вўра борса верда дади, бера борса берда дади[2]. Уларни йўл юрдириб, йўл юрса ҳам мўл юрдириб Хирмондалини боғини қибло ёнидаги нарвонни[3] тейина олиб борди. Шу ера қўш ташаб дам-динчларини[4] олганнан кейин Гўрўғли Қамбаржона қараб: сан шу боға гир, мейваларинннан ўзинг ҳам е яхшисиннан бизлара ҳам апкал, даб Қамбаржонни Хирмондалини боғина гиргизиб юварди. Қамбаржон боға гирса, ҳар дулли мейвалар пишган, пот-пот ера тушган. Олма-анжирни ботмонини екка шойидан[5] оложоқ ҳеч ким йўқ. Қамбаржонни яхшидан-яхшига гўззи тушиб еб, емаганини тишлаб ташаб, бу ҳам оғама даб хуржунина солиб юрган вахтинда, Хирмондалини боғини сақлаб юрган уч юз олтмиш чўри каниз бор ади. Улар қараса бир йигит яхшидан-яхшини сайлаб еб, емаганини тишлаб ташлаб ву ҳам етмагандай бу ҳам оғама даб сейлаб-сейлаб хуржуна солиб юрибди. Қамбаржон юқори шохдаки нақшли бир олмани оламан, олиб оғаси учун хуржуна соламан деганида олмани шохи узилиб гетти, оно Қамбаржонни устинда қизлар йиғилиб гетти. Потирдатиб босиб, қўл оёғини боғлаб Хирмондалини ёнина апкалдилар. Хирмондали сўради: қани ўғлон на кора[6] одамсан? бахшимисан, ошиқмисан, шоирмисан кимсан?. Ошиқман дади. Кима ошиқсан? дади. Санга ошиқман дади. Қани бир нома айт, сани созингнан, сўзингнан кима ошиқ аканингни билиб оламан, деянда, Қамбаржон қўлина созини олиб, Хирмондалига қараб айтиб дурғон сўзи:

*Қурбонинг бўлайин гул юзли жонон,*
*Муборак жамолинг гўрмака галдим.*
*Олибсан сабримни йўқдур қарорим,*
*Бу ширин жонимни бармака галдим.*

## ГЎРМАКА ГАЛДИМ

(Сарвигул II)




[1] Дошми – узоқми?
[2] Вўра борса, бера борса – у ёққа, бу ёққа.
[3] Нарвонни – чинорни.
[4] Дам-динч – дам-тинч.
[5] Ботмон – оғирлик ўлчови, екка шойи-бир шойи (пул бирлиги).
[6] Накора – нима иш қиладиган.


www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурбонинг бўлайин гул юзли жонон,
Муборак жамолинг гўрмака галдим.
Олибсан сабримни йўқдур қарорим,
Бу ширин жонимни бармака галдим.

Бир шикаста узоқ йўлдан галандур,
Од овозанг бу олама дўландур,
Уч юз олтмиш ошиқ галиб ўландур,
Улар каби жоним бармака галдим.

Сан парисан ғазаб билан қоринг[1] бор,
Ман билмадим нична ерда ёринг бор.
Оқ сийнангда қўша-қўша норинг бор,
Шул қўша норингни тутмака галдим.

Сан парисан бизнинг билан қоринг бор,
Ман билмадим неча ерда ёринг бор,
Оқ юзингда қўша-қўша холинг бор,
Қўша холларингни гўрмака галдим.

Ошиқ Қамбар ошиқ бўлдим одинга,
Қизларни подшоси еткил додима,
Сиғиниб галмишам Пир устодима,
Муборак жамолинг гўрмака галдим.

дади. Оно Хирмондалига ғамбаржонни «Ман билмадим нична ерда ёринг бор» деган сўзи қатти ботди. Канизлар шу йигитни кўнглина бир ёр тушибди. Уни бир уйга солиб банд атинг. Шу ерда ётса-ётсин, турса-турсин, бу дади.

Оно инди сўзни Гўрўғлидан эшитинг. Гўрўғли ўтирар-турар, ғамбаржонни йўлина қарар. Галавармагандан кейин, ёнқи Меримжон деган шогирдини чақириб, сан боға гир-дон Қамбаржоннан бир хавор тут. У ҳали боғнинг меваларининнан қорнини дўйдириб, бир соя-салқин ердан жой топқан бўлса, ухлаб қолғандир, даб Меримжонни боға гиргизиб юварди. Оно Меримжон боға гирса ҳамма ёқ ёп-ёруғ, оғочлар торошмон бўлиб, қурваққалар мироб бўлиб, бир-бириннан сероб бўлиб, гунни шовқи гула тушиб, гулни завқи гуна тушиб, ажаб бир лолазорлиқни гўриб, ҳай, сан ўзингга дак боғ эмассан, сани бир балойинг бўлмаса яхши даб, қўрқоқ одам ўзингиза маълум, икки ёнина ялт-юлт қараб, мевалардан териб, газиб юраварсин, индики сўзни канизлардан эшитинг. Чўри-канизлар Қамбаржонни банд атиб, яна боғ томона чиқиб гўрсалар, яна бир йигит газиб юрибди. ҳов, бу боғда инди одам гўкармакка қарадими? Даб, давараклаб ҳалқа бўлиб галавардилар. Уларни галётирғанлиқларини гўриб, Меримжон ҳам дорвозаға қараб гўтарди ўкчани. Ёзни гуни якка гўйнак билан газиб юрган чўри-канизлар атакини кирмакина қистириб, сочларини силкилдатишиб, еб-ичиб маст бўлиб юрган канизлар изиннан тушди-дон дорвозаға етирмин муни ҳам ғабирдатиб босиб, Меримжон шулони қўлина тушди. Утмалаб, чакалаб, ҳар қайси бир ериннан тутиб, оёқини ера илдирмасдан «хон гўтаргандин» гўтариб, Хирмондалини алдина олиб бориб туширдилар. Биви, инди сани боғингда мевали дарахтни орасинда одам ҳам гўкармакка қаради, даб бир-оз гулишдилар. Хирмондали айтдики, ҳов ўғлон қани бахшимисан, ошиқмисан, кимсан? Дади. Меримжон ошиқман, дади. Бахшичилиқдан хаваринг борми? Оз-кам бор. Қани қўлингдаги дуторинг билан айт бир нома, сани кима ошиқ аканингни ўзим билиб оламан деянда, Меримжонни Хирмондалига қараб айтиб дурған сўзи:

*(Достонни шундан кейинги давоми Отахон бахши Матёқубов ижро этган намунадан ёзиб олинди)*

[1] Қоринг – қаҳринг.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**БЎЛАРМИ**
(Оқсоқ зоринжи)

Булбул қўнади бу дола,
Термакка гуллар бўларми?
Қарасам ман соғу-сўла,
Қочмоққа йўллар бўларми?

Қурбонман қалам қошингнан,
Писта даҳандай дишингнан,
Нозли ёр сани бошингнан,
Ўтмакка еллар бўларми?

Қурбонман қаро гўззингга,
Шаккардан ширин сўзинга,
Бўса олсам оқ юзингнан,
Ўпмакка холлар бўларми?

Ҳақ берган шаробни ичсам,
Мавлон қанот барса учсам,
Гоҳи ўпсам, гоҳи қучсам,
Қучмаққа беллар бўларми?

Галмишам сани зорингнан,
Ўлмишам ғазаб қорингнан,
Қўша-қўша анорингнан,
Тутмаққа қўллар бўларми?

Мерим айтар бўлдим адо,
Сийнам узра кўпдур яро,
Зорлар қилсам сандай ёра,
Ярама малҳам бўларми?

Меримжон бу сўзини тамом қилғаннан кейин, Хирмондали айтди: ҳў бу ўғлоннинг ярасина малҳам этиб боғнинг дешонина опчиқинглар. Боғнинг дешониндаги уч йўлнинг бандаргоҳина бошши ошоқ, оёғи юқори гўмиб, дерисина сомон диқиб, дарвозадан осинглар, дади. Канизлар Меримжонга ёпишдилар. Меримжон шумроқ ади. Қизлар олиб борётирғанда ўйланди: шулара бир ялинсам, хушомад қилсам, раҳмлари галмасмикан даб, созини алина тутиб бир ғазал айтди:

**ОЗОД АЙЛАНГ ПАРИЛАР**
(Кўр қиз)

Ғофил бўлиб тушдим сани қўлинга,
Бугун бизни озод айланг парилар.
Мани сизлар қўйиб яринг йўлима,
Бугун бизни озод айланг парилар.

Қўлимни боғлама кўзлари мастон,
Сизлар билан боғни айлайин сайрон,
Қамбар иккимизни айламанг ҳайрон,
Бугун бизни озод айланг парилар.

Мен йиғласам ҳақ эшитар зоримни,
Ёд этарман Шоҳимардон пиримни,
Гўрўғлибек галса қирар барингни,
Бугун бизни озод айланг парилар.

Бир оҳ чексам арша етар фарёдим,
Анда эшитар оллоҳ-таоло арз-додим,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Юбормасанг ҳали галар устодим,
Бугун бизни озод айланг парилар.

Меҳром ўзи бир худоға зор этди,
Хирмондали ғазаб билан қор этди,
Ҳақ таоло жумла олам яратди,
Бугун бизни озод айланг парилар.

Канизлар билдиларки, булар Гўрўғлининг шогирдлари. Агар ўлдирсак, Гўрўғли галиб, бизлардан ўчини олса яхши бўлмас, даб ўғлонлардан бир жуфтдан бўса олиб, алларини ечиб уларни озод этдилар.

Меримжон билан Қамбаржон қутулғанларина минг-минг шукур қилиб, Гўрўғлини олдина ошиқдилар. Гўрўғли уларни гўриб сўради: ҳў ўғлонлар сийлоғ ничик бўлди? Сийлоғ ёмон бўлмади, орқамиза қирқ, олдимиза қирқ, ҳар ёнбошимиза йигирмадан қамчи еб қайтдиқ, дади шогирдлар.

Бизлани юборган жойинг, Далихиромоннинг боғи экан. Сан бориб айтишиб, қовурғангни шу ерда синдириб геткан экансан. Хирмондалини бизлар билан олажақ акансан, пой олдиқ-ов, дади йигитлар, ҳамда отларға қамчи босиб гетар бўлдилар.

Ҳў Меримжон, ҳў Қамбаржон, дади Гўрўғли, инди бўлмади, шаҳри Бастом бориб, Ошиғ Ойдин пирни топиб, хизматинда бўлиб, фотиҳа олиб қайтали.

Шундай қилиб, учиси гапни бир жойға қўйиб, шаҳри Бастом томонга йўлга равона бўлдилар. 40 гун йўл юриб Бастом шаҳрина етиб, Ошиғ Ойдиннинг маконини топдилар. Қарасалар меҳробни тейинда, бошинда салласи, эгнинда малласи, алинда тасбеҳи, бир чол ўтирибди.

Бобо, Ошиғ Ойдин пир қани, дади Гўрўғли. Ошиғ Ойдинни натасан[1], дади чол. Ошиғ Ойдиннан беш калима сўз сўрийман, сўзима жавоб барса сўфиси бўламан, агар жавоб бармаса ундан пир тугул тир ҳам чиқмас, дади Гўрўғли. Бу чол Ошиғ Ойдинни ўзи ади. У сал аччиқланди. Болам беадаблик қилма. Сўзингни айтавар, Ошиғ Ойдин жавоб бармаса, ман жавоб бараман, дади. Шунда Гўрўғлининг соз чалиб, сўз айтиб турған жойи:

**НАДИР**
(Ширвоний I)

Гўрўғли — Кўкдан энган беш нарсанинг
Боши надир, сари надир.
Тўрти тилли, бири тилсиз,
Устиндаги пари надир.

Ошиқ Ойдин — Кўкдан энган беш нарсанинг,
Аввал боши бисмиллодир.
Тўрт китобнинг бири Кишвар,
Бири Жабройил паридир.

Гўрўғли — Ул кимса жам бўлған ерда,
Дарвешлар ўлтирар тўрда,
Чилтанлар жам бўлған ерда,
Тилининг азбари надур.

Ошиқ Ойдин — Эранлар ўлтирар тўрда,
Маърифат сочарлар юрта,
Қирқ чилтан жам бўлған ерда,
Ҳақнинг лутфи азбаридур.

Гўрўғли — Беш-бешдан юқори масжид,
Масжиднинг меҳроби надур?
Онинг ичиндаги мурғин,
Оти надур ими надур?

Ошиқ Ойдин — Беш-бешдан юқори масжид,
Масжиднинг меҳроби бирдир.

[1] Натасан — нима қиласан.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Онинг ичиндаги мурғин,
Оти кафтда ими нурдир.

Гўрўғли Ул кимса онадан бўлди,
Отасина никоҳ қилди,
Равшан деяр насл қолди,
Эри надур, зани надур.

Ошиқ Ойдин Ойдин айтур ёнди жоним,
Ҳаққа етишди афғоним,
Одам ато Ҳова онанинг
Ҳам отаси, ҳам эридур.

Бу сўз тамом бўлғаннан кейин, Ошиғ Ойдин пир, 360 сўфисининг ёшуллиси калантар сўфини ёнина чақириб айтдики, сўфиларнинг ҳаммаси чиқсин, дарғазаб бир иш чиқди. Бу занғарни отдан олиб уринг дади. Шу замон сўфилар Гўрўғлини тўрт тарафиннан ёпишиб отдан олиб, тепкилаб урдилар. Гўрўғли уч марта қайта-қайта борди, учисинда ҳам қувиб юбардилар. Сўнг Гўрўғли ўйланиб қолди: -Бу занғарлар манинг тусимни гўриб, сўфиликқа олмаётирлар, гал, бир гийимларимни ўзгартириб, «ясаниброқ» ҳам бориб гўрин, даб Ғиротни ўта боғлади. Қурол-ярогини қумга кўмди. Узун - қисқа 71 чопон гийиб, едди ярим қулоч ҳассани қўлига олиб, Ошиғ Ойдин Пирга салом бариб, гириб галди.

Ошиғ Ойдин пир алик олғаннан кейин, ҳў йигит, кимсан? На иш билан галдинг, даб сўради. Манинг одим Равшан сўпи, эшигингизга сўфичиликқа галдим, дади Гўрўғли. Сан дим ғўч йигит экансан. Сани сўфилара калантар атиб қўяман, дади Ошиқ Ойдин. Бу гап аввалги калантар сўфиға ёқмади. Пирим бу галган одамнинг туси бузуқроқ гўринади, даб шикоят этганига қарамасдан Ошиғ Ойдин шу кишига бўйсунишини буюрди. Сўфиларға калантар бўлиб олған Гўрўғли, ҳамма сўфини олдиға солиб, номозхонаға олиб гетти. Номозхонада ўзи намозни яхши билмаса ҳам унга ундатиб ўқи, бунга бундатиб ўқи даб, сўфиларни жониннан безор қилди. Охири аввалги калантар сўфи Ошиғ Ойдин пирга галиб айтдики: бу одамға бошқа бир иш топиб бермасанг бизларни ўлар ҳолатга олиб галди, дади. Шундан кейин Ошиғ Ойдин 40 қулоч арқон, дастаси етти ярим қулоч кетмон, дастаси етти ярим қулоч айри ёва[1] топиб, Равшан сўфини чақириб айтдики, ҳў калантар сўфи, чўриларимиз ош, нон пиширмака ўтин топаолмай ўтирибдилар. Мана шу қирнинг нарёғида қушгўзи ёнтоқ кўп, ҳар гун гатиравўлганингча 5 – 10 патта ёнтоқ чопиб апгалиш билан машғул бўл, дади. Гўрўғли ажаб бўлғай тақсир даб, арқонни белина, ёва билан катманни эйнина отиб, намоз вақти гетиб намозгар вақти бир ярим патта ёнтоқ чопиб қайтди. Эртаси гуни уч ярим патта ўлиб-дирилиб гатирди. Умринда мундай иш атиб гўрмаган Гўрўғли даллаб-пишиб гетти. Сўнгроқ тоблашиб гетиб, гунда 50, 100, кейин 200 паттадан ёнтоқ чопиб галиб, Ошиғ Ойдин пирнинг ёнтоқдан дўлмаған, дошмаған ери қолмади. Бир гуни Гўрўғли ўйланиб қараса, бу ера галганинан буён олти ой ўтиб гетибди. Бирдан сўфилар ёдина тушиб, уларни намоз ўқишини бир текшириб кўрай деб, кетмонни меҳробни тейина қўйиб, ёвани орқасина маҳкам қистириб, намозхонанинг кичкина ёрма қописиннан калласини чиқариб ўтирди. Сўфилар сира намозни бошлийвармадилар, Шунда Гўрўғли ичона гириш учун бир талпинған ади, қопиға сиғмасдан, қопи билан бирга намозхонанинг ўртасина бориб турди. Қопини кучандай бўйнина илдириб турған Равшан сўфини кўрган аввалги калантар сўфи, уни жилли бўлдимикан даб ўйлаб, аввал ёқосини очиб туф-туфлади, сўнг қулочкашлаб калласина бир юумуруқ[2] туширди.

Гўрўғлининг мунга қори галиб, белнинг пуштасидай юумуруқи билан калантар сўфининг бошига бир солди, сўфининг боши сапақи тушган қовундай бўлиб узилиб тушиб, меҳробнинг тейина юмаланиб гириб гетти. Буни гўриб қаҳрина минган сўфилар, алина на илса олиб, унинг бошина солмоқ билан бўлдилар. Гўрўғлининг ҳам жилли хиёли тутиб, ўлган сўфининг икки оёғиннан ушлаб, шу билан сўфиларни уриб юмалатмақа қаради. Бири ўзини эшикка урди, бири дўшикка урди. Бир онгина келиб қараса, бир уюм ўлик ётибди, қолғанлари қочиб қутулди. Гўрўғли ўлганларни тахлаб гўмиб, Меримжон ва Қамбаржонларни излаб гетти.

Энди гапни Ошиқ Ойдин пирдан эшитинг. Ошиқ Ойдин пир бир гежа ётиб душ гўрди. Душинда Далихиромон, унинг канизлари ҳам 40 таноб боғи гириб чиқди. Эрта билан туриб, душини йўрдирмоқчи бўлиб дурғонда, узунли-қисқали бўлиб, сўфилар югуришиб галаварди. Сўфиларни йиғиб, тинчлантириб Ошиқ Ойдин пир уларга душини баён қилиб бир сўз айтди:

**ГАЛДИ**
(Эшвой)

Гежа оқшом ётиб бир аҳвол гўрдим,
Бир пари бошинда жиғоли галди.
Сесганиб уёндим, ўрнимнан турдим,
Қўллари олтиннан асоли галди.

[1] Ёва – паншаҳа.
[2] Юумуруқ – мушт.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирқ чилтан жам бўлиб барди жавобин,
Изларини ўпиб қилдим тавобин,
Бириси дўлдириб барди шаробин,
Бирининг қўлинда пиёла галди.

Андин сўнг яшнади бу жумла-жаҳон,
Бир-бир босиб галди бир моҳитобон,
Шу дамда галмишдур кўнглима гумон,
Лаблари шаккардан мазоли галди.

Ошиқ Ойдин айтар бир ёрни гўрдим,
Ўзи ҳайрон гўззи хунхорни гўрдим,
Яна қирқ парини-пайкарни гўрдим,
Кўнглима бир ёрнинг ҳаёли галди.

Сўфилар бу сўзни эшитиб, ҳар турли томона тортиб гўрдилар. Лекин душни йўриб билмадилар. Уларнинг ичинда уч йилдан бери сўфилик қилиб юрган Карам ўғлон деган бир сўфи бор ади. У айтдики, ў ҳалифам, ман сани душингни йўраман, дади ва алина созини олиб сўз айтмоқ билан бўлди:

**БЎЛАДИР**

(Қирқ минг илғор)

Муборакдир пирим гўрган аҳволинг,
Аввал галган Расулоллоҳ бўладир.
Ҳақ йўл барса баён этай иқболинг,
Сўнгги галган ҳазрат Билол бўладир.

Қирқ чилтан жам бўлиб потё бергандир,
Пирларинг раҳм этиб ҳолинг сўргандир.
Ҳазрат Али галиб дастгир бўлғандир,
Сўнгги галган ҳазрат Али бўладир.

Олтин жиғо сочиб сайрон газгандир,
Адаб билан қош-гўззини сузгандир,
Шунда биза пирим худо ёзғандир,
Ўша галган Далихиромон бўладир.

Ошиқ Карам сўзим баён айларам,
Бу гўрган душингни аён айларам,
Рухсат берсанг санинг билан гетарам,
Буни айтқан Карам ўғлон бўладир.

Бу сўзни эшитгандан кейин, Ошиғ Ойдин пир Далихиромоннинг дарагини топиш билан бўлди. Карам ўғлонни ёнина олиб, хўржунини эйнина отиб, Рум шаҳри қаердасан, даб йўла равона бўлаварди. Қирқ гежа-гундуз йўл юриб, пешин вақти Хирмондалининг боғини ёниннан чиқдилар. Боғнинг ёниннан оқиб ўтадиган ёпдан таҳорат этиб, намозгарни ўқидилар. Ундан кейин Ошиқ Ойдин айтдики, ҳў Карамжон, боғнинг у ён — бу ёнина ўтиб қара, дади. Карамжон аста бориб боғни дарвозасиннан қаради. Шунда Хирмондалининг гўззи Карамжона тушди. Қараса ой деса ой, гун деса гун бир моҳитобон ўғлон яшнаб турибди. ҳў ўғлон, дади Хирмондали. Қайси чаманнинг гулисан? Қайси ошиённинг булбулисан? Қайси гулзордан учиб, қайси ошиёна қўнарсан? Унда Карамжон айтди: ман ошиғман. Нага ошиқсан, дади Хирмондали. Худоға ошиқман, дади Карамжон. Хирмондали шунда на деярини билмай даллаб гетти. Охирида айтдики, қани созингни алинга олиб, бир сўз айт эшитали, дади. Карамжон қўлина созини олиб, Хирмондалига қараб бир сўз айтди:

**ГАЛИБДУР**

(Така нолиш)

Мани сўрсанг галдим Бастом юртиннан,
Карам ўғлон боғ сайрина галибдур.
Боғбон бўлиб терсам тоза гулингнан,
Карам ўғлон боғ сайрина галибдур.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғбон бўлиб боғинг гулин термакка,
Хизмат этиб қуллуғингда турмакка,
Санинг билан завқу сафо сурмакка,
Карам ўғлон боғ сайрина галибдур.

Ошиқ Карам дерлар манинг ўзима,
Сиғинмишам устодимнинг ўзина,
Ошиқ бўлдим онасининг қизина,
Карам ўғлон боғ сайрина галибдур.

Бу сўзни эшитгандан сўнг Хирмондалининг қахри галди. «Онасининг қизина» деган сўзини тушунмай айтдики, ҳў ўғлон «Онасини қизина» деганинг нимаси? ҳам онасина ҳам қизина ошиқ бўлиш қандай бўлади? – даб Карамжонни алиндаги дуторини олиб икки бўлиб синдириб, чаккасина ҳам икки дейизиб, ҳайдаб юборди. Карамжон дуторнинг синиқларини пешина солиб, дастасини қўлина олиб, йўла равона бўлди. Бир қаро гўрдим юриганнан кейин Карамжон ўйланди. Қиздан таёқ едим даб, устоднинг олдина бориш уят, гал яна бир айтишиб гўрин, даб орқасина қайтиб, Далихиромоннинг олдина галиб айтиб дурған сўзи:

**ИЗЛАШАРМИЗ**
(Раҳм айла)

Гал, жононим эшит зорим,
Сабаб надур галди қоринг,
Нега синдирдинг дуторим,
Синган дутор излашармиз.

Ошиқларнинг иши боздур,
Мудомо сухбату-создур,
Ҳижрони кўп висол оздур,
Бир кулиб боқ сўзлашармиз.

Карам ўғлон мани одим,
Худоға етишар додим,
Тонг била галса устодим,
Нар бурғодай дизлашармиз[1].

Бу сўзни эшитгандан кейин Далихиромон бор бу ердан йўқол, бу элларда сани ҳам устозингни ҳам қорасини гўрмайин, даб Карамжонни боғдан чиқариб ҳайдади.

Карамжон майдаланган дуторини бир рўмола ўраб устози ёна галди. Нишатиб галдинг, дади устози. Хирмондали ўзимни уриб, дуторимни синдирди, даб жавоб барди, Карамжон. Ошиғ Ойдин пир рўмолни очиб дуторни синиқларини бир-бирина бирлаштириб бир «исми Аъзам» ўқидики, синқлар бирикиб, дутор устани қўлиннан чиқандай бўлди турди. Ошиғ Ойдин айтдики, ҳў Карамжон эртага шундай бир қўшиқ айтки, жумла олам ҳайрон қолсин, Хирмондали ҳушини йўқотиб, изимиздан юрганини ўзи ҳам билмасин, дади.

Эртаси азон билан устозу-шогирд Далихиромонни кўшкина қараб йўла равона бўлдилар. Боғнинг душина борғанда Карамжон қўшиқ бошлади. Қўшиқдан маст бўлғон булбуллар Карамжоннинг дуторини дастасина қўндилар. Бу овоз Далихиромоннинг қулоғина ҳам етиб бориб, кўнглина жумбурди солди. Ошиғ Ойдин пир айтдики, Карамжон, Хирмондали яқин галаварса бизлар изимиза солиб боғдан узоқлаштираварамиз, дади.

Ана шундин атиб, булар қўшиқ айтиб йўл ошаварди. Хирмондали уларнинг изиннан галаварди. Шу юришда чошгоҳгача юрдилар. Бир вақт бир қабристон гўринди, Ошиғ Ойдин буни гўриб, Карамжонға айтди: мани шу ердаги бир мозора гизлаб, пирим ўлди, даб йиғлаб ўтирасан, дади.

Далихиромон бир вақтлар етиб галса қабристон четинда бир ўғлон йиғлаб ўтирибди. Унга яқин галиб Карамжон эканини билиб, бир сўз айтиб дурған жойи:

[1] Нар бурғодай дизлашарми – эркак туядай тиззалашармиз.
[2] Эйламай – кўп кутдирмай.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОМОНА САН
(Шо кўчди туркманча)

Хирмондали Нега қўрқмадинг одимнан,
Сан на ернинг ўғлонисан.
Айрилдингми устодингнан,
Энди галдинг омона сан.

Деянда шу гўрда яшириниб ётқан Ошиғ Ойдин Пир ўрниннан бирдан туриб, қўлина дуторни олиб, Хирмондалини сўзларина жавоб беради:

Ошиғ Ойдин Ҳақ дейиб чиқмишам гўрдан,
Учраса қочарсан эрдан,
Хабар сўрсанг қарри пирдан,
Яхши тани бобонгни сан.

Х. - Ошиғлиқда йўқдур сийнинг,
Мейдонда дўкилар қонинг,
Эйламай[2] оларман жонинг,
Қани ўқи иймонни сан.

О.О. - Чин ошиқ сўзина бекдир,
Санинг билан якма-якдур,
Бобонгни ҳаёли кўпдур,
Ёздир бугун сийнангни сан.

Х - Гет бобо донишма йироқ,
Гарданингга деяр таёқ,
Ўзинг қарри соққолинг оқ,
Қўл етирма сийнама сан.

О.О.- Арзим бор ёра айтмоқа,
Галиб нориннан тутмақа,
Бобонг галгандир ётмоқа,
Бошла бизни хонанга сан,

Х.- Ман ўзим қизларнинг хони,
Ўлдирдим уч юз полвонни,
Ё гўрибсан Мустафони,
Ошиқларнинг султони сан.

О.О.- Чакдинг парда гул юзлара,
Хирмондурсан кўп қизлара,
Ёшлиқ атарсан бизлара,
Чақир бона момонгни сан.

Х.- Хирмондали қайтдим ройдан,
Юзларим тиниқдур ойдан,
Манга бу ишлар худойдан,
Юргил энди хонама сан.

О.О. - Ёнди ширин жоним ёнди,
Диним Муҳаммад диниди,
Донисанг Ошиқ Ойдинди,
Азиз сақла меҳмонни сан.

Хирмондали айтишувда енгилганига иқрор бўлди ва бобо билан Карамжонни олиб боға галаварди. Қалъанинг четиндаги йўл устинда Хирмондалининг отаси Арслонбойнинг бир дукони бор ади. Арслонбой қизининг бу кишилар билан галишини гўриб, ҳайрон бўлди. Қизим бу девоналарни нера олиб борётирсан? Ахир боғнинг дешониннан бир тир-ярим тир ғалла бариб қайтариб юбараварсанг бўлмийми? – дади. Унда Хирмондали айтди:- ҳў ота, булар девона


www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, танишиб қўй, бу уллиси куёвинг, дади. Иби, галиб-галиб топқанинг шуми? – даб қаҳри галган Арслонбой, Ошиғ Ойдин билан Карам ўғлонни, ура-ура, чишмаган ерини танқадай қилиб ҳайдаб юборди.

Энди хабарни Рум шаҳрини подшосидан эшитинг. Бир куни подшо шикордан қайтиб галётирса, йўлда бир чол ўғли билан йиғлаб ўтирибди. Подшо айтдики, ҳў бобо, на йиғлаб ўтирибсан? Арзимни эшитсанг айтаман, бўлмаса ўтавар, дади чол. Айт арзингни, дади подшо. Юртингда Арслонбой деган бор экан, унинг Далихиромон деган қизи бор акан, айтишиб, гўраш тутиб уч юз олтмиш полвонни енгган экан. Ман галиб айтишиб енгдим, қизи манга хотин бўлишга рози бўлди, отаси мани қарри гўриб, қамчилаб қувди, дади. Подшонинг чолга раҳми галди. Дарров ўн ясавулни тайинлаб айтдики, Арслонбойга бориб айтинг, ўн етти йиллик бож-хирожни тўласин, ё бўлмаса қизини ўз ихтиёрина қўйсин. Агар шу икки шартни ҳам бажармаса боши ўлимда, моли талонда, дади. Ясавуллар йўлға равона бўлаётирғанда, Ошиғ Ойдин ҳам уларга қараб икки калима сўз айтиб дурған экан:

### БАРСИН
(Раҳм айла)

Бориб айтинг Арслонбойга,
Ваъда этган ёрни барсин.
Уч юз олтмиш калла кесган,
Жодугар хунхорни барсин.

Қаландарман галдим ҳақлаб,
Ёрнинг қописини сақлаб,
Уч юз олтмиш нарга юклаб,
Уч уй тўла зарни барсин.

Ойдин сўзин айтар ҳаққа,
Кўнгил қўймас ёр фироққа,
Коса тўла май бермакка,
Хирмондали қизни барсин.

Бу сўзни эшитиб ясавуллар йўлға равона бўлдилар. ҳа дамин Арслонбойнинг уйига етиб, унга айтдиларки, ҳў Арслонбой, подшо бизларни санга юбарди, 17 йилги бож билан хирожни берар экансан, ё бўлмаса қизингни ўз ихтиёрина қўйишинг гарак акан. ҳў оғалар, дади Арслонбой, қизимнинг ўз ихтиёрина ўзини қўйғоним бўлсин, қани, қорнингиз оч бўлғондир, бу ёна ўтинглар, даб қўйларни сўймоқ билан бўлиб гетди. Ясавуллар кўрпачага ўтирғаннан кейин, бириси айтди: ҳў Арслонбой биз қирқ гуннан бари қўшиқ эшитмадик, бир бахши топ дадилар. Арслобой айтди: Кўкча бахши деган бир бахши бор, шуни олиб қайтаман, дади. Бунда ясавуллар айтдики, Кўкча бахшинг биза бўлмийди. ҳў доғнинг бошинда бир бобо билан бир бола бор, агар улар қўшиқ айтса хаста ётганлар ўрнидан туриб гетади. Шуларни олиб қайт, дадилар. Арслонбой ўйланиб қолди, борай деса бобони гўриша гўззи йўқ. Бормай деса, подшонинг одамлари айтиб турибди. На илож атишини билмай отга минди. Доғнинг этагина бориб, ҳў бобо, меҳмонимсан, боғима юр, даб, қичқириб қамчи булғади. Бобо қулоғини гўрсатиб, беррироқ гал эшитмийман, дади. Арслонбой яқинроқ бориб гаплаётир ади, бобо айтдики, қулоғим оғир отдан тушиб яқин галиб сўзла, дади. Арслонбой отдан тушиб, бобонинг ёнина бориб, қулоғига бобо дейиши билан, Ошиғ Ойдин унинг жуфт ёқасидан илди. Сизми кишини урадиған даб, Карамжон билан Арслонбойнинг қўл-оёғини боғлаб, орқасина 40, қорнина 40, талки-салкиси, янбошина урмаса ёмпояди даб яна ҳар ёнина 20 дан 40, жами 120 қамчи урдилар. Ўлар ҳолатга галган Арслонбой, на жафо этсанглар ҳам розиман. Манинг билан юрсангизлар бўлғони, дади. Унда Ошиғ Ойдин айтди: Мани йўрғаға миндирсанг Карамжонни бўйнинга гўтарсанг борамиз, дади. Арслонбой: ажаб бўлғай, даб бобони йўрғаға, Карамжонни бўйнина миндириб йўлға равона бўлди. Сал ўтмай Арслонбойнинг тилла бўй саройина етиб галдилар. Чой - чилимдан кейин, ясавуллар қани бобо бир қўшиқ бўлсин, дадилар. Бобо айтдики, агар ўнг ёнимда 20 қиз, чап ёнимда 20 қиз ўртада Далихиромон дуриб, қўшиқ айтқанимда ҳар бандинда бир қуллиқ айтиб дурса айтаман, дади. Дарров айтқани бажо галтирилди; ҳар ёнина 20 дан 40 қиз, ўртада Далихиромон дуриб қуллқ қилдилар. Ошиғ Ойдин шунда алина созини олиб, Хирмондалига қараб:

### ГЎЗЗИМ ТУШДИ
(Гул уфор)

Шукур алҳамдулиллоҳ,
Бир ёра гўззим тушди.
Сўзим боши бисмиллоҳ,
Дилдора гўззим тушди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг билан майдонда,
Мард ўйнадинг утилдинг.
Вада этдинг гал ёрим,
Иқрора гўззим тушди.

Ёздирсалар гўрайин,
Кўксин тилло бандини,
Жаннатда тоза пишган,
Жуфт нора гўззим тушди.

Бир сийнаси вайроним,
Жамолингга ҳайроним,
Куйди бағри бирёним,
Дилдора гўззим тушди.

Ойдин сўзин дер ҳаққа,
Эрк бермас ёр фироққа,
Жом тўла май бермоққа,
Хирмона гўззим тушди.

Бобо бу сўзини айтғандан кейин Хирмондалининг онаси чиқиб айтдики, ҳў Далихиромон сани энди ихтиёринг ўзингда, кимга борасан, дади. Далихиромон айтди: агар ихтиёрим ўзимда бўлса, шу бобога бораман, дади. Шунда онаси: ҳў бобожон, шу қиз сеники даб Хирмондалининг қўлини бобоға ушлатди. Ошиғ Ойдин айтдики, ҳў Далихиромон, ғоз-ғоз билан, турна-турна билан учади, ҳар ким ўз данги билан, ман сани яхшиси Карамжона бахш этаман, дади. Сан манинг қиёматлик қизим бўл даб, ота-қиз гиришдилар.

Шундай қилиб, Далихиромон билан Карамжоннинг тўйи бошланиб гетти. Қирқ гежа-гундуз тўй бўлди. Тўй соп бўлғаннан кейин 360 туяга мол-мулк, олтин-жавоҳирларни юклаб Ширвон шаҳрина Карамжоннинг отаси Уста Бодомнинг уйина қараб йўлға равона бўлдилар. Неча гун йўл юриб уста Бодомнинг тилла бўз саройина етиб галдилар. Бу ерда ҳам тўй-томошо бариб бўлғаннан кейин Карамжон билан Далихиромон баланддан дўшакни солиб, уйқуни уриб ётавардилар. Булар мурод-мақсадина етиб ётаварсин, эндиги сўзни Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғли Ошиғ Ойдин Пир душ гўриб, Далихиромонни излаб геткандан сўнг, икки шогирдини топиб, энди иш битмайди даб, Чамбилбела қайтди. Гунлардан бир гун Гўрўғли йўлда дурса Қоражон Карвон деган бир карвонбошиға йўлиқди. Бу карвонбоши ҳар ойда бир марта Ширвон шаҳрина қатнар ади, бу сафар нерларда эйланиб юрибсан дади, Гўрўғли. Қоражон айтди: Бу сафар уста Бодомнинг тўйи устидан чиқиб қолдим. Ўғли Карамжон Далихиромонга уйланди, шу сабабдан сал эйландим, дади. Гўрўғли буни эшитиб, бир ичи ёнса, иккинчи томондан:-«эрга борсам ҳам бир гежа меҳмон қиламан» деб, Хирмондалининг берган ваъдаси эсига тушиб, севиниб гетди. ҳў Қоражон суюнчига бож-хирожингни ўтдим, бизни насия битадиган бўлди даб, Ғиротга минаварди. Гўрўғлининг отланаётирғанина гўззи тушган Сафар кўса: ҳў Гўрўғли оға йўл бўлсин, дади. Сафар оға мани дуторимни қопқоғи сал кўчибди, шуни тузаттирмоқчиман, дади. Биргина дутор учун борётирғанинг йўқдиров, дади Сафар Кўса. Ўз ҳолина қўймағаннан кейин Гўрўғли дўғрисини айтиб: насияни ундиражакман, дади. Гўрўғли ўзингни 12 хотининг бўлиб, яна насия ундираман дийсан, биз билан ишинг ҳам йўқ, ахир бизга ҳам бир нарса олиб қайт, дади Сафар кўса. Нарсангни одини айт, дади Гўрўғли. Санга соз билан айтмасам тушинмайсан деб, Сафар Кўса алина созини олиб бир сўз айтди:

**ГАТИР[1]**
(Раҳм айла)

Бундан борсанг сан Ширвона,
Манга бир самиз ёр гатир,
Карашмаси жоним олған,
Гўзлари бир хумор гатир.

Гийгани зар тўппи бўлсин,
Юзлари оқ лўппи бўлсин,
Бармоқлари мўтти бўлсин,
Манга ғамзали ёр гатир.

Сўз сўзлаганда ўйлансин,
Тўйга борганда шайлансин,

[1] Гатир – олиб кел.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Кенг ерда зўрдан айлансин,
Семизакинан бир ёр гатир.

Узун бўлсин пас бўлмасин,
Элдан ортиқ мас бўлмасин,
Отасина кас бўлмасин,
Адабли бир нигор гатир.

Ўзи буғдоймағиз бўлсин,
Отизи шўрангиз бўлсин,
Озғина ғорангиз бўлсин,
Манга жилвали ёр гатир.

Газдим отангни қошинда,
Кулфат қолмади бошимда,
Бўлсин ўн саккиз ёшинда,
Нозик адоли ёр гатир.

Гўрўғлибек бир од айла,
Ота-бобонгни ёд айла,
Сафар Маҳрамни шод айла
Лўппиғина бир ёр гатир.

Бу сўзни эшитгандан кейин Гўрўғли Сафар кўсага бир қиз олиб галишга ваъда бариб, Ширвон шаҳри нердасан, даб Ғирота босди қамчини. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб Ширвон шаҳрина етди. Уста Бодомнинг устахонасини сўраб топди. Устахонани гўрса устанинг шогирдлари дуторларни ясаб ташлаған, бир хонада уларни териб тузиб, бошқа хонада тузатиб, ясаб ўтирибдилар. Гўрўғли буларни гўриб, уста Бодомни сўради. Шогирдлари уни бир ёққа кетганини айтдилар. Гўрўғли, ман ҳали яна қайтиб галаман, мани дуторимни қопқоғини елимлаб қўйинглар ва яна бир дутор гараклигини, усто Бодомға айтиб мани саломимни шу нома билан етказинглар даб, бир шеър айтибди:

**СОЗ АТСИН**[1]

(Кўр қиз)

Биздан салом айтинг уста Бодома,
Биза бир соз атсин, балли соз атсин.
Мевали оғочдан бўлсин мудоми,
Сопи манақ-манақ холли соз атсин.

Дастасина доқсин ўн икки парда,
Овозаси чиқсин қишлоқ шаҳарда,
Чиртилганда булбул йиғлаб саҳарда,
Гулнинг пажасидин қонли соз атсин.

Пардани жойиннан билиб боғласин,
Чўкма қопқоғини яхши доғласин,
Дардлашганда бизнинг билан йиғласин,
Одамдин сўйловчи жонли соз атсин.

Янграганда жумла жаҳон инграғай,
Одам тугул қурт-қумурсқа тинглағай,
Ҳар бир жонзот жонг сасини англағай,
Сулаймондин уч минг тилли соз атсин.

Бир тоғ ўссин чиртқан одам кўкраги,
Дол эшилсин икки тори ипаги,
Зарли ипдай кўзни олсин папаги,
Бейиш товусиндай рангли соз атсин.

[1] Соз атсин – чолғу асбоби (дутор) ясасин.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар бир ошиқ ола билмас қўлина,
Ҳар бир нодон тушина билмас тилина,
Сумматин ўхшатиб Ақча галина,
Шоҳсанамдай инжа белли соз атсин.

Овоз берса зор титрасин эр Алплар,
Фарёд чексин Мажнун, Тоҳир, Ғариблар,
Мақтовина товулмасин тариплар,
Хоразмда якка сонли соз атсин.

Гўрўғлибек ҳаволансин Ғир билан,
Зуҳро юлдуз им қоқишсин ер билан,
Бахшилардан Ошиқ Ойдин Пир билан,
Қужоқлашиб гўришарли соз атсин.

Гўрғли сўзини тамом атиб устахонадан чиқиб гетди. Гунорта[2] Уста Бодомни уйина галиб, эшикни тақиллатди. ҳў Уста, бормисан ов? — даб чақирди.

Уста Бодом кўкнори, тиряки, худо қоққан, фалак сўккан одам эди. Ҳеч кимдан садо бўлмағандан кейин, Гўрўғли ҳў устамиз даб ҳавойироқ қичқирди. Уста Бодом Гўрўғлининг товушиннан сакраб тушиб, қўрққаниннан бир муюшга бориб диқилди. Гўрўғли беш-ўн дақиқа кутиб турди, яна ҳеч садо бўлмади. Охири отдан тушиб, қопини қамчи билан туртвади, ён қозиғи билан бирга ағдарилиб тушди. Уста Бодом қўрққанидан нишатарини билмай чўкичларини тақирлатаварди. Гўрўғли устанинг қўрққанини билиб, айтдики, ҳў уста Бодом, бизни дуторнинг қопқоғи қўпорилған, шуни елимлаб беришни ва янги бир дутор дузатишни шогирдларинга айтиб геткан адим, дади. Уста Бодом уни танимай, назарга илмай, ўзина иши тушиб галганини билиб, бор ана шогирдларимни олдина, шулар бу ишингни битказади, бу ердан гет, даб Гўрўғлини чўкич билан бир туртди. Гўрўғлини қахри галиб, ҳў уста бизларда ундатиб эмас, бундатиб туртадилар, даб уста Бодомнинг калласини икки оёғи орасина олиб қисиб, орқасина 40, қорнига 40, икки ёнбошига 20 дан 40, ҳаммаси бўлиб 120 қамчи уриб суллайтирди. Ундан кейин, устани сал ҳушина галтириб, ўзини Гўрўғли эканини танитди. Уста Бодом уни одини эшитгандан кейин, ҳў Гўрўғли Султон санмисан? Донимоғонни сийласмас, бизни маъзур тут даб, югуриб галиб саломлашди. Дарров қўчқорни сўйиб, мачитнинг етти қулоқли қозонини олиб галиб шўрва осиб юбарди. Шўрва бир бош қайнаганнан кейин Уста Бодом табоққа калладай гўшт олиб ўтирётир эди, Гўрўғли галиб, олинг уста даб, ўзини танглайина отди, шу отишда калладин гўшт дўғри домоқиннан ўтиб гетди. Уста у ён, бу ёнина қараб, яна зомчодай галадиган бир бўлак гўшт олвади, яна Гўрўғли бир олишда ютиб юборди. Кўкнори устанинг яна қахри галиб муюша диқилиб ётаварди. Унда Гўрўғли айтдики, ҳў уста Бодом энди биздан навбат ўтди, қолған гўшт саники, дади. Шунда уста Бодом қозоннан гўшт олиб емак билан бўлди. Гўрўғли пайтини топиб шўрваға беҳуш дори солди. Шўрвадан ичиб олған уста Бодом ҳушини йўқотиб йиқилди.

Шу вақтда Карамжон Ошиғ Ойдин пир билан шикора чиқиб гетиб, Далихиромон тилла бўз саройда соз билан машғул бўлиб ўтирғон ади. Шунда Гўрўғли дарвозани очаолмай, Далихиромон томона қараб, алина созини олиб бир сўз айтди:

**БЎЛДИМИ**
(Ширвоний I)

Ваъда этган севар ёрим,
Этган ваъданг бўш бўлдими?
Йигирмадан ўтган ёрим,
Мунда галиб ёш бўлдими?

Боғлари етмиш камола,
Қурбонман соҳиб жамола,
Етай деганда висола,
Билмадим нохуш бўлдими?

Булбул гулга чекар зори,
Бўлмишам ёрнинг хуммори,
Етишганда харидори,
Билмам кўнгли ғаш бўлдими?

---
[2] Гунорта — тушдан кейин.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунда галганим билмассан,
Ҳолимдин хабар олмассан,
Ё назар писанд қилмассан,
Надур бағринг тош бўлдими?

Ман галмишам доғдан ошиб,
Ғаним овлаб йўлин тўсиб,
Уч юз олтмиш калла касиб,
Нозли ёр беҳуш бўлдими?

Гўрўғли галдим ёр ёна,
Ишқи ўт солибдур жона,
Етар чоғи висолина,
Ағёри сирдош бўлдими?

Бу вақтда Хирмондали ёз ён қопини тамбалаб, тамбанинг устина дизини қўйиб, созини дузиб ўтирғон ади. Гўрўғли айланиб бориб, қопининг ёриғиннан Хирмондалини гўриб иккаласи бир-бирина қараб айтишқан шеъри:

**НА БЎЛАР**
(Шо кўчди)

Гўрўғли: Жувон ҳар жойни газарсан,
Белингнан қучсам на бўлар.
Дўниб хабардор бўлғунчанг,
Норингнан тутсам на бўлар.

Хирмондали: Белимнан қучсанг дуярлар,
Ширин жонингни сўярлар,
Элтиб чўл ерда қўярлар,
Қул дейиб сотсам на бўлар.

Г. Сотмасангда қулингдурман,
Боғингда булбулингдурман,
Сен гулсан шохинга қўниб,
Сайраб ўтирсам на бўлар.

Х. Булбулимсан жон қоқайин,
Олтин қафасда боқайин,
Келар йўлларинга боқиб,
Термулиб қолсам на бўлар.

Г. Гўрўғли дер эшит сўзим,
Жоним олғон оҳу кўзинг,
Атрофингда парвонадек,
Айланаверсам на бўлар.

Х. Хирмон қизни кўнглин олғил,
Бул кеча меҳмоним бўлғил,
Висолингнан тўймоқ учун,
Тун бедор бўлсам на бўлар.

Бу шеърни айтишиб бўлғоннан кейин иккисини танина ҳам бир жимбирди гириб гетаварди. Хирмондали қопини тамбасини гўтарди дон Гўрўғлини тилла бўз саройға гиргизди, дўшакни баланддан солиб, урдилар қучоқни, насия ҳам унди.

Эртаси эрта билан Хирмондали айтди: Гўрўғли оға, ишинг битди, санга оқ йўл, дади. Ҳў паризод, дади Гўрўғли, гежа меҳмон қадам, бугун от байроқ, эртага насия, ундан кейин гетарман, дади. Хирмондали ўйланиб дуриб, Гўрўғлидай жўмард йигитнинг гаппини икки қилишга гўззи қиймади. Яна икки гежа айш-ишрат сурдилар. Галишувга мувофиқ тўртинжи гуни эрталаб Гўрўғли Ғиротни эгарлади. Инди миниб йўлға равона


www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлаётир ади, уста Бодомнинг Гулшан деган семизгина қизи билан Юлдуз канизи иккиси боғ сайлина галаварди. ҳў Далихиромон, дади Гўрўғли худо барса қулина, чиқариб қўяр йўлина деган қадимнан қолған мақол дўғри экан. На гап, насияни ундирдинг, энди гетавар, дади Хирмондали. Насиянг билан энди ўзинг ялчи, дади дон семизгина Гулшанни отга ўнгариб, Ғиротга қамчи босди.

Юлдуз каниз дод, деб уста Бодомни излаб гетди. Борса уста тўрт гуннан бери ухлаб ётқан экан. Бир амаллаб уни уйғотиб, йиғлаб дуриб бир сўз айтди:

**ҚИЗИНГ ГЕТТИ**

(Раҳм айла)

Уста Бодом қизинг гетди,
На боғ билди на боғбони.
Бориб Чамбил бела етди,
На боғ билди на боғбони.

Сайрон этиб боғ чарбоғни,
Санга қўйиб дарду-доғни,
Дарё бўйина етди чоғи,
На боғ билди на боғбони.

Ваъдасина вафо этди,
Иккавлон мақсадга етди,
Уста Бодом қизинг гетти,
На боғ билди на боғбони.

Оти билан сайр айлади,
Ҳовуз бўйинда бойлади,
Оқшом галининг шайлади,
На боғ билди на боғбони.

Эшитгил каниз Юлдузи,
Галинингни қилди рози,
Олиб қочди ойдек қизи,
На боғ билди на боғбони.

Бу сўзни эшитиб, уста Бодом теша, бичқисини олиб, ёбиға минди. Гўрўғли қайдасан даб отга қамчи босди. Бир вақт Гўрўғли орқасига қараса уста Бодом ёмон бир важоҳатда қувиб галётир. Шунда бир ёп олдиннан чиқди. Гўрўғли Ғирота бир қамчи босган ади, Ғирот ёпдан отлаб, қирқ қадам нарига бориб тушди. Усто Бодом нишатарини билмай Гўрўғлиға қараб бир сўз айтар бўлди:

**НОЧОРНИ**

(Ширвоний I)

Ғўч йигитнинг тушар йўли,
Ташла, Гўрўғли ночорни.
Мард бўлади туркман ўғли,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Йиғлатарман кулдирарман,
Санга гучим билдирарман,
Қахрим галса ўлдирарман,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Тоғнинг доши дўлонидур,
Қизил гулнинг сўлонидур,
Қизим киши галинидур,
Ташла, Гўрўғли ночорни.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзим барисини дедим,
Ўртанибон ёниб гўйдим,
Қалин пулин олиб едим,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Уста Бодом ёмон дема,
Ёлғончи дунёни севма,
Мани кўп туҳматга қўйма,
Ташла, Гўрўғли ночорни.

Уста Бодом сўзини тамом қилғаннан кейин, Гўрўғли от бошини устага бурди. ҳў уста қисинма, ман тезда қайтиб, Гуржистон юртина чоповуллиқа бораман, шу ўтишда бир тилло десанг ўн тилло, бир қиз десанг ўн қиз олиб галиб ташлаб сани рози қиламан, дади. Уста Бодом кўкнори хаёл эмасми, тилло дарагини эшитиб, Гўрўғлининг бу гапина рози бўлди. «Йўлинг оқ бўлсин» даб фотиҳа бериб қолди.

Устанинг фотиҳасиннан Гўрўғлининг кўнгли гўтарилиб, қайнаб-жўшиб бир шеър айтади:

**КЎНГЛИМ**

(Раҳм айла)1

Ёронлар фоний дунёға
Галган кўнглим, галган кўнглим.
Гуноҳу-савоб конина,
Гирган Кўнглим, гирган кўнглим.

Айтишиб енгилдим армон,
Курашиб йиқилдим армон,
Доғда қўйди Дали Хирмон,
Гечган кўнглим, гечган кўнглим.

Ғирот миниб ҳар ён юрдим,
Йигитлик мавсумин сурдим,
Яхши ёмонини кўрдим,
Билган кўнглим, билган кўнглим.

Душдим фалакни ўйнина,
Қўлларим солиб бўйнина,
Хирмондали қиз қўйнина,
Гирган кўнглим, гирган кўнглим.

Дунё ўтар барчадан ҳам,
Хох гулдану ғунчадан ҳам,
Ўйнаб-гулинг қолса бир дам,
Деган кўнглим, деган кўнглим.

Гўрўғли айлайир зори,
Беш кундур дунёнинг бори,
Ёд этали бири бори,
Юрган кўнглим, юрган кўнглим.

Гўрўғли Чордоғли Чамбилбела галиб, самиз Гулшан қизни Сафар Кўсага никоҳлаб, тўй-томоша қилиб барди.

Шу билан бариси мурод мақсадларина етти. Сизлар ҳам муродингиза етинг.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОШИҚ МАҲМУД

Махмуджон билан Нигорхон Паризодни тарихлари шундан иборат:

Ганжи Қорабоғ деган вилоятда Ганжабой деган киши бор ади. Унинг ўғилдан, қиздан, фарзанддан номнишони йўқ ади. Ганжабой гунлардан бир гун, ўғил талабларина тушиб юрвадики, унинг гўззини ёши қабул бўлиб, у Гумбази Хузро деган жойга бориб, ястаниб ётиб бир воқеа гўрди. Воқеасинда қўлинда бир қизил олма олганлиги савабли, галиб заифаси билан ҳамсуҳбат бўлди. Заифасини бўйнида хомиласи пайдо бўлиб, орадан дўққиз ой, дўққиз гун ўтгандан кейин бир ўғил ато қилди. У ўғилни одини Махмуджон қўйдилар. Махмуджон ҳам орадан кўп замон ўтгандан кейин, ўн етти, ўн саккиз ёшина гирди. Ул ҳам ётқан еринда бир воқеа гўрди. Воқеасинда шаҳри Лут шаҳринда Мансур деган подшо бор ади. Унинг бир қизи бор ади. Одина Нигорхон Паризод даб од барадавўн адилар. Нигорхон Паризод билан Махмуджоннинг икковларининг рўвруҳиятларини бир жоя гатириб, бир-бирларина никоҳлаб, тўй атиб бардилар. Махмуджон хўшвақт, хуррам бўлиб, ериннан турди. Гўззини ғафлатдан очиб гўргандан кейин Нигорхон Паризод Махмуджонни гўз олдиннан ғойиб бўлди. Махмуджонни гундаки ҳаракати гундан-гуна топилмасдан бораварди. Ганжабойнинг бир ёлғиз ўғли бўлғаннан кейин, Ганжабой сўрадики, аммо ўғлим сан на аҳволларни гечириб юрибсан? Сани гундаки аҳволинг гун-гундан пасайиб борётир дади. Махмуджон айтдики,: аммо ота, сан биздан савол сўрасанг, жавобингни ол, даб ўз дардини шеър билан айтди:

**ДЕДИЛАР**

(Кўр қиз)

Отажон ётардим гежа туш гўрдим,
Али бобом келиб турғил дедилар.
Йўлни узоқ билдим хили иш билдим,
Нигорхонни никоҳ қилиб бердилар.

Бу нечук сир асло ето билмасман,
Айролиқ ўтина дузо билмасман,
Ўзга ёра бошим қўшо билмасман,
Шаҳри Лут элина борғил дедилар.

Оғалар кўрганим баён айласам,
Сизларга тушимни аён айласам,
Қизил гул боғидин чаман боғласам,
Нигорхон боғиннан тергил дедилар.

Энди бу жойларда юрмак гумондир,
Шу ёрни топмасам кўнглим армондир,
Пирлар рухсат берди ҳақдан фармондур,
Бориб Нигорхонни севгил дедилар.

Махмуд айтар менинг оҳ билан зорим,
Кўрмагунча йўқдур сабру қарорим,
Нигорхондур манинг севгили ёрим,
Қамбаржон устиннан борғил дедилар.

Махмуджон сўзини тамом қилғаннан кейин отасина қараб энди оқ фотиҳангни барсанг, шаҳри Лут деган шаҳарга бормасак бизда тоқат бўлмас дади.

Отаси айтдики, ўғлим хато қилибсан, у бир подшо бўлса, сан бир оддий киши бўлсанг, қайси йўл билан бориб қизини оласан, санга қандай йўл билан қизини баради? Сан шу ерларда бировни қизини хохласанг, санга шуни одини Нигорхон қўйиб олиб барсак бўлмасми акан, ўғлим дади. Аммо ота ўн қиз олиб барсанг ҳам бўлмийди, дади. Жавоб барсанг ҳам гетаман, жавоб бармасанг ҳам гетаман, дади.

Ганжабой кўнгли паришон бўлиб, ўғлина қайтарув бариб, бир шеър айтади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АЙЛАМА
(Найларман III)

Дунёни эндардинг[1] менинг бошима,
Қўзим Маҳмуд мани ҳайрон айлама.
Раҳминг галсин гўздан оққан ёшима,
Қўзим Маҳмуд мани ҳайрон айлама

Ишқнинг шаробидан нечун ичарсан?
Ота-энанг, эл-гунингдан гечарсан.
Ёрингни қўлиннан шароб ичарсан,
Қўзим Маҳмуд мани ҳайрон айлама

Махмудимсиз уйда ёнмас чироғим.
Севар қўзим кеча-кундуз қароғим.
Гўззимнинг равшани қошим-қабоғим,
Қўзим Маҳмуд мани ҳайрон айлама

Бу на сирдур мунга ето билмадим,
Ажал етмагунча ўло билмадим,
Айрилибон сандан қола билмадим,
Қўзим Маҳмуд мани ҳайрон айлама

Ганжабой ўйлаб гўрдики, бир ғўч йигит кўнгли паришон бўлиб бир ийиқ[2] йўла гетса, унга қайтарув бермак бўлмас. Ганжабойни боқтириб қўйған бир йўрғаси бор ади. Ул йўрғаға қур жиға далликни, бахмал лўлилик, тилло қуббали эгарни солиб, жуфт айилни берк атиб тортиб, бир ғоли хуржинни икки ён гўззини ҳам тангга ю, тиллога тўлдириб, бир қатор сарпойни ҳам бариб, Махмуджонни миндириб, Ганжабой ўғлини кўнглини хўшлаб олиб чиқиб гетаварди. Бир чўла мейдонни четина бориб, аммо ўғлим, сани йўлинг бўлсин, йўлингни устинда Қамбар отлиқ бир йигит бор, шуни олиб гетсанг санга йўлдошлик қилар, деб отини бошини бўшатиб юбараварди.

Махмуджон хушвақт-хуррам бўлиб, йўрғасини қочириб гетаварди. Кўп замон йўл чўла мейдоннан чиқиб бир юртни оёқиннан дохил бўлди. Бир ёпни ёқалаб йўл ўтар ади. Йўлни урини олиб бораварса, икки нозанин гўзал қизлар идиш кўтариб сувға чиқиб галаётир ади. Қизлар Махмуджонни гўриб, унинг ишқи қизларнинг сийнаю-сандина жой бўлди. Қизлар сув идишларини қўйиб, гал шу йигитни на кора аканлигини билайлик, ҳам қайси бойни ўғли аканлигини, қайси паризодни ёри аканлигини билиб қолайлиқ даб, Махмуджонни пойлаб, йўлини икки ёнини олиб дуравардилар. Махмуджон буларни ўнгиннан ўтажак вақтинда, икки қиз Махмуджонни икки ёниннан бориб, отини жиловладилар. Махмуджон сўрадики, қани ов қизлар манга буруннан учрашқан ё донишқонларинггиз борми? Қизлар айтдики: йўқ дади. На сабаб мани отимни бошини ушладинглар? дади.

Хон ўғил саннан бир икки оғиз сўз бор, шуни сўражақмиз, шунга жавоб бариб ўтасан бердан, дади. Сўрасанггиз сўранг, унга ман жавоб барин, билганимчалли дади. Қизлар айтдики, сан қайси вилоятни одамисан? Қайси бойни ўғлисан? Қайси паризодни ёри бўласан? Шунга жавоб бар, дади.

Махмуджон айтдики, Ганжиқорабоғ деган вилоятдан Ганжабой деганни ўғлиман. Лут деган шаҳарда бир Мансур деган подшо бор, уни бир қизи бор, унга Нигорхон даб од барадилар. Ман ана шу Нигорхон Паризодни ёриман, дади. Унда бизларни бир тариф этиб ўтишинг гарак бердан, дади.

Махмуджон айтдики, ман олдимга чиққан одамларни беш ғазал, тўрт ғазал айтиб тарифлаб гетадовун бўлсам, борожоқ ерима беш гунда, ўн гунда бормасман, дади. Хон ўғил, сан бизни тариф қилмин гетсанг, сани отингин бошини беш гунда, ўн гунда биз ҳам юбармасмиз, дади. Махмуджон от устинда дуриб, қизларни таъриф қилиб бир шеър айтади:

## МАНГЗАР
(Найларман II )

Олдимиздан гўзал чиқди,
Гўё қизил гула мангзар.
Гўрдим ақлим лол этди,
Сайраган булбула мангзар.

Ёнимға келиб дурғоли,
Ҳасратидин оҳ урғоли.
Лайлининг юзин гўргали
Мажнун бўлған ёра мангзар.

[1] Эндардинг – ағдардинг.
[2] Ийиқ – узоқ


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтирди турди ўйланди,
Парвона бўлди айланди.
Зоҳир дардидан сайланди
Табиби дуч келан мангзар.

Саҳар очилған лоласи,
Сўзлари жоним оласи,
Ёримнинг дарди балоси,
Ақлим олған қиза мангзар.

Махмуджон дер ёр галганда,
Дурлар сочилар гулганда.
Пардани юздан олғанда,
Ўн тўрт гунлик оя мангзар.

Махмуджон сўзини тамом қилғаннан кейин, қани биродарлар, қаноатланган бўлсанггизлар, ман бир йўл кишисиман, отимни бошини юборсанггизлар, ўз йўлима гетсам яхши бўлар ади деянда, чап жиловда дурған паризод қиз айтадики: аммо хон ўғил сан буни тариф қилиб, мани ташлаб геткандан кейин манга камисчилик галар, агарда бизни ҳам тариф қилмайдурғон бўлсанг, отнгни бошини беш гунда, ўн гунда юбормасмиз, дади. Махмуджон от устинда дуриб, бу қизни ҳам тариф қилиб, бир шеър айтади:

**ҚИЗЛАР МАНИ**
(Шо кўчди)

Қаршим олиб турган қизлар,
Юборинглар қизлар мани.
Салом берсанг алик олдим,
Юборинглар қизлар мани.

Қалам қоши инжу тиши,
Ғозлара мангзар юриши.
Йигитликнинг бирдур иши,
Юборинглар қизлар мани.

Қабоғингда сурма доли,
Бўлсин ҳар кимни иқболи.
Оқ юзинда қўша холи,
Ўпсам бўлмас қизлар сани.
(Юборинглар қизлар мани)

Аввал биза бўлмас ёзиқ,
Узин бўй беллари нозик.
Ўн бармоқда тилло узук,
Солғон қизлар юбар мани.

Товусдин безаб ўзини,
Биздан айирмас гўззини.
Ошиқ Махмуднинг сўзини,
Қабул этинг юбар мани.
(Юборинглар қизлар мани).

Махмуджон сўзини тамом қилғаннан кейин, қизлар Махмуджонни отини бошини қўйиб юбордилар. Махмуджон йўрғасини қочириб гетаварди. Бир неча замонлар йўл юриб, бир чўла майдонни ўрталаб гетаварди. Ул чўла майдоннан ҳам чиқиб, бир юртни оёқина дохил бўлди. Бир йўлни уриннан бориб, бир ўвбани устиннан душ ўлди. Ўйлаб гўрдики, гал Қамбаржонни уйини бир сўраб гетин. Қамбаржонни уйи шу ерлара яқин эмасми акан деган фикр билан йўлдан ташқари чиқиб, Қамбаржонни уйини суриштириб сўраса, Қамбаржонни уйи ҳам бир йўл урина яқинроқ бир жойда ади. Қамбаржонни сўраб уйина борса, гўрдики, Қамбаржон камбағал бир қашшоқ йигит ади. Ҳар гунда бир нон учун бир нонбайни тандирина ўт ёқиб овқат гузорлиқ этадовун ади. Бир синглиси бор ади, югириб-йўртиб акасини ёнина борди, аммо ака ман санга бир меҳмон топиб галдим. Сани бир озода йигит сўраб галди, дади. Сочиннан тутиб дапаламага қарадики, занғар, мани ўзим ҳар гунда бир нон учун бир нонбойни тандирина ўт ёқиб овқат гузаронлиқ этаман. Сан манга меҳмон топиб галдим даб айтасан, дади. Дўкондор бир тушуникли йигит ади. Ў, хон ўғил дади. Сани яхши ю ёмон, дўсту-душман биров излаб галган вақтинда уни хабарини олишга тегишли бўлади. Ина бу гунингга меҳнат ҳаққингга бир нонни ол. Уни ким эканлигини бил. Бўлмасдин бўлса, биз ёна гатир, даб дўкондан


www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариб юборди. Қамбаржон уйина галса Махмуджон деган бир отли, дўнли йигит уйинда ўтирибди. Қамбаржон бориб саломини бариб, адаби-икроми билан сўрашқандан кейин, боқо-боқо қараса, Қамбаржон ҳам бу йигитни ўз воқеасинда гўрганлиги ёдина тушиб Махмуджона қараб бир шеър айтар бўлди:

**БИЛО-БИЛМАДИМ**
(Қирқ минг илғор)

Кел қардошим сандин хабар олайин,
Сани келганингни било-билмадим.
Ҳар балоға ўзим қалқон бўлайин,
Оға келганингни било-билмадим.

Ётардим тушимга кириб эранлар,
Ҳоли аҳволингнан хабар берганлар,
Мажлис қуриб майхонада юрганлар,
Иним келганингни било-билмадим.

Одим Қамбар фикру-зикрим ёрдадур,
Бу жойларда ёлғизлик бефойдадур,
Мақсад-мурод ҳаммаси ҳам ройдадур,
Жўрам келганингни било-билмадим.

Даб Қамбаржон сўзини тамом қилғаннан сўнг Махмуджоннан йўл бўлсин сўради.

Махмуджон айтдики: сан биздан йўл бўлсин сўрасанг, сан биза даркор бўлдинг, бизнинг билан юришинг гарак, деянда, Қамбаржон ўзининг аҳволларини Махмуджона бир-бир баён атди. Махмуджон муни турли тамонини таъмин атиб, шу ерда бировни боқтириб қўйиған йўрғаси бор ади, шу йўрғани олиб, нақтма-нақт савдо атиб, пулини бариб, у йўрғаға қур жиға далликни, бахмал қуббали эгарни солиб, жуп айилни берк атиб тортиб, Қамбаржонни сарпойлаб, кейин ўзи билан дангаштириб, йўлға олиб чиқди. Булар йўлға равона бўлиб, галар акан катта бир йиғинни устиннан душ бўлдилар. Чой-чилим сўраб шу йиғинға булар ҳам айландилар. Қараса бу ерда қизу-жувон, эру-хотин, улли ю –киччи ҳамма ҳазинда, базминда ўтирвадилар. Махмуджонни жўшқинлиғи тутиб, буларға Нигорхон Паризодни таърифлаб бир шеър айтади:

**БЕРМАСМАН**
(Гуландом)

Гўзалхонни халққа таъриф айласам
Онинг нозин юз минг қизға бермасман.
Гўрган ошиқларни ҳайрон айласам,
Ҳар бир нозин юз минг қизға бермасман.

Бошдин оёғина тилло дақилған,
Сўзларина ширин-шаккар қотилғон,
Қўлларина қизил хино ёқилғон,
Кўксин они дўлған оя бармасман.

Саллона-саллона ўтар ёнимдан,
Гўзи жаллод паррон тиғи жонимдан,
Боғбон бўлиб гуллар терсам боғиннан,
Сиё зулфин сарви дола бармасман.

Гўзалим бор ҳар гўзалдан нозлидур,
Ман билманам қайси боғнинг гулидур,
Шеваси жон олур қўли созлидур,
Бир гун чиқар тандин жонға бермасман.

Олтин дуйма тилло, кумуш камарли,
Дол бўйинли оқ юзлари самарли,
Юзи гулгун сочи шамси қамарли,
Кўксин они дўлған оя бармасман.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Махмуд айтар бугун арзин яздона,
Бир ғазал айтибон қиза-жувона,
Ошиқ бўлдим гўзалхона ғойбона,
Гўзалхонни юз минг қиза бермасман.

Махмуджон бу сўзни тамом қилғаннан кейин, икковлари шодлик билан от чопишиб, йўлға равона бўлдилар. Кўп замон йўл юриб, бир неча замон той қилиб боравардиларки, бораварсалар буларни олдина эшакли бир пиёда чиқди. Сўрадилар, қани ҳой жўра Лут деган шаҳар шу ерга яқинми? Улар жавоб бердилар: бир тош, чорак кам бир тош чиқар, чиқмас йўл. Яқин галдинггизлар, дади. Махмуджон Қамбаржон билан от чопишиб янқи[1] шаҳарнинг қибла дорвазасиннан дохил бўлдилар. Бахтга қарши улар борса бу шаҳарнинг бозор куни ади. Бозорни қидириб у ёққа чиқдилар, бу ёққа чиқдилар, бозорни одамлари буларни донимади, булар ҳам бозорни одамларини таний олмадилар. Кейин меҳмонжойи ахтариб бир чорсуни охирина сўвилдилар[2]. Бориб бир дўконни олдина душ бўлдилар. Қараса, дўконни олди ҳам овлақроқ, ичинда ўтирған киши ҳам қаррироқ, унга ҳам Аҳмад баққол деб од барадовун адилар. Махмуджонлар тангри меҳмони даб отдан тушиб, отларини ўралардан[3] бойлаштиравардилар. Аҳмад боққол уларни меҳмонлиққа қабул қилиб, дўконни тўрина ўтириб, олдина бир чойнак чойни қўйиб, бозор гуни бўлғоннан кейин дўконни олдина ўтиб харидор кутиб ўтираварди. Аҳмад баққол шунингдин савдокунан баққол адики, гунина уч шойилиқ савдо қилмас эди. Махмуджонлар ҳам чой чилимнан ёзилишиб, қўлимиздаки ҳунарларимиз билан бул кишини ошно қилиб ўтирмиймизми, даб, дуторларини ёлонғочлаб, икковлари зилу-бом дузиб, бир нома-куй бошлаб, бу куйни охирлаб чиққанчалли ундан у галди, мундан бу галди. Сал вақт ўтар-ўтмас дўконни олди катта қур[4] бўлиб гетаварди. Яхшидан шарофат, сал замон дурмасдан савдо ҳам очилиб гетаварди. Тарози-тарозига қоқилишиб гетаварди. Аҳмад баққол тарози уриб берган одаминнан хотирасина тушса пулини олиб қолди. Хотирасина тушмаса қийшайиб гетаварди. Аҳмад баққол бозорни охирина қарағанда сотмаққа харид топиб баравўлмади. Ичи қора бақоллардан бири бориб подшоға маъқулладики, тақсир Аҳмад баққол деган икки маҳрам сақлабди. Аммо ҳеч кимда савдо бўлмади. Бугун бозорни бутун бойлади. Дегандан, подшо бир ҳовойли киши ади, боринг, Аҳмад баққолни бона олиб галинг дади. Бу нима иш дади. Подшонинг одамлари галиб Аҳмад баққолни қўлиннан, қулоқиннан тутиб подшони олдина олиб галдилар. Мансур деган подшо айтдики, қани ҳов Аҳмад баққол бу нима саники? Аҳмад баққол камбағал киши, подшонинг одамлари ёқасиннан тутқан вақтинда қўрқиб геткан адики, подшонинг саволина жавоб боравўлмади. Занғар нечун жавоб бармисан, бутун бозорни бойлабсан, санга ким буюрди, биздан бурун унингдин икки маҳрам сақламоқни, дади. Ёлғон сўз бўлғаннан кейин Аҳмад баққолни жонина сўл югуриб гетти дон, тақсир во ажабо, бунинг ўзи бир бўша гап аканку. Бизнинг гечликка ёқажақ чироғ ёғимиз бир қаро қайғимиз. Бизнингдин кишини ҳаддиннан эмас, бир кишини, икки кишини сақлаш, деянда, нима учун ёлғон сўзлийсан, бозорни бойлабсанку бутун, сандан бошқада савдо бўлмабдику, дади. Тақсир, бизникинда бозор гуни тангри меҳмони бўлиб, илоҳийдан келган меҳмонлар бор. Шуни эшитган бўлманг, дади. Подшо кейин ювошиб, буюрдики, боринг олиб галинг биз ҳам бир марта гўриб, ким эканлигини билиб, созиннан, сўзиннан эшитиб қолайлик уларни, дади. Аҳмад баққол дуконифа галса, меҳмонлар хунук бўлиб ўтирған ади. Қани меҳмон йигитлар хафа бўлманг, сизларни тарифларинггиз подшоға тушган экан. Подшони олдина бориб гўринмасанглар бўлмас экан, дади. Махмуджон айтдики, аммо ўзимизни мақсадимиз ҳам подшони олдина бормоқ-да, дийди. Подшони олдина бормасақ бизларни ишимиз ҳам битмийди, дади. Сабаб дасанггиз, ҳали шу Нигорхон деган Паризод қиз подшонинг қизи эди. Кейин Аҳмад баққол эгартириб ўтавардики, эндиги сўзни Нигорхон Паризоддан эшитинг: Нигорхон Паризод, Махмуджонни ғойибонасина гирифтор бўлиб, йўл қараб, гун санаб юрвадики, қачон Махмуджонни галар гуни бўлар экан, дучор бўларманми? Учрашармизми экан? даб. Қизнинг ҳам уч юз олтмиш канизи бор эди. Уларнинг орасинда ҳам айёр канизи бор эди. У қизнинг ҳаракатидан сезиб юриган эдики, кўриб билмаса ҳам таъриф қилаверди: Аммо биви отанггизни ёнина икки йигит галди. Гўззи унингдин, қоши мунгдин, у ери у ёли, деб таъриф қилғондан кейин, қиз каниза сир берди. Аммо каниз сир бўлмасин ошкор деди. Бизнинг Махмуджон деган бир ёримиз бор эди. Шу бугун галган бўлмасин, дади. Бор, асл либосларингни гийиб гал. Учакма-учак[5] чиқиб арзхона устиннан қараб гўрали, дади. Махмуджонми экан, ё бошқа бировми, экан, дади. Каниз асл либосларини гийиб, гўзларина сурма чакиб, юзларина гулоб уриб галди. Нигорхон Паризод билан каниз етаклашиб, учакма-учак бориб, арзхонани устиннан панжарага ястаниб, Нигорхон Паризод отасини олдини борлаб гўрса, ўзининг севикли ёри Махмуджон отасини олдинда савол-жавоб олишиб ўтирибди. Қани эндиги сўзни Аҳмад баққолдан эшитинг: Аҳмад баққол меҳмонларни олиб боргандан кейин, подшо бир четдан ўрин бариб, сўз сўраб ўтираварди. Қани меҳмон йигитлар, қаерга борасизлар? Қаердан галасизлар? Ўзларинг ким

---

[1] Янқи – ҳалиги.
[2] Сўвилдилар – етиб бордилар.
[3] Ўралардан – устунлардан.
[4] Қур – йиғин.
[5] Учакма-учак – томма-том.


www.ziyouz.com kutubxonasi

бўласизлар? Нима иш билан юрибсизлар, дади. Махмуджоннан жавоб: тақсир, бизларни асли наслимизни сўрасанггиз Ганжиқорабоғ деган вилоятдан бўламиз. Икки тенгги-туш, аҳли дард бир вақт топиб, вақтдан фойдаланиш учун, гўрмаган ерларни гўриш учун, бормоғон ерлара бориш учун бир сайр қидиришма атиб юрибмиз, дади. Подшо айтдики, қўлларинггизда дуторларинггиз бор, создан, сўздан хабарларинггиз борми? дади. Махмуджон жавоб бардики, тақсир оз-моз ўзимизни алдаштирғидин хабарларимиз бор, дади. Бизларни юртимизда бир Ших атоий деган бахши ўтган, шуни созиннан, сўзиннан билажакларинггиз борми? дади подшо. Тақсир уни билмасмизу ўзларимизни биладиган йўлдан юборсанггиз, бир шингил айтиб берсак бўлар, дади. Аҳмад баққол меҳмон эгаси бўлғаннан кейин, меҳмонларни кейнинда ўтирвади, кейниннан галиб Махмуджонни қулоғина шивирдади. Аммо Махмуджон, подшо бир гапни айтқан вақтинда билмийман даб гапни кейнина қайтарувчи бўлма. Агарда бир сўзни айтиб охиринда «Ших атоий» даб қўйсанг бас бўлғани бўлади, подшо на Ших отани ғазалина муҳрини босиб қўйибди дон дониб оладими уни, дади. Бул сўзга Махмуджон иликиб, алаштирманг тақсир, бир сўз қўша-қўлтиқда қолған акан, ундан ҳам бир оз-моз билар эканмиз, дади. Нима билсанггиз, бир хат билсанггиз ҳам айтиб баринг. Кўп вақтдан буён шунга муштоқ ётқанмиз, дади. Махмуджон нималарни айтсам Ших отаға мангзар экан, даб халқумини гўтарса, юқорида оқ-оппоқ, бодом қабоқ, юпқа дўдоқ бир қиз бўйнини чўзиб, Махмуджонни гўзлаб қараб дурвади. Махмуджонни гўззи Нигорхона тушгандан, подшони буюрған сўзи Махмуджонни эсиннан чиқиб ўта гетти шўринда. Оғзиндаки айтажақ сўзини Нигорхона қараб дўғирлаб юбараварди:

## ДЎҒРИСИ

(Мухаммаси бахши I)

Кўп жафо чекдим йўлингда эй Нигорим дўғриси.
Сан манга қилсанг жафо эй жонажоним дўғриси.
Гежалар майлар ичиб кундуз хумморам дўғриси.
Сан манго қилсанг жафо эй жонажоним дўғриси.
Ман санга муштоқман эй жонажоним дўғриси.

Гежалар майлар ичиб, дол бўйингга куйлак бичиб,
Дўшак ётсам ман қучиб, эй сарвинозим дўғриси.
Гежалар майлар ичиб, дол бўйингга куйлак бичиб,
Дўшак ётсам ман қучиб, эй сарвинозим дўғриси.
Ман санга муштоқман эй жонажоним дўғриси.

Оқ юзингда қора зулфинг булутқа мангзар эмиш,
Бўлибдурман гул юзингнан беқарорим дўғриси,
Ших атойи хаста эркан галдим ҳолин сўрмоқа,
Ман санга муштоқман эй жонажоним дўғриси.

Махмуджон бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин, подшо юқори ошоқини тинглаб гўрса бир машуқий, ширин-шаккар сўз. Аммо, Аҳмад баққол бу меҳмонларингни тарифина сўз йўқ экан. Ана халос, баракалло, деб қўяварди. Меҳмонларинг узоқ жойлардан галган аканлар, бугун уларни олиб бориб, юмшоқ жойда ётқизиб, қорнини паловдан тўйғизиб, дамини бариб, олиб келсанг, азон салқинда қайтадан айттириб эшитаварадиган асл, фозил йигитлар акан булар, дади. Аҳмад баққол ажаб бўлғай даб, меҳмонларни эгартириб турди. Эндиги сўзни Нигорхон Паризоддан эшитинг: Нигорхон Паризод канизина буюрди: Шу Аҳмад баққолникига еткизмасдан боққа олиб қайт, дади. Аҳмад баққол деган бир камбағал киши. Унда юмшоқ жой, палов нишийди[1], дади. Илдам каниз том бошиннан тушиб, сокин бўлиб, йўлға равона бўлиб, Аҳмад баққолникина етирмасдан, кейниннан бориб, Махмуджонни ушлаб, арзи ҳолини айтиб, яхшилаб донишиб Нигорхонни боғина олиб қайтаварди. Нигорхон Паризод булар боринчалли ичкарида бир асл саройи бор ади. Ғолисини[2] чиқариб дўшаб, Махмуджонни одина тўрда бир тилло курсини қўйиб, ўзи аданроқда[3] бир тилло курсида ўтириб ўйлаб гўрди. Махмуджон галган вақтинда ман очиқ равишда унинг олдина чиқмайин. Махмуджон мани гўриб, маннан ройи қайтмасин, ман етти қават пардани ичинда сарасоп билан ўтирин даб, етти қават пардани ичина гириб, зулфларини ҳам олдина ташлаб, оёқларини ҳам чалиштириб, қопиға қараб ўтираварди. Эндиги сўзни канииздан эшитинг. Каниз шу вақти эргаштириб, Махмуджонни олиб боға гирди. Уч юз олтмиш каниз саф тортиб уларни қарши олди. Нигорхон Паризодда ғибирдамоқ[4], саломға алик олмоқ бўлмади. Махмуджон

---

[1] Нишийди – нима қилади.
[2] Ғолисини – гиламини.
[3] Аданроқ – пастроқ.
[4] Ғибирдамоқ – қимирламоқ.


www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйладики, бу лолми экан, гунгми экан, ман муни фалон гунлик йўлдан излаб галипман. Қўлима созимни олиб, дейдириб бир шеър айтиб барин, даб. Нигорхон Паризодға қараб айтқан шеъри:

## НИГОРИМ
(Ширвоний II)

Узоқ йўлдин сани излаб галмишам,
Қулоқ солғил арзи ҳола Нигорим.
Сани бундалигинг тақиқ билмишам,
Бир тавозеъ қилғил биза Нигорим.

Сайронийдай чўл ерларда юрибман,
Дангги-душим билан даврон сурибман,
Шукур сани гул юзингни гўрибман,
Қуллуқлар айласам сиза Нигорим.

Сиё зулфларинга берибсан оро,
Ишқинг билан телба кўнглим оввора,
Сен шоҳимсан мен ошиқи бечора,
Бир назар ташлағил биза Нигорим.

Қайта бошдин қўл шаробин ичайлик,
Боғларингга мушки-анбар сочайлик.
Элларим бор маним боғу-боғчалик,
Қулликлар айласам Сиза Нигорим.

Шукр этайин кўзим тушди юзингга,
Муштоқ эдим сени босган изинга,
Қурбон бўлай ширин-шакар сўзинга,
Каломлар сўзлагин биза Нигорим.

Қизил гул ғунчамсан, боғча боғимсан.
Боғ ичинда битган олма-норимсан.
Ошиқ Махмуд Нигорхон дер ёримсан.
Тутмағил юзингга парда Нигорим.

Махмуджон сўзини тамом қилғаннан кейин Нигорхон Паризод ериннан туриб, едди қат пардани ичиннан чиқиб, зулфларини олдина ташлаб, икки букилиб салом барди. Кейин Махмуджонни чой чилимнан ёзилиштириб, алдиннан қирқ турли таомларни ўтирди. Подшо айтқан адики, Махмуджонни овқатлантирғаннан кейин, юмшоқ жойда ётқизиб, дамини баринг деган ади. Қизнинг гун гўрмин, чанг тушмин дурған пар дўшаклари бор эди. Одина «Чиндихон» даб од барадўвун адилар. Туркман дилинда «Йўрғон» дийди. Едди тўшакни қавати усти-устина қўйиб, тивитли одялни ташлаб, жуфтдан такани[1] қўйиб, Махмуджонни кўрпага ўраб ётирди. Махмуджон юмшоқ жой қапталина[2] дейганнан уйқуға мойил бўлиб гетаварди. Нигорхон Паризод ухламасдан донгни оттирди. Чой-чилимнан ёзилишиб ўтирдики, Махмуджон еридан туро бермади. Махмуджон бир маҳаллари гўззини ғафлатдан очиб гўрса, гун гунорта бўлиб пешина қараб оғиб борётир эди. Подшо топширған эдики, азон салқинда яқин дўстлар билан олдириб эшитамиз деган эди. Махмуджонни бу сўзлар ёдиға тушиб ериннан туриб, нарса-қорасини гийиб, йўлға равона бўлди. Нигорхон Паризод икковлари тотолашиб, дорвазани оғзина бордилар. Махмуджон гетмакка мажбур бўлғоннан кейин Нигорхон Паризод Махмуджонға қараб айтқан шеъри:

## ГАЛИБСИЗ
(Кўр Қиз)

Уч йил бўлди Махмуд сани гўргали,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.
Олтин пиёлада шароб бергали,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

---

[1] Такани – ёстиқни.
[2] Қапталина – ёнбошига.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Олти йилдир бир гун роҳат гўрмадим.
Дангги тушим билан даврон сурмадим.
Улуғ тўйлар гўриб мажлис қурмадим.
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Баданим дузанмай сайра чиқмадим.
Сайра чиқиб қайрилиб гулиб боқмадим.
Оқ сийнама тилло дуйма дақмадим.
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Сиё зулфим оқ юзима тараолмай.
Баҳор бўлса гулу-лола тераолмай.
Уч йил бўлди манинг ҳолим сўраолмай.
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Хабарин олмадинг сунбул юзимдин.
Бир гулиб тотмадинг шириш тилимдин.
Ғам ема Нигорхон қолмас изингдин.
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Нигорхон Паризод бу сўзни айтиб тамом қилиб, қўлинда «Қарағай марҳабо» деган бир рўмоли бор эди. Рўмол шундин рўмол адики, ёзған вақтинда тейинда минг отли галиб, соялидовун эди. Шундин йиғиб олганда чиннича[1] бармоқни тейинда жой буладуғон ади. Уни Махмуджона бариб, боғдан чиқариб юбораварди. Махмуджон ҳовлиққан йигит, шу рўмолни олиб кисасинда қўяжақ вақтинда, чинича бармоқинда бир олтин юзуки бор ади. Шу олтин юзукнинг қошина рўмолни бир ён қироғи илишиб, осилиб чиқиб қолғон эди. Рўмолни осилтириб Махмуджон подшони олдина борғон эди. Қамбаржон деган Махмуджонни йўлдоши Аҳмад Баққол билан эрталаб бориб подшони олдида ўтирган эдики, бу занғар қаерда қолди, подшо Махмуджон қаерда деб сўраса биз унга на деб жавоб берар эканмиз деган фикир билан ўтирған эди. Махмуджон ҳам унинг ёнина бориб ўтираверди, қапталинда рўмолини осилтириб. Қамбаржонни гўззи рўмола тушгандан кейин «Эй вой. Буни бера мундатиб галганидан галмагани яхши ади. Агар подшони бу рўмолла гўззи туша қўйса, иккимизни ҳам сўрамасдан анжирни тейина гўмади. Мунго бир икки оғиз сўз айтиб гўрин, шояд сўзимнинг маъносиннан англаб, рўмолни яширмасмикан даб,

Хабар олғин ширин дўстим,
Очилдинг жўрам очилдинг.
Рўмолдадир манинг қасдим,
Очилдинг жўрам очилдинг». Маҳмуджон буни эшитиб, «Эй вой. Геча ёрнинг олдина борганим дўстима ёқмабди», даб
Геча бордим ёр қошина,
Бошинда беш лаълиси бор.
Қалам қошли хумор гўзли,
Мани жоним оласи бор», даб бир-бирини тушунмасдан, англамасдан икковлари айтишган савол-жавобли шеъри:

### ОЧИЛДИНГ
**(**Илғор I**)**

Қамбаржон
Хабар олғин ширин дўстим,
Очилдинг жўрам очилдинг.
Рўмолдадир менинг қасдим,
Очилдинг жўрам очилдинг
(Очилдинг дўстим очилдинг)

Махмуджон
Кеча бордим ёр қошина,
Бошинда беш лаълиси бор.
Қалам қошли хумор гўзли,
Мани жоним оласи бор.
(Нозли ёрнинг ноласи бор)

[1] Чиннича – жимжилоғи.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамбаржон — Мусофир жонингни ая,
Хабарингни мандан сўра.
У ён, бу ёнингга қара,
Очилдинг жўрам очилдинг
(Очилдинг дўстим очилдинг)

Махмуджон — Кечалари сўз беришиб,
Маст бўлиб коса олишиб,
Маст бўлиб коса беришиб,
Мани жоним оласи бор.
(Нозли ёрнинг ноласи бор)

Қамбаржон — Ничик мажлисда газарсан,
Жафони чакиб дузарсан.
Подшо мажлисин бузарсан,
Очилдинг жўрам очилдинг
(Очилдинг дўстим очилдинг)

Махмуджон — Юзларини холлари бор,
Лабларини боллари бор,
Нозли ёрнинг оллари бор
Мани жоним оласи бор.
(Нозли ёрнинг ноласи бор)

Қамбаржон — Ғубор келтирма юзингга,
Кўрсатма душмон кўзига,
Тушунгил Қамбар сўзига,
Очилдинг жўрам очилдинг
(Очилдинг дўстим очилдинг)

Маҳмуджон — Хабар олмадим ўзимдан,
Узмадим қизил гулиндан.
Махмуд қўрқмас бу ўлимдан,
Мани жоним оласи бор.

Сўзнинг бошдан оёқина подшо қулоқ солиб турса, «Очилдинг-ёпилдинг» деган ботиниқли сўз. Ёнидаги суҳбатддон кишиларга мурожаат қилдики, биродарлар буларнинг сўзина тушунишганинг борми? Бирови очилдинг дийди. Бирови ёпилдинг дийди бу сўз нималардан иборат? Деянда булар бормас бурун подшонинг қирқ нафар созанда йигитлари бор эди. Подшони отини миниб, дўнини гийиб, пулини ўйнаб юрган ёллиқдор йигитлариннан. Шуларни ичиннан бирови чиқдидон, тақсир, буларни сўзина тушунишмадингизми? Дади. Йўқ, тушунмадик. Унда билган еримизни айтиб билдирсак бўлмасми экан, деганда, айтсанг ҳам зиёни бўлмас, сўзни иборатини англайиш ҳам қийин бўлади, дади. Ол аса Маҳмуджон деган ўғлон геча қизингизни ёнина борған, ҳам қизингизни қўйнина гирган, дади. Кизингиз унга бир рўмолни барган, Маҳмуджон шу рўмолни осилтириб, галиб ўтирибди. Дўсти унга рўмолни яширтириш учун сўз айтиб ўтирибди. «Имомли тарс» деганни Маҳмуджон тарс тушуниб, тарс жавоб бариб ўтирибди. «Очилдинг-ёпилдинг» деган сўзнинг маъноси бу бўлади тақсир, дади.

Нигорхон Паризод берган рўмолини қараса, Махмуджонни киссасиннан осилиб чиқиб турибди. Подшо дарғазаб бўлдидон, булар бу шаҳарни биза ҳаром эткан экан. Иккаласини ҳам олиб бориб боғни тўрина ўтказиб анжирни тагина гўминг, гапи майдонға чиқмасин, дади. Подшонинг суҳбатинда ақилли, риоякўм йигитлардан вазирлари бор эди. Ичиннан бирови турдидан, тақсир тўхтанг, шу борётирғон йўлинггиздан қайтинг. Сўзнинг аввалини олиб сўзласак, Бу икки йигитни ўлдириб юртни бузишга ҳаракат қилманг тақсир, қайтинг шу борётирғон йўлинггиздан, дади. Аҳмад Баққолни нима гуноҳи бор эди донгдириб олдирдинггиз уни, дади. Шул йигитларни таърифина биноан Аҳмад Баққолни донгдириб олдирдинггиз, унда ҳеч гуноҳ йўқ эди, дади. Агарда буларнинг таърифи Сизга ничик бўлиб тушди, ер жаҳонда дурмади. Буларни таърифи Сизнинг қизингиза тушган бўлса, олиб-бориб айтира қўйған бўлса, хотин кишини баржаки от-яроқ бўлмайди, тақсир. Бир жаякли рўммол бўлади, дади. Буни эшитиб подшо ўйланиб қолди. Сал вақт ўтгандан кейин, калласини кўтарди дон «Қўйнина гирди» деган еринг бор ади. Шундан бир исбот айтиб берсанг, дади. Ёнқи чуғуллар аввалги сўзларини ҳам топиб сўзлай билмадилар. Шу вақтинда вазир яна туриб сўз олди, тақсир айтмадимми сизга, дади. Мунгга ўхшаган кишилар яна суҳбатинггизда иккинчи мартаба бўлса, шундай ёмон сўзларни яна топиб чиқади бу, дади. Вазирни сўзина ишониб, подшо айтдики, унда бизни отимизни миниб, дўнимизни гийиб, пулимизни ўйнаб юрган йигитларни сўзи шу бўлодовун бўлса, молларини подшолиқ


www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳисобина олиб, ўзларини юртдан чиқариб, қувлаб юборинг, гетсин булар, дади. Махмуджонларга ҳам буюрдики, бугунги суҳбатимизда ҳаз-ҳўзир буюрмади. Отларинггизни эгарлаб галинг. Бугун бир қума чиқиб ов овлаб, кийик қувлаб кўнгилни кўтариб галамиз, дади. Махмуджонлар отларини эгарлаб галдилар. Подшо уларни маҳрамларина қўшиб, шикора олиб чиқиб гетаварди. Борар экан Махмуджонни отини оёқи бир ўя гиримлаб гетти ва Махмуджон отдан беҳуш бўлиб йиқилди. Подшо буюрдики, Махмуджон бу юришлара бўлмас экан. Олиб бориб қалъада қўйиб қайтинг, дади. Қамбаржон Махмуджонни қалъани дарвозасиннан гиргизиб кейнина қараб қайтди. Махмуджон шаҳар ичина гириб, қалъани ичиннан галётир адики, эндиги сўзни чуғуллардан эшитинг: Улар майдонға чиқиб ўйлаб гўрдилар. Икки бола галиб қирқ хўжалиқни тугатиб юборавардими? Бошқаттдан муни бир иложини гўрали, даб. Девона гийимларини гийиб, қўлларина таёқларини олиб, шаҳарни газиб юрвадилар. Махмуджон шу галишинда уларни қўлина тушиб дураварди. Махмуджонни отдан тортиб олавариб дуриб, ўлмакдан бари атиб уриб, дарё ҳам яқин эди. Олиб бориб дарёға ташлаб юборавардилар, ўли тириги ҳам маълум бўлмасин, даб. Канизлар муни гўриб, бориб Нигорхон Паризода мурожаат қилдилар. Аммо Биви, уч бангги-қаландар Махмуджонни ўлмасдан бари атиб уриб, олиб бориб дарёға ташлади, дади. Нигорхон буюрдики, мани шу дарёни бўйина олиб боринглар, дади. Канизлар эгартиб дарёни бўйина олиб бордилар. Нигорхон Паризод дарёни бўйина бориб, бейикроқ жойға чиқиб, юқори-ошоқни гўриб дурса, Махмуджон гирдобда чумиб-чиқиб оқиб галётир эди. Махмуджон Нигорхонни тўғрисина галиб гирдобда айланған вақтда, Махмуджонни гўззи Нигорхона тушди. Нигорхонни гўззи Махмуджона тушиб, бири дарёни ичинда, бири дарёни қирғоғинда, бир-бирина қараб саволли-жавобли айтишқан шеъри:

### САНДАН БЎЛДИ
**(**Ширвоний I**)**

Махмуджон
Ғаним тутди манинг қўлим,
Энди манга саннан бўлди.
Ҳозир галди гўрдим ўлим,
Инди манга саннан бўлди.

Нигорхон
Қурбонинг бўлайин ёрим,
Ман билурман маннан бўлди.
Махмуд мани интизорим,
Ман билурман маннан бўлди.

Махмуджон
Олло мани ҳайрон этди,
Сув юзинда сайрон этди.
Бир «Марҳабо» вайрон этди,
Энди манга саннан бўлди.

Нигорхон
Махмуджон гирдобда қолди.
Шаҳло гўззим они гўрди.
Маълул[1] бўлиб бўйин сунди.
Ман билурман маннан бўлди.

Махмуджон
Махмуд айтур гал гетали.
Ҳақнинг амрини тутали.
Бу меҳнатга шукр этали.
Ажал паймонамиз дўлди.

Нигорхон
Бул сўзимда ёлғон бўлмас.
Ажал етмай киши ўлмас.
Нигорхон ҳам сендан тонмас
Ман билурман маннан бўлди.

Нигорхон Паризод сўзини тамом қилғаннан кейин, ман саннан қолиб на бўламан даб, қанот қоқиб, парвоз этиб Махмуджонни устина дарёға қараб отди ўзини. Иккови ҳам сув юзинда қужоқлашиб оқиб бадар геттилар.

Подшо номозгар, номозшомда шикорни сўвиб қалъаға қайтди. Қамбаржон олдинроқ қалъага гириб гўрса, канизлар йиғлашиб дуриб эди. Савол қилдики, қани нима учун йиғлийсизлар? Канизлар воқеани баён этди: Уч бангги-қаландар Махмуджонни уриб ўлмасдан бари атиб, олиб бориб дарёға ташлади. Нигорхон Паризод ҳам буни эшитиб, ўзини дарёға ташлаб, икковлари оқиб бадар кетди, дади. Қамбаржон шуларни ташлаған ерина мани ҳам олиб боринглар даб, уларға мурожаат қилди. Қамбаржонни эгартириб, дарёни бўйина олиб галдилар. Махмуджонлар учун Қамбаржон дарё билан даволашиб, дарёға қараб бир шеър айтади:

---

[1] Маълул – ғамгин, хафа.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАЙЛАДИНГ
(Қирқ минг илғор)

Ғофил эдим галдим энди бу жойға,
Қонхўр дарё қардошимни найладинг?
Йилим туғди гуним гечар ҳар ойға,
Қонхўр дарё қардошимни найладинг?

Ғанимлар тўсдими сани йўлингни?
Сани бойладими нозик қўлингни?
Калимага келтирдими тилингни?
Қонхўр дарё қардошимни найладинг?

Дўстим томошосин дуриб гўрмадим.
Гавҳаримни қимматбаҳо сотмадим.
Пиримни амрини маҳкам тутмадим
Қонхўр дарё қардошимни найладинг?

Йўлдошиннан айрилибон қолибдур
Қизил юзи зафарондек сўлубдур
Гўринг дўстлар гўё Қамбар ўлибдур
Қонхўр дарё қардошимни найладинг?

Қамбаржон сўзини тамом қилиб, кейнина қайтиб от чоптириб шаҳар ичина гирдилар. Аҳмад Баққолни ёнина бордилар. У айтдики, қани Қамбаржон сани қонинг қоралиб, юзинг соралибди. Санга на бўлди, дади. Аммо бобо уч бангги-қаландар Махмуджонни ўлмасдан бари атиб уриб, дарёға ташлабди. Нигорхон ҳам эшитиб, ўзини дарёға ташлаб, оқиб бадар кетибдилар, дади. Аҳмад Баққол меҳмон эгаси бўлғондан кейин, уни ўли-тиригини топиш керак дейиб, дарёни бўйина чиқиб, уни ёқалаб, гамачи, балиқчи, қайиқчилардан сўроқлаб айтиб дурған сўзи:

## ГЎРГАН БОРМИ
(Шо кўчди ўзбекча)

Эй ёронлар мусулмонлар
Махмуджоннан гўрган борми?
Билар билмас нобакорлар
Эркахоннан гўрган борми?

Душмонлар маломат доқиб
Қахбо фалак бағрим ёқиб,
Икки ўлик гетти оқиб,
Иккисиннан гўрган борми?

Йиғлаб қолди онда эллар,
Хазон уриб сўлди гуллар,
Саҳар вақти эсган еллар,
Махмуджоннан гўрган борми?

Қамбар айтур бу на сўздур,
Қаҳрабодек сўлған юздур,
Бири ўғил, бири қиздур,
Иккисиннан гўрган борму

даб сўзини тамомо этгандан сўнг. Ҳеч гўрдим билдим деган киши бўлмади. Дарёни бўйинда юрган болалар бор эди ки, улар айтдилар. Аммо биродарлар, кўп вақтдан буён дарё бўйини қараб юрибсизлар. Агар топмаган бўлсанггизлар Бибихон деганни ҳовузини қулоғи дарёни соқоси[1], шунгга уриб геткан бўлмасин шуни бир борлаб гетинг, дади. Қамбаржонлар Бибихонни ҳовузини соқосини ёқолаб унинг боғина гирдилар. Бибихон еринннан туриб, чой-чилимнан ёзилишиб ўтирған вахтинда, тўқитқаға[2] икки ўлик галиб диқилған эди. Уларни олиб гулзорнинг ўртасинда қўйдирған эди. Шу ернинг ўтинда сувинда бир каниз юрвади, булар бориб шуннан сўрадилар. Бизларни дарёға тушиб геткан бир йигитимиз бор эди. Шуни дарёдан топмадиқ деган вахтинда, жувоб бердики, Бибихон дарёдан оқиб галган икки ўликни тутиб олиб гулларни ўртасинда тарбиялаб қўйибди, дади. Қамбаржон гириб гўрса, Махмуджон билан Нигорхон сочини бир қулоч қилиб шарпилдаб ётибди. Қамбаржон буларни устинда дуриб зори-гирён билан бир шеър айтади:

## ТУР ЕРИНГДАН
(Шо кўчди)

Ётурмишсан гўззинг сузиб,
Махмуджоним тур ерингдан.
Ётурмишсан маълул бўлиб,
Махмуджоним тур ерингдан.
Эркахоним тур ерингдан.

Сиё зулфингизни ёйиб,
Доғлар билан дилим ўйиб,
Дардим мустар маълул бўлиб,
Махмуджоним тур ерингдан
Эркахоним тур ерингдан.

Ман юрибман эллар газиб,
Айролиққа бағрим дузиб,
Дардим мустар гўззинг сузиб,
Махмуджоним тур ерингдан
Эркахоним тур ерингдан.

Ето билмадим ёнингга,
Гирибсан ажал дўнина,
Ўт солдинг Қамбар жонина,
Махмуджоним тур ерингдан
Эркахоним тур ерингдан.

[1] Соқоси – сув боши.
[2] Тўқитқа – қувур, сув ўтадиган тешик.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўт солдинг Қамбар жонина деб, Қамбаржон бир оҳу-фиғону, нола қилди, еру-кўк ларзага келди. Аҳмад Баққол, сувга чўккан кишиларни қарайдиған ҳакимлар бор эди. Шуларни ахтариб чиқиб гетти. ҳакимларни олиб галиб буларни қаратиб боқтирдилар. Махмуджон билан Нигорхон Паризодни ҳакимлар қараб, буларни ютқан сувларини қайтариб бўлғонлариннан кейин, икковлари аксириб-аксириб юзларини сийпалаб, ериннан турдилар. Кейин Махмуджон билан Нигорхон дарёға тушиб ўлиб, Бибихон деганни боғиннан чиқиб дирилибди, деган сўз жаҳон олама овоза бўлиб гетти. Бу хабар Мансур деган подшони қулоқина етти. Подшо айтдики, йўғе, ўлик ҳам тириладими, дади. Тирилар экан деб ишонтирғаннан кейин, риоякўм вазирларини ёнина олиб подшо шу боға галди. Қараса эшитган сўзларининг бари дўғри. Доно риоякўм вазирлар буларнинг тортқан риёзатларини эътибора олиб уларнинг бир-бирларина етганликларини билиб, уч кун тўю-томоша қилиб, Нигорхон Паризодни Махмуджона никоҳлаб бардилар. Шу вақтинда Бибихон Қамбаржонан сўрадики, аммо хон ўғил, Сан булар учун кўп мехнат қилиб, жафо чекибсан. Сани кўнглинг налар истайди, деганда, Қамбаржон Бибихона қараб

## КЎНГЛИМ МАНИ

(Раҳм айла)

Араб отларни минганда,
Тоғлар истар кўнглим мани.
Сувли-сувли зар чашмали,
Боғлар истар кўнглим мани.

Сиё зулфинг ужи[1] бурма,
Лабинг шаккар тилинг хурмо,
Ғарқилдашқан ғозу-турна,
Бозлар истар кўнглим мани.

Авжи намозгар чоғинда,
Ошиқлар кўнгли жўшганда,
Ёрим билан учрашганда,
Нозлар истар кўнглим мани.

Қамбаржон айтадур ўзим,
Беҳудаға гетмас сўзим,
Гумбурдаган дутор созим
Созлар истар кўнглим мани.

Қамбаржон сўзини айтиб тамом қилғаннан кейин, бу сўзни Бибихонни отаси, яъни шу юртнинг подшоси эшитиб дурғон ади. Қамбаржона раҳми галиб, Бибихонни Қамбаржона никоҳ қилиб, тўю-томошо атиб барди. Оно тўй тамом бўлғаннан кейин, Махмуджон билан Нигорхон, Қамбаржон билан Бибихон ўз ҳазинда, базминда боғда сайри-томошо қилиб юрвадилар, шу вахтинда Қамбаржонни ёдина Ганжи-Қорабоғ тушиб, айтиб дурғон сўзи:

## ГЎРИНДИ

(Рахм айла)

Эй оғалар ёр йўлинда,
Бейик дапа доғ гўринди.
Ётсам сар ҳовуз бўйинда,
Ганжи-Қорабоғ гўринди.

Ёрим газар боғ ичинда,
Мушки анбарлар сочинда,
Сонсиз гўзаллар ичинда,
Бибихон сўно гўринди.

Ошиқларни кўнгли шоди,
Яхши ўғилдир муроди,
Ҳар йигитнинг югурак оти,
Кўнглина Буроқ гўринди.

Банди бўлсам гул юзина,
Шакардан ширин сўзина,
Қамбаржонни бу гўззина,
Бибихон сўно гўринди.

даб, сўзини тамом қилди. Оно Махмуджон Нигорхонни, Қамбаржон Бибихонни олиб ўз юртларина бориб, давру-даврон сурганликларини таъриф ва тажойифлари шундан иборат. ТАМОМ.

[1] Ужи – учи, гажаки.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

(Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев айтган намунаси)

Ғарибжоннинг ёри Шоҳсанам Шоволад подшоға одоғланиб тўй бошлағон вақтда, Ғарибжон кални суратинда бўлиб, кўр бўлиб ётқан энасини ёнина галиб, дуторини сўраған вахтинда, энаси айтадики: ўғлим сани ўзинг ё Ғарибсан, ё Ғарибни гўрибсан. Сани парданг мани қулоқима кўп-кўп ёқди. Ман сани гўрганда ўғлимни гўргандин бўлдим. На ғанимат манга бир дийдор ғанимат. Бешўн йўл соз чалиб бариб гет, дийди. Ғарибжон қўлина зарли-дилли қазмасини олиб, зили-бом дузиб, азарбайжон номалариннан, дол сар пардалариннан, ва қиёсий номалардан, чапандози номалардан энасини қапталинда чиртиб, чиртиб дуторни буён олиб суяб қўяварди. Энаси онгри Ғариб аканлигини ҳукум қилмасдан, уни таний билмасдан иккинчи маротаба унга қараб айтқан шеъри:

Ҳориб чарчаб галган азиз меҳмоним,
Болама мангзийди овозинг сани.

## «ОВОЗИНГ САНИ»

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Ҳориб чарчаб галган азиз меҳмоним,
Болама мангзийди овозинг сани.
Бер хабаринг эрта чиқмасдан жоним,
Болама мангзийди овозинг сани.

2. Аввалда жон билан нозим гетибдур,
Кўлимдан айрилиб ғозим гетибдур,
Қўйнимдан айрилиб қўзим гетибдур,
Қўзима мангзийди овозинг сани.

3. Мажолим гетибдур ҳолим гетибдур,
Давлатим гетибдур молим гетибдур,
Ғариб одлиғ манинг ўғлим гетибдур,
Ўғлима мангзийди овозинг сани.


www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Баҳорим гетибдур норим гетибдур,
Тар очилған навбаҳорим гетибдур,
Қатордин айрилиб Нарим гетибдур,
Наримга мангзийдир овозинг сани.

5. Ғариб газган жойға сан ҳам борибсан,
Онинг билан сози суҳбат қурибсан,
Ё Ғарибсан, ё Ғарибни гўрибсан,
Ўғлима мангзийди овозинг сани.

Кампир бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин, Ғарибжонни бир синглиси бор эди, унга Гулжамила даб од барадовун адилар. Гулжамила айтадики, Эна шул йигитни овозлари мани акамни овозина ўхшар акан, дади. Кўп замоннан бари эланиб саннан дуторни сўраб дурибди. Шул дутор шу йигитни боши оёқи билан гетса ҳам бариб яралик. Майли гатириб барса ҳам, бармаса ҳам, дийди. Манинг ҳам акам ёт элларда зўрланиб-хўрланиб мусофирчилик тортиб юригандир, дийди. Кампир ўғлини донийвўлмасдан раҳми галиб, қўлина дуторни чиқариб барибарди. Ғарибжон дутор қўлина илгандан кейин, онасина ўзини донитмасдан тўйға қараб қийшайиб гетаварди. Тўйхонаға борса чор тарафдан халқ жийнолғон, қирқ зинали кўшкни устинда Шоҳсанм билан Гулинаҳор паризод кўшкни тейинда айтқан кишиларни гўзлаб қарашиб дурған. Кўшкни тейиннан ҳам биров айтиб, биров гетиб дурған. Ғарибжон бир четдан бориб, марака майдонни четиннан гирганнан, Ғарибни вўра ворса вўрдан қовдилар гет кал, даб. Бера ворса бердан қовдилар гет кал, даб. Ғариб қовила-қовила, қовғин остинда шу кўшикни тейина ворди. Кўшкни тейина борса вўрда бир кичкина самовархона бино бўлған ади. Ғарибжон ҳеч ердан ўрин топмасдан ёнқи самавохонани ичина гириб гўрса, икки йигит гурринглашиб ўтирған ади. Ғариб борғаннан бу йигитлар гуррингни қўйиб-қўйиб ўтиравардилар. Ғарибжон айтдики: ҳов жўралар, нима гурринг атиб ўтирвадинглар, нима учун гуррингни қўйдинглар, дади. Ул йигитлар айтдики: ов жўра санга гуррингни айтамиз, аммо, оғзингнан чиқармийман даб шарт қилсанг, дади. Ғарибжон оғзимнан чиқармийман даб шарт қилади. Унда ул йигитлар айтадики: бизларни бир Ғарибжон деган жўрамиз бор ади. Мактабда бирга ўқишқан, бир такада бош қўйишқан. Унинг Шоҳсанам қиз деган бир паризод ёри бор ади. Шул Шоҳсанамни Шовалад деган подшога тўйи бўлётир ади. Шул жўрамиз шуни олар ади, даб берни овлоқроқ гўриб шул жўрамизни ёд қилиб ўтирибмиз дади. Санга шарт қилғаннинг воқеасини айтиб баралик. Сан бизларни айблаштириб юрма, дади. Ғарибни одини қатоғон қилиб, Шовалад деган подшо бизга ўз юртинан жой бариб қўйибди, дади. Сани ким аканлигингни билмаганимиз ҳаққинда санга ву шартни аҳд қилдирдиқ дади. Ғарибжон айтдики: эй дўстлар шу Ғариб сизларнинг жўрангиз акан, манинг ҳам бир яхши жўрам, дади. Лекин шунинг савапиннан, маннам сизлар билан бирга жўра бўлсам, мани жўра даб қабул қилсангизлар қандай бўлар акан? дади. Ёнқи йигитлар Ғарибжонни донимасдан жўраликқа қабул қилиб, гўришмака қўл узатқан вахтинда, Ғарибжон ҳам уларга қўл узатқан вахтинда қўлтиқина солиб борған ёнқи дутор кўна пўстинни ичиннан гўриниб гетаварди. Ғарибни дуторини дониб, ёнқи йигитлар Ғарибни маҳкам ушлийдилар. Қани ов жўра, Бу Ғарибни дутори санда нишаб юрибди, дийди. Шу вахтинда Ғарибжон айтадики, дўстлар ман сизлара аввалда гурринг атиб барганманку ахир, дийди. Ғариб сизларни жўрангиз акан, мани ҳам бир яхши жўрам, деганман, дийди. Лекин бу дуторни энасиннан мувaққатча бу тўйға аккалганман. Маннам шу кўшкни тейинда бир қўшиқ айтиб ўтмакчиман, дийди. Шу вахтда Ғарибжонни қўлиннан тутиб кўшкни тейина олиб чиқадилар. Ғарибжон кўшкни тейина чиқса, биров айтиб, биров гетиб дурғон. Шоҳсанам билан Гулинаҳор паризод ўн дўрт гунлик ойдин, панжайи офтобдин бўлиб, қирқ зинали кўшкни устиннан айтқан йигитларни томошо

қилиб, онгри бориб, барии галиб, гўзлашиб-қарашиб дурған. Ёнқи йигитлар Ғарибжонни сўллатмасдан айтдиларки: Қани биродарлар бизларни шу дулли бир дўстимиз бор ади. Муни бир оз-моз созандачилиги бор ади. Бу ҳам бир умид билан бу тўйға галган ади. Шу кўшкни тегиннан бир ашула айтиб ўтмакчи, деганнан, тамомий ердан овоз чиқавардики, айтаварсин, даб. Ғарибжон ўрта ера ўтиб, зорли-дилли қазмасини олиб, ўрта ера чиқиб, кўшкни тегина бориб, айтқан шеъри:

## ТУШДИМДА ГАЛДИМ

(Гуландом)






www.ziyouz.com kutubxonasi


 Нич-ча эл-лар газдим сар-гар-дон бў-либ,
Ҳар марда но- мар-да си-рим бил- ди-риб,
Му-ро-да ет- га-ним ду-шим-да гў- риб
Мардонни кў- линнан тутдим- да гал-дим.
Дилбарим ман
сад-қа қад-ди бў- йинг-га ў-зинг-ни ўх- шат-тим э-рам о- йинг- га
Қошларинг манг-зий-ди ка-мон ё- йи- га Бир ёр сав-до- си-на туш-дим-
да гал-дим.




Оғолар тун-гежа Ҳалаб Ширвондан,
Бир ёр савдосина тушдимда галдим.
Айб айламанг дўстлар мани галди даб,
Шул ёр савдосина тушдимда галдим.

Ничча эллар газдим саргардон бўлиб,
Ҳар мардга номарга сирим билдириб,
Мурода етганим душимда гўриб,
Мардонни қўлиннан тутдимда галдим.

Дилбарим ман садқа қадди бўйингга
Ўзингни ўхшатдим эрам Ойига
Қошларинг мангзийди камон ёйига
Бир ёр савдосини тушдимда галдим.

Ҳалабдан чиқмишам номоздан эрта,
Ўйлардан югурдим, баланддан йўрта,
Карбало чўлини олдим гунорта,
Бир ёр савдосина тушдимда галдим.

Юзингни ўхшатдим байрам ойина,
Қошингни ўхшатдим камон ёйина,
Ман ботибман маломатни лойина,
Дарё каби дўлиб дошдимда галдим.

Номозшомда галдим кулба хонамга,
Сирим билдирмадим божим энамга
Ханжар ёросини чакдим сийнамга
Хориж ерлардин ўтдимда галдим.

Отимни боғладим нор оғачина,
Бир камон ташладим дор оғачина,
Қурбон бўлсин бошим ёр оғочина,
Мавлон қанот барди учдимда галдим.

Созимни гўтариб галдим уйингга,
Қурбон бўлай ёрни қадди бўйина,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамни тўйина,
Мавлон қанот берди учдимда галдим.

Ғариб ошиқ Шоҳсанамни тўйина бир ёр савдосина тушдимда галдим, дади. Ғариб сўзини охиринда ўзини исмини айтишга дўғри галди. Ғариб ошиқ деганни эшитиб, юриган марака — майдонни жаллодлари ҳозир юривади, Ғарибни шарб эттириб донгиб ўта гетти. Донгиб подшони алдина олиб бордилар. Подшо донгиб борған кишига савол қилдики: қани ов бородарлар бу кални донгиб гатирибсизлар, шу кални гунойини оди на бўлди, дади. Донгиб борған кишилар жувоб бардики: тақсир, узоқда бир мейривончилиқ атвадингиз: кимки Ғарибни одини оғизласа, боши ўлим моли пошшолиқ, давадингиз. Бул калнинг эшитур гунойи бўлмади-ю, гунойининг оди шу бўлди. Бу кал Ғарибни одини оғизлий қўйди бу, дади. Подшо ҳам Ғарибни одини эшитган вахтда ярага читнаған ёли ади, ёқмас ади. Подшо ҳукум қилдики: унда оппориб бу зангғар кални баланд дорға чакинг, гўргана гўз, эшитгана қулоқ бўлиб дурсин бу кал, дади. Мунгингдин калдан беш-ўни ўлгани билан одамни тухуми туганмас, бизни тўйимиз тамом бўлинчалли, дади. Ғарибжонни қўлиннан қулоқиннан тутиб олиб гетмакчи бўлдилар. Ғарибжон айтдики: тақсир, рухсат қилинг, ман бир икки оғиз айтиб гетин, дади. Подшо айтдики: амрим вожиб опор ос, дади. Бир ўнгайинда қўлларини жаллодлардан тортиб олиб, Ғарибжон подшо томона ўнгарилди. Тақсир, рухсат қилинг даб айтаман сизга, дади. Сиз бир катта подшо акансиз, ман бир оддий

кишиман, дади. Амринг вожиб, дади. Мани сўзларимни эшитиб, онгрёон-барёнина чиқ. Уннан кейин қайси дорингга чаксанг чакавар. Ўйламаки, сани алингнан оложақ ҳеч биров йўқ, дади. Подшо мажбур бўлдики сўраш учун, эй кал  нима сўзинг бор айт, дади. Айтсам ман Ғарибжон амасман, у бир ғариб бир мусофир йигитман, ўзга юртдан галган, дади. Ман бир четда,  бир чеккада ўз ғарибчилиқимни, бечоралиқимни айтиб йиғлаб дурғонман. Шул вахтинда, сизнинг одамларингтиз мани гаппи-сўзимни орён-барёнина чиқмасдан, донгиб сизни ёнингиза галтирди. Аммо, ман шу донғини остинда, галётирған вахтда, фикрлаб галётирадимки, буларнинг вазирлари қу ахмоқ кишилар акан дон, подшолари ақилли, доно  киши даб галётир адим тақсир, дади. Сизни аткан ишингиза газик галган вахтинда сизнинг баҳойингиз булардан шойи юқори акан-қу, дади. Агарда мани ҳақоратлаб сўзни айтдинг даб, тўфиқалиқ қилсангиз, сабаблари бор тақсир, сабабларини сўллаб бараман, дади. Сабаблари шундан иборат, тақсир, дади. Эй кал, сани устингда мунча гаплар бор акан, сан бу гапинга нима жавоб барасан, деб маннан сўраған бўлсанггиз ман ўзимни фикрим бўйича сизга сўллаб барган бўлар адим, дади. Сиз уни қилмадингиз-дон, булардан одимни сўраб, маникини сўрамин опора-оппор, оса-ос, чопа-чоп этавардингиз, шунинг учун ҳам яна айтаман, булара гўра ҳам каттароқ ахмоқ сизни ўзингиз акансиз, дади. Подшо бундин гапни умр бўйича ҳеч кимдан эшитмаган ади.  Ғарибдан бу сўзни эшитиб подшонинг боши туман қочиб гетаварди. Кўп замонлар подшо халқумини гўтарди-дон, эй кал санинг шу сўзлаб дурған сўзларинг дўғрими ? дади. Тақсир ажаб одам акансиз ов-сиз, дади. Агарда ярамас эгри ифлос сўз вахтинда сиза ўхшаған бир ката подшони алдинда муни гапириб бўлами? дади. Подшо айтди: сани сўзинг дўғри бўладовун бўлса, биз санга гуноҳкор бўлар аканмиз, дади. Сан тўй ўтинча тархон бўлақўй, дади. Ётиб айт, туриб айт, бой, да, бечора, да, ғариб, да, оғзинга галганни айт, оёқинга галганни бос, санга ҳеч ким зот демасин, дади. Санга бир атган зиёдатим шу бўлсин, дади. Қуллуқ тақсир, шу меҳрибончиликинга, дади. Шу айтқан сўзинг эл-гуна етарлик, бизга даркорлиқ қисмлариннан шу, дади. Аммо шуни ҳам бир бўлмйжоқ ери вор тақсир, дади. Нери дасанг, мани ўзим сўллаб бараман тақсир, дади. Бўлмийжақ ери шўриннан иборат, дади. Мани мунингдин тархон қилиб, катта генг ҳуқуқ бариб юбарғанлиқингиздан тўй аҳли беховор, дади. Ҳали ман кўшк тагина чиқмоқчиман, ашула айтмоқчиман,  кўшкдан катта мукофот олмоқчиман, дади. Бориб, «Ой — » деганнан донг гатир, донг гатир, йўл ҳалак, ман ҳалак, икки йўлни ўртасинда қатнаб ўламан тақсир яна, дади. Мани дум орқайин қилиб юбарсангиз,  сизда на кўп  одам кўп, дади. Баянтли, кувватли кишингиздан бирини қўшиб юборсангиз, дади. У тўя чиқиб томоша гўрса, ҳам мандан хавордор бўлса, маннам ўзим бориб, ўзим чиқиб, орқайин юраман тақсир, дади. Подшо ву гапни маъқул топди. Подшони ёнинда бир вазир бор ади, одина Ҳасанхон даб од барадавун адилар. Подшо айтдики: аммо Ҳасанхон биз бу кала гуноҳкор бўлған аканмиз, дади. Мунга бизни аткан зиёдатимиз шу бўлдики, бу кал тўй сўвилинча тархон, дади. Ҳам сан тўйға чиқиб томоша гўр, ҳам  шу калдан хавардор бўлиб юривар. Бу кал оғзина галганни айтсин, оёқина галганни боссин, ғариб дасин, бой дасин, бечора дасин, мунинг билан ҳеч кимни иши бўлмасин, дади. Вазир на дийди: тақсир, бу ўта геткан оғир хизмат бу, дийди. Уни маннан бошқа одам бажаравўлмийди, тақсир, дийди. Вазир ҳам қисликиб, диққат бўлиб ўтирғон подшони ёниннан ҳеч ера чиқавўлмин, тўя бориш ўхшорини топовўлмин. Иккилари эярклашиб тўйхонаға чиқсалар, Ғарибни подшо орқайин тархон атиб иярганлики халқни оғзина тараққий бўлиб геткан акан. Вазир ўз ҳазина гетаварди, Ғарибжон кўшкни тегина ўтаварди. Қани индики сўзни Шоҳсанам қиздан эшитинг: Шоҳсанам Ғарибнинг кал ҳолинда, севикли ёрини шу марака-майдонни илк бошлаб бир четиннан гирган вахтинда тайин Ғариб аканлигини дониб билвади. Подшони одамлари донгиб геткандан кейин, қиз хополаниб панжарага ястаниб, узокдан Ғарибни йўлини қараб дурвади. Ғариб подшодан орқайин тархон бўлиб очиқ равишда қиза қараб бир қўшиқ айтади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй ёронлар севдигимни гўрдигим жойлара галдим.
Санинг Билан ўйнамоққа юрдигим жойлара галдим.

## ЖОЙЛАРА ГАЛДИМ

(Ширвоний 1)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй ёронлар севдигимни,
Гўрдимгим жойлара галдим.
Санинг билан ўйнашмоққа,
Юрдигим жойлара галдим.

Йўлларда қолдим пиёда,
Санамжон қўйма уёта,
Парвонадек ўзим ўта,
Отдиғим жойлара галдим.

Эранлардин олдим потя,
Ё пирим қўйма уёта.
Парвонадек ўзим ўта,
Отдиғим жойлара галдим.

Ўпсам сиймин сақоғиннан,
Сўрсам ширин дўдоғиннан,
Ёрим иссиқ қучоғингда,
Ёттигим жойлара галдим.

Узсайдим боғин гулиннан,
Эмсайдим ширин тилиннан,
Ёрни хиноли қўлиннан,
Тутдиғим жойлара галдим.

Ғариб ошиқ қайнаб жўшиб,
Ишқнинг дарёсина тушиб,
Санинг билан қўл ушлошиб,
Юрдигим жойлара галдим.

Санинг билан қўл тутишиб юрдигим жойлара галдим, дади қиза қараб. Орқайин тархон бўлди ахир инди. Шоҳсанам Ғарибжонни сарлаб, борлаб, қараса устинда кўна пўстин, устиннанам жуп тортиб бойланған. Бир афтода кал дон. Ўйладики, Ғарибжон едди йилдан бона, мейдонларда юриб, зорланиб, хўрланиб қолғон. Лекин бу эгниндаги либосларни оёқина ҳам босмидовун ади. Мунга на барсам акан даб, ўйлаб гўрса, қизни қўлинда қарағай Марҳабо деган рўмоли бор ади. Шу рўмолни ичина бош-оёқ сарпони дуйиб, кўшкни устиннан ғириллантириб Ғарибжонни устина юбараварди. Ғарибжон узокдан қопчиб олди. Ичини ёйиб гўрди, гўрса тамомий нарса талаби бадастур бўлиб дурғон Ғариб. Подшодан орқайин тархон бўлғон, Ғарибжон кейин эйниндаги либосларини ҳар қайсисини ҳар ёна зингиб ташлаб, бош-оёқ сарпойини гийиб, кисаларини ҳам тангга тийнлардан дўлдириб, ёнқи кал шангирдаб тайёр йигит бўлиб дураварди. Ғарибжон ўйлаб гўрдики, бу рўмол буни ҳам бир яхши гўрадовун важи ади. Аммо, яхши гўрганлик ҳам ёғийдан ёмон бўлодовун ади. Бу рўмол ерда қўйсанг чанг бўлжоқ, қўйнинда қўйса дар бўлжоқ, муни ўзиннан бир чақириб сўрайин, на жувоб баради акан, даб. Тўмандаги Ғариб рўмолни ҳақинда кўшкдаги Шоҳсанамга қараб айтқан шеъри:

# ҚАЙГА ҚЎЁЙИН МАН

(Илғор 1)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёрим берган оқ рўмоли,
Сани қайда қўёйин манн,
Боғдан қизил гулни олиб,
Қирмизига бўёйин ман.

Ёрим жабр айлама биза,
Сиё зулфинг дўкма юза,
Сани бармам юз минг қиза,
Гал ёнима севойин ман.

Эйнинггизда бордур ола,
Бири гулдур бири лола,
Санамжон гетма ҳаёла
Қўш норингни ўйнойин ман.

Юзингдан ниқобинг олиб,
Гўйдирма мани уёлиб,
Санинг билан қўл ушлошиб,
Гал ёнима севойин ман.

Ошиқ Ғариб қайнаб жўшиб,
Ишқнинг ўтина тутошиб,
Санинг билан дўлонишиб,
Гал ёнима севойин ман.

Санинг билан дўлонишиб, гал ёнима севойин ман дади, қиза қараб. Қиз рўмолни ҳақинда бу шеърни айтқандан кейин, Ғарибни сўзлариннан маъно ничча тўвиб олди. Аммо, Ғарибжон сан едди йилдан бари мейдонларда юриб ёмон бир дулли бўлиб қолибсан. Ман санга бошқа важларни ҳам баражак адим унга имконият туғдиравўлмин дурипман, дади. Савап дасанг, ман бир катта подшоға одоғли бўлғонман, дади. Шунинг учун шуннан яхши важим йўқ , қўлинга барибман, мейлинг чанг ат, мейлинг дар ат, мейлинг оёқинга чўлаб пайтова ат, қайтариб маннан сўраб юрма уни, дади. Ғарибжон ҳам муни сўзиннан маъно ничча тўвиб олди. Шоҳсанам санинг сўзларингни ораликинда бир сўз ўтиб гетди, шунга қайтадан жувоб бар, дади. Сан улли бир подшо кишилара одоғли дурған акансан, на бир йўллардан ошиб, на бир чўллардан ошиб, на бир жойларни ташлаб геётирған одам, сани барган моли-дунёнг учун, мунингчакки рўмолинг учун галган амас, дади. Галадовун бўлсанг ўзинг гараксан. Ё бўлмаса балли сўзингни ҳозир шу дақиқада айтиб билдирасан даб, тумандаки Ғариб кўшкдаги Шоҳсанама қараб айтқан шеъри:

## ГАРАКМАС

(Кўр қиз)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ошиқларнинг сири халққа айёндур,
Манго сиз ёр гарак, дунё гаракмас.
Бу дунё деганинг бир бевафодур,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ғариб адим кал қўйдилар одимни,
Кима айтай сийнамдаги доғимни,
Паризодим сан эшитгил додимни,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ҳақ одинда гечар оҳ ила зорим,
Гежа гундуз фикри ёди ҳаёлим,
Чин ошиқ на қилар дунёнинг молин,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Барчанинг муродин ўз ёри берсин
Ҳар ким ёри билан ўйнасин гулсин
Ҳар ким муҳтож бўлса охир қийналсин
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғариб ошиқ айтар бу сўзим ростдир,
Бу дунё деганда ҳузур абасдур,
Санамжон ёр санго, манго ким дўстдур,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ғарибжон бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин, Шоҳсанам ёниндаги канизина, Гулинаҳоржон, дади. Едди йилдан бона гетган Ғарибжоним ҳозир озиб-тўзиб бир мартаба галибдир, дади. Ҳозир кўшкни устиннан ман ўзимни ташийман, бу гапни ничик гўрасан, дади. Дур-тўхта, унда санга бир маслаҳат бор, дади. Подшонинг катта тўйи бу, дади. Кўп ердан мунча халқ галган, дади. Шул кўшкни тейинда соз чалиб, сўз айтқан йигит кўп замонлардан бари юрибди ву, дади. Агарда сан ҳам қўлинга созни олиб, кўшкни устинда дурған ерингда бир ашула айтиб бар, дади. Эшитиб Ғарибни кўнгли хуш бўлсин. Бу дурған халқ ҳам сизларни ошиқу-маъшуқ аканликларингизни билсин, дади. Шоҳсанам бу сўзни маъқул тўвиб, кўшкни устинда дурған еринда қўлина тилло пардали созини олиб, зили-бом дузиб, тўмандаки Ғарибжона қараб, қийқириб айтқан шеъри:

Кўнгила тушган оқ қарчиғай боқишлим, хуш галдинг севдигим Сафо галибсиз.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# САФО ГАЛИБСИЗ

(Ширвоний II)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнгила тушган оқ қарчиғай боқишлим,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.
Бу мани жонима ўтлар ёқишлим,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Кўнглим сув ичмади ёрнинг васлиннан,
Ҳар ким вафо истар дўсти-дўстиннан,
Босқан қадамларинг дийдам устиннан,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Насибамиз чакди Ражаб ойинда,
Қулоқ солиб эшит бу лаҳзалар ёдимда,
Жон паёндоз сани ҳоки-пойинга,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

Шоҳсанам қиз айтар сандин сирдошим,
Фироқингда оқар гўззимда ёшим,
Бошлағанда йўлим душган йўлдошим,
Хуш галдинг севдигим сафо галибсиз.

(Бу ерда бахши ўзига руҳий дам бериш учун “Юз бир” куйини чалган).

Шоҳсанам бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин, қани Гулинаҳоржон санинг ҳам сўзинг битди. Ол ташадим, дади. Ўраб жуп ёқосиннан тутди, дур-тўхта. Санга яна маслаҳат бор. Шу соз чалиб, сўз айтиб дурған йигитни тайин Ғариб аканлигини билдингми? дади. Шоҳсанам айтдики, дунё юзинда Ғариб бир бўлодовун бўлса, шуни ўзи Ғариб, дади. Ғарибдан ўтиб геткан ери йўқдур, дади. Шуни тайин Ғариб аканлигини билганлигинг ҳаққинда бир шеър айтиб барасан, дади. Кейин рухсат қиламиз, дади. Шоҳсанам подшоға одоғли дурған вахтинда юзинда едди қат пардаси бор ади. Едди қат пардани олти қатини гўтариб ташлаб, шанггирдап тўрт зина тумана тушиб, тилло пардали созини сийнасина қўйиб, тумандаги Ғарибжона қараб қийқириб айтқан шеъри:

Едди йилги геткан ёрим, хуш галдингиз сафо билан.
Гўззим йўлда гуним гечди, Ишим жабру-жафо билан.

## ХУШ ГАЛДИНГИЗ САФО БИЛАН

(Шо кўчди 1)

**М.М.** ♪ = 76





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Едди йилги геткан ёрим,
Хуш галдинггиз сафо билан.
Гўззим йўлда гуним гечди,
Ишим жабру-жафо билан.

Кўп бўлар ёрнинг армони,
Санамни қийналди жони,
Ўртади доғи ҳижрони,
Душманлара топо билан.

Ойға туташди доғлар
Булбул ўрниға зоғлар,
Ёриннан айрилған йиғлар,
Етиша гўр ибо билан.

Қурбон бўлай ёр бўйина,
Қўлимни солай бўйнина,
Ғариб Санамни қўйнина,
Гирса гарак ибо билан.

Ғариб Санамни қўйнина гирса гарак ибо билан, даб киз, юқорида дуриб ол ташадим даб, товуш барди. Каниз яна ўраб-чирмади. Дур-тўхта. Ай индии сан тўхта, дади. Инди бўлди, сани гаппинг битди, дади. Агарки, Ғариб иккинчи мартаба кейнина қатиб гетар акан, кейинки вахтда саники билан манники бўлмас, дади. Йўқ инди бир маслаҳат бор, унга бир қулоқ қўй, дади, каниз. Ул ҳам едди йилдан бари мейдонларда юриб хўрланиб – зорланиб қолғон, уни гўззи саннан ўтлашган бўлмасин. Инди Ғариб аканлигини билдириб шеър айтдинг, тайин Шоҳсанам аканлигингини билдириб ҳам бир шеър айтасан, дади. Чунки сани тайин Шоҳсанам аканлигингни билса, сийнасини очиб, қулочини ёйиб, ўнгайлашиб қапчиб олмоққа тайёрланиб дуради, дади. Она қизни юзинда бир қат пардаси бор ади. Бир қат пардани ҳам гўтариб ташлаб, оқ - оппоқ, юпқа дўдоқ, бодом қопоқ қиз ена тўрт Зина туманга тушди. Зулфини олдина ташлаб қўлина тилло пардали созини олиб, тумандаги Ғарибжона қараб, қийқириб айтқан шеъри:

Ғарибжоним сан эшитгил зоримни,
Сани галганингни било-билмадим.
Сан эшитгил мани оҳу-зоримни
Сани галганингни било-билмадим.

## БИЛО – БИЛМАДИМ

(Найларман III)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ғарибжоним эшит мани зоримни,
Сани галганингни било-билмадим.
Сан эшитгил мани оҳу зоримни,
Сани галганингни било-билмадим.

Ночорман кейнингнан бора билмадим,
Парвоз этиб санга ето билмадим,
Санинг билан ўйнаб гуло билмадим,
Сани галганингни било-билмадим.

Айролиқ дардиннан йиғлаб юрдингми?
Бир ёт ўлкаларда сарсон бўлдингми?
Аввалдан галмасдан янга галдингми?
Сани галганингни било-билмадим.

Ота-онам қувладилар гетмадим,
Гул юзима пардаларни тутмадим,
Шовалад подшони қабул этмадим,
Ғариб галганингни било-билмадим.

Кимни гул деярлар кимни лолалар,
Айтармишлар сани маннан олалар,
Манга галсин санга галган балолар,
Ёрим галганингни било-билмадим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳсанам дер Шоҳаббоснинг қизиман,
Қон йиғлатиб ёш дўктирдинг гўззимнан,
Қарорим йўқ ташлар бўлдим устингга,
Сани галганингни било-билмадим.

Санам бу сўзни айтқаннан кейин зинама-зина қанот қоқиб, парвоз атиб, Ғарибжон беховор қолма, сани устингга ташадим, деб, «ол ташадим», «ол ташадим», «ол ташадим» даб учинчи сафари қанот қоқиб, парвоз атиб кўшкни устиннан Ғарибжонни устина қараб отди ўзини. Отқаннан кейин Ғариб сийнасини очиб қулочини ёйиб ўнгайлашиб дурвади, галиши билан баробар пешини ера дейизмасдан қапчиб олди. Иккилари қужоқлашиб беҳуш бўлиб йиқилдилар. Подшони тўйи сув сапкан ёли бўлди. Бу сўз подшони қулоқина дейди. Подшо икки жаллодни буюрдики, боринг Ғарибни ўлдиринг-у қизни бона апкалинг, дади. Галган жаллодлар ҳам ожини, сужини дотиб, кўп ишларни бошшиннан сўвиб, ўтириб юрган, якто бир ўктам сара йигитлар ади. Буларнинг ўлдиришга кўнгли бўлмин, ҳар қайсиси бирини каллаларини тиззаларина олиб, марҳабо рўмоллари билан юзларини сийлаб – сийпаб тарбиялаб ўтиравардилар. Эндики сўзни халқдан эшитинг: подшони тўйина йиғилишқан халқ верда-берда, беш бир, ўн бир ҳамма Ғарибни гаппини сўлламак билан бўлавардилар. Жаллодлар айтдики: эй дурған халқ, сизлар катта подшо дуриб уни гаппини сўлламийсизлар, Ғарибни гаппини сўллийсизлар. Ғарибни эткан ишлари сизлара дўғри галади гарак, дадилар. Халқ айтдики: албатта, Ғарибни гаппини сўзлашимизда сабаблар катта дади. Ғариб билан Шоҳсанам дунёға чиққандан бари данг ошиқ-машуқ бўлишиб, мактабда бирга ўқишиб, данг ўсишиб юрган ади, подшо бу қизни мажбур қилиб олётир, ади. Кейинги вахтда подшони тиламасдан Ғарибни устина ташаб қолди. Шунинг учун Ғарибни гаппини дўғри даб топамиз дади. Жаллодлар айтдики: агар оғзингиздаги шу сўзларингизни подшони алдина бориб гапирсангизлар очиқ равишда шу қизни подшонинг қўлиннан олавўласизлар, дади. Подшо бизлара ўлдир даб буюрвади, бизлар подшони амрини қилмасдан, буларни ётишларини гўриб, ўлдириша гўззимиз қиймин тарбиялаб ўтирибмиз, дади. Агарда қўрқсангиз бизни ўзимиз олдинггиза тушиб борамиз, дади. Шуни қатъий билинг, дади. Подшо беш киши ўн кишини ўлдириш учун қуввати бўлади, халқни бир четдан қиравариш учун подшоға ҳуқуқ барилмийди, дади. Тўйни эллик пойиз халқи Ғарибжона тарафдор бўлиб, подшони олдина бормоқчи бўлдилар. Шоҳсанам билан Ғарибжон икковлари аксириб-аксириб юзларини сийриб ериннан турдилар. Жаллодлар халқни эгартириб, буларни подшо томона олиб жўнадилар. Қани инди сўзни Шовалад подшодан эшитинг: подшо Ғарибни ўлдириб, қизни олиб галади, даб узоқдан шикирдакини чўзиб ўтирвади, қараса халқни эгартириб, вазирларини ўрталиқинда Ғариб билан Шоҳсанам қўл тутишиб подшони алдина борётир. Подшо узоқдан гўриб таъсири қочиб гетаварди. Эй жаллод , ман сизлара на даб буюрвадим, буюрған вахтда, дади. Тақсир, сизга бир-икки оғиз сўз дўғри галди, шуни айтмақа галётирмиз, дади. Подшо айтди: шу дурғанерингда айт, буёна ўтма, дади. Вазирлар айтдики, тақсир унда ора узоқроқ бўлди. Гапни чўзиб ўтирмағали, тўйни нотўғри бошлаған акансиз. Бу қиз аввалдан ҳам Ғарибжонники акан-ку ахир, дади. Ғарибжонники бўлмаған вақтда едди йилдан бари умид атиб юрибсиз, қирқ гунн бўлди тўй бошлабсиз, бу бечора бир ғариб ничик бу ерда ҳозир бўлади тақсир, дади. Боринг ҳозир ҳам бўлсин, дади. Қирқ зинали кўшкни устиннан бир қиз ташади, уни бир йигит қапчиб олди деган сўза ишонасизми? Тақсир, дади. Ишонарли сўз амас бу, дади. Бунга ишониш ҳам гарак амас, дади. Сабаб дасангиз, ҳар ниччалли бир ғўч йигит бўлса ҳам бир долонни бошшиннан бир қовунни қапчиб олавўлмийди, дади. Аммо буни ташағанлиқи дўғри, муни қопчиб олғанлиқи ҳам дўғри. Шўрини билиш гарак, дади. Сизни подшолиқингизни қиз тилаган эмас, дади. Ўлсам шу Ғарибни устинда ўлин деган фикр билан ташаған. Ғариб тўманда дуриб қопчиб олған. Бизларни ўлдиришга буюрдинггиз, бизлар ҳам


www.ziyouz.com kutubxonasi

шуни устина бориб қолғон, тақсир, дади. Ишонмасангиз мана халқдан сўранг, дади. Халққа сўзни бариб юбараварди. Халқ ҳақиқатни сўллаб, подшони гаппини тушириб, Ғарибни гаппини кўтариб, думли-душдан олати - қасқар тўполон қилишавардилар. Подшо айтдики: вой кал эй, тунинки ўлима буюрған кал сан акансан ов, дади. Тунин ўлиб гетаваришинг ҳам дўғри галаварар акан-дон, дади. Мани қўлимнан бир ҳийла йўллар билан қутулиб гетдинг-дон тунин, дади. Қизни олғанинг — олғон, олибсан бурунқидин йўқалавар бир чека мейдонлара қараб, дади. Қизни олиб, халқни эгартириб, мани устима галиб, мани мунингдин оввора қилиб дурғанинг наси бу, дади. Тур гўтарил, қизингам қурсин, ўзинг ҳам қури, гўззима гўринма, мейдонларда яшийвар, дади. Ғарибжон айтдики, тақсир қатти гетманг. Сиз орға тушган вахтда едди йил гетканман, дади. Едди йилда мани, қизни бир дули атавўлмадингиз, дади. Индии сизни қўлингиздан очиқ равишда қизни олиб гетаман, шуни билинг, дади. Подшо Ғарибни сўзина ўйланди-да, во-ажабо, Ғарибни оғзиннан эмас, мунга ўхшаған кишиларнинг оғзиннан бу сўз чиқиши гарак эмас ади. Балким, ман мунинг билан жўралашиб, оз-моз сўллашиб, мундаки фикрларни ўзима сингдириб олин, ничик аҳволда кўчар акан, деган фикр билан Ғарибжон шу қиз саники бўлсин, дади. Сан мунинг Билан аввал ҳам бир дули акансан, санго бардик қизни. Лекин, мани бир оғзим ўт, бир оғзим сув, ўта ёққани ўта ёқаман, дорға чакканни дорға чакаман, кимга орқа вариб шу ишни қилдинг, мани қирқ гунки тўйимни ёсқаға айлантирдинг, индии шуни бир сўллаб бар, дади. Ғарибжон подшони саволина шеър билан жавоб қайтарди:

Шум рақиблар ёра ёмон билдирди,
Ўлдирмакдан ғайри кор манго найлар.
Гечибман жонимдин гул оромимдин,
Энди номус билан ор манга найлар.

## НАЙЛАР

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Шум рақиблар ёра ёмон билдирди,
Ўлдирмакдан ғайри кор манга найлар.
Гечибман жонимдин, гул оромимдин,
Энди номус билан ор манга найлар.

Намак каби ҳар қозонда қайнарман,
Тушиб ишқнинг дарёсини бўйларман,
Ўзим норам ганж устинда ўйнарман,
Шоҳсанам бизники зўр манга найлар.

Шоҳсанамни шунқори бор қўлинда,
Чиқиб ўйина солар-соғу-сўлинда,
Мансур каби Анал Ҳақ даб дориннан,
Осилдим зулфиннан дор манга найлар.

Този солсам жаралли гул дуз бўлур,
Ошиқ маъшуқина юзма-юз бўлур,
Бул ишларим халқ ичинда сўз бўлур,
Шоҳсанам бизники зўр манга найлар.

Қурбон бўлин гўзалимни одина,
Ҳар кимни етирсин ўз муродина,
Ғариб ёнди Шоҳсанамнинг ўтина,
Парвойим йўқ дўзах – нор манга найлар.

Подшо айтқан ади-дон: ўта ёқсам нишатасан? даб ўтни гўрсаткан ади. Жавоб қайтаради-ки, едди йилдан бари ман Шоҳсанамни ўтина ёнғанман. Дўзахинга ҳам парвойим йўқ мани ёқиш учун, дийди. Бир киши едди йилдан кўп ёнами? Қурбон бўлин гўзалимин одина, ҳар кимни етирсин ўз муродина, дийди. Ғариб ёнди Шоҳсанамни ўтина, парвойим йўқ, дўзах – нор манга найлар, дийди. Дорини гўрсатади, дора чаксам нишатасан, дийди. Осилдим зулфиннан дор манга найлар, ман зулфиннан осилғанман, дор амасми шу, дийди . Бу дурған халқ подшони сўзиннан Ғарибни сўзини устун аканлигини билиб, подшони тўйиннан исмини ўчириб, Ғарибжонни одина жар чактириб, тўйини бошлаб юбаравардилар.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

(Қодир бахши Жуманиёзов айтган намуна)

Қадим замонда Боғдод шаҳрининг бир подшоси бор ади. Мунго Шоҳаббос подшо дар адилар. Мунинг вазири бор ади Ҳасан вазир деган. Подшо, вазир иккиси ичлари қисилиб[1], қума ов-овлаш учун чиқдилар. Подшонинг алдиннан бир бўғоз товшан[2] учраб ўтди. Подшонинг раҳми галди. У товшан орроқдан бориб Ҳасан вазирнинг ҳам алдиннан учради. Вунинг ҳам раҳми галди дон ўқ қаратмади, қушни ҳам ювармади. Сўнг дам олишма атиб, манинг алдимнан бу учди, манинг алдимнан ву қочди даб ўтирғон вахтинда подшо айтдики: энг бошда манинг алдимнан бир бўғоз товшан учраб ўтди. Лекин уни отмадим, чунки уйда манинг хотиним ҳам бўғоз ади. Ҳасан вазир ҳам айдики: подшойим ву жанавор манинг ҳам алдимнан учраб ўтди, мани ҳам хотиним бўғоз ади, дади. Подшо айтдики: санинг хотининг қиз дўғса, маники ўғил бўғса қизингни барармисан? дади. Эй пошшойим «Қопдагини Қодир билар» балким маники ўғил бўғиб, сизники қиз дўғса, сиз барамисиз? дади. Бporарман, дади. Ман ишонмийман дади. Қандай қилсам ишонасан? дади. Манинг билан икки алдин[3] нома ёзишасиз, дади. Агар мани қизим бўлса, сани ўғлинг бўлса барарман. Агар сани қизинг бўлиб, мани ўғлим бўлса оларман, даб подшо нома ёздириб муҳрини босиб барди. Ойдан ой, гуннан гун ўтиб подшонинг хотини қиз дўғди. Мунинг одини Гулшосанамжон қўйдилар. Сўнг Ҳасан вазирнинг хотини ўқил дўғди, ман ғарибман, бечораман, ёт элларда юрибман даб мунинг одини Ғарибжон қўйди. Бир-бирларини қулоқларини чишлатти[4]. Едди гежа-гундуз тўй-томошо бардилар. Булар едди-саккиз ёшина гирдилар ва мактаба бирча[5] Санамжон-Ғарибжон бўлиб қатнашиб юрдилар. Ўн, ўн беш ёшларина қадам қўйганда Ҳасан вазир вафот бўлиб дунёдан ўтди.

Инди Ғарибжон билан Санамжон иккиси, эй Ғарибжон инди иккимизни ишимиз бир бўлсин, болалардан бурунроқ мактабга галиб, ички сир айтишиб ўтирали, ўйнашали-гулишали, дади. Ихтиёринг, дади Санамжон, агар ким геча қолса икки ёниннан бир жуп бўса баргайли, дади Ғариб. Ажаб бўлғай, дади Санамжон. Ғарибжон ухлаб қолавариб Санамжона ютқазаварди. Анасина айтди: эй ана ман шарманда бўлиб дурипман. Санамжон билан баҳс ўйноғон адим, ҳар гуни геча қолиб, ҳар ённан жуп бўсаларни бардим, дади. Инди болам сан бу нарсалар учун ғам ема. Сани эртароқ турғазиб ювараман. Сан ҳозир уйқунгни олавар, отанг қазо қилиб геткан бўлса ҳам ҳар қачон Санамжон саники бўлади, дади Ғарибнинг онаси.

Шохсанамжоннинг Ойхонхон деган анаси бор ади. У подшога айтди: инди қизингни бўйи етибди, уни кима бармалисан[6]? дади. Ман аллақачон Ҳасан вазирни ўғли Ғарибжона бариб қўйибман дади. Эй сан бир подшо одамсан, қайси бир одам етима қизини баради? Подшодан подшо, шоҳдан шоҳ қиз олишар, дади. Ундай бўлса қизингни мактаба юбарма, дади подшо.

Инди Ғарибжон билан баҳс ўйнаган Санамжон эртароқ туриб, китобларини қўлтиқина қисвади, анаси айтдики: эй Санамжон сан инди бошқа ҳунар ўрган, мактаб вахтинг ўтди, дади. Санамжон, ҳеч бўлмаса шугун боройин даб, анасина ёлвориб-ёқориб беш калима сўз айтар бўлди:

---

[1] Ичлари қисилиб – зерикиб.

[2] Бўғоз товшан – ҳомилалик қуён.

[3] Икки алдин – икки энлик маъносида.

[4] Чишлатти – тишлатти, қулоқ кертти одати.

[5] Бирча – биргалашиб.

[6] Бармалисан – бермоқчисан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЁНДИРМА БЕРДА

(Эшвой)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Арзимни эшит мани, ҳурматли ана,
Ана ман дардлини ёндирма берда.
Оқ сутинг аммишам ман қона-қона,
Ана ман дардлини ёндирма берда.

Алингда пиёла қонима дўлсин,
Ишқингда гул юзим сарғайиб сўлсин.
Ёниб-гўйиб устихоним кул бўлсин,
Ана ман дардлини қийнама берда.

Бармоғимда тилло узук қошлидур,
Ичимда ўт ёнар, гўззим ёшлидур,
Раҳм айла ожиза, қаро сочлидур,
Ана ман дардлини ёндирма берда.

Ман ёра интизор йўлини дунаб,
Мани хароб этма жонимни қийнаб,
Шохсанам қиз айтар ишқини сийнаб,
Ана ман дардлини ёндирма берда.

Санамжон анасина шунчалли ёлвориб-ёқораварди қирқ ёнли қафаса тушган қуш янглиғ потирдади[1]. Анаси уни ювармин маккамлийварди[2]. Санамжон дорвоза томонни қўйиб ёз ённан бориб, Ғарибжона ўзимни билдирайин даб, китобларини қўлтиқина қисиб кўчаларда юриб борётирғон еринда яна беш калима сўз айтар бўлди:

## АЙРО СОЛДИНГ




[1] Потирдади – типирчилади.
[2] Маккамлийварди – маҳкамлайверди.


www.ziyouz.com kutubxonasi


жа-фо бир-ла (ай) но-ра сол-динг. Жа-фо бир-ла (я)
но-ра сол-динг.
Жа-фо-лар бир- ла хун э- тиб,
Гўз-да ё- шим (ай) Жай-хун э-тиб,
Ма-ни Лай-ли Маж-нун э- тиб,
қи-зиқ-ли бо- зо-ра сол-динг а-жиб бир бо- зо-ра солдинг
Шохсанам дер: бўл-дим га-до,
Ғa-ри-би-ма (я) жо-ним фи-до,
Най-лай ин-ди (эй) «Қо-дир» Ол-лоҳ, Ға-ри-бим-нан
(ай) ай- ро сол- динг Ға- ри- бим- нан
(ай) ай- ро сол- динг.

Зулминг билан кобҳо[1] фалак,
Мани ёрдан айро солдинг.
Иброҳимдин ўта ёқиб,
Жафо бирла нора солдинг.

Жафолар бирла хун этиб,
Гўзда ёшим Жайхун этиб,
Мани Лайли Мажнун этиб,
Қизиқли бозора солдинг.

Шосанам дер: бўлдим гадо,
Ғарибима жоним фидо,
Найлай инди «Қодир» Оллоҳ,
Ғарибимнан айро солдинг.

Инди ҳар гуни сабоқини аъло бажарадиган Ғарибжон, сабоқни билса ҳам билмаганга солди. Ҳар гуни вадали вахтинда галадувун[2] Санамжон бугун галаолмади. Ўқитиб ўтирган муллоси: эй Ғариб яхширoқ ўқи, даб алиндаки ҳассаси билан манглайиннан[3] бир дуртди. Ғарибжон унга қараб беш калима сўз айтар бўлди:

## САНАМ ГАЛМАДИ

(Раҳм айла)




[1] Коҳбо – қаҳрли.
[2] Галадўвун – келадиган.
[3] Манглайиннан – пешанасидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй ёронлар жонажонлар,
На бўлди ёрим галмади.
Дўғон қардош меҳрибонлар,
На бўлди ёрим галмади.

Бу дардлар ничик дард бўлди,
Юрагим зардоба дўлди,
Гўззим йўлинда дўрт бўлди,
Эйланди[1] Санам галмади.

Галаман даб вада атди,
Галар ваъдасиннан ўтди,
Эртадан чошгоҳа етди,
Эйланди Санам галмади.

Ё бировнинг пандин олди,
Ё бир ғайри билан бўлди,
Ё бир ёмон дарда қолди,
Эйланди Санам галмади.

Дардли қул истар табибин,
Ҳеч киши билмас насибин,
Санам йиғлатти Ғарибин,
На бўлди ёрим галмади.

Бу сўзни эшитиб, муллоси ҳайрон бўлди. Ман мунго ўқи дасам бу манга ву сўзни айтади. Шу вахтда муллоси ман бир шамоллаб галин даб дешона чиқди. Чиқса қўлтиқинда китоби билан Санамжон мактаба гира билмасдан дурипти. Муллосина муножот қилиб Шосанамжон ҳам беш калима сўз айтар бўлди:

## ОЗОД ҚИЛ
(Мухаммаси бахши I)




[1] Эйланди – ушланиб қолди, кеч қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Булбули бечорасан, гул ишқида фарёд қил.
Динмайин, шому-саҳарлар дод ила бедод қил.
Ошиғи саргашта бўлсанг, уйқуни барбод қил.
Бир иморат сол галиб, ишқ уйини обод қил.
Жон муллам бир замон, Ғарибжонни озод қил.

Ҳар киши, мундай балолар бирла бўлса бешумор,
Қолмағай кўнглинда онинг зарра янглиғ бир ғубор.
Титрашар, сиймоб янглиғ танда жоним беқарор.
Ёримиз мактаб ўқир, бизлар бу ерда интизор.
Жон муллам бир замон, Ғарибжонни озод қил.

Қўймади ўз ҳолима бу чархи каж даврон мани.
Ҳажр даштинда қуюндай этди саргардон мани.
Ишқ офати қилибдур, дарди бе дармон мани.
Ёқди, жисмим ҳажр ўтига дилдаги армон мани.
Жон муллам бир замон, шул ёримни озод қил.

Тиғи бедоди фалак ерга оқизди қонимни.
Билмадим ҳижрон тунида дилдаги нуқсонимни.
Титрашар кўкда малаклар эшитиб афғонимни.
Жон чиқмасдан бурун бориб кўрайин ёримни.
Жон муллам бир замон, шул ёримни озод қил.

Бир муаллимсан замона, шаҳр ичинда бокарам.
Даргоҳингга юз тутиб, ёрим жамолин истарам.
Бол ўрнига манга оғу ичирди дарду ғам.
Дамрилиб мисли гадодай ёрин истар Шоҳсанам.
Жон муллам бир замон Ғарибжонни озод қил.

Бу гапни эшитиб мулласи ҳайрон бўлди. Ғарибжоннинг сабоғини билмаганининг сабаби шул экан даб, болаларнинг бошқаларина жавоб бериб юбарди. Ғарибжона то сабоғини билмагунича юбармийман даб устиннан занжирлаб қўйди. Эй тавба, деди Ғариб, Санамжонни ўтина ёнганда бу устина-устак бўлдими инди? даб Санамжона ишорат атди. Санамжон товус янглиғ товланиб унга яқин галди. Эй Ғарибжон, ман вада вахтинда гала олмадим, мани саннан, сани маннан айирдилар деди. Анам билан отам мактаба юбормийдиғон бўлдилар. Маннан икки жуп бўсангни олмоқ бўлсанг ол, деди ва эшикда дуриб, Ғарибжона қараб беш калима сўз айтар бўлди (иккисини айтишуви):

## ҒАРИБИМ

(Қирқ минг илғор)





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

***С.*** Қулоқ солиб эшит мани арзимни,
Сиздан биздан даврон ўтди Ғарибим.
Оллоҳ солди айроликни жабрини,
Душман айрилиқа тутди Ғарибим.

***Ғ.*** Жудо тушдим дебам қайғи емагил,
Манманликнинг бир гун заволи бордур.
Айрилиқ дардиннан гулдек сўлмағил,
Бу камликнинг охир камоли бордур.

***С.*** Қайдаги камолдур қайдаги висол,
Йиғлаб ўтар бўлдим нича моҳи, сол.
Гал қочоли ўзинг гўрсат йўла сол,
Душман биза юзин читти Ғарибим.

***Ғ.*** Қайғини кўп ема мейнатинг ортар,
Айриликни тиғи бағрингни йиртар.
Ёлғондир бу сўзлар тағдира тортар,
Ҳар кишининг юз, минг хиёли бордур.

***С.*** Сабр айламак билан бўлмас бу ишинг,
Маънисин айт манго гўрган бу тушинг.
Дурсанг ғам-ғуссадан қутулмас бошинг,
Галган давлат қуши гетти Ғарибим.

***Ғ.*** Ғариб айтар қайғи билан ўлтирма,
Зафарондек бўлиб ранггинг сўлдирма.
Оҳ тортиб кўйнингга ғубор галтирма,
Азалдан бир қисмат қилғони бордур.

***С.*** Санам айтар деган сўзинг айтмасанг,
Мани бир гежада олиб гетмасанг.
Ўзга бир ерларда ватан тутмасанг,
Пичоқ устихона етди Ғарибим.

Ғарибжоннинг ёнина Шохсанамни галганини билиб, отаси изиннан киши юбарди. Ғарибжонни қариндош-дўғғанлари бир узоқ жойя қочириб юбардилар. Ундан кейин Шоҳаббос подшо Ғарибжонни едди йил сургун қилиб юбаради. У бир бойнинг қўйини боқиб чўпонлик қилиб икки йил юрийди. Унинг бир чўпон жўраси бор ади. Бир гуни Ғариб айтди: эй жўра, мани бу ерлара галганима икки йил бўлади. Изимда қолған Шохсанамжон деган ёрим бор ади, дади. Бошимнан ўтганини санга бир-бир баён этайин даб, қўлиндаги чўпон таёқни дутор атиб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# БОРА БИЛМАДИМ

(Эшвой)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Икки йилдир айро душдим ёримнан,
Иложим йўқ ёра ета билмадим.
Ҳеч ким хабар олмас, манинг ҳолимдан,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Оди асли Санамжон сўзи мазали,
Сўзлаганда ширин дили саноли.
Бармоқлари бўғин-бўғин хиноли,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Икки йилдур ман галибман бу ёна,
Санамжонни бори йўқи гумона,
Киши ёрдан аро тушса ёмона,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Барчани яратган қодир худойим,
Шоҳсанам қиз дерлар кўнгил хушгойим,
Ғариб айтар дилимдадир санойим,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўпон дўсти айтдики: ҳей занғар, санинг кейнингда шунингдин ёринг бор акан, на учун бу ерларда юрибсан? дади. Ғариб айтди: бу мол боқтириб, қўй боқтириб қўйган одам мани юбормийди. Бўлмаса бу ерларда бир замон дурорим йўқ, дади. Ҳей занғар, уни иложини сан билмийсан, дади жўраси. Боқиб юрган молларингни ўтсиз ерда боқ. Суворма, Қуёша қоқ атиб ориқлатавар, қани сани оғанг, сани бир замон қўярми акан, дади. Шундан сўнг Ғарибжон молларни ўтсиз ерда боқодовун бўлди, сувормади. Бир гун эгаси молларини галиб гўрса, ичи-ичина ёпишиб ётибди. Шунда эгаси: ҳей занғар бор нердан галган бўлсанг шу ёна ура[1], даб Ғарибжонни қувиб юбарди. Инди Ғарибжон шундатиб ўзини юртина галди. Бу ердан гетканима икки йил бўлди. Боғдод шаҳрини бир айланиб ўтайин, даб шаҳар ичина гирса судхур бой сўллашиб ўтирибди. Эртанг қул бозоринда қул қиммат бўлади, чунки Шоҳоббос подшонинг қизи ишлатиб юрган қуллардан иккиси ўлибди амиш, шунга қул бозорина қул олиш учун чиқади. Ғарибжон бу сўзларни эшитиб, манинг Санамжоним қула мухтож бўлғон акан, даб шундин қараса қуёшламада чарх йигирб, калаб сотиб ўтирғон бир кампира гўззи тушди. Ёнина бориб эй ана мани анам бўл, ман сани ўғлинг бўлин. Бу ерда Шоҳаббос подшонинг қизи Санамжон қула зарур бўлибди. Эртанг мани қул бозорина чиқориб сотасан. Мани баҳоимни сўраса минг тилло дийсан, дади. Бу қулинг нучун қиммат даса, манинг қулим ошиқ, созанда, гўянда даб дураварасан, дади. Кампир қачон бозор галар акан даб гўззи дўрт вўлди. Ғарибни юзина қорани чалдириб, бошина бир қўша рўммолни боғлатиб, қул бозоринда дураварди. Чошгоҳ вахтина галганда, Санамжон қулларни савдолашиб, сўрашиб галаварди. Сани қулинг нича тилло? тўрт юз, Саники на? беш юз. Ҳей кампир сани бу ҳабаш қулинг на? даб сўради. Манинг қулимни каскитли баҳоси минг тилло, дади кампир. Бошқа қуллар арзон бўлса санинг қулинг қиммат ов? дади. Мани қулим ҳунарли, дади кампир. На ҳунари бор? даб сўрадилар. Бу қул ошиқ, созанда, гўянда дади, кампир. Шоҳсанам шунда, мани Ғарибжонимни сози, сўзлариннан билмасми акан бу, даб қани, қулингнан бир нарса эшитали? дади. Бозорда бир кишининг сотмоли вўлиб юриган икки дутори бор ади, бирисини олиб Ғарибнинг қўлина бардилар. Ғарибжон алинда сози, оғзинда сўзи, бир ничалардан тимсол галтириб, Санамжона қараб беш калима сўз айтар бўлди:

## ОЛ САНАМ

(Қирқ минг илғор)




[1] Ура – жўна.



www.ziyouz.com kutubxonasi




Қулоқ солиб эшит мани арзимни,
Олар бўлсанг қул жойингга ол Санам.
Киши билмас мани асли зотимни,
Олар бўлсанг қул жойингга ол Санам

Бу беш гунлик ўтар дунёйи поний,
Кўп бўлар ошиққа маъшуқни они,
Гавҳар нишон бўлсанг, гавҳарни дони,
Олар бўлсанг қул жойингга ол Санам.

Жоним олар тар хиноли қўлларинг,
Ошиқни гуйдирар ширин тилларинг,
Жафокаш бўларлар Бағдод қуллари,
Олар бўлсанг қул жойинга ол Санам.

Рақиблар алиннан озод қил мани,
Харидорсан бугун сотин ол мани,
Ғариб айтар ҳақ ошиқман, бил мани,
Олар бўлсанг қул жойингга ол Санам.

Санамжон, Ғарибжонни дониб, эй кампир, бу қулинг айтқанингнан ҳам зиёда акан, яна бир сўз айтсин дади. Ғарибжон қайнаб жўшиб, алинда сози, оғзинда сўзи, Санамжона қараб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# НА БЎЛДИ

*Қутлимурод Ҳожиев* мусиқаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Гулар юзли сарви қомат нигорим.
Бу сўзни памина етсанг на бўлди.
Барча одам биза душман дилдорим,
Рақиблардан ҳазар этсанг на бўлди.

Жамолинг гўрмакка ман интизорман,
Бу ишқнинг дардиннан ман беқарорман.
Ўлинчам Санамжон ман харидорман,
Солланиб алдимнан ўтсанг на бўлди.

Ҳар ошиқ даврини сурар чоғинда,
Булбуллар сайрашар чаман боғинда,
Ман юрибман айролиқни доғинда,
Санамжон марҳамат этсанг на бўлди.

Ғариб айтар ҳаёлимни йитирдим[1],
Сани гўриб ақли ҳушим гетирдим,
Озод бошим банди қилиб соттирдим,
Харидорсан сотиб олсанг на бўлди.

[1] Йитирдим – йўқотдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оно инди Ғарибжонни Санамжон яхшироқ дониб, минг тиллони сонаб бариб, кампирни вахтини хўшлаб, Ғарибжонни еталаб гетаварди. Инди бугун геч мунинг билан хаворлашсам, дўст-душман отама билдирар, яхшиси эртанг хаворлашин даб, ҳей қуллар бу қулдан хавордор бўлинг даб, Ғарибжонни қулларни орасина ювариб гетаварди. Ғарибжонни гўзлари дўрт бўлиб қараб ўтирди, галажак Санамжон йўқ. Қорланиб боғни деволиннан сакраб ўтиб ўзининг кулбахонасина бориб, Оводон деган анаси, Гулжамила деган синглиси билан гўришиб сўллашиб ўтирди. Санамжон эртаси галиб қуллардан сўради: охшомқи ҳабаш қул қани? қуллар айтдики: билмадик, гежадан бари йўқдир, дадилар. Санамжон, Ғарибжон гежа хаворлашмаганим учун қорланиб гетибди дон, даб ўйланди.

Шохсанамнинг Хўжа боғбони бор ади. Ғарибжонни гўрсанггиз орадан икки гун ўтганнан кейин боғбона хизматкор бўлиб гирди. Одини кал даб доништирди. Боғбон ҳар йили икки марта гулчаман боғлаб Шоҳсанамжона совға қилиб юбарар ади. Ғарибжон муни гўриб юриб, эй усто, манам бир чамангул боғласам бўлами? дади. Бўлар дади, боғбон. Ғарибжон қайтиб галиб боғбона етим бўлиб хизмат атиб юрганини бир қоғоза сиё топмин, бармоқини қони билан ёзиб бу ҳам бир чамангул боғлади дон, қоғоздагини шеър билан баён атди:

## ДАРДИНГДАН

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Қулоқ солиб эшит мани арзимни,
Гундан-гуна бадтар бўлдим дардингдан.
Налар чакдим фироқингнан ҳажрингнан,
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим дардингдан.

Чаман боғлаб нома ёзиб ювардим,
Сани даб ниччадан юзим ўгирдим,
Роҳат чироғини йиғлаб сўндирдим,
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим дардингдан.

Ихлос билан боғда хизмат аратман,
Билмам қачон мақсудима етарман,
Саҳроларда адо бўлиб ўтарман,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим дардингнан.

Ғарибликда ҳеч ким галмас қошима,
Раҳм этмадинг гўздан оққан ёшима,
Ажал ёстиғини қўйиб бошима,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим дардингдан.

Ғариб адим «Кал» қўйдилар одимни,
Кима айтин сийнамдаги додимни,
Паризоддан бошқа билмас зотимни,
Санга додим айтар бўлдим дардингдан.

Боғбонни гўрсанггиз, бу гуллар дим яхши бўлди даб, Шоҳсанамжона қирқ чамангулни совға қилиб олиб борди. Шоҳсанам боғланган гулларни гўриб, эй боғбон гулларни дим яхши этиб боғлабсизлар, эртанг бизлар боға сайира чиқамиз, боғни ораста қилинг, дади. Боғбон хўп бўлғай даб, севиниб боғда дулли-дулли таомларни пиширтирди. Чамангулларни боғлатти. Боғбон геткандан сўнг, Шоҳсанам гулларни гўрди ичиннан бир чамангул гўззина иссиқ босилаварди. Олиб исқаб гўрди, қараса ичиннан бир нома чиқди. Хатни ўқиб, Ғарибжонни боғбона етим бўлиб юриганини билиб, Ақча билан Гулинаҳорни чақириб, Ғарибдан галган нишона аканлигини билдириб, беш калима сўз айтар бўлди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЁРНИ ГУЛИ ГАЛДИ, ЎЗИ ГАЛМАДИ

(Сарвигул I)

M.M. ♩. = 69






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ақча санга сирим аён айлайин,
Ёрни гули галди, ўзи галмади.
Бошимдан ўтганин баён айлайин,
Ёрни гули галди, ўзи галмади.

Фалак мани қанотимни қайирмиш,
Ғазаб билан мани ёрдан айирмиш,
Билмам инди ёрим кима буюрмиш,
Ёрни гули галди, ўзи галмади.

Қаҳбо фалак бошим қилди ғамхона,
Ўзи галмин, гули галди ғойибона,
Манинг учун етим бўлиб боғбона,
Ёрни гули галди, ўзи галмади.

Шоҳсанам қиз дерлар мани одима,
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Шуннан бошқа ким ҳам етар додима,
Ёрни гули галди, ўзи галмади.

Оно Санамжонни қирқ канизи бор ади, улар билан бирга боға чиқодовун бўлдилар. Канизлар бориб мева-мейиз билан бўлиб гетавардилар. Ақча ва Гулинаҳорлар Ғарибжонни боғни ичини ахтармоқ билан бўлавардилар. Шоҳсупалар дўшалиб дурғон, овқатлар пишиб дурғон, дуллима-дулли мевалар галиб дурғон. Узоқдан гўрсалар боғни бир четинда Ғарибжон ўт ўриб ўтирвади. Шоҳсанамни гўззи Ғариба тушди ва эй Ақча, Гулинаҳор бошима на савдолар тушди, даб Санамжон шосупада ўтириб беш калима сўз айтар бўлди:

## НАЙЛАЙИН

(Раҳм айла)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Ақча галин ғамсиз бошим,
Ғамхона бўлди найлайин.
Бир сўз билан ошна ёрим,
Бегона бўлди найлайин.

Ёнди юрак бағрим ёнди,
Умидим бекора дўнди,
Васлингни чироғи сўнди,
Ҳижрона дўнди найлайин.

Ман галдим они сўроқлаб,
Юрагимни ўта доғлаб,
Ул қочди мандан йироқлаб,
Пинҳона бўлди найлайин.

Қутулмади ғамдин бошим,
Заҳар бўлди ичган ошим,
Ёр йўлинда кўзда ёшим,
Равона бўлди найлайин.

Шоҳсанам қиз энди пира,
Ҳар ким ўз бахтиннан гўрар,
Ёрни кўнгли ўзга ёра,
Гумона бўлди найлайин.

Эй Санамжон, дади Ақча, шунча киши билан галибсан, ҳали ҳам яхши боғда дурибди бу бечора. Ойни, гунни этак билан ёшириб бўлами? биринг ой, биринг гун, дади. Ғарибжонни ман билдим, Гулинаҳор билди, қирқ канизинг ҳам билсин, завқи сафони бирликда сурали, дади. Бошингга тушган савдоларни бу канизларингга бирма-бир баён қил, дади. Шоҳсанам боғни ўртасинда ўтириб, қанизларина насиҳат бариб, беш калима сўз айтар бўлди:

## РАВО БЎЛУРМИ

(Илғор II)





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Севар ёрингдан айрилиб,
Юрмаклик раво бўларму?
Гўзал ёрнинг фироқинда,
Газмаклик раво бўларму?

Юзда маломат гардини,
Сўзи етар номардини,
Эй ёронлар ишқ дардини,
Дардина даво бўларму?

Ман истарам ёрим галса,
Галиб ғамли кўнглим олса,
Бир гун муни отам билса,
Канизлар гуво бўларму?

Фироқ ўтина гўйганнинг,
Сийнасина дош қўйғаннинг,
Ҳар кима сирин деганнинг,
Сўзинда ибо бўларму?

Ёр йўлинда бошин қўймоқ,
Роҳат бериб меҳнат олмоқ,
Шоҳсанамдек ошиқ бўлмоқ,
Бундан интиҳо бўларму?

Оно Ақча галин билан Гулинаҳор, Ғарибжонни ўт ўриб дурғон ерина бордилар. Узоқдан булони гўрган Ғарибжон иккисина қараб, беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# САЛЛОНА-САЛЛОНА

М.М. ♩. = 96






www.ziyouz.com kutubxonasi




Гўрдим ажаб икки пари,
Галар саллона-саллона.
Ошиғининг кўнглин олар,
Галар саллона-саллона.

Бири гулдир, бири ғунча,
Ул бири йўқдур Санамча,
Томоша айланглар барча,
Галар саллона-саллона.

Икки пари ҳамдам бўлиб,
Бир-бириннан нусха олиб,
Қиё боқиб қўлин солиб,
Галар саллона-саллона.

Ўн дўрт гежали ой каби,
Юришлари Хумой каби,
Минг қўйли улли бой каби,
Галар саллона-саллона.

Ғариб дер ошиқ одина,
Ҳақ етирсин муродина,
Дузмам айролиқ ўтина,
Галар саллона-саллона.

Ақча билан Гулинахор Ғарибжонни олиб галдилар. Шоҳсанамнинг қирқ канизининг ичинда бир канизи бор ади, одини Тансиқ каниз дар адилар. Шоҳсанам айтди: эй Тансиқжон, Ғарибжонни алларина бир сув қуйиб юбар, дади. Шул вахтинда каниз Ғарибнинг ҳусни жамолини гўриб унга дейишди. Ғариб силтаб ташлади. Шоҳсанам буни эшитиб, Тансиқ канизни таёқ жазосина буюрди. Тансиқ каниз бу хўрлиқа чидомин, Ғарибжонни боғда юрганини Шоҳаббоса хабар барди. Бу хабарни эшитиб дарғазаб бўлган Шоҳаббос жаллодларни чақириб, дарров Ғарибни тутиб дора осинглар, даб буйруқ барди. Жаллодларнинг вағирдисиннан Шоҳсанама хабар бардилар. Шоҳсанам Ақча ва Гулинаҳор билан маслаҳатлашиб Ғарибжонни Ясмиқ момо деган бир кампирни уйина гизладилар. Жаллодлар галиб боғни қараб ҳеч ердан Ғарибни топа олмадилар. Орадин уч гун ўтди. Шоҳсанам айтди: эй Ғарибжон сани галганингни отам билди, сан бир узоқ юртлара гетмасанг бўлмас, дади. Шунда Ғарибжон ёрига қараб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

## САНАМЖОН

*Комилжон Отаниёзов* мусиқаси





www.ziyouz.com kutubxonasi




Отам билар дейиб қайғи емагин,
Биза бир ёзилғон бордир Санамжон.
Манга мунча ожи сўзлар демагил,
Ошиқлара ҳожат бордур Санамжон.

Отанг билса охир бизни нетарлар,
Фармон билан тутиб олиб гетарлар,
Сани қўйиб мани қурбон этарлар,
Бир боша бир ўлим бордур Санамжон.

Булбул фиғон айлаб айрилмас гулдан,
Жоним чиқармишам бошда кўнгулдан,
Минг жазо олсам ҳам гечмасман саннан,
Ошиқлара гечмак ордур Санамжон.

Ман бир қўзи-қўчқор, сўйсин қурбона,
Бўйним боғламишам зулфинг торина,
Минг йўла бош урсам отанг дорина,
Ошиқларнинг иши зордур Санамжон.

Ғариб айтар: фалак биза дурмаса,
Ўтганларнинг хотирасин гўрмаса,
Отанг инди сани манга бармаса,
Ўлдирса ўлдирсин зўрдир Санамжон.

Ғарибжон охири чорасизлиқдан Ҳалаб Ширвона гетмали бўлди. У ўзининг онаси ва Гулжамила синглиси билан хайр-хўшлашиб гетайин даб, ўзининг кулбахонасина борди. Анасина бошшиннан ўтган савдоларни баён атиб, беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГЕТМАЛИ БЎЛДИМ






www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуш қол энди жоним анам,
Ман муннан гетмали бўлдим,
Шоҳ Аббос хоннинг дастиннан,
Бош олиб гетмали бўлдим.

Газа билмам ушбу ерда,
Санам солди ёвуз дарда,
Ёр-ёр дейиб ёт эллара,
Бош олиб гетмали бўлдим.

Ғариб айтар қариндошим,
Ёнар бўлди ичу дошим,
Инди ёт эллара бошим,
Юрт ошиб гетмали бўлдим.

Оводон момо бу сўзларни эшитиб, гоҳ розичилик бариб, гоҳ бармийин, бу ҳам Ғарибжона қараб беш калима сўз айтар бўлди:

## ЎЗ БАХТИНГГА ТОПШИРДИМ
(Кўр қиз)





www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасан вазир ўлди санга сиғиндим,
Болам сани ўз бахтингга топширдим.
Бир ничча вақт бўйинг гўриб қувондим,
Ғариб сани ўз бахтингга топширдим.

Инди сан гетарсан узоқ йўллара,
Сўроқ солсам ойлик, йиллик эллара,
Мурувват айламин ғамли қуллара,
Ўғлим сани ўз бахтингга топширдим.

Ёр йўлинда бошинг олиб гетарсан,
Инди мани Гулжамилни нетарсан,
Бир ёр учун хунобалар ютарсан,
Ўғлим сани ўз бахтингга топширдим.

Гўззимни равшани нурим сан адинг,
Хаторда суянган норим сан адинг,
Бахти саодатим борим сан адинг,
Болам сани ўз бахтингга топширдим.

Душман юзи қаро бўлсин орода,
Мани қўйди бир туганмас балода,
Оводон дер етаолмадим мурода,
Ўғлим сани ўз бахтингга топширдим.

даб, охирида чорасизлиқдан Ғарибжона рухсат барди. Инди синглиси Гулжамила акасини гетажакина норозичилик билдириб, беш калима сўз айтар бўлди:

## ҚАЙДА БОРАСАН






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан бир сўз ўтмайин,
Жон оғам қайда борасан?
Ўн гулдан бир гул очмайин,
Жон оғам қайда борасан?

Бағрим бўлди пора-пора,
Юрагима солдинг яра,
Бизни айладинг бечора,
Жон оғам қайда борасан?

Гетар бўлдинг бошинг олиб,
Бир қаррини пандин олиб,
Мани ёнар ўта солиб,
Жон оғам қайда борасан?

Яхши ёмонимни билмай,
Капин дўнимни рост қилмай,
Алинг билан гўра солмай,
Жон оғам қайда борасан?

Гечдим ман инди бу жоннан,
Ал чакдим фойда зиённан,
Шумиди умидим саннан,
Жон оғам қайда борасан?

Юрагимни ўта доғлаб,
Иқболима қора боғлаб,
Гулжамил қолар қон йиғлаб,
Жон оғам қайда борасан?

Шундан сўнг анаси ва синглиси билан хўшлашиб, Ғарибжон Ҳалаб Ширвона равона бўлди. Бориб бир хорозмон[1] кампирнинг хорозини ҳайдаб она-ўғил бўлиб юраварди. Бир гун кампирни уйина Боғдоддан бир савдогар галиб тушди. Сан нердан бўласан? дади Ғарибжона. Ман Боғдоддан Ҳасан вазирни ўғли бўламан, дади. Агар сан Ғариб бўладувон бўлсанг, Шоҳаббос подшо қизи Шоҳсанамни Шовалад подшога барётир. Қирқ зинапояли кўшик қурилди. Қирқ гежа гундуз тўй бўлади, дади. Ҳар бир созанда-гўянданинг сози ва овози ёқса минг тилло тангга, қирқ чопон сарпо бариб дурибди, дади. Ғарибжонни ичина ўт тушиб гетаварди. Кампир ёна бориб айтди: Ана кўп дузингни едим, оз хизматингни атдим, манга рухсат қил. Ман Боғдод шаҳрина қайтмалиман[2], дади. Кампир билан хайр-хўшлашиб, Карбалонинг чўлинда чошиб-чўзиб галётир ади, алдиннан бир қора отли киши чиқди. Эй ўғлон галиш нердан, бориш нера? дади. Галишим Ҳалаб Ширвон, боиришим Боғдод шаҳри, дади. Мин отни орқасина дади. Минди, гўззингни юм дади, юмди, оч дади, очди. Қараса ярим гежада эшикини алдинда дурипди. Ғарибжон эшикни қоқди. Ким? дади кампир. Бир худойи меймонман, дади Ғарибжон. Эй меймон мани уйимнан на ҳаз[3] топасан? дади кампир. Мани бир Ғарибжон деган ўғлим бор ади гетишина едди йил бўлади, шуни дардинда йиғлий-йиғлий гўззим кўр бўлди. Уйим афтода, дади Унда Ғариб айтди: эй ана манга ҳеч нарсанггиз гаракмийди, бир чойнак қайнаган чой барсанггиз бўлғони дади. Унда Гулжамила: анажон бори-йўғимиза қойил бўлиб дурибди-қу, меймон олаварали, дади. Мани оғам Ғарибжон ҳам ёт элларда шундин меймон жой сўраб юргандир, дади. Шундатиб, ана-қиз иккиси маслаҳатлашиб, Ғарибжонни ичона гиргиздилар. Чироларни ёқиб, самоварни қўйиб, бир оз чой ичганнан кейин, гўззи деволда дурған ўзининг қазма дуторина тушди. Ғарибжон дуторни олиб ҳар дулли мақом йўлларина чиртаварди. Кампирнинг бағри ариб, худ ўғлим Ғарибжонни дутор чиртишина ўхшар акан, дади. Меймон, сан нердан галётирсан? дади. Эй кампир дади Ғарибжон ман Ҳаллаб Ширвоннан галётирман, дади. Шунда кампир ўғли Ғарибжонни ёд атиб, кўнгли бузилиб, беш калима сўз айтар бўлди:

[1] Хорозмон – тегирмончи.
[2] Қайтмалиман – кетмоқчиман.
[3] Ҳаз – маза.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАНГЗАР

(Шо кўчди)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ҳалаб Ширвоннан йўл ошиб,
Галишинг болама мангзар,
Сар пардадан мақом касиб,
Чалишинг ўғлима мангзар.

Ўрдак учар ҳаво билан,
Булбул сайрар наво билан,
Останғина ибо билан,
Галишинг ўғлима мангзар.

Уч юз олтмиш дири ғойиб,
Ғариб жоним ёнди гўйиб,
Ҳар саҳарлар Санам дейиб,
Нолишинг ўғлима мангзар.

Гўззим йўқ юзинг гўрмакка,
Мажолим йўқ ҳол сўрмаққа,
Қарорим гетти дурмаққа,
Галишинг болама мангзар.

Оводон дер жоним гўяр,
Қон йиғласам рақиб дуяр,
Сўзларингни жоним севар,
Нолишинг ўғлима мангзар.

Эй кампир, деди Ғариб, ман сан айтқон Ғариб амасман, юриган бир ғариб-бечораман, даб анасина қараб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОНА САН ҒАРИБ МАН ҒАРИБ





www.ziyouz.com kutubxonasi




Яқин йўлим узоқ қилма,
Ана сан ғариб ман Ғариб.
Қулоқ сол арзи ҳолима,
Ана сан ғариб ман Ғариб.

Ғариб галар доғдан ошиб,
Ишқ ўтина қайнаб жўшиб,
Қайғусина қайғу қўшиб,
Ана сан Ғариб ман Ғариб.

Ман Ғарибни шогирдиям,
Олтин кумушни гардиям,
Шоҳсанам қиз дардидаям,
Ана сан Ғариб ман Ғариб.

Ғариб деяр ҳолим сўрма,
Ўғлим дебам фарёд урма,
Гўз ёшинг дўкиб ўлтирма,
Ана сан Ғариб ман Ғариб.

Мангдин бир Ғариб-бечора акан бу, деди кампир. Эй ана, деди Ғарибжон бу ерда Шовалад подшонинг қирқ гунлик тўй томошоси бор акан. Ҳамма ердан созанда гўянда, бахши галган акан, қайси бирисининг сози-сўзи ёқса минг тилло пул, бош оёқ сарпо барар акан. Мани дуторим йўқ ади. Шу дуторни барсанггиз, манам шу Шовалад подшони тўйина бориб бир ашула айтсам, деди. Эй меҳмон, деди кампир, бу бир ўғлимнан қолган нишона, деди. Ҳар гун уч маротаба гўззима суртиб қўяман. Бу дуторни ҳеч кишига бармийман, деди. Шунда синглиси Гулжамила айтдики: эй ана тўйни бошланганина ўттиз саккиз гун бўлибди, лекин ҳали бир созанда минг тилло орёнда дурсин, бир шойи ҳам олиб билмабди. Балким бу меймонни сози-сўзи ёқса, минг тилло олса, беш юзни бизлара гатириб барса, даб ана-қиз иккиси ўйланишиб, Ғарибжона дуторни бариб юборадилар. Ғариб юзина қора чакилган, сочлари ўсган, дуторининг папаклари қўлтиқиннан гўриниб дурар ади. Ғарибжон тўя қараб йўвнади. Борса, қўшкда Шоҳсанамни ҳуснини шуъласи жаҳонни тутиб дурибди. Шоҳаббос подшо, Ғариб галса осамиз даб орроқда уч оғоч (дор) ҳам қурдириб қўйган акан. Ғарибни гўриб бир тўда болалар бу на кал, даб калака атиб, ўжашиб югуришдилар. Подшонинг тўйинда воғирди-жанжал бўлмасин даб дузилган назоратчилар бор ади, шулар бу болалардан зўрдан айирдилар. Қарасалар бу калнинг қўлтиқиннан дуторни папаки гўриниб дурибди. Остон алиннан ушладилар дон ҳей кал сан бона юр даб уни созандалар ёнина олиб бордилар. Ҳей кал сан орроқ ўтир сани исинг бор, даб бу вундин деди, ву бундин деди. Ўттиз саккиз гун ашула бўлди, бизлар айтиб бир шойи олиб билмадик, қани бу кал ҳам бир ашула айтсин, деди созандалар. Кал айтсин о кал айтсин билан Ғарибжона навбат бардилар. Ғарибжон оғзинда сўзи, қўлинда сози кўп ерлардан тимсоллар гатириб, Санамжона қараб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТУШДИМДА ГАЛДИМ

(Гуландом)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Оғолар тун-гежа Ҳалаб Ширвондан,
Бир ёр савдосина тушдимда галдим.
Айб айламанг дўстлар мани галди даб,
Шул ёр савдосина тушдимда галдим.

Ниччалар эл газдим саргардон бўлиб,
Ҳар марда номарда сирим билдириб,
Мурода етганим душимда гўриб,
Бир ёр савдосина тушдимда галдим.

Номозшомда галдим кулба хонама,
Сирим билдирмадим божим онама,
Ханжар ярасини чакдим сийнама,
Туҳмат балосиннан қочдимда галдим.

Отимни боғладим нор оғочина,
Бир камон ташладим дор оғочина,
Қурбон бўлсин бошим ёр оғочина,
Баланд-баланд доғлар ошдимда галдим.

Юзингни ўхшатдим байрам ойина,
Қошингни ўхшатдим камон ёйина,
Ман ботибман маломатни лойина,
Дарё каби дўлиб дошдимда галдим.

Созимни гўтариб галдим уйингга,
Қурбон бўлай ёрнинг қадди бўйина,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамни тўйина,
Бир ёр савдосина тушдимда галдим.

Бу сўзни Ғарибжон айтқан замон жаллодлар ёқасиннан тутиб, подшонинг алдина ал оёқини бойлаб олиб бордилар. Подшойим бу кал «Ғариб ошиқ Шоҳсанамни тўйина» даб айтди, дадилар. Оппоринг муни осинг дора дади, подшо. Подшойим арзим бор, арзим бор даб, дорни тагина боринча қичқириб борди Ғарибжон. Тўйга йиғилган халойиқ эй подшойим, ашулани дим яхши айтди, вуни арзини сўранг даб қичқирдилар. Подшо қайтаринг, дади. Ғарибни олиб галдилар. Қани арзингни айт дади, подшо. Бу одамларинггизни ахмоқ дасам сиз улардан ҳам шойи юқори акансиз, ман ўзимни ғарибчилигимни, бечоралигимни айтдим, сизни ву Ғарибинггиз билан на ишим бор, дади. Вой занггар-эй, боринг, тархон[1] бўлсин бу, дади. Нани айтса айтсин, ғарибними-бечораними дади. Қуллуқ подшойим, қуллуқ даб, Ғариб яна Шоҳсанамнинг кўшкини алдина чиқиб беш калима сўз айтар бўлди:

[1] Тархон – дахлсиз.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЮРДИГИМ ЖОЙЛАРА ГАЛДИМ

(Шо кўчди I)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй ёронлар севдигимни,
Гўрдигим жойлара галдим.
Санинг билан ўйнашмоққа,
Юрдигим жойлара галдим.

Ўпсам сиймин сақоғиннан,
Сўрсам ширин дўдоғиннан,
Ёрим иссиқ қучоғингда
Ётдигим жойлара галдим.

Ёрим билан сафо атиб,
Муроду-мақсада етиб,
Оқ қўлин бўйнима чатиб,
Турдигим жойлара галдим.

Узсайдим боғин гулиннан,
Эмсайдим ширин тилиннан,
Ёрни хиноли қўлиннан,
Тутдигим жойлара галдим.

Эранлардан олдим потя,
Ё пирим қўйма уёта,
Парвонадек ўзим ўта
Отдигим жойлара галдим.

Ғариб ошиқ қайнаб жўшиб,
Ишқнинг дарёсина тушиб,
Санинг билан қўл ушлошиб,
Юрдигим жойлара галдим.

Ҳа баракалло! Монго ёқодовун номалардан айтдинг, даб Шоҳсанам бош-оёқ сарпо, минг тангга пул ва бир оқ румол савғо атди. Ғарибжон қайнаб жўшиб, дилинда сўзи, алинда сози, Шоҳсанама қараб яна беш калима сўз айтар бўлди:

## ҚЎЕЙИН МАН

(Раҳм айла)






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi


қўш но- ринг-ни ўй- но-йин- ман
(Хо) Ю-зинг-нан ни-
қо-бинг о- либ, гўй- дир-ма ма- ни у- ё- либ,
Са-нинг би-лан қўл уш-ло- шиб, са-нинг би-лан қўл уш- ло- шиб,
гал ё- ни- ма се- во- йин ман кел ё- ни- ма
се- ва- йин-ман. О- шиқ Ғa-риб
қай- наб жў- шиб, ишқ-нинг ў- ти- на ту- то- шиб,
Кар- ба- ло чў- лин- нан о- шиб, гал ё- ни- ма се- во- йин ман.
гал ё- ни- ма се- во- йин ман.
rit.
гал ё- ни- ма се- во- йин ман.

Ёрим берган оқ рўмоли,
Сани қайда қўёйин ман.
Боғдан қизил гулни олиб,
Қирмизига бўёйин ман.

Ёрим жабр айлама биза,
Сиё зулфинг дўкма юза,
Сани бармам юз минг қиза,
Гал ёнима севойин ман.

Эйнинггизда бордур ола,
Бири гулдур бири лола,
Санамжон гетма ҳаёла,
Қўш норингни ўйнойин ман.

Юзингнан ниқобинг олиб,
Гўйдирма мани уёлиб,
Санинг билан қўл ушлошиб,
Гал ёнима севойин ман.

Ошиқ Ғариб қайнаб жўшиб,
Ишқнинг ўтина тутошиб,
Карбало чўлиннан ошиб,
Гал ёнима севойин ман.

Бу сўзни эшитганнан кейин Шоҳсанам, яна бир ничча моли-дунё, ничча зарри-зебо ташлади. Инди Ғарибжон сал қорланиб, яна беш калима сўз айтар бўлди:

## КЕРАКМАС

(Кўр қиз)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошиқларнинг иши халққа аёндур,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.
Бу дунё деганинг бир бевафодур,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ғариб адим кал қўйдилар одимни,
Кима айтай сийнамдаги доғимни,
Паризодим сан эшитгил додимни,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ҳақ олдинда гечар оҳ ила зорим,
Гежа гундуз фикри ёди ҳаёлим,
Чин ошиқ на қилар дунёнинг молин,
Манга сиз ёр гарак, дунё гаракмас.

Ғариб ошиқ айтар бу сўзим ростдир,
Бу дунё деганинг ҳузур абасдур,
Санамжон ёр санго, манга ким дўстдур,
Манга сиз ёр гарак дунё гаракмас.

Ғарибжон мани унутмаган акан даб, уни дониб, Санамжон юзидаги бир пардани олиб ташлаб, икки зинапоя туман тушиб, Ғарибжона қараб бир сўз айтар бўлди:

## БИЛО-БИЛМАДИМ

(Найларман III)






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Қулоқ солиб эшит мани зоримни,
Сани галганингни било-билмадим.
Сан эшитгил мани оҳу зоримни,
Сани галганингни било-билмадим.

Айролиқ дардиннан йиғлаб юрдингми?
Бир ёт ўлкаларда сарсон бўлдингми?
Аввалдан галмасдан яна галдингми?
Сани галганингни било-билмадим.

Кимни гул деярлар кимни лолалар,
Айтармишлар сани маннан олалар,
Манга галсин санга галган балолар,
Ёрим галганингни било-билмадим.

Ночорман кейнингнан бора билмадим,
Парвоз этиб санга ето билмадим,
Санинг билан ўйнаб гуло билмадим,
Сани галганингни било-билмадим.

Ота-онам қувладилар гетмадим,
Гул юзима пардаларни тутмадим,
Шовалад подшони қабул этмадим,
Ғариб галганингни било-билмадим.

Шоҳсанам дер Шоҳаббоснинг қизиман,
Қон йиғлатиб ёш дўктирдинг гўззимнан,
Қарорим йўқ ташлар бўлдим устингга,
Сани галганингни било-билмадим.

Буларни бир-бирини дониғанини ҳамма билди, лекин бориб булора бир гап айтиша ҳеч ким юрак атавўлмади. Шоҳсанам шунда яна Ғарибжона ва халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

## ГЕТГАЛИ

(Нолиш)

Дарёлар ёқасин сайрон этардим,
Сайронлар этмадим, Сиз ёр гетгали.
Гўрган ошиқларни хайрон этардим,
Хайронлар этмадим Сиз ёр гетгали.

Баҳор гелса қизил гуллар очилар,
Булбуллар сайрашиб қонинг сочилар.
Етти йилдир ёрим ўн дўрт гечалар,
Йиғладим, гулмадим Сиз ёр гетгали.

Бу гўринган бейик-бейик қиёлар,
Ёрим мани ўлса нерда қўярлар.
Тоғ устинда қорлар олтин қуббалар,
Каби товланмадим Сиз ёр гетгали.

Бу гўринган бейик-бейик дапалар,
Онда ёмғир учса мунда сапалар.
Ипак гўйнак ёқалари дуймали,
Гийиб соллонмадим Сиз ёр гетгали.

Сани гўргач ақлим хайрон ўлибдур,
Молу-мулким мани вайрон ўлибдур.
Санамнинг дийдаси гирён ўлибдур,
Йиғладим, гулмадим Сиз ёр гетгали.

Шоҳсанам бу сўзни айтиб тамом қилғаннан кейин, ёниндаги маҳрам канизи Гулинаҳоржон айтдики: Шу соз чалиб, сўз айтиб дурған йигитни тайин Ғариб аканлигини билдингми? дади. Билдим дади. Шу билганлигинг ҳаққинда бир шеър айтиб барасан дади. Шоҳсанам тўрт зина пастга тушиб, тилло пардали созини сийнасина қўйиб Ғарибжона қараб қийқириб айтган шеъри:

## ХУШ КЕЛИБСИЗ САФО БИЛАН






Етти йилги геткан ёрим,
Хуш галдинггиз сафо билан.
Гўззим йўлда гуним гечди,
Ишим жабру жафо билан.

Ойга туташди доғлар,
Булбул ўрнига зоғлар,
Ёриннан айрилган йиғлар,
Етиша гўр ибо билан.

Кўп бўлар ёрнинг армони,
Санамни қийналди жони,
Ўртада доғи-ҳижрони,
Душманлара топо билан.

Қурбон бўлай ёр бўйина,
Кўлимни солай бўйнина,
Ғариб Санамни қўйнина,
Гирса гарак ибо билан.

Бу сўзларни эшитгандан кейин Ғарибжон ҳам алинда сози, дилинда сўзи билан бир ғазал айтди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЕВДИГИМ

*Ганжа Матназаров* мусиқаси






www.ziyouz.com kutubxonasi




Сизни бизни қўйса боғнинг ичида,
Сайрон этсак санинг била севдигим.
Ёрим энди бўйинг етмиш камола,
Боғбон бўлсам тоза гула севдигим.

Қурбон ўлам қошларингга кўзингга,
Сарви қомат бўйларингга юзингга.
Садқа бўлсин ширин жонлар сўзингга,
Раҳм айлагил ман булбула севдигим.

Қошинг меҳробина бошим қўймишам,
Сани ўйлаб ишқ ўтина ёнмишам.
Қоқнус каби нола чекиб қўймишам,
Айла энди роҳат гула севдигим.

Ошиқ эмас ёр жабрини тортмаган,
Самандардек ишқ ўтина куймаган.
Ғарибдайин ёр йўлинда сўлмаган,
Жоним садқа сендай гула севдигим.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан сўнг Шоҳсанам кўшкни зинапоясиннан ўзини Ғарибни устина отди. Ғарибжон Шоҳсанамни бир пешини ҳам ера дейизмасдан икки қўллаб қопчиб олди. Бири у ёқа, бири бу ёқа беҳуш бўлиб йиқилиб қолди. Ҳамма ер тало-тўп бўлиб гетти. Дарров подшога хабар бардилар: Ғариб деган ашулачини устина Шоҳсанам кўшкдан ўзини отди, даб. Боринг иккисини ҳам осинг, дади подшо. Шунда Шоҳсанам ўзлари туғилмасдан олдин подшонинг ўзи ёздириб муҳрини қўйған Ғарибжон билан Шоҳсанамни ёшлигиннан унаштирилган аҳднома-баёзни бутун халққа ва Ғарибжона гўрсатди. Ғарибжон хатни гўриб Санамжон билан беш калима сўз айтишар бўлдилар.

## БАЁЗИНГ






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Тоқатим қолмади сабру қарорим,
Қани келтир ман ўқийин баёзинг.
Ақлим олан оху кўзли маролим,
Қани келтур ман ўқийин баёзинг.

Бир пора Ошиқлар дунёга келар,
Ҳар жойда Санамжон одли кўп бўлар.
Эранлар тушда билгусин берар,
Қани келтур ман ўқийин баёзинг.

Булбул бўлиб тургил орада шайдо,
Муҳаббат ўртада бўлибдур пайдо.
Санамжон бошима солибсан савдо,
Қани келтур ман ўқийин баёзинг.

Улким арса Сизни бизни яратди,
Шоҳимардон анго ёрлиғин этди.
Иккимизни гулбанди хазрат этди,
Қани келтур ман ўқийин баёзинг.

Ғарибжон сўзи тамом аткандан кейин Шоҳсанамжон ўзини кўнглиндаги гапларини баён атиб, бир ғазал айтди.

## НА БЎЛДИ






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi




Қурбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Менинг бу холимни билсанг не бўлди.
Сайри гулистоним моҳи анварим,
Гашти пинҳонимни сўрсанг не бўлди.

Қанча савдоларни солдинг бошима,
Раҳминг келмас кўздан оққан ёшима.
Келмайсанми рўмол олиб қошима,
Кўзимнинг ёшини сийрсанг на бўлди.

Ғам андухим тоғу тоша улашди,
Нолишларим арш аълоға дўлашди.
Кулиб сўзлаганинг кўнглима ёқди,
Бир эркалаб кулиб келсанг на бўлди.

Ошиқ Ғариб ёқма манинг жонимни,
Жафо тиғи бирла тўкма қонимни.
Ишқингда ўлдирдинг Санамжонингни,
Менинг бу ҳолимни билсанг на бўлди.

Тўйга йиғналғон халқнинг ҳаммаси подшони устина борди. Подшойим осиб ҳам билмийсиз, ўлдириб ҳам билмийсиз, дадилар. Булар бир-бирисина ошиқ, яна ўзингизни муҳрли ҳатингиз ҳам бор экан. Ўзинггиз учакдан отилган бир қовунни ҳам қопчиб ола билмийсиз, Ғарибжон Шоҳсанамни бир пешини ҳам ера дейизмасдан қопчиб олди, дадилар. Тамомий халқ Ғариб билан Шоҳсанамни тарапинда бўлди. Подшонинг ўзи бир томонда қолди. Нишатарини билмаган подшо айтди: Эй халойиқ, бу тўй Ғариб билан Санамники бўлсин дади. Ўртадан бир жарчи чиқиб, бу тўй Шоваладники амас, Ғариб билан Шоҳсанамники даб жар қичқирди. Шунда Ғарибжон инди орқайин бўлиб, халқа қараб беш калима сўз айтар бўлди:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# НАЙЛАР

(Қирқ минг илғор)






www.ziyouz.com kutubxonasi




Шум рақиблар бизни ёмон бўлдирди,
Ўлмакимнан ғайри кор монго найлар.
Дўстлар кечибдурман кулли боримнан,
Инди номус билан ор манго найлар?

Намак каби ҳар қозонда қайнарман,
Тушиб ишқнинг дарёсини бўйларман,
Кўнглима галганни баён айларман,
Инди номус билан ор манго найлар?

Олғир қушлар бўлар шоҳнинг қўлинда,
Ҳуркин-дуркин қўнар соғу-сўлинда,
Мансур каби Анал-Ҳақни йўлнинда,
Осилсам зулфиннан дор манга найлар?

Ғўч йигитнинг бўлмас зарра армони,
Номардни ҳеч бўлмас аҳди паймони,
Булбулнинг алинда гулнинг дармони,
Гулшанда ётмишам хор манга найлар?

Гежалар қон йиғлаб гундуз динмишам,
Ичиб ишқнинг шаробина қонмишам,
Ғариб айтар ишқ ўтина ёнмишам,
Жафолар чекмасам ёр манга найлар.

Дади ва кўнгли чоғ бўлиб, Шоҳсанам ёрина қараб уни боғ сайлина таклиф атиб, бир сўз айтқан акан:


www.ziyouz.com kutubxonasi

# БОҒ САЙЛИНА ГАЛАДИ






www.ziyouz.com kutubxonasi





www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғ эгаси боғин этмиш қатоғон,
Шоҳсанам қиз боғ сайлина галади.
Булбуллар қўнинглар гулдан гуллара,
Менинг ёрим боғ сайлина галади.

Наргиз кўзинг юмиб қиё боғмағил,
Кўз ёшинг сабр айла селдек оқмағил.
Нола ҳижрон чекиб бағрим ёқмағил,
Менинг ёрим боғ сайлина галади
Шоҳсанам қиз боғ сайлина галади.

Тўтисан ўзингни сўза чоғлама,
Санобар бўйини кўриб йиғлама.
Сунбул сочингни сан тор-тор боғлама,
Менинг ёрим боғ сайлина галади
Шоҳсанам қиз боғ сайлина галади.

Бинафша бош эгиб тургил хизматда,
Булут тут офтобни бўлиб ҳилватда.
Энди ғамгин бўлиб турма кулфатда,
Менинг ёрим боғ сайлина галади
Шоҳсанам қиз боғ сайлина галади.

Ғарибжон сўзини тамом аткандан кейин Шоҳсанам унга қараб эл-юрт бизларни томошомизни гўрсин даб беш калима сўз айтиб дурғон ери:

## ТОМОШОСИНИ





www.ziyouz.com kutubxonasi


Қўй ла- бинг ла-
би-ма ду-доқ ду- до- ға (ё) Тил-лар гўр-син бол-нинг то-мо- шо- си-ни.
бул-бул гўр-син гул-нинг то-мо- шо- си-ни.
Ишқ е-ли ҳар ким-ни ай- ла- ди бар-бод,
Ҳар ки-ма дуч кел-са ай- ла- ди фар-ёд,
Бе-су-тун то- ғи- ни кўп қаз- ди Фар- ҳод, Ши-рин гўр-син (ай) Фар-ҳод то-мо-
шо- си- ни.
Ху-до- йим я- рат-ди жан-на- ту риз-вон,
Бу дун-ё-да би-за гал-миш минг ал-вон,
Ёр у- чун нич- ча йил газ-ди сар- гар- дон, Лай-ли гўр-син






www.ziyouz.com kutubxonasi




Гал Ғарибим гашт этали бу боға,
Булбул гўрсин гулнинг томошосини,
Қўй лабинг лабима, дўдоқ-дўдоға,
Тиллар гўрсин болнинг томошосини.

Худойим яратди жаннату ризвон,
Бу дунёда биза галмиш минг албон,
Ёр учун ничча йил газди саргардон,
Лайли гўрсин Мажнун томошосини.

Ишқ ели ҳар кимни айлади барбод,
Ҳар кима дуч келса айлади фарёд,
Бесутун тоғини кўп қазди Фарҳод,
Ширин гўрсин Фарҳод томошосини.

Ҳақ солмиш бошима туганмас савдо,
Жаҳон бозорина тушди минг ғавғо,
Ўн икки йил оқди дарёда Узро,
Вомиқ гўрсин Узро томошосини.

Икки ошиқ қўшилсалар жам бўлиб,
Сийналари доғли гўззи нам бўлиб,
Сан ошиқ Ғарибсан, ман Санам бўлиб,
Эллар гўрсин бизлар томошосини.



Уйғур рассоми Ғози Аҳмаднинг
«Ғариб ва Санам» асари

Бу сўзлардан кейин Ғариб билан Шоҳсанам бир-бирина оқ ипакдин чирмашдилар. Шоҳаббос ноилож қолди. Халқнинг талабиннан қўрқиб, Шоҳсанамни Ғарибжона никоҳ қилиб бардилар. Едди гежа, едди гундуз қайтадан тўй томошо бўлди. Бутун халқ тўй тамом бўлинча дик дуриб хизматда бўлди. Шундатиб, Ғарибжон билан Шоҳсанамжон муроду-мақсадларина етиб кўнгиллари ором топди.

Ҳаммамиз ҳам муроду-мақсадларимиза етгаймиз. Эшитганларингиз учун рахмат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИТОБГА КИРГАН ДОСТОНЛАР ҲАҚИДА

1. «Авазхон» достони Гўрўғли туркуми достонларидан бўлиб, 1989 йили Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар бахши Норматов (тор) ижросида, Ҳайитбой Тоғонов (буламон), Ибодулло Собиров (доира)лар жўрлигида «Қаландарим» қўшиғигача бўлган қисми Хоразм телевидениеси томонидан ёзиб олинган.

Авазхонни Хунхоршоҳ қўлидан озод қилинадиган иккинчи ярми эса 1994 йили Бола бахшининг илк шогирди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон бахши Матёқубов ижросида магнит тасмасига туширилди.

2. «Базирён» достони 1964 йили Бола бахши - Қурбонназар Абдуллаев (тор) ижросида, Матниёз ота Оллоберганов (буломон), Салой ота Ортиқов (доира)лар жўрлигида Хоразм радиоси томонидан Ойсултоннинг «Ёлғиз оғам найладингиз» қўшиғигача магнит тасмасига ёзиб олинган. Унинг қолган қисмини 1994 йили Отахон бахши Матёқубов ижросида ёзиб олдик.

3. «Хирмондали» достони 1990 йили Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов (тор) ижросида, Ҳайитбой Тоғанов (буламон), Ибодулло Собиров (доира)лар жўрлигида Хоразм телевидениеси томонидан Қамбаржоннинг «Гўрмакка галдим» қўшиғигача ёзиб олинган. Унинг қолган қисми Отахон бахши Матёқубов ижросида 1994 йили магнит тасмасига туширилди.

4. «Ошиқ Махмуд» достони 1964 йили Ўзбекистон халқ бахшиси, Озарбайжон «Ошиқлар уюшмаси»нинг аъзоси Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев (овоз ва тор) ижросида Ўзбекистон радиосига ёзиб олинган.

5. («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони 1968 йили Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев (тор), Солай ота Ортиқов (доира)ижросида Искандар ака хонадонида бўлган зиёфатда «Ғарибни кўзи ожиз бўлиб қолган онасининг олдига келиши»дан бошлаб магнит тасмасига ёзиб олинган (Ушбу достоннинг Бахши ота ижросидаги бундан бошқа тўлиқ вариантини топа олмадик).

6. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони 1970 йили Қодир бахши Жуманиёзов (гармон) ижросида филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоев томонидан магнит тасмасига ёзиб олинган

Келтирилган достонлардаги нома-қўшиқларнинг бир хил номланишдагиларни турли баландлик (парда)дан бошланиши, куй муқаддималаридаги баъзи ўзгаришлар ҳар бир бахшида ўзига хосдир. Шунингдек достон шеърлари ҳам ҳар бир ижрочи томонидан қандай айтилган бўлса шундайлигича ёзиб олинди ва нотага туширилди. Фольклоршуноснинг асосий вазифаси ҳам ижрочи қандай талқин қилган бўлса худди шундайлигича ёзиб олишда.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши ........................................................................................................................................ 3

БИРИНЧИ БЎЛИМ
ДОСТОНЛАРНИНГ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАРИ

1-боб. Достон ва унинг мусиқий хусусиятлари ......................................................................... 6

2-боб. Достон номаларининг ифода воситалари ...................................................................... 34

ИККИЧИ БЎЛИМ
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

АВАЗХОН ...................................................................................................................................... 75

БАЗИРЁН ...................................................................................................................................... 109

ХИРМОНДАЛИ ............................................................................................................................ 181

ОШИҚ МАҲМУД ......................................................................................................................... 225

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ (Бола бахши ижро йўлидан парча) ..................................... 237

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ (Қодир бахши ижро йўли)..................................................... 265



www.ziyouz.com kutubxonasi

БОТИР МАТЁҚУБОВ

# ДОСТОН НАВОЛАРИ

Муҳаррир *Бахтиёр АШУРОВ*
Рассом *Умирқулова Гулноз Хидир қизи*
Техник муҳаррир *Комолиддин Ўринбоев*
Компьютерда тайёрловчи *Бахтиёр Ашуров*

Босишга рухсат этилди 15.06.2009. Бичими 60x84 $^1/_8$. Шартли босма тобоғи 42,0.
Нашр тобоғи 43,0. Адади 100 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

«BUILDING PRINT» УК да чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 40.

www.ziyouz.com kutubxonasi